



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

№4 (52) 2022

АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ
ПРЕДМЕТА ВЗЯТОЧНИЧЕСТВА В УСЛОВИЯХ
ЦИФРОВИЗАЦИИ

МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА МУДДАТЛАР
МАСАЛАСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ СУД
ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ШАФФОФЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ MASALALARI

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУҲИТНИ
ЯРАТИШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ





МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BOШ PROKURATURASI AKADEMIYASI

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Санобар Мансурова

Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Эркин Юлдашев

Дилшод Раҳимов

Мирақбар Раҳмонқулов

Акмал Саидов

Раҳим Ҳақимов

Патрик Олссон

Ичихаши Кацуя

Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим Болтаев

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Нигмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Гулчеҳра Маликова

Баҳодир Исмаилов

Матлуба Аминжонова

Авазбек Комилов

Адҳам Одинаев

Бахтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуршид Каримов

Носиржон Аскарлов

Алишер Ҳидоятуллаев

Истам Астанов

Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли

гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2018 йил

13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Мақамаси ҳузуридаги Олий аттестация

комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь

201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сон-

ли Қарори билан диссертациялар асосий

илмий натижаларини нашр қилиш тавсия

этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик

фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи

назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда

чоп этилган материаллардан фойдаланилганда

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб

кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган

мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш

мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

веб-сайт: www.proacademy.uz

е-майл: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № ____ Адади 500

Журнал «ECO TEXTILE PRODUKT»

МЧЖда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,

Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

МУНДАРИЖА

| | | |
|-----------------------------------|--|-----------|
| Б.ПЎЛАТОВ, Д.ИБРАГИМОВ | Защита прав и свобод человека – перво-степенная задача органов прокуратуры | 3 |
| Е.КОЛЕНКО | Некоторые вопросы определения предмета взяточничества в условиях цифровизации | 10 |
| М.АМИНЖОНОВА | Етказилган зарарни қоплашга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари | 14 |
| М.МИРСАЛИХОВ | Пенитенциар муассасалардаги маҳқумларнинг меҳнати билан боғлиқ масалалар | 19 |
| Ж.НЕЪМАТОВ | Криминологический мониторинг общественных процессов значимое условие предупреждения преступности | 23 |
| Х.КАРИМОВ | Маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилишда муддатлар масаласидаги айрим муаммолар | 26 |
| Э.ТУЛЯКОВ | Коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратишда коррупцияга қарши таълимнинг ўрни ва аҳамияти | 30 |
| У.АЗИМОВ | Ўзбекистонда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг келиб чиқиши тарихи ва ҳозирги кундаги вазибалари | 34 |
| Ж.ИБРОҲИМОВ | Террорчилик хусусиятига эга жиноятларни содир этган жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи | 37 |
| М.НАЖИМОВ | Оилага ва ёшларга қарши жиноятларда қилмишни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари | 44 |
| А.ОДИНАЕВ | Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўллашни ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш | 50 |
| Э.САБИРОВ | Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффоликни таъминлаш масалалари | 54 |
| Д.ДОВУДОВА | Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари | 58 |
| А.АКБУТАЕВ | Коррупция оқибатида орттирилган активларини қайтариш ва бошқариш масалалари – халқаро ҳужжатлар талаблари ва илмий мулоҳазалар таҳлили | 63 |
| З.БОРСИЕВА | Концептуальные вопросы в противодействии коррупции | 67 |
| О.СУЛТОНОВ | Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш зарурати | 72 |
| С.УСМАНОВ | Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг назарий ва амалий асослари | 77 |
| Қ.РОЗИМОВА | Жиноят қонунчилигида жазо тайинлаш асосларига оид нормалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари | 80 |
| У.АШУРОВ | Оилада содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш масалалари | 85 |
| У.ШАМШИДИНОВ | Фуқаролик процессида прокурор томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари | 90 |



Бахтиёр ПУЛАТОВ,
профессор Академии Генеральной прокуратуры,
доктор юридических наук, профессор
Диёрбек ИБРАГИМОВ,
докторант Академии Генеральной прокуратуры

ЗАЩИТА ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА – ПЕРВОСТЕПЕННАЯ ЗАДАЧА ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ. В статье освещены правовые основы защиты прав и свобод граждан в Республики Узбекистан, реформы по их совершенствованию, задачи органов прокуратуры, результаты проведенных работ и перспективы сферы.

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг такомиллашиши, ислоҳотлар, бундаги прокуратура органларининг вазифалари, амалга оширилган ишларнинг натижалари ва келажакдаги истиқболлари ёритилган.

ABSTRACT. The article highlights the legal basis of protection of human rights and freedoms in the Republic of Uzbekistan, its improvement, the tasks of prosecution bodies in the related reforms, the results of carried out works and their prospects.

Ключевые слова: Конституция, законы и нормативные акты, защита прав и свобод граждан, задачи органов прокуратуры, реформы, их результаты, совершенствование законодательства.

Калит сўзлар: Конституция, қонунлар ва норматив ҳужжатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, прокуратура органларининг вазифаси, ислоҳотлар, уларнинг натижалари, қонунчиликнинг такомиллашиши.

Key words: Constitution, laws and normative acts, protection of human rights and freedoms, tasks of prosecution bodies, reforms, results of reforms, improvement of legislation.

Защита прав и свобод граждан является приоритетной задачей каждого демократического государства. С принятием Основного Закона нашей страны – Конституции Республики Узбекистан строительство гуманистического правового демократического государства определена как основная цель, а также, была объявлена преданность идеям прав человека и государственного суверенитета, демократии и социальной справедливости, было признано верховенство общепризнанных норм международного права.

Вот уже много лет в Узбекистане последовательно реализуются реформы, направленные на совершенствование механизмов защиты прав и свобод граждан, а также демократизацию общества. Основу реформирования составляют общепринятые стандарты в области защиты прав человека и рекомендации международных организаций, которые непосредственно нашли своё отражение в Стратегии развития Узбекистана на 2017–2021 годы. В основу всех реформ, независимо от того, в какой бы они сфере не осуществлялись, главой государства заложен один принцип – «Интересы человека превыше всего».

Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026

годы» от 28 января 2022 года за № УП–60 предусматривает одним из приоритетных направлений реформ безусловное обеспечение прав и интересов человека, формирование активного гражданского общества в последующие годы на основе принципа «Во имя чести и достоинства человека». Этим же Указом утверждена Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы и Государственная программа по ее реализации в «Год обеспечения интересов человека и развития махали», включающее семь приоритетных направлений.

В целях формирования нового имиджа правоохранительных органов и ориентация их деятельности на эффективную защиту интересов, чести и достоинства, прав и свобод народа предусмотрено: – создание прочных правовых основ деятельности открытой и справедливой прокуратуры, строго обеспечивающей законность, а также превращение принципа «Верховенство закона – неотвратимость наказания» в главный критерий; – усиление контроля за оперативно-розыскной и следственной деятельностью, внедрение действенных механизмов эффективной защиты чести, достоинства и свобод граждан; – кардинальное реформирование системы учета сообщений о преступлениях в правоохранительных органах, использование со-



временных методов предотвращения случаев сокрытия преступлений¹.

Особой сущностью Конституции нашей Республики является законодательное закрепление и гарантирование интересов граждан. Защита интересов личности возведена в ранг государственной политики. В республике выдвигается идея построения правового демократического светского государства. На основе нашей Конституции и осуществляемых в стране реформ появляются и совершенствуются законы, закрепляющие общемировые ценности и нормы, регулирующие общепризнанные международные отношения.

Следует отметить, что вся деятельность, направленная на совершенствование действующих законодательных актов направлена на построение демократического правового государства, основанного на гуманистических принципах, увеличения авторитета нашей страны на мировой арене, что в свою очередь приведет к безусловному обеспечению конституционно закрепленных прав человека.

Конституция Республики Узбекистан закрепляет такие основополагающие положения, как:

– демократия в Республики Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь достоинство и другие ценности. Демократические права и свободы защищаются Конституцией и законами;

– государство строит свою деятельность на принципах социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества;

– в Республике Узбекистан признается безусловное верховенство Конституции и законов Республики Узбекистан;

– гражданин Республики Узбекистан и государство связаны взаимными правами и взаимной ответственностью. Права и свободы граждан, закрепленные в Конституции и законах, являются незыблемыми, и никто без суда лишит или ограничить их;

– Республика Узбекистан гарантирует правовую защиту и покровительство своим гражданам как на территории Республики Узбекистан, так и за её пределами².

Эти и другие положения Конституции, направленные на мирное и созидательное существование государства, являются одним из основных за-

дач государственных органов и должностных лиц. Осуществление этих задач является залогом построения демократического государства и сильного гражданского общества, то их разрешение обеспечивается также посредством реализации судебной и правоохранительной деятельности. Функция судебной и правоохранительной деятельности направлена на охрану и защиту прав, свобод и законных интересов физических, юридических лиц и государства в целом, а также обеспечение законности и правопорядка путем применения юридических мер воздействия в соответствии с законом и при неуклонном соблюдении установленного порядка. Главным содержанием деятельности судебных и правоохранительных органов должно стать защита законных прав и свобод граждан³³.

Одним из таких органов является прокуратура. Конституция признает прокуратуру в качестве важнейшей составной части государственной власти, государственной системы. Так как, деятельность прокуратуры – это авторитет государственной власти, обязанной обеспечивать безопасные условия жизни каждому гражданину.

Как общеизвестно, Первый Закон «О прокуратуре» был принят сразу наследующий день после принятия Основного Закона страны, что свидетельствует о важности данного законодательного акта. Так как, без такого закона было бы невозможно осуществление главных конституционных принципов, невозможно было бы осуществлять надзор за соблюдением и надлежащим исполнением законов. Этот закон явился необходимым и важным толчком для развития социально-экономических реформ, непосредственно связанных с установлением высокого уровня законности и правопорядка в стране.

Данный закон развивался и совершенствовался в соответствии с требованиями времени, в связи с чем, на шестой сессии второго созыва Олий Мажлиса Республики Узбекистана, а именно, 29 августа 2001 года Закон «О прокуратуре» в новой редакции был принят в третьем чтении. В соответствии с Законом органы прокуратуры, занимая особое место в системе государственных органов Республики Узбекистан, в своей деятельности опираются на принципы единства, централизации, законности, независимости и гласности. На основе вышеуказанного закона создана единая централизованная система органов прокуратуры, а также, было сфор-

1 Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «Стратегия развития нового Узбекистана на «2022-2026 годы», Цел 17.

2 Конституция Республики Узбекистан ст. ст. 13 -15, 19, 22.

3 ³ Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т.5. – Т.: Узбекистон, 1998. –С. 112.



мирована деятельность прокуроров независимо от других органов государственной власти, установлено их подчинение и подотчетность только вышестоящим прокурорам и Генеральному прокурору Республики Узбекистан и подотчетность Генерального прокурора Президенту и Сенату Олий Мажлиса Республики Узбекистан⁴.

Закон «О прокуратуре» в новой редакции охватывает всю сущность демократических процессов, а также, включает в себе совершенствование правового статуса органов прокуратуры, пересматривает их цели и задачи, увеличивает компетенцию в сфере защиты прав и законных интересов граждан.

Первый Президент нашей страны И.А.Каримов в своем докладе «Справедливость – в приоритете закона» особо подчеркнул следующее: «Еще и еще раз хочу повторить: прокуратура должна служить народу, а не надзирать за ним. Именно с этих позиций необходимо определять объем полномочий прокуратуры, основные направления совершенствования ее деятельности»⁵.

На сегодняшний день задачи органов прокуратуры от «обвинителя» изменились в сторону всесторонней защиты прав и законных интересов граждан. Граждане перестали быть объектом надзора. В закон была добавлена вторая глава «Надзор за соблюдением прав и свобод граждан», в которой нашли свое правовое регулирование такие вопросы как предмет надзора, компетенция прокурора в данной сфере и порядок предъявления судебных исков прокурором. Таким образом, прокуратура начала проявлять себя как орган, служащий защите прав и интересов личности.

Следует отметить, что принятие данного закона повысила ответственность сотрудников прокуратуры. Отныне, основным критерием оценки их деятельности стало состояние законности на вверенной им территории, обеспечения прав и свобод граждан, а также, государственных и общественных интересов.

Согласно статье 2 настоящего закона основными задачами органов прокуратуры являются обеспечение верховенства закона, укрепление законности, защита прав и свобод граждан, охраняемых законом интересов общества и государства, конституционного строя Республики Узбекистан, предупреждение и профилактика правонарушений. А согласно статье 4 данного закона надзор за исполнением законов, направленных на обеспечение прав и свобод гражданина является одним из основных направлений деятельности прокуратуры в целом.

Данные задачи и направления вытекают из ста-

тьи 118 Конституции Республики Узбекистан, где говорится, что надзор за точным и единообразным исполнением законов на территории Республики Узбекистан осуществляют Генеральный прокурор Республики Узбекистан и подчиненные ему прокуроры. Осуществляя свои полномочия по надзору за точным и единообразным исполнением законов, прокуроры наблюдают за законностью деятельности всех государственных органов власти и управления, общественных организаций и должностных лиц, за соблюдением правопорядка, интересов общества, прав и свобод граждан.

В этой связи важно, чтобы государственные органы, общественные организации и объединения, должностные лица функционировали в соответствии с Конституцией и законами, чтобы принимаемые нормативно-правовые акты соответствовали Конституции и законам. Прокуратура – государственный орган, главным предназначением которого является надзор за точным и единообразным исполнением всех законов в стране. Усилия и деятельность органов прокуратуры направлены на укрепление верховенства закона, обеспечение его стабильности, единообразного применения, а также защиту политических, экономических и социальных и иных прав, свобод граждан, провозглашенных Конституцией высшей ценностью в нашей стране. Деятельность органов прокуратуры в обеспечении каждым прокурором верховенства закона отражается в направленности их деятельности на обеспечение равенства всех людей перед законом на всей территории страны.

В различных сферах своей деятельности прокурор наделен такими полномочиями, применение которых позволяют ему эффективно осуществлять свою деятельность – в первую очередь, защиту прав и свобод человека. Реализация этих полномочий не столько право, сколько обязанность прокурора. К примеру, полномочия в сфере обеспечения прав и свобод человека и гражданина указывает на обязанность оперативного реагирования прокурора на ставшие ему известными факты незаконных действий должностных и иных лиц, органов государственного управления, органов самоуправления, нарушающих те или иные права граждан и т.д.

Несомненно, в большинстве случаев основанием для осуществления указанной деятельности прокурором являются какие-либо нарушения, о которых он узнает из поступивших жалоб и заявлений. Рассмотрение этих жалоб самый простейший и прямой способ активизации деятельности прокурора по реагированию на нарушения прав и свобод че-

4 Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» ст. ст. 5, 14.

5 Каримов И.А. Справедливость – в приоритете закона. Т 10. – Т.: 2002, Ст.44.

ловека и гражданина. В этой связи статья 7 Закона «О прокуратуре» предусматривает полномочия органов прокуратуры по рассмотрению заявлений, жалоб граждан, обращений юридических лиц и принятию мер к восстановлению их нарушенных прав и защите законных интересов.

В стране принят комплекс мер по совершенствованию правовых и практических механизмов защиты прав человека, и в данных вопросах большое внимание уделено рассмотрению обращений граждан.

При этом, особый акцент в деятельности органов прокуратуры делается на организации прямого открытого диалога с населением и оперативном разрешении обращений граждан, повышении правовой культуры населения и формировании в обществе нетерпимого отношения к нарушениям закона.

Только за первое полугодие 2022 года сотрудниками органов прокуратуры произведен прием более 198 тыс. граждан, из них более 69 тыс. в ходе выездных и общественных приемов. Из рассмотренных органами прокуратуры обращений, более 119 тыс. гражданам даны разъяснения правового характера, восстановлены нарушенные права более 32 тыс. граждан.

В результате рассмотрения обращений отменено или приведено в соответствие с законом более 1,7 тыс. незаконных актов должностных лиц, в государственные органы и их должностным лицам направлено более 150 представлений об устранении причин правонарушений, более 400 предостережений о недопустимости нарушения закона, а также привлечено к дисциплинарной и административной ответственности более 300 лиц, в суды внесено более 3 тыс. исковых заявлений в пользу граждан.

Практически все направления деятельности прокуроров, будь то надзор за следствием, надзор за исполнением законодательства в учреждениях по исполнению наказания, участие в судах и другие направления, пронизаны общей задачей защиты прав и свобод граждан.

За вышеуказанный период органами прокуратуры проведено более 18 тыс. надзорных мероприятий, из них в сфере надзора за исполнением: социального законодательства – около 3 тыс.; экономического законодательства – более 3 тыс.; законодательства о несовершеннолетних – около 2 тыс. и др. По итогам этих мероприятий по актам прокурорского надзора, восстановлены права более 23 тыс. лиц, по фактам грубых правонарушений возбуждено более 3,5 тыс. уголовных дел, отменено – более 7 тыс., приведено в соответствие с законом – более 21 тыс. актов, внесено предо-

стережений более – 14 тыс., к дисциплинарной и административной ответственности привлечено более 30 тыс. лиц, в суды внесено более 9 тыс. заявлений о взыскании ущерба⁶.

Следует отметить, что одним из основных аспектов организации деятельности прокуратуры в этом направлении является максимально полное обеспечение ее профилактической направленности. Она достигается на основе тщательного и полного установления причин и условий правонарушений по каждому факту обращения лиц в прокуратуру, накопления и регулярного пополнения информации о фактическом состоянии законности, о факторах, приводящих к нарушениям прав и свобод граждан, стратегически выверенного, тактически обоснованного подхода к выбору средств прокурорского реагирования, позволяющих радикально решать задачи предупреждения правонарушений. Предупреждению нарушений прав и свобод гражданина служит вся надзорная и иная деятельность прокурора. Данная деятельность выражается также в проведении разъяснительных работ по повышению правовой культуры в обществе в виде лекций, бесед, выступлений в средствах массовой информации и т.д.

Особое внимание уделяется вопросам повышения правовой культуры и правовой грамотности населения, а также взаимодействия со вредными средствами массовой информации. В рамках данной работы ведется активная работа со средствами массовой информации в сфере обеспечения открытости деятельности прокуратуры, конституционных прав граждан в сфере информации и донесении оперативной и достоверной информации о происходящих в стране социально-политических процессах, происшествиях и событиях.

Посредством телевидения, радио и других печатных изданий подготавливаются репортажи, ролики, оперативные сводки и статьи исходя из функциональных обязанностей органов прокуратуры. Налажена работа веб-сайта Генеральной прокуратуры и его страниц в социальных сетях «Facebook», «Instagram» и «Telegram».

За указанный выше период органами прокуратуры в целях повышения правосознания граждан и правовой культуры в обществе проведено около 88 тысяч мероприятий по разъяснению норм законодательства среди граждан, в том числе посредством СМИ около 28 тыс. (по ТВ – 5,7 тыс., радио – 3,5 тыс., в печати – 2,2 тыс., по интернету – 16,8 тыс.).

В Республики Узбекистан прокуратура осуществляет свои полномочия независимо от любых госу-



дарственных органов, общественных объединений и должностных лиц на основе таких основополагающих принципов, как единство, централизация, законность, независимость и гласность.

Усилены требования по надзору за соблюдением законодательных актов в таких сферах, как обеспечение законности в сфере поддержки малообеспеченных слоев населения и лиц, нуждающихся в материальной помощи; ликвидации задолженностей по заработным платам; поддержке лиц обратившихся за помощью в центры поддержки занятости; надзора за исполнением законодательных актов по правовой поддержке граждан занятых надомным трудом, а также, привлечение в данную сферу женщин, особенно, многодетных, инвалидов и других лиц с ограниченными трудовыми способностями.

Особенно вызывает живой интерес то, что по итогам проверок в сфере социальной защиты населения по актам прокурорского надзора, привлечены к дисциплинарной, административной и материальной ответственности более 2,5 тыс. должностных лиц, была обеспечена выплата более 2 млрд сумов ущерба со стороны виновных лиц.

Также, был усилен надзор за исполнением законодательных актов в сфере обеспечения занятости населения. По итогам проверок в сфере создания новых рабочих мест и социальной поддержке безработных по актам прокурорского надзора более 600 должностных лиц привлечены к дисциплинарной, административной и материальной ответственности, в отношении 25 возбуждены уголовные дела.

В процессе осуществления мероприятий по надзору за своевременной выплатой заработных плат в министерствах, ведомствах и на предприятиях по актам прокурорского надзора обеспечена выплата заработной платы более чем 22 млрд сумов, также подано в суды около 1,3 тыс. исковых заявлений на общую сумму более 21 млрд сумов.

В целях своевременного исполнения государственных программ усилен надзор за развитием инфраструктуры, обеспечением занятости, улучшением быта жителей сельской местности, соблюдением законности в сфере обеспечения природным газом и электроэнергией.

Кроме того, следует отметить, что установлен жесткий надзор за беспрекословным исполнением законов в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства; предотвращения необоснованных проверок и незаконного вмешательства в их деятельность, недопущению ущемления их прав, обеспечению защиты их законных интересов; в сфере создания местными исполнительными и уполномоченными органами благоприятных условий

для осуществления свободной предпринимательской деятельности.

В республике реализуются комплексные меры по обеспечению надежной защиты прав и свобод граждан, направленной прежде всего на защиту личной неприкосновенности граждан, предотвращению случаев пыток и жестокого, унижающего честь и достоинство обращения с задержанными лицами со стороны правоохранительных органов, совершенствованию деятельности пенитенциарных учреждений.

Начиная с 2017 года в стране проведена серьезная работа по выявлению и искоренению недостатков в правоохранительной деятельности и в других сферах, существенно влияющих на уровень защищенности прав и свобод человека.

Результатом данных реформ является Указ Президента Республики Узбекистан от 30 ноября 2017 года № УП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности», которым закреплены важные положения, обеспечивающие надежную защиту прав и свобод граждан в уголовном процессе. Указом признано недопустимым применение пыток, оказание физического, психологического давления и других жестоких бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения в отношении участников уголовного процесса либо их близких родственников. В рамках уголовных дел категорически запрещено использовать любые данные, полученные незаконным путем. Настоящим Указом введена уголовная ответственность за фальсификацию доказательств, полученных путем принуждения к даче показаний, предоставлено право обжалования в судебном порядке определения суда о применении меры пресечения в виде заключения под стражу

Так, Законом от 4 апреля 2018 года Уголовный процессуальный кодекс дополнен новой статьей 951 (недопустимость доказательств), в соответствии с которой фактические данные признаются недопустимыми в качестве доказательств, если они получены незаконными методами или путем лишения, или ограничения гарантированных законом прав участников уголовного процесса либо с нарушением требований Кодекса, в том числе полученные с применением пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения.

Как следствие, вышеуказанные нововведения повлияли на результативность повышения ответственности судей за принятие законных, обоснованных и справедливых решений.

С тех пор заметно сократились случаи применения меры пресечения в виде заключения под



стражу и назначений наказания, связанных с лишением свободы. Широкое разъяснение требований закона о невозможности применения наказания в виде лишения свободы в отношении лиц, полностью возместивших материальный ущерб, послужило реальному росту возмещения причиненного ущерба. Возмещения ущерба вследствие совершения преступлений является важнейшим направлением деятельности органов прокуратуры.

Кроме того, Закон «О прокуратуре» включает положения о механизме судебного контроля со стороны Конституционного суда за нормотворческой деятельностью Генерального прокурора и вмешательства прокурора непосредственно в хозяйственную и иную деятельность, а также подмена органов ведомственного управления и контроля не допускается⁷.

Конституционное закрепление структуры органов прокуратуры Республики Узбекистан и осуществляемые ею полномочия по обеспечению соблюдения и пресечению нарушений прав и свобод гражданина свидетельствуют о роли прокуратуры как механизма демократического государства, обеспечивающего защиту прав и свобод человека и гражданина в новых политических и социально-экономических условиях Узбекистана.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан от 14 сентября 2017 года введено положение обязывающее прокуроров Республики Каракалпакстан, областей, города Ташкента, районов и городов ежегодно представлять соответственно в Жоқорғи Кенгес Республики Каракалпакстан, Кенгашы народных депутатов отчет о своей деятельности, необходимых случаях информировать органы самоуправления граждан о состоянии законности и борьбы с преступностью, также гласно регулярно информировать общественность о своей деятельности по надзору за исполнением законов и борьбы с преступностью, обеспечения доступа физических и юридических лиц к информации о своей деятельности в порядке установленном законодательством.

Указом Президента Республики Узбекистан «Об усилении роли органов прокуратуры в реализации социально-экономических реформ и модернизации страны, обеспечении надежной защиты прав и свобод человека» от 18.04.2017 г. № УП–5019 усовершенствованы система и структура Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан и ее подведомственных органов, также определено, что основными задачами органов прокуратуры является обеспечение реализации приоритетов, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан «О

Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 г. № УП–4947.

Органами прокуратуры особое внимание уделяется исполнению законодательства об обращениях физических и юридических лиц. В настоящее время в Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан создан работающий круглосуточно «Call-центр для получения обращений», в который можно обратиться через короткий номер «1007» по всей стране.

Необходимо отметить, что контроль за исполнением Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы работы с обращениями физических и юридических лиц» от 28.12.2016 г. № УП–4904 возложен на Премьер-министра и Генерального прокурора Республики Узбекистан.

Борьба с коррупцией во всех сферах государственной и общественной жизни является приоритетным направлением государственной политики Республики Узбекистан. В целях повышения ее эффективности Указом Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы борьбы с коррупцией в Республики Узбекистан» от 29 июня 2020 года образовано Агентство по противодействию коррупции Республики Узбекистан. Этим же Указом Республиканская Межведомственная комиссия по борьбе с коррупцией и территориальные межведомственные комиссии преобразованы в Национальный совет по противодействию коррупции и его территориальные советы, рабочим органом которого определено Агентство. Указом также утвержден состав Национального совета, в который входит Генеральный прокурор Республики Узбекистан. Борьба с коррупцией является профессиональной обязанностью органов прокуратуры, органы прокуратуры во взаимодействии с другими государственными органами власти и общественностью на ранних этапах принимают и примут необходимые меры к борьбе, пресечению и профилактике коррупции в отраслях, где они нарастают и наблюдаются.

Генеральная прокуратура Республики Узбекистан в пределах своей компетенции осуществляет связи с органами прокуратуры, иными компетентными органами зарубежных стран, а также со специализированными международными организациями, что является важным направлением деятельности органов и учреждений прокуратуры Республики Узбекистан. Генеральная прокуратура направляет свои усилия на взаимодействие и объединение усилий правоохранительных органов других государств на сдерживание и преодоление организованной транснациональной преступности,



торговлей людьми, наркотрафика и иных правонарушений в сфере экономики, экологии, затрагивающих интересы Узбекистана и его граждан.

Закон «О прокуратуре», укрепляя демократические основы деятельности органов прокуратуры, установил подотчетность Генерального прокурора Республики Узбекистан перед Президентом Республики Узбекистан и Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан, общественный контроль за деятельностью органов прокуратуры. Также одним из важных решений, принятых в последние годы стало создание в Сенате специальной комиссии по контролю за деятельностью органов прокуратуры. Целью этой комиссии определено дальнейшее совершенствование организационно-правовых механизмов осуществления парламентского контроля за деятельностью органов прокуратуры, повышения эффективности их работы по обеспечению верховенства закона и законности в стране, надежной защиты прав и свобод граждан, интересов общества и государства.

К выполнению государственной политики по обеспечению гарантированной защиты прав и свобод человека послужил и Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека» от 22 июня 2020 года за № УП-6012, которым в целях дальнейшего совершенствования механизма защиты прав и свобод человека, обеспечения исполнения Стратегий действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, а также эффективной и своевременной реализации задач определенных в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года, где было предусмотрено:

- определить основные направления деятельности государственных органов и организации Республики Узбекистан ответственных за выполнение норм международных договоров по правам человека;

- обеспечение безусловного выполнения национальных планов действий (дорожных карт), направленных на реализацию рекомендации международных организации по защите прав и свобод человека;

- выявление, анализ, а также устранение причин и условий, препятствующих выполнению рекомендации уставных органов и договорных комитетов по правам человека ООН, путем разработки и реализации мер, направленных на совершенствование законодательства правоприменительной практики;

- осуществление эффективного сотрудничества с Общественной палатой при Президенте Республики Узбекистан и институтами гражданского общества в области выполнения международных обязательств Республики Узбекистан по правам человека⁸.

В результате указанных реформ, за последние пять лет, в стране созданы политико-правовые, социально-экономические и научно-просветительские основы, необходимые для построения Нового Узбекистана⁹.

Узбекистан находится на пути поэтапного реформирования каждой сферы нашей жизни, принятия новых нормативных актов и совершенствования уже существующих является требованием времени. В данной ситуации следует всегда быть на чеку, принимать неотложные и необходимые меры. Масштабные реформы, реализация национальных проектов требует от нас и нового качества прокурорского надзора с тем, чтобы правозащитный и правоохранный потенциал прокуратуры реально способствовал развитию демократического правового государства. Следовательно, прокуроры, осуществляя возложенные на них обязанности должны быть неотъемлемой частью механизма по защите правопорядка и законности в стране.

Выполнение указанных выше требований и правил направленных на осуществлении государственной политики по защите прав и свобод человека в стране является неотъемлемой частью реформ отмеченных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года за № УП-60 и запланированных целей Государственной программы по ее реализации в «Год обеспечения интересов человека и развития махали» и **формирование нового имиджа правоохранительных органов и ориентация их деятельности на эффективную защиту интересов, чести и достоинства, прав и свобод народа.**

#

8 Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека» от 22 июня 2020 года за № УП-6012 п. IV и.- Дорожная карта по реализации Республикой Узбекистан по правам человека.

9 Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года за № УП-60.



Евгений КОЛЕНКО,
начальник Академии Генеральной прокуратуры

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРЕДМЕТА ВЗЯТОЧНИЧЕСТВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются современные вопросы определения предмета взяточничества и иных коррупционных преступлений с учетом развития информационно-телекоммуникационных технологий. Автор затрагивает вопросы правового статуса криптовалюты в Республике Узбекистан и некоторых зарубежных странах. Приводится мнение о необходимости признания криптовалюты в качестве возможного предмета коррупционных преступлений, посредством соответствующего законодательного регулирования её правового положения, а также выработки единых подходов к данному вопросу в теории и правоприменительной практике.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ахборот ва телекоммуникация технологияларининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда порахўрлик ва бошқа коррупцион жиноятлар предметини аниқлашнинг замонавий масалалари муҳокама қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ва айрим хорижий мамлакатларда криптовалютанинг ҳуқуқий мақоми масалаларига тўхталиб ўтади. Криптовалютани коррупция жиноятларининг мумкин бўлган субъекти сифатида эътироф этиш, унинг ҳуқуқий ҳолатини тегишли қонунчилик билан тартибга солиш, шунингдек, назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу масала бўйича ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида фикр берилган.

ANNOTATION. This article considers modern issues of determining the subject of bribery and other corruption crimes, taking into account the development of information and telecommunication technologies. The author addresses issues of the legal status of cryptocurrencies in the Republic of Uzbekistan and some foreign countries. The view is expressed that recognition of cryptocurrencies as a possible subject of corruption crimes, through appropriate legislative regulation of its legal status, as well as the development of unified approaches to this issue in theory and law enforcement practice is needed.

Ключевые слова: взяточничество, получение взятки, предмет взятки, коррупция, криптовалюта, токен, информационные технологии, предмет преступления, криптоактивы, подкуп, цифровые имущественные права, цифровые активы.

Калит сўзлар: порахўрлик, пора олиш, пора предмети, коррупция, криптовалюта, токен, ахборот технологиялари, жиноят предмети, крипто активлар, пора эвазига оғдириб олиш, рақамли мулк ҳуқуқи, рақамли активлар.

Key words: bribery, receiving a bribe, the subject of a bribe, corruption, cryptocurrency, token, information technologies, the subject of a crime, crypto assets, subornation, digital property rights, digital assets.

По мере развития общества современные цифровые технологии все шире входят в нашу повседневную жизнь. Криптовалюта, являющаяся разновидностью цифровых активов, становится частью современной жизни. Однако, наряду с позитивными изменениями, достижения современных информационно-коммуникационных технологий все чаще и активнее начали использовать злоумышленники в преступных целях. Одним из подобных способов является использование криптовалют в качестве предмета взяточничества и иных коррупционных преступлений.

С точки зрения доктрины уголовного права предмет преступления – это предмет материального мира, на который оказывается воздействие при совершении преступления¹. Предмет преступления в свою очередь является обязательным признаком, характеризующим объект получения взятки.

Данный признак, с одной стороны, является системообразующим, он связывает воедино оба элемента причинного механизма подкупа: дачу-получение взятки, с другой стороны, это функциональный признак, поскольку с передачей взятки должностному лицу связана определенная линия его поведения (действие или бездействие) в интересах взяткодателя или представляемых им лиц².

Согласно положениям ст.ст.210-212 УК Республики Узбекистан под взяткой понимаются материальные ценности либо имущественная выгода³.

Следует отметить, что Постановлением Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о взяточничестве» от 24 сентября 1999 г. № 19, в целях единообразного и правильного применения законодательства при рассмотрении дел о взяточничестве, дано руководящее разъяснение, согласно которому в качестве

1 См. напр. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. - Т.: Издательство «ТГЮИ», 2009. С. 196

2 Изосимов С.В., Гейвандов Э.А. «Предмет взяточничества: проблемы определения содержания», «Актуальные проблемы экономики и права», 2010, № 4 С. 56-63

3 Уголовный кодекс Республики Узбекистан, <https://lex.uz/acts/111457>. Дата обращения: 15.11.2022 г.



предмета взятки могут рассматриваться деньги, ценные бумаги, материальные ценности, а также оказываемые безвозмездно, но подлежащие оплате услуги (например, производство ремонтных, реставрационных, строительных работ и т. д.).⁴

В этом же постановлении указано, что от размера взятки зависит квалификация преступления, любой предмет взятки должен получить денежную оценку на основании сложившихся цен, расценок и тарифов за услуги, а при их отсутствии – на основании заключения экспертов. Если незаконное вознаграждение в крупном или особо крупном размере получено частями, но эти действия представляют собой эпизоды одного продолжаемого преступления, содеянное должно квалифицироваться как получение взятки соответственно в крупном или особо крупном размере.⁵

Минимальная стоимость передаваемых материальных ценностей или оказываемых услуг не имеет значения для наступления уголовной ответственности, поскольку в Уголовном кодексе отсутствует какой-либо нижний порог вознаграждения, что обусловлено общественной опасностью взятки, заключающейся в использовании должностным лицом своих полномочий в корыстных целях вопреки интересам службы.

Анализ законодательного определения предмета взятки, равно как и соответствующих положений руководящих разъяснений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан касательно ее признаков, показывает, что оно не в полной мере соответствует современным стандартам.

Одной из значимых проблем, имеющей выраженные нарастающие тенденции, является проблема использования завуалированных способов совершения коррупционных преступлений. Как отмечают некоторые исследователи классическая взят-

ка уходит в прошлое, коррупция приобрела формы оффшорных транзакций и операций с криптовалютами⁶.

Современные исследования показывают, что в научной литературе все чаще поднимаются вопросы уголовно-правового значения криптовалюты – цифровых единиц (токенов), используемых в качестве универсального средства обмена и платежа, с акцентом на анализ возможности ее использования в качестве предмета коррупционных преступлений.

Подобный сценарий является очень вероятным, однако текущее законодательство и правоприменительная практика находится в состоянии, не позволяющем должным образом ответить на данный вызов, нет единого понимания правовой природы криптовалюты при рассмотрении ее в качестве предмета взяточничества, отсутствуют надлежащие процессуальные механизмы.

Исследователями справедливо признается, что криптовалюта как новый предмет подкупа в существенной степени повышает опасность взяточничества как вида коррупционного преступления⁷. Более того, преступления, совершаемые с использованием новейших информационно-телекоммуникационных технологий, стали одной из основных угроз безопасности нашего общества⁸.

В уголовно-правовой теории сформировались различные мнения относительно правовой природы криптовалюты при рассмотрении ее через призму возможности признания предметом преступления, отмечается отсутствие четкой определенности в данном вопросе⁹.

Так, некоторые ученые относят криптовалюту к услугам имущественного характера¹⁰, другие к имущественным правам¹¹ или к иному имуществу¹².

Существует также мнение, что криптовалюта во-

4 Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о взяточничестве» от 24 сентября 1999 г., № 19 <https://lex.uz/docs/1449104>. Дата обращения: 15.11.2022 г.

5 Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о взяточничестве» от 24 сентября 1999 г., № 19 <https://lex.uz/docs/1449104>. Дата обращения: 15.11.2022 г..

6 Калашникова О.Д., Меркулов М.А., Шапошников Е.Л. Роль органов внутренних дел, институтов гражданского общества, граждан, средств массовой информации в предупреждении коррупции на современном этапе. Актуальные проблемы борьбы с преступностью: вопросы теории и практики. Материалы XXII международной научно-практической конференции (4–5 апреля 2019 г.), под ред. Н.Н. Цуканова. Красноярск: СибЮИ МВД России, 2019. Ч. 1. С. 95.

7 Долгиева М.М. Квалификация деяний, совершаемых в сфере оборота криптовалюты. М.М. Долгиева. Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2019. № 1 (88). С. 15.

8 Качалов В.В. Получение взятки криптовалютой: вопросы квалификации // Союз криминалистов и криминологов. 2020. № 2. С. 21.

9 Жигас М.Г. Природа и сущность криптовалюты. М.Г. Жигас, С.Н. Кузьмина. Известия Байкальского государственного университета. 2018. Т. 28, № 2. С. 201–207.

10 Куликова А.А., Жмурко Р.Д. Криптовалюта как предмет преступления: проблемы квалификации и защиты // Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2020. – № 11-2. – С. 376–381; URL: <https://vaeel.ru/ru/article/view?id=1436> (дата обращения: 17.11.2022).

11 Takkal Bataille A., Favier J. Bitcoin, la monnaieacéphale. Paris: CNRS Éditions, 2017. P. 48

12 Куликова А.А. Криптовалюта как предмет преступления: проблемы квалификации и защиты. А.А. Куликова, Р.Д. Жмурко. Вестник Алтайской академии экономики и права. 2020, № 11. С. 376–381; Дворянкин О.А., Клочкова Е.Н. Криптовалюта – новый инструмент нарко-



обще не может рассматриваться в качестве предмета взятки¹³ в связи законодательным запретом на использование криптоактивов в качестве средства платежа или приема оплаты¹⁴.

Более того, в теории уголовного права имеется мнение, согласно которому криптовалюта в ее информационном представлении не может относиться ни к одному из видов предмета взятки, и предлагается на законодательном уровне внести изменения в УК, указав криптовалюту в качестве одного из самостоятельных видов предмета взятки¹⁵.

Однако, вопреки формально установленным ограничениям, на практике криптовалюта все шире используется в качестве средства платежа. Несмотря на стремительный рост использования криптоактивов в нашей стране и во всем мире, в Республике Узбекистан гражданско-правовым законодательством, а равно иными законодательными актами не обеспечено прямое правовое регулирование правоотношений в данной сфере.

В целях восполнения правового пробела, рядом подзаконных нормативно-правовых актов созданы определенные рамки и правила, фактически в определенной мере легализующие оборот криптоактивов. В частности, приняты постановление Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года № ПП–3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан»¹⁶, постановление Президента Республики Узбекистан от 2 сентября 2018 года № ПП–3926 «О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республике Узбекистан»¹⁷, а также ряд нормативно-правовых актов, изданных Национальным агентством проектного управления при Президенте Республики Узбекистан¹⁸.

Предпринимаются меры по восполнению существующих пробелов на уровне правоприменительной практики. В этой связи, уместно выделить принятое в 2021 году совместное постановление Генеральной

прокуратуры, МВД, СГБ и Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан «Об утверждении Порядка ареста, хранения и конфискации криптоактивов при проведении доследственной проверки, дознания, предварительного следствия и оперативно-розыскной деятельности».

Названный порядок дает конкретное определение понятию «криптоактивы» как виду имущества, имеющего ценность и владельца. Основной целью регулирования данного порядка является уточнение и разъяснение процессуальных вопросов, связанных с выявлением, арестом, хранением и конфискацией (обращением в государственную собственность) криптоактивов.

Необходимо отметить, что зарубежными странами применяются различные подходы к вопросам регулирования правовых отношений, связанных с оборотом криптоактивов.

Как показали исследования, в некоторых странах, таких как Вьетнам, Египет, Северная Македония, Катар, Бахрейн, Индонезия, Ливан, Марокко, Намибия, Непал, Пакистан использование криптоактивов запрещено.

Однако, в большинстве других стран оборот криптовалют легален, с определенными ограничениями.

Например, в Германии, Канаде и Японии криптовалюта давно рассматривается как полноценное платежное средство¹⁹. В Российской Федерации в 2019 году было приняты законодательные изменения, касающиеся правового регулирования цифровых прав. Так, в 2019 году вступил в силу федеральный закон «О внесении изменений в части первую, вторую и статью 1124 части третьей Гражданского кодекса Российской Федерации» устанавливающий список объектов гражданских правоотношений, в который были внесены и цифровые права, отнеся их к категории иного имущества²⁰.

бизнеса. Наркоконтроль. 2018. № 4. С. 14

13 Козлов В.В. – прокурор Тульской области. IV открытый антикоррупционный форум Тульской области. <https://myslo.ru/news/tula/2017-12-12-tul-skij-prokuror-kozlov-bitkoin-v>. Дата обращения: 15.11.2022 г.

14 Постановление Президента Республики Узбекистан от 02.09.2018 г. № ПП-3926 «О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республике Узбекистан». <https://lex.uz/ru/docs/3891610>. Дата обращения: 16.11.2022 г.

15 Михайлова Д.А. Предмет взятки в условиях цифровой экономики. Д.А. Михайлова. Международный студенческий научный вестник. 2020. № 3.

16 Национальная база данных законодательства, 04.07.2018 г., № 07/18/3832/1452; 24.07.2021 г., № 06/21/6268/0700

17 Национальная база данных законодательства, 03.09.2018 г., № 07/18/3926/1823; 14.12.2019 г., № 06/19/5894/4161; 29.06.2021 г., № 06/21/6252/0617

18 Положение о порядке лицензирования деятельности крипто-бирж, утвержденное Приказом директора НАПУ от 21.01.2019 г. № 16 и Правила осуществления крипто-биржевой торговли, утвержденное Приказом директора НАПУ от 21 января 2019 года № 16, зарегистрированное МЮ от 22.01.2019 г. № 3127.

19 Перов В.А. Уголовно-правовые аспекты использования криптовалюты в России. В.А. Перов. Вестник Московской академии Следственного комитета Российской Федерации. 2017. № 3. С. 78–81.

20 Пышнова Е.С., Конопляникова Т.В. Цифровые права: что это и нужны ли в Гражданском кодексе Российской Федерации? Евразий-



В Республике Узбекистан оборот криптовалют не запрещен, но деятельность в данной сфере под-
лежит лицензированию со стороны уполномо-
ченного органа – Национального агентства проек-
тного управления при Президенте Республики Уз-
бекистан.

Согласно гражданскому законодательству к объ-
ектам гражданских прав относятся вещи, в том
числе деньги и ценные бумаги, другие предметы,
имущество, включая имущественные права, рабо-
ты и услуги, изобретения, промышленные образ-
цы, произведения науки, литературы, искусства и
иные результаты интеллектуальной деятельности,
а также личные неимущественные права и другие
материальные и нематериальные блага.²¹

В соответствии с определением, данным в поста-
новлении Президента Республики Узбекистан «О
мерах по организации деятельности крипто-бирж
в Республике Узбекистан»²² криптоактивом явля-
ется совокупность записей в блокчейне, имеющая
ценность и владельца. При этом определено, что
криптоактивы не могут быть использованы на тер-
ритории Республики Узбекистан в качестве сред-
ства платежа или приема оплаты.

Представляется, что в настоящее время крипто-
активы, несмотря на наличие в законодательстве

белых пятен, по законодательно определенному
признаку обладания ими ценностью и владельцем,
несмотря на ограничение в использовании их в ка-
честве средств платежа, по признаку наличия их
стоимостного выражения, все же могут рассма-
триваться в качестве предмета получения взятки
как вид цифровых имущественных прав или иных
материальных благ (ценностей).

В этой связи, с целью формирования единой
правоприменительной практики и установления
правовой определенности необходимо урегулиру-
вать данный вопрос путем внесения соответствую-
щих дополнений в Постановление Пленума Вер-
ховного Суда Республики Узбекистан «О судебной
практике по делам о взяточничестве» от 24 сен-
тября 1999 г., № 19, четко дающих разъяснение,
что криптоактивы в качестве цифровых имуще-
ственных прав или иных материальных благ (цен-
ностей) являются предметом получения, а равно
дачи взятки.

Также, криптоактивы в силу особенностей обще-
ственных отношений нуждаются в выделении их в
качестве отдельного объекта гражданских прав, с
четким определением правового статуса крипто-
валют в соответствующих положениях Граждан-
ского кодекса Республики Узбекистан.

#

ский союз ученых. № 10 (79) 2020. С. 48.

21 Гражданский кодекс Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 1996 г., ст.81

22 Постановление Президента Республики Узбекистан от 02.09.2018 г. № ПП-3926 «О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республике Узбекистан». <https://lex.uz/ru/docs/3891610>. Дата обращения: 16.11.2022 г.



Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратура Академияси доценти, ю.ф.д.

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида фуқарога етказилган зарарни қоплашга оид қонунчиликнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мақолада етказилган зарарни қоплаш бўйича инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик тизими ҳақида сўз юритилган бўлиб, соҳани ривожлантириш масалалари ва бунда прокуратура органларининг тутган ўрни муҳокама қилинади.

ANNOTATION. This article emphasizes the importance of legislation on compensation for harm caused to citizens from the point of view of ensuring human rights. The article also talks about international documents on human rights and the national legal system on compensation for damage, discusses the development of the sphere and the role of the prosecutor's office in this.

АННОТАЦИЯ. В данной статье подчеркивается значение законодательства о возмещении вреда, причиненного гражданам, с точки зрения обеспечения прав человека. В статье также говорится о международных документах по правам человека и национальной правовой системе о возмещении ущерба, рассматриваются вопросы развития сферы и роль прокуратуры в этом.

Калит сўзлар: мулкӣй зиён, маънавий зарар, прокуратура органлари, меҳнат вазифаларини бажариш, ёлланма меҳнат, жиноий ҳаракатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик, мажбурий суғурта, фуқаролик жавобгарлиги.

Key words: property damage, moral damage, prosecutor's office, performance of labor duties, hired labor, criminal actions, administrative offense, compulsory insurance, civil liability.

Ключевые слова: имущественный ущерб, моральный вред, прокуратура, исполнение трудовых обязанностей, наемный труд, уголовные действия, административное правонарушение, обязательное страхование, гражданско-правовая ответственность.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар нафақат мулкӣй зарар етказишдан келиб чиқиши, балки фуқаронинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилиши оқибатида ҳам вужудга келиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида соғлиққа ва ҳаётга зарар етказиш деганда, зарар етказувчининг ғайриқонуний феъл-атвори сабабли юзага келган жисмоний шикастланиш ҳамда ҳар қандай касалланиш, шунингдек бу ҳаракатлар жараёнида шахснинг вафот этиши тушунилади.

Агар жиноят ҳуқуқида фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда зарар етказувчининг шахси билан боғлиқ санкция қўлланилса, фуқаролик ҳуқуқида зарар етказувчининг моддий аҳволига таъсир кўрсатиш орқали жабрланувчи шахснинг моддий йўқотишлари қопланади¹.

Фуқаронинг соғлиғи ёки ҳаётига етказилган зарарларни қоплаш бир қатор халқаро ва миллий қонунчиликда кафолатланган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсоннинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқлари бузилганда, тегишли миллий судларга мурожаат қилиш орқали ўз

ҳуқуқларини самарали тиклаш имкони кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарни қоплашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкӣй зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори, "Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 2003 йил 19 декабрдаги 18-сонли қарорлари асосий ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, етказилган зарарларнинг тўлиқ қоп-

1 Фуқаролик ҳуқуқи (юридик техникумлар учун дарслик) / Муаллифлар жамоаси. О.Оқюлов, Н.Имомов, М.Баратов ва бошқалар. – Т.: ТДЮУ, 2021. -164-бет.



ланганлиги зарар етказувчига тегишли жазоларни қўллашда енгиллаштирувчи жазоларни қўллашга асос бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғида ҳам судланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш тўғрисида фикр беришда жиноят оқибатида етказилган зарарнинг амалда тўлиқ ундирилганлигига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланган. Яъни, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазони қўллашни истисно этади.

Шунингдек, фуқаронинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 57-бобида аниқ белгилаб берилган.

Шахсга етказилган зарарни қоплашни ҳал этишда зарар қандай ҳаракатлар натижасида етказилганлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, зарар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар жараёнида, жинойи ҳаракатлар натижасида, меҳнат муносабатлари жараёнида, маъмурий ҳуқуқбузарлик жараёнида етказилиши мумкин. Бу зарарларни қоплаш иккита манба асосида, яъни Фуқаролик ва Меҳнат кодексларида белгиланган меъёрлар асосида қопланиши назарда тутилади.

Фуқаронинг соғлиғи ёки ҳаётига етказилган зарарнинг қопланганлиги бузилган ҳуқуқлари тикланганлигини белгиловчи омилдир. Чунки, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказилиши оқибатида бузилган ҳуқуқи, зарар етказган шахсга жавобгарликни қўллаш орқали эмас, балки ўша етказилган зарар ўрнини қоплаш орқали унинг ҳуқуқлари тикланади.

Ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишида зарарни ундириш нафақат фуқаролик, балки меҳнат ва маъмурий қонунчилик билан ҳам тартибга солинади. Мазкур муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган низоларни қонуний ҳал этиш мақсадида 2005 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари тасдиқланган. Унга кўра, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш бўйича муносабатлар

тартибга солинади.

Мазкур қоидалар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган юридик шахсларга, юридик шахс бўлмасдан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ёки ишлаётган ҳамда меҳнат жароҳати олган ходимларга жорий этилади. Иш берувчи ва ходим ўртасида вужудга келувчи бундай муносабатларнинг аксарияти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солиниб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда учрайдиган бу ҳолатлар шартномадан ташқари вужудга келади. Бундан ташқари фуқароларнинг меҳнат вазифаларини бажараётганида етказилган зарарни қоплашда Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг ходимга етказган зарари учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонуни ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу Қонун талабига кўра, ходимга суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси вужудга келиши натижасида зарар етказилган бўлса, бунда зарар суғурта компаниялари томонидан қопланади. Агар етказилган зарар миқдори суғурта пулидан юқори бўладиган бўлса, суғурта пулининг етмаган қисмини иш берувчи томонидан қопланиши белгиланган.

Фуқароларнинг соғлиғига ва ҳаётига етказилган зарарни қоплашда етказилган зарарни келиб чиқиш ҳолатларига, зарар етказилган шахснинг субъектив ҳолатига қараб зарарни қайси меъёрий ҳужжат доирасида қоплаш ва зарар миқдори ким томонидан қопланиши лозимлиги каби масалаларни аниқлаштириб олиш лозим. Масалан, агар зарар ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши натижасида етказилса, зарарни қоплаш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги қонунида белгиланган нормалар асосида ҳал этилади.

Ташиш хизматини кўрсатиш корхоналарининг хизматидан фойдаланиш жараёнида етказилган зарарларни қоплашда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майдан кучга кирган “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қонун йўловчиларга йўл-транспорт хизмати кўрсатиш жараёнида етказилган зарарларни қоплаш учун хизмат қилади².

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказил-

ганда, фуқаро нафақат моддий, балки маънавий зарарни қоплашни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Моддий зарар замирида – фуқаронинг иш ҳақини йўқотиши ёки бошқа даромад манбаларини йўқотиши, соғлиғини тиклаш учун қилган харажатлари, дафн этиш харажатлари ва ҳ.к.лар тушунилади. Фуқарога ҳеч қандай мулкый зарар етказилмаган бўлсада, бироқ унинг соғлиғига зарар етказилганлиги аниқланса, жисмоний ва маънавий зарар етказилиши оқибатида кечирган ҳис-ҳаяжон учун то вон ундиришга ҳақли бўлади³.

Фуқароларга етказилган зарарни қоплашда ушбу зарар қайси ҳаракатлар оқибатида келиб чиққанлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, зарарни қоплаш қайси ҳуқуқий манбаа асосида амалга оширилиши унинг етказилган ҳолатидан келиб чиқиб ҳал этилади. Яъни, бугунги ҳуқуқни қўллаш амалиётида фуқароларга етказилган зарарлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ундириб берилмоқда.

Агар зарар жиноят натижасида етказилган бўлса, зарарни қоплаш масаласи тергов ва суриштирув жараёнида ҳал қилинганлиги тергов натижасини ижобий баҳолашга асос бўлади. Албатта, терговчи ёки суриштирувчининг етказилган зарарларни қоплатишга доир ҳаракатлари ҳар доим ҳам ўз натижасини беравермайди. Яъни, зарар етказган шахснинг ушбу зарарни қоплашга етарли маблағи йўқлиги сабабли жиноят процессида қоплатиш имконияти бўлмайди. Албатта, бундай ҳолларда жабрланувчига етказилган зарарни фуқаролик судларига даъво киритиш орқали ундириш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилиши жиноят ишини кўраётган суднинг асосий мажбурияти ҳисобланади. Бунда жиноят натижасида етказилган ҳар қандай зарарни ундириш бўйича даъво муддатлари белгиланмаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Бундай ишларнинг кўрилишида албатта ҳар қандай жиноят қайсидир хатти-ҳаракатлар натижасида вужудга келишини ва бу хатти-ҳаракатни қандай ҳолатда вужудга келганлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, зарар ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида рўй берса, зарарни аниқлаш ва ҳисоблаш, зарар етказилиши билан боғлиқ бошқа тўловларни тўлаш масаласи Меҳнат кодексида назарда тутилган нормалар асосида амалга оширилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарарлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида

назарда тутилган меъёрлар асосида ҳал этилади. Шунингдек, айрим фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар натижасида зарар етказганлик учун жавобгарлик алоҳида қонунларда ҳам белгиланганлигига эътибор қаратиш лозим. Масалан, истеъмолчи билан сотувчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, зарарни қоплаш масаласи унинг келиб чиқиш ҳолатларига боғлиқ ҳолда тегишли ҳуқуқий манбалар асосида ҳал этилиши билан мураккаб фаолиятдир. Айниқса, мулкый зарарни қоплашга нисбатан соғлиқ ёки ҳаётга етказилган зарарни қоплаш ўз хусусиятига кўра анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, мулкый зарар маълум бир мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиланиши ва уни бир йўла тўланиши билан ўртадаги низо узил-кесил яқунланиши мумкин. Лекин, соғлиқ ёки ҳаётга етказилган зарарларнинг қиймати аниқ эмаслиги, унинг қиймати тиббий хулосалар асосида аниқланиши, шунингдек бу зарарлар қиймати ўзгариши давомийлиги билан анча мураккаб ҳисобланади. Масалан, бирор бир жиноий хатти-ҳаракат оқибатида соғлиғига зарар етказилган шахс шу зарарнинг оқибатида вафот этиши мумкин. Бу ҳолатда тўланиши лозим бўлган зарар миқдори икки хил ҳолат учун, яъни вафот этгунига қадар ва вафот этганидан кейинги етказилган зарар миқдорини ва бир йўла тўланадиган тўловларни аниқлашни тақозо этади.

Фуқаро вафот этгунига қадар соғлиғига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг вафотидан сўнг унинг қарамоғидаги шахслар боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган тўловларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бир қаторда моддий зарар кўрган шахс бир йўла маънавий зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Чунки, моддий зарарнинг қопланиши маънавий зарарни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Прокурор назорати амалиёти бугунги кунда айрим қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлаштириш эҳтиёжи мавжудлигидан дарак беради. Масалан, меҳнат муносабатларини бажариш жараёнида етказилган зарарларни қоплашда амалдаги Меҳнат кодекси билан Фуқаролик кодекси ўртасида жиддий фарқ мавжуд эди. Яъни, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 194-моддасига кўра, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати би-

3 Фуқаролик ҳуқуқи (юридик техникумлар учун дарслик) / Муаллифлар жамоаси. О.Оқюлов, Н.Имомов, М.Баратов ва бошқалар. – Т.: ТДЮУ, 2021. 165-бет.



лан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, - иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ёки жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашда бундай бир йўла бериладиган нафақалар назарда тутилмаган.

Шуни қайд этиш лозимки, амалдаги Меҳнат кодекси билан Фуқаролик кодекси ўртасида боқувчисини йўқотганлик нафақаларини тўлашга доир икки хил ёндашувлар мавжуд эди. Масалан, Меҳнат кодексининг 192-моддасида “ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар” - дейилган бўлса, Фуқаролик кодексининг 1009-моддасида эса “ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга - ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча” - тўланиши белгиланган. Ҳар иккала кодексда ҳам ушбу талаб ҳуқуқни қўлловчида иккиланишга олиб келади. Чунки, дастлаб ҳар икки кодексда ҳам “ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача” - деган жумла аниқ белгиланган бўлса-да, кейинги жумладаги лекин “ўн саккиз ёшга қадар” ёки Фуқаролик кодексидagi “бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча” - деган жумлалар бу нормани турлича қўллашга сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда бугунги кунда ўн икки йиллик узлуксиз таълим жорий этилганлиги боис ўқув юртларида “кундузги, сиртқи ёки кечки бўлимлар” - деган тушунчаларга барҳам берилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар икки кодексдаги ушбу нормаларнинг мазмуни боқувчисини йўқотган, мустақил иш ҳақиға эга бўлиш имкониятига эга бўлмаган талабаларга боқувчисини йўқотганлик нафақаларини тўлашни назарда тутати.

Шундай экан ҳар икки кодекснинг тегишли моддалари мазмунини бугунги кун талабига мослаштириш эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг «Боқувчи вафот этганлиги муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш муддати” - деб номланган 328-моддасида юқорида қайд этилган қонунчиликдаги тафовутларга барҳам

берилди. Яъни, ушбу моддада меҳнат муносабати жараёнида боқувчисини йўқотган ўн саккиз ёшга тўлган ва ундан катта ўқувчилар кундузги таълим ташкилотларида ўқишни тугатгунига, лекин кўпи билан йигирма уч ёшга тўлгунига қадар зиённинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқи кафолатланди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси кучга киргандан сўнг ўн саккиз ёшга тўлган ва ундан катта ўқувчилар кундузги таълим ташкилотларида ўқишни тугатгунига, лекин кўпи билан йигирма уч ёшга тўлгунига қадар боқувчисини йўқотганлик нафақаларини олиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан Меҳнат кодексининг бир-бирига зид келадиган яна айрим нормаларини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 4 апрелда “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция ратификация қилиниши муносабати билан меҳнат қонунчилигидаги ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган энг кичик ёш 14 ёшдан 15 ёшга ўзгартирилди. Яъни, ушбу Конвенция ратификация қилингунига қадар 14 ёшга тўлган вояга етмаганлар ҳам ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилигига кўра меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эди. Бугунги кунда эса фақатгина ўн беш ёшга тўлган вояга етмаганлар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилигига кўра меҳнат муносабатларига киришиши ва мустақил маблағга эга бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиришларга кўра, бугунги кунда 14 ёшга тўлган вояга етмаганларнинг меҳнат муносабатларига киришиши қатъий тақиқланади. Бу ҳолат эса шу ёшдаги вояга етмаган шахснинг шахсий маблағ ёки мол-мулкка эга бўлиш имконияти мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 993-моддасида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўлишлари белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаганларнинг етказган зарари учун жавобгарлик уларнинг ёшига қараб турлича белгиланишини кузатишимиз мумкин. Яъни, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга юклатилади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг етказган зарари учун эса унинг ўзи умумий тарзда мустақил жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.



Шунингдек, агар ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаган шахснинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийи томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши белгиланган.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун умумий асослардаги жавобгарликнинг белгиланишида уларнинг меҳнат муносабатларига киришиши ва мустақил тарзда ўз маблағларига эга бўлишлари назарда тутилган⁴. Лекин, юқорида қайд этилганидек бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларига киришишнинг энг кичик ёши 15 ёш қилиб белгиланганлиги сабабли 14 ёшдаги вояга етмаганлар мустақил ўзларининг маблағларига эга эмаслигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 994-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларидаги “Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача” - деган сўзлар “Ўн беш ёшдан ўн саккиз

ёшгача” - деган сўзлар билан алмаштирилиши лозим. Шунда Фуқаролик кодексининг 994-моддасидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасида белгиланган талаб билан мувофиқлашади ва қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ тўлдирилади.

Албатта биз қонунларни такомиллаштириш ба-робарида уларни бир-бирига мувофиқлигини ҳам таъминлаб боришимиз лозим. Шундагина қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш мумкин бўлади.

Шунингдек, етказилган зарарни қоплашга доир Франция давлатининг тажрибасига назар соладиган бўлсак, бундай ишларни ҳал этишга ихтисослашган алоҳида судьялар фаолият юртишини кузатишимиз мумкин. Бу каби хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда юртимизда судьяларнинг моддий ва маънавий зарарларни ундиришга доир ихтисослашган ҳолда фаолият юртишини жорий этиш ҳам фуқароларнинг етказилган зарарларни қоплашга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

.....

.....

4 Зарар етказишдан келиб чиқадиган (деликт) мажбуриятлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2013. 98-бет.



Мирзафар МИРСАЛИХОВ,
Бош прокуратура Академияси
кафедра катта ўқитувчиси,
адлия катта маслаҳатчиси

ПЕНИТЕНЦИАР МУАССАСАЛАРДАГИ МАҲКУМЛАРНИНГ МЕҲНАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада пенитенциар муассасалардаги маҳкумларнинг меҳнати билан боғлиқ масалалар, ушбу соҳадаги халқаро қоидалар ва миллий қонунчилик нормалари муҳокама қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещены вопросы труда осужденных в пенитенциарных учреждениях, применение международных правил и положений национального законодательства в этой сфере.

ABSTRACT. In this article analyses issues related with labor of convicts at penitentiaries, application of international norms and national legislation to regulate this sphere.

Калит сўзлар: маҳкумларнинг меҳнати, пенитенциар муассасалар, халқаро нормалар, миллий қонунчилик

Ключевые слова: труд осужденных, пенитенциарные учреждения, международные нормы, национальное законодательство

Key words: labor of convicts, penitentiaries, international norms, national legislation

Миллий қонунчиликнинг жиноят-ижроия тизими соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳуқуқий ечимларни топиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигини шакллантириш концепцияси тасдиқланган бўлиб, ундаги ислоҳ этилиши лозим бўлган йўналишлар қаторида маҳкумларнинг меҳнат билан бандлигини самарали таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш, маҳкумлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсон меҳнат ва ижтимоий турмуш қоидалари ҳамда анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш каби вазифалар кўзда тутилган¹.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принцип ва нормаларида ҳам уларнинг меҳнати масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Хусу-

сан, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкумларга нисбатан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”да (Нельсон Мандела қоидалари)²:

озодликдан маҳрум этилганларни ахлоқан тузатишни уларнинг меҳнат тарбиясисиз амалга ошириб бўлмаслиги;

эркин ишчилар хавфсизлиги ва соғлиғини муҳофаза қилишга тааллуқли қоидалар муассасаларда ҳам қўлланилиши;

маҳкумлар ҳафтасига камида бир кун дам олиш имкониятига ҳамда ўқиш ва уларни қайта тарбиялаш учун зарур бўлган фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланишга етарли вақтга эга бўлишлари;

маҳкумлар ўз меҳнатлари учун муайян тизим доирасида адолатли ҳақ олишлари;

мазкур тизимга мувофиқ маҳкумлар ишлаб топган пулларининг камида бир қисмини шахсий эҳтиёжлари учун рухсат этилган товарларни харид қилишга сарфлашлари, қолган қисмини оиласига жўнатиш ҳамда жамғариш имкониятига эга бўлишлари кераклиги белгиланган.

Бундан ташқари қоидаларга асосан:

судланган маҳкумлар ишлаш ва ўзларини фаол реабилитация қилиш учун имкониятга эга бўлишлари;

маҳкумларга меъёрдаги тўлиқ иш кунини таъминлайдиган, етарли ҳажмдаги фойдали иш юкла-

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори. <http://lex.uz/docs/4045443>

2 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкумларга нисбатан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (Нельсон Мандела қоидалари), 2015 йил, <http://unodc.org>

тилиши;

маҳкумларнинг меҳнати азобланишлардан холи бўлиши, улар қулликда ва тутқинликда сақланмасликлари кераклиги;

маҳкумлар жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг шахсий ёки хусусий манфаати учун ишлашга мажбур эмаслиги;

маҳкумлар жалб этиладиган иш иложи борича уларга ҳунар бериш ёки малакаларини оширишга қаратилиши лозимлиги, токи озод бўлгач ушбу ҳунар улар ҳалол меҳнат билан шуғулланиш имкониятини берадиган бўлиши лозимлиги;

маҳкумлар озодликда меҳнат қилиш тартиби ва шартларига ўрганишлари учун жазо ўташ жойларидаги ишнинг ташкилий ва услубий жиҳатлари имкони борича унинг доирасидан ташқаридаги меъёр ва қоидаларга яқинлаштирилган бўлиши;

маҳкумларнинг манфаати ва уларнинг касбий тайёргарлиги жазо ўташ жойи ишлаб чиқаришида молиявий даромад олиш мақсадига бўйсундирилиши лозим эмаслиги кўрсатиб ўтилган³.

Юқоридаги қоидалар меҳнатга нисбатан уни ташкил этиш юзасидан умумий мазмунга эга бўлган тавсияларда, жумладан, пенитенциар муассаса маъмурияти томонидан маҳкумлар меҳнатини бошқариш, азобланишларига йўл қўймаслик, иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

Амалдаги қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, пенитенциар муассасалардаги маҳкумларнинг меҳнати билан боғлиқ масалалар соҳага тегишли бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талабига кўра ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга⁴.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан эса барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгалиги, ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланиши, мажбурий меҳнат

тақиқланиши, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмаслиги қайд этилган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига маҳкумни ахлоқан тузалишининг асосий воситалари сирасига ижтимоий-фойдали меҳнат киритилган бўлиб⁶, маҳкумни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришни, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича ихтисослиги инobatга олинган ҳолда меҳнатга жалб этилишини, маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан мазкур Кодексда назарда тутилган истисно ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинишини кўзда тутати⁷.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бироқ маҳкумларнинг меҳнати ҳақида махсус норма мавжуд эмаслигини, унда фақат шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ва суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим⁸. Ушбу талаблар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасида маҳкум меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, меҳнатига ҳақ олиш, унинг 88-моддасига кўра эса озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар одатда колониялар ва ташкилотларининг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилиши, маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмаслиги тарзида ўз ифодасини топган.

Юқорида баён этилган нормаларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек Жиноят-ижроия кодексининг интизомий жазо чораларига оид нормасида башарти, маҳкум меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад қилиш ёки ишдан бўйин товлаш оқибати бўлмаса интизомий жавобгарликка тортилмаслиги қайд этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган барча

3 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкумларга нисбатан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (Нельсон Мандела қоидалари), 2015 йил, <http://unodc.org>, 96-103-бандлар

4 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 37-модда, <http://lex.uz/docs/20596#39118>

5 Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 6-8-моддалар, <http://lex.uz/docs/142859>

6 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 7-модда, <http://lex.uz/docs/163629#171205>

7 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 88-модда, <http://lex.uz/docs/163629#171205>

8 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 37-модда, <http://lex.uz/docs/20596#39118>



маҳкумлар иш билан таъминланишлари ва меҳнат қилишлари лозимлигини тасдиқлайди⁹.

Мазкур ҳуқуқий нормаларнинг мазмунига кўра нафақат маҳкумларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи, айтишга меҳнат (иш) билан таъминланиш ҳуқуқи умумий тарзда баён этилсада, айрим тоифадаги маҳкумларга, хусусан, алимент тўловларидан қарздорлар ёки жиноятлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган ижро ҳужжатлари берилган шахслар ёхуд оиласида меҳнатга лаёқатсиз аъзолари бўлган маҳкумлар биринчи навбатда юқори ойлик иш ҳақи тўланадиган иш билан таъминланишда имтиёзга эга эканликлари тўғрисида бирор-бир норма кўзда тутилмаган. Жиноят-ижроия кодекси, шунингдек Меҳнат кодексида ҳам маҳкумнинг меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳолати, яъни Меҳнат кодексининг 2-бобида қайд этилган ва бошқа қатор нормаларнинг субъекти сифатида қандай ҳуқуқларга эга эканлиги аниқ белгиланмаган. 1997 йилдан амалда бўлган Жиноят-ижроия кодексидаги маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари санаб ўтилган 9-моддада меҳнат қилиш ҳуқуқи кўрсатилмаган, фақатгина 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган Қонунга¹⁰ киритилган ўзгартиришларга асосан мазкур модда “меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиши, дам олиши, таътилга чиқиши, шунингдек меҳнатга ҳақ тўланиши” тўғрисидаги банд билан тўлдирилган ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли нормалари¹¹ талабларига мувофиқ маҳкумларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш каби инсонпарварлик далолатномаларини қўллашда уларнинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлари асосий мезонлардан бўлиб ҳисобланади ёхуд Жиноят-ижроия кодексига асосан меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар рағбатлантириш чораси сифатида ёпиқ турдаги колониядан манзил-колонияга ўтказилмаслиги белгиланганлиги ҳам маҳкумлар меҳнати уларнинг жазо ўташларида нечоғли муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради¹².

Маҳкумларнинг меҳнатини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар хорижий давлатлар мисолида ўрганилганда, бир қатор давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мазкур масалалар

тегишли қоидалар билан тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, маҳкумларнинг меҳнати билан боғлиқ қатъий талаблар Россия Федерациясининг ҳозирда амалда бўлган Жиноят-ижроия кодексида ўз аксини топган бўлиб, унга асосан:

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳар бир шахс колония маъмурияти белгилаган жойда ва ишда меҳнат қилишга мажбурлиги, жазо ўташ муассасаси маъмурияти ҳам ўз навбатида маҳкумларнинг ёши, жинси, меҳнат қобилияти, соғлигининг ҳолати ва иложи борица ихтисослиги, шунингдек иш ўрни борлигини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этишга мажбур эканлиги;

ишлашдан бўйин товлаш ёки ишлашни тўхтатиш ўрнатилган жазо ўташ тартибини жиддий бузиш ҳисобланиши ҳамда жазо чораси қўлланишига ва моддий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши қайд этилган¹³.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида маҳкумларнинг ҳақ тўланадиган меҳнатга бўлган ҳуқуқи, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг маҳкумларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ вазифаларининг умумий тарзда баён этилганлиги, хусусан маҳкумларга ҳамда муассаса маъмуриятига ушбу масалада бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар юклатилмаганлиги ҳуқуқий оқибат ва жавобгарлик масалаларининг мустаҳкамланмаганлиги ушбу муҳим ҳуқуқни амалга ошириш имкониятининг жиддий торайишига, унинг бузилиши ҳолатига эса чора қўллаш тарзида ҳуқуқий муносабат билдириш чекланишига олиб келган.

Айни вақтда Жиноят-ижроия кодексининг 89-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўриш, ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлаш, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб бериш, ушбу жойларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб бериш каби вазифаларнинг амалдаги ижроси етарли эмас. Оқибатда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассаса-

9 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, 105-модда, <http://lex.uz/docs/163629#171205>

10 Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуни, 2021 йил 21 апрель, ЎРҚ-683-сон, <http://lex.uz/docs/5388561>

11 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 73, 74, 89, 90-моддалари, <http://lex.uz/docs/111453#195708>

12 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 113-модда, <http://lex.uz/docs/163629#171205>

13 Уголовно-исполнительный кодекс Российской Федерации, 103-модда, 08.01.1997 №1-ФЗ (ред. от 11.06.2022), <http://www.consultant.ru>

салари корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари, ресурслари чекланганлиги, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, буюртмалар олиш салоҳияти паст даражадалиги маҳкумларни иш билан таъминлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш борасида муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 – 2022 йилларда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаши, жумладан:

мақсадли параметрлар ва манзилли дастурига мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг ташкилотларида муайян турдаги маҳсулотлар учун буюртмаларни жойлаштириш кўрсатиб ўтилган¹⁴.

Бироқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларидаги маҳкумларнинг меҳнати билан боғлиқ қонунлар ижросининг аҳволи ҳамда шаклланган амалиёт маҳкумларнинг барчасини тўлақонли иш билан таъминлаш, ишига қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш, маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантириш борасидаги, шунингдек улардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бугунги кунда етарли равишда бажарилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Сўнги йилларда мазкур соҳани такомиллаштириш юзасидан кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинсада, бугунги кунда ушбу йўналишда ҳанузгача кўплаб камчилик ва муаммолар мавжуд. Жумладан, маҳкумларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ва муносиб иш билан таъминлаш, уларга иш ҳақи тўлаш, жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари томони-

дан маҳкумларга янги иш ўринлари яратиш, муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тегишли буюртмаларни жойлаштириш, фаолиятига маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиш, танлов ва тендерларсиз шартномалар тузиш, талаббоп маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш етарлича ташкил этилмаган.

Табиийки, иш ҳақи тўланадиган ишлаб чиқариш, асосан колонияларнинг корхона ҳамда ташкилотларида йўлга қўйилиши ва уни амалга ошириш маҳкумлар ҳамда давлатнинг пенитенциар меҳнат ва бандлик тизими ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабатлар ўрнатилиши заруриятини келтириб чиқаради. Шу маънода жиноят-ижроия ҳамда меҳнат қонунчилигининг умумий нормалари билан ҳамон нотўлиқ ҳолда тартибга солиниб келинаётган маҳкумларнинг пенитенциар тизимда меҳнатга жалб этишга доир муҳим ҳуқуқий жиҳатлари, ҳозирда лойиҳаси устида иш олиб борилаётган янги таҳрирдаги Жиноят-ижроия кодексига ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида юқорида келтирилган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда аниқлаштирилиши ва императив тарзда тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра меҳнат шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси, тарбиявий ишнинг асосини ташкил этар экан, у инсонда ижтимоий-фойдали меҳнат қилиб ҳаёт кечириш кўникмасини шакллантиради, маҳкумларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатдаги иштироки эса уларнинг боқиманда бўлиб яшашини истисно қилиб, меҳнат интизомига ўргатади. Айни вақтда жамиятдаги ижтимоий-фойдали меҳнат билан маҳкумлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг фарқли жиҳатлари шундаки, маҳкумларнинг меҳнати жазо ўташ учун белгиланган режим шароитида маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ҳамда чеклашларда ифодаланган мажбурлов чорасини татбиқ этиш жараёнида амалга оширилиши билан характерланади.

Шундай экан, жиноят-ижроия қонунчилиги, шу жумладан унинг маҳкумлар меҳнати соҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган давр талабига ҳамоҳанг аснода такомиллашиб, мувофиқлашиб боришини таъминлайдиган тарзда мукамаллаштирилишини тақозо қилади.

#

14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <http://lex.uz/docs/3309651>



Жасур НЕЪМАТОВ,
Профессор кафедры «Суд, правоохранительные органы и адвокатура» ТГЮУ,
доктор юридических наук, профессор

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЙ МОНИТОРИНГ ОБЩЕСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ ЗНАЧИМОЕ УСЛОВИЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ

АННОТАЦИЯ. В статье обосновывается обязательность проведения криминологической экспертизы проектов нормативно-правовых актов, после их принятия процесса исполнения, в целях предупреждения в будущем ухудшения криминологической обстановки.

АННОТАЦИЯ. Мақолада келажакда криминологик ҳолат мураккаблашишининг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, уларни қабул қилинганидан сўнг ижро жараёнини криминологик экспертизадан ўтказиш мажбурийлиги асослантирилган.

ABSTRACT. The article substantiates the obligation of conducting criminological examination of draft regulatory legal acts, after their adoption of execution process, in order to prevent future deterioration of criminological situation.

Ключевые слова: криминологическая экспертиза, криминологическая обстановка, криминологический мониторинг, нормативно-правовой акт, транснациональная преступность, профессиональная преступность, экономическая безопасность

Калит сўзлар: криминологик экспертиза, криминологик ҳолат, криминологик мониторинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, трансмиллий жиноятчилик, профессионал жиноятчилик, иқтисодий хавфсизлик

Key words: criminological expertise, criminological situation, criminological monitoring, legal act, transnational crime, professional crime, economic security

Нет государства на международной арене, которое не было бы поневоле вовлечено в процессы глобализации и модернизации экономики. Появление высокотехнологичных производств с меньшими затратами рабочей силы. Внедрение их в развивающихся регионах с богатыми сырьевыми ресурсами и более низкой оплатой труда привлекаемого персонала, не может не вызывать тревогу и озабоченность инвесторов, естественно возникающего при подобных условиях и требующего рассмотрения, необходимости своевременной локализации напряженности в густо населенных территориях, связанного с капитализацией и переоснащением старых производств.

В тоже время, наличие определенного влияния демографического фактора на уровень безработицы порождает трудности в решении вопросов обеспечения экономической безопасности государства. Сложность разрешения данной проблемы проявляется ещё в том, что существующая в любом обществе профессиональная преступность модифицировалась признаками глобализации, транснациональности и безграничности. Невозможно установить преступный умысел в действиях лиц, кажущиеся противоправными в отдельных госу-

дарствах, тогда как в других сопредельных государствах, связанных тесными экономическими отношениями, подобные действия являются правомерными в виду либеральности действующих на их территориях законов.

Как правильно, ещё в начале 2000 годов, отмечали российские учёные, глобализация с одной стороны, характеризуется такими позитивными чертами, как улучшение межгосударственных отношений, повышение прозрачности границ, развитие мировой торговли, увеличение объёма международных перевозок, расширение международного рынка труда. С другой стороны, данный процесс породил деструктивный феномен – криминализацию глобализации. На современном этапе можно вполне обоснованно говорить о формировании имеющего международный характер криминального сообщества как антипода обществу законопослушных¹. В этих условиях многие преступные сообщества нашли более выгодным и предпочтительным действовать сквозь границы государств, чем сосредоточить свою деятельность в какой-нибудь одной стране. В одних случаях такая преступная деятельность ведётся в пределах одного региона, в других – она мирового масштаба. Однако,

1 См.: Баранов В.М., Чупров А.Ю. Транснациональная экономическая преступность: сущность и основные направления противодействия // Труды Академии управления МВД России. 2007. №2. URL: <http://jurnal.amvd.ru/indviewst.php?stt=152&SID>

какими бы ни были географические границы преступных операций, стало очевидным, что организованная преступность более не ограничивается местной активностью².

В этом аспекте, законы своего рода зеркало и проводник, приемлемых для уголовной политики разных государств, сложившихся в них социально-экономических отношений. Поэтому, очевидным представляется тот факт, что уголовная политика, будучи производной от политики социальной, в любом случае представляет собой систему организации власти в её отношении к преступности, выражаемую в специализированных формах. В свою очередь, официальное отношение власти к преступности и её социально приемлемым параметрам, а также к способам воздействия на преступность образует модель уголовной политики. Последняя коррелирует с политическим режимом самого государства и в зависимости от этого может носить различный характер – от наиболее жесткого (тоталитарного) до крайне либерального (при этом нередко наблюдается комбинация элементов репрессии и либерализма)³.

Вместе с тем, отличия в установлении пределов ответственности противоправности деяний и не своевременная законодательная урегулированность ранее не известных общественных отношений образуют пространство для произвола участников внешнеэкономических отношений, заинтересованные всякими путями в извлечении материальной выгоды. Несомненно, это, в основном, транснациональные компании, которым нецелесообразно, чтобы была «умная» экономика и представители конкурентоспособных хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность в различных сферах предпринимательства, выдвигали бы справедливые рыночные правила взаимоотношений.

Ныне мировая экономика всё более демонстрирует качества одной целостной системы и функционирует по единым законам. Олицетворением глобального рынка выступают транснациональные корпорации, подчинившие свою деятельность одному – эффективности в погоне за прибылью. По некоторым оценкам они контролируют до половины мирового промышленного производства и ещё больше – в сфере внешней торговли⁴.

Бесспорно, транснациональные компании выступают ведущими субъектами международной деятельности. Экономические исследования транснациональных компаний довольно обширны. Однако, под предлогом маркетинговых исследований рынка многими транснациональными компаниями одновременно изучается и анализируется совершенство законодательства того или иного государства. С выявлением окон в регулировании общественных отношений и оценкой возможности государственных структур в способности адекватно и оперативно отреагировать на имеющиеся недостатки, привносится и в последующем проводится выгодная для транснациональной компании финансовая политика. Такой процесс не может протекать незамеченным. Первоначально происходит представление и лоббирование интересов представляемых транснациональных компаний на всех уровнях системы органов государственной власти и управления. Следом, отдельными лояльными представителями власти и общественных организаций деятельностью транснациональных компаний в виду различных, в основном, «субъективных причин», инициируется принятие нормативно-правовых документов для придания легитимности их функционирования на конкретной территории. После чего, наступает стадия правоприменения, сопровождаемая во многих случаях недовольствами нетрудоспособной части населения, сначала терпимые, с истечением времени проявляющиеся с их стороны в совершение противозаконных действий по расхищению и уничтожению имущества собственника.

Таким образом, постепенное формирование сложной криминогенной среды приводит к попиранию правопорядка, законы игнорируются в соблюдении, в оправдание чего выступает один лишь мотив материальное благосостояние, независимо от источника его происхождения.

В этой связи, насколько эффективно не осуществлялась бы правоохранительная функция государства, оно не будет давать какие-либо действенные результаты, поскольку все усилия будут сводиться к профилактике незаконных действий лиц путём их уголовного преследования, в результате чего последует ухудшение криминальной обстановки. Такие меры дорого обойдутся бюджету и тем более не решат проблему обеспечения экономиче-

2 См.: Кубов Р.Х., Спиридонов А.П. Транснациональные преступления и национальная безопасность // Российский следователь. 2007. №14. С.29-32

3 См.: Зубарева О.В. Теория уголовной политики: становление и развитие // Российский судья. – 2011. – №1

4 http://gazeta.zn.ua/POLITICS/dilemma_globalizatsii_i_gosudarstvennogo_suvereniteta.html



ской безопасности государства.

Трудно не согласиться с тем, что для повышения национальной экономической безопасности необходимо учитывать результаты оценки функционирования социально-экономической системы государства и отдельно его регионов. В то же время на макроуровне в социально-экономической системе факторы, требующие особого внимания, включают социальную поддержку нации: предотвращение и искоренение бедности; сокращения уровня безработицы; поддержку инвалидов, пенсионеров; поддержку материнства и детства; улучшение системы здравоохранения; профилактику заболеваний; улучшение контроля качества пищевых продуктов и т.д. Национальная безопасность в значительной степени зависит от условий окружающей экологической среды, сопряжённых с техногенными, природными и социально-экономическими рисками⁵.

Взаимозависимость проблем противодействия преступности и обеспечения экономической безопасности государства на сегодня становится все более очевидной. Высокий уровень социально-

экономического развития общества кардинально влияет на снижение в нём состояния преступности, в особенности экономической и коррупционной преступности.

В этом контексте, единственно возможной мерой, чтобы предупредить развитие ситуации в негативном русле, представляется введение и систематическое проведение криминологического мониторинга за проистекающими общественными процессами. Оно должно проявляться в постоянных наблюдениях с целью недопущения разрастания неугодных и могущих вызвать кризис обстоятельств, для обеспечения не только экономической безопасности, но и общей её составляющей национальной безопасности государства.

При этом криминологический мониторинг следует проводить как до разработки нормативно-правых документов в конкретной области общественных отношений, так и на стадии их применения, которое в конечном итоге позволит и не допустит принятия ошибочных решений органами государственной власти и управления.

.....

.....

5 См.: Смирнова Л.Я. Современные проблемы экономической безопасности и пути их преодоления // Образование. Наука. Научные кадры. 2021 / №1. С.123

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра бошлиғи,
ю.ф.ф.д, профессор

МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА МУДДАТЛАР МАСАЛАСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари таҳлил қилинган, Олий суд Пленуми қарорларидаги айрим тушунтиришлар ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар билдирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализированы проблемы квалификации преступлений с административной преюдицией. Представлены некоторые разъяснения Пленумов Верховного суда и предложения по внесению в них изменений.

ABSTRACT. This article contains analysis of crimes with administrative prejudice. Also there are given some explanations of the related decisions of the Supreme court and the proposals for amendments.

Калит сўзлар: маъмурий преюдиция, квалификация, суд-тергов амалиётидаги муаммолар.

Ключевые слова: административная преюдиция, квалификация, судебно-следственная практика.

Key words: administrative prejudice, practical problems of forensic investigation.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига¹ асосан, қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Шу сабабли, суд-тергов амалиётида ҳам ушбу тушунтиришларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Тергов ва суд амалиётида Олий суд Пленуми қарорларини ўрганиш, билиш ва уни қўллаш жиноятларни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилишда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан бири сифатида маъмурий преюдицияли жиноят таркиблари учун маъмурий жазога тортилгандан сўнг қанча муддат давомида мазкур ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши жинойи жавобгарликни келтириб чиқариши ҳақида ягона муддат белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Бу борада Олий суд Пленуми қарорларида ҳам турлича тушунтириш берилган. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 14 майдаги қарорига² асосан маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилишга оид бир қатор Пленум қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 8-бандига киритилган ўзгартиришга асосан “Фуқаролар томонидан биринчи маротаба содир этилган валюта қимматликларини анча миқдордан кам миқдорда қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 170-моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда анча миқдордан кам миқдорда олиш ёки ўтказиш, башарти қилмиш шундай ҳаракатларни содир этганлик учун қўлланилган маъмурий жазони ижро этиш тугагандан кейин бир йил давомида содир этилса, ЖК 177-моддаси биринчи қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлишига оид тушунтириш берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарорининг 24-бандининг иккинчи хатбошисидаги «кучга кирган» деган сўзлар «ижро қилинган» деган сўзлар билан алмаштирилиши натижасида “Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жинойи жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғри-

1 <http://lex.uz/uz/docs/5534923>

2 <http://lex.uz/uz/docs/6066574>



сидаги қарор ижро қилинган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади” деб ўзгартирилди. Яъни, юқоридаги ўзгартиришларга асосан, маъмурий преюдицияли жиноятлар бўйича жиноий жавобгарлик маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан эмас, балки қарор ижро қилинган кундан (маъмурий жазо ижро этилмаган ҳолларда эса — уни ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан) бошлаб бир йил ичида такроран содир этилганда юзага келиши белгиланди. Маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилишга оид Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бошқа қарорларида эса маъмурий преюдицияли жиноятлар учун жавобгарлик масаласида бошқача тушунтиришлар берилган. Масалан, “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227-21-моддаси, 227-22-моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади” деб белгиланган. Яъни, мазкур тушунтиришда “маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг” деб тушунтириш берилган. Бундан ташқари, “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорининг 4-бандида “Агар шахс солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун МЖТК 174-моддасининг иккинчи қисми бўйича маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этса, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади” деб тушунтириш берилган. Мазкур Пленум қарорида “Хўжалик юритувчи субъектдан бир марталик ёки бошқа йиғимлар учун белгиланган миқдордан ортиқ пул маблағлари олган бозор, савдо комплекслари маъмуриятининг хизматчилари қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкий манфаатдор бўлганлиги учун Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодекснинг 61-1-моддаси иккинчи қисми ёки 193-2-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиши керак. Ўша ҳаракатлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, шахс Жиноят кодекси 192-10-моддасининг иккинчи қисми ёки 214-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши лозим”лиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлash ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги⁵ қарорида суриштирув, тергов органлари ва судлар эътибори шунга қаратилсинки, ЖК 232-моддаси биринчи қисми диспозициясида қуйидаги жиноят таркиблари назарда тутилган: муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлashни маъмурий жазо қўлланилгандан кейин давом эттириш” деб белгиланган. Яъни, ушбу Пленум қарорида суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлash учун жиноий жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti бўлиб, маъмурий жазога тортилганидан ва жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма тарзда огоҳлантирилганидан сўнг шахс томонидан суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлash бўйича ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг давом эттирилиши ҳисобланади деб тушунтириш берилган. Демак, маъмурий жазога тортилганлик асосий мезонлардан бири сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, юқоридаги Пленум қарорида ЖК 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш шартлари сифатида:

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги;

бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлash учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги;

ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслиги кўрсатилган.

Шу ўринда ЖКнинг 122-моддаси бўйича муддатлар билан боғлиқ қуйидаги масалага тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Шахс МЖТКнинг 47-4-моддаси бўйича жавобгарликка тортилгандан сўнг, икки ойдан ортиқ давомида шахс алиментни тўламаса, унинг қилмишида жиноят таркиби вужудга келади. Масалан шахс 2020 йилнинг 15 март кунини МЖТКнинг 47-4-моддаси бўйича жавобгарликка

3 <http://lex.uz/uz/docs/2259789>

4 <http://lex.uz/uz/docs/2212245#2212592>

5 <http://lex.uz/uz/docs/1602168>

тортилган бўлсада, алимент тўловларини тўламаган. Натижада унинг ҳаракатларида 2020 йилнинг 16 май кунидан бошлаб яъни икки ойдан ортиқ алимент тўлашдан бўйин товлаганида жиноят таркиби ташкил этиб, 2020 йилнинг 16 май кунидан бошлаб жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Шу ўринда савол? Шахснинг алимент тўловларини тўламаганлиги бир йил ўтгач аниқланганда масала қандай этилади? Қайд этиш лозимки, юқоридаги ҳолатда фикримизча, жабрланувчи бир йил ўтганидан сўнг мурожаат қилганда ҳам жиноят иши қўзғатишга асос бўлади, яъни шахснинг 2020 йилнинг 15 март куни МЖТКнинг 47-4-моддаси бўйича жавобгарликка тортилганига бир йилдан ортиқ муддат ўтиб кетганлиги аҳамиятга эмас. Сабаби шахснинг қилмишида 2020 йилнинг 16 май кунидан бошлаб жиноят таркиби мавжуд. Яъни, ЖКнинг 122-моддасидаги жиноят таркибининг асосий белгиларидан бири бу икки ойлик муддат бўлиб, шу муддатни ўтиши жиноят таркибини келтириб чиқаради. ЖКнинг 32-моддасида “Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” қайд этилган. Ушбу узоққа чўзилган жиноятга оид қоида фикримизча ЖКнинг 122-моддаси таркибига тўғри келмайди. Сабаби мазкур моддада икки ой муддат ўтганидан сўнг шахснинг ҳаракатларидаги жиноят бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил этмайди. Яъни, икки ойлик муддат ўтиши жиноятни тугалланганлигини англатади. Фикримизча, ЖКнинг 122-моддасида муддат кўрсатилмаганда эди, унда мазкур жиноятни узоққа чўзилган жиноят сифатида баҳоласак бўлар эди. Шу муносабат билан фикримизча, ЖКнинг 122-моддаси бўйича икки ойдан кейинги муддатлар бу бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил этмайди.

М.Х.Рустамбаев “Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ой мобайнида тўланмаган тақдирда, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноят тугалланган деб эътироф этилади”⁶ деб қайд этади. М.Х.Рустамбаевнинг фикрига қўшилган ҳолда айбдорнинг маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил ичида шундай қилмишни содир этганлиги аммо жабрланувчи томонидан бир йил ўтиб қилинган мурожаати ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан бир йил ўтиб аниқланган ҳолда ҳам айбланув-

чи қилмишида жиноят таркиби бор деб ҳисоблаймиз ҳамда фикримизча бундай ҳолда МЖТКнинг 37-моддасига ҳавола қилинмаслиги лозим. Қайд этиш лозимки, маъмурий преюдицияли жиноятларда маъмурий преюдициядан мақсад шахсни биринчи марта маъмурий жазо орқали огоҳлантириб, жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этадиган худди шундай қилмиши жиноий жазога сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантириш ҳисобланади. Бундан ташқари, ЖКнинг 122-моддаси мисолида жиноят содир этилган вақт деб мазкур жиноят таркибини ташкил этувчи ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтни жиноят содир этилган вақт деб топишни тўғри деб ҳисоблаймиз.

Агар шахс МЖТКнинг 47-4-моддаси бўйича жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил ичида алимент тўловларини вақтида тўлаб, бир йил муддат ўтганидан сўнг ушбу ҳуқуқбузарликни содир этса ундай ҳолатда шахс маъмурий жавобгарликка тортилади. Қайд этиб ўтиш лозимки, МЖТКнинг 37-моддасида “Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади” деб белгиланган. Юқоридаги мисолда эса, шахс маъмурий жазога тортилганидан сўнг, бир йил ўтмасдан жиноий ҳуқуқбузарлик содир этмоқда. Бу эса ўз навбатида фикримизча, шахснинг кейинги ҳаракатлари жиноят қонунчилиги талаблари асосида ҳал этилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, юқоридаги мисол бўйича юз берган жиноий ҳодиса, фикримизча фақат муддатнинг ўтиши билан жиноийлигини йўқотмайди. Мазкур масалада турлича амалиёт юзага келишининг олдини олиш ҳамда муаммоларни бартараф этиш мақсадида Олий суд Пленуми қарорлари асосида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий преюдицияли жиноятларни квалификация қилишда муддатлар масаласидаги айрим муаммолар масаласида қуйидаги икки Пленум қароридаги зиддиятларни келтираемиз. Жумладан, “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштиришга қаратилган шундай ҳаракатларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган мансабдор шахслар жи-

6 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган - Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техник институти, 2018. - 196 бет

7 <http://lex.uz/uz/docs/2307198#2307416>



ной жавобгарликка тортилишлари лозим (ЖК 192-1 – 192-8-моддалари) тушунтириш берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиний ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорида эса юқорида келтирилган тушунтиришдан фарқли ўлароқ «шундай ҳаракатлар учун қўлланилган маъмурий жазо ижроси тугаган кундан эътиборан (маъмурий жазо ижро этилмаган ҳолларда эса — уни ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан), бир йил давомида содир этилган бўлса» Жиноят кодекси 192-1-моддасида назарда тутилган — хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жинояти аломатларини ташкил этади” деб тушунтириш берилган. Юқоридаги ҳолатлар ягона суд амалиётини шакллантириш ўрнига, турлича суд амалиётининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Қайд этиш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг⁸ 37-моддасида башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Мазкур моддада шахснинг маъмурий жазога тортилмаган деб топишга оид муддат бўлиб, шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилган шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса жумласи фақатгина МЖТКнинг 37-моддасида қўлланилган бўлиб, мазкур ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилмаган. Балки, МЖТКнинг қатор нормаларида ҳам “шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш” оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Яъни, ушбу нормаларда ҳам “жазони ўташ муддати тугаган, жазони ўтаб бўлганидан сўнг, маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижро қилинган кундан бошлаб” деган жумлалар қўлланилмаган. 2022 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорда шахсга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирганидан сўнг жазони ўтамаган, жазони ўташдан бўйин товлаган, жазони ўтаётган вақтда ҳуқуқбу-

зарлик содир этилганлик билан боғлиқ вақт қайд этилмаган. Бу эса ўз навбатида маъмурий преюдицияли жиноятлар бўйича юқоридаги ҳолатлар бўйича жиноятларни квалификация қилишда турли муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, МЖТКнинг 330-моддасига⁹ асосан, башарти маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди деб белгиланган.

Фикримизча, юқоридаги Пленум қарорларида янги киритилган ўзгартиришларга кўра шахсга маъмурий жазо тайинланиб, ушбу маъмурий жазони ижро этмасдан шахс яна мазкур қилмишни содир этганида жиний жавобгарликни истисно этмоқда. Бу эса ўз навбатида Жиноят кодексининг маъмурий преюдицияли жиноятларнинг диспозициясида белгиланган “маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” жумласига зид бўлмоқда. Маълумки, шахсга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилиши ва ушбу қарорнинг кучга кириши мазкур шахсга маъмурий жазо қўлланилганлигини англатади. МЖТКнинг 311-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайдан эътиборан қонуний кучга киради.

Юқоридагиларга асосан, маъмурий преюдиция билан боғлиқ Жиноят кодексида 69 та жиноят таркиби мавжуд бўлиб, мазкур ҳолатлар маъмурий преюдицияли жиноятлар бўйича Олий суд Пленуми қарорларини қайта кўриб чиқиш, бунда жиний жавобгарлик келтириб чиқишга оид қоидаларни киритишда бошқа Пленум қарорларида келтирилган “маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирганидан сўнг бир йил давомида шундай ҳаракатни содир этганлик учун жиний жавобгарлик келтириб чиқарилишига оид” тушунтиришлар билан унификация қилиш таклиф этилади.

Шу билан бир қаторда суд-тергов амалиётида Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришлари мажбурийлигидан келиб чиқиб, Олий суд Пленуми қарорлари қабул қилинганидан сўнг, расмий эълон қилинишига оид аниқ муддатларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ўзгартиришнинг киритилиши амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммони барта раф этишга, шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

#

8 <http://lex.uz/docs/97664>

9 <http://lex.uz/docs/97664>

Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори,
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
миллий кенгаши аъзоси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада коррупцияга қарши мурасасиз муҳитни яратишда коррупцияга қарши таълимнинг ўрни ва Ўзбекистон Республикасида бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда қўлланилаётган чора-тадбирлар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещается роль антикоррупционного образования в создании среды нетерпимого отношения к коррупции, а также проводимая работа в Республике Узбекистан по данному направлению.

ANNOTATION. The article highlights the role of anti-corruption education in creating an environment of intolerant attitude towards corruption, as well as the ongoing work in the Republic of Uzbekistan in this direction.

Калит сўзлар: коррупция, таълим, тарбия, коррупцияга қарши таълим, Transparency International, конвенция, ҳалоллик вакцинаси.

Ключевые слова: коррупция, образование, воспитание, антикоррупционное образование, Transparency International, конвенция, вакцина честности.

Key words: corruption, education, anti-corruption education, Transparency International, convention, honesty vaccine.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни кенг ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси сифатини ошириш ва халқаро майдонга интеграциялашувга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тизимли давом эттириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»-ги Фармон¹ имзоланди. Стратегиянинг 4-йўналиши «Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш» деб номланиб, у бевосита таълим тизимини такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлаш – инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.

Тараққиёт стратегиясининг 84-мақсади: «Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш», деб номланиб, унда – коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш; коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чоралар (коррупцияга қарши таълим, маърифат, ҳуқуқий тарғибот – муаллиф)ни кучайтириш; аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш

соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш каби чора-тадбирларнинг белгиланганлиги мазкур мақола мавзусининг долзарб эканлигини билдиради.

Таҳлил ва натижалар. Коррупцияни ўрганиш ва унга қарши курашиш дунёда кўплаб тадқиқотчилар ва сиёсатчиларнинг доимий эътиборида бўлиб келган, улар томонидан олиб борилган таҳлиллар натижасида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб, шароит ҳамда қарши курашиш омиллари аниқланган.

Коррупцияга қарши мурасасиз муҳитни яратишда таълимнинг ўрни беқиёс. «Коррупциясиз соҳа»ни яратиш учун, аввало мактабгача таълимга қабулдан бошлаб, таълимнинг турли босқичларидаги барча жиҳатларни қамраб олиш зарур.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Мамлакат аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Фарзандларимизнинг илмли, ахлоқли бўлишлари учун уйда ота-оналар, ўқув юртларида эса муаллим ва устозлар жон куйдиришлари зарур.

Аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий ёшларга мурожаатномасида, жумладан бундай деб ёзади: «...Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ таассуб билан яшаб бўлмайди. Ҳозирги замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассуфларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди.

1 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон



Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илми маърифатдир»².

Хориж тажрибасига кўра, ҳар бир ўқувчи ёхуд талабага эгаллаган билимига қараб таълим муассасаси битирувчиси сифатида турли даражадаги диплом ёки таълим даражасига қараб сертификат берилади. Олий таълим муассасасини тамомлаган битирувчи салоҳиятга кўра турли тоифалардаги (юқори, ўрта, паст) дипломни қўлга киритади. Энг муҳими, ихтисослигига тааллуқли бўлмаган фанлар бўйича сунъий имтиҳонлар жорий этилмаслиги лозим, бунда битирувчи ўз соҳасини мукамал эгаллай билса бас.

Коррупциянинг олдини олишда мана шу каби омилларга диққат қилиш лозим. Зеро, оқибатга қараб эмас, балки сабаб, шароит ва моҳиятни таҳлил этган ҳолда фаолият юритиш кутилган натижани беради.

Таълим тизими орқали ёш авлодни коррупцияга қарши тарбиялашнинг етарли даражада йўлга қўйилмаслиги, унинг урчишига олиб келади.

Коррупцияга қарши таълимнинг коррупцияга қарши мурасасиз муҳитни яратишдаги ўрни борасида хорижий амалиёт

Коррупцияга қарши таълимнинг роли шундаки, унда инсон коррупция, унинг сирлари, маънавий ва ижтимоий-иқтисодий зарар ҳамда руҳий таназзуллари дан хабардор бўлади. Жамиятда коррупцияга қарши туриш, бу борада аҳоли ҳуқуқий онгининг ўсишида ижобий натижаларга эришиш билан ифодаланади. Умуман, бу борада юқори натижаларга эришган давлатлар³, унга қарши курашаётган халқаро ташкилотлар тажрибасида ҳам коррупцияга курашишга қаратилган чораларнинг самарали йўллари дан бири, бу бевосита таълим тизими билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш ва коррупция даражасини тадқиқ этиш бўйича ноҳукумат халқаро ташкилот – Transparency International⁴, коррупцияга қарши курашишда энг муҳим восита, бу таълимни ривожлантириш эканлигини таъкидлайди.

Коррупцияга қарши таълим одамни девиант ахлоқ (ахлоқдан оғиш)дан тияди. Жумладан, пора билан боғлиқ вазиятга дуч келган шахснинг коррупция борасида билими, уни содир этмаслик, шунингдек қонунийлик принципларини қўпол равишда бузаётган давлат хизматчисига нисбатан ўз вақтида чора кўрилишига кўмак беради. Муҳими, коррупцияга қарши таълим шахсда кучли фуқаролик позициясини шакллантиради.

Коррупцияга қарши таълим ва маърифат, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур, қарор, фармон, қонунлар ҳамда унга қарши курашувчи ташкилотларга нисбатан кўпроқ самара бериши Сингапур тажрибасида ўз исботини топди.

Халқаро тажрибада коррупцияга қарши таълимнинг кўплаб усулларини учратиш мумкин. Коррупцияга қарши таълим бериш учун мўлжалланган фанлар қаторига тарих, сиёсат, диншунослик, иқтисодиёт, ахлоқшунослик ва фуқаролик ҳуқуқи асослари фанлари киритилади. Мазкур фанлар бевосита соҳага оид билимларни шакллантирса-да, уларнинг самардорлик коэффициенти паст бўлади. Айнан коррупцияга қарши курашишга қаратилган мақсадли фанларнинг жорий этилиши юқори натижа беради.

2022 йилнинг 23 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган халқаро «II Тошкент аксилкоррупция форуми»да асосий эътибор коррупцияга қарши таълимни йўлга қўйиш орқали жамиятда коррупцияга қарши кайфиятни шакллантириш, бу борада аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, давлат органлари ҳамда ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш каби масалаларга қаратилди.

Форумда Литва Республикаси Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича сиёсий режалаштириш бошқармаси бош инспектори Ирина Добельниесининг айтишича, 2005–2007 йиллар давомида Литва координаторлиги остида «Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш» халқаро консорциуми томонидан ташкил этилган «Коррупцияга қарши таълим» лойиҳасида Литва, Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия, Қирғизистон, Косово, Руминия, Россия ва Украинадан 750 дан ортиқ ўқитувчи ва 200 дан зиёд мактаб маъмурлари иштирок этишган. Мақсад эса, Литва тажрибаси асосида коррупция бўйича таълимни мактаб, институт ва университетларда йўлга қўйиш ва тарғиб қилиш эди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованеллининг таъкидлашича, халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар коррупцияга қарши таълим беришда интернет ресурсларидан фойдаланиб келишмоқда⁵. Жумладан, Жаҳон банки томонидан ёшларга коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим беришга мўлжалланган 10 та модул яратилган. Мексикада ёшларни коррупцияга қарши курашиш бўйича агент бўлишни таклиф этувчи интернет ўйинлари бор, Хитойнинг Teensland сайти ҳам, айнан шу соҳага мўлжалланган. Бу каби тажрибаларни Македония, Латвия, Польша,

2 «Ойна» журнали. 1914 йил. 41-сон.

3 <https://uza.uz/uz/posts/singapur-korrupsiyaga-arasshi-kurash-tazhibasi-08-01-2019>.

4 https://uz.wikial.top/wiki/Transparency_International.

5 2022 йилнинг 23 сентябрь куни ўтказилган халқаро «II Тошкент аксилкоррупция форуми»даги маъруза.



Индонезия, Австралия, Болгария каби давлатларда ҳам учратиш мумкин⁶. Мазкур давлатлардаги мактабларнинг ўқув режасига коррупция ҳақида маълумот берувчи фанлар киритилган.

Австриянинг Лаксенбург шаҳрида жойлашган Халқаро коррупцияга қарши курашиш академиясининг декани Томас Штельнернинг таъкидлашича, жаҳонда коррупцияга қарши таълим бериш, уни ўрганиш ва тадқиқотлар олиб боришга бўйича илмий марказ ва таълим институтлари бор. Австриядаги Интерпол, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Фирибгарликка қарши курашиш бўйича Европа бошқармаси (OLAF) каби халқаро ташкилотлар ташаббуси билан тузилган Халқаро коррупцияга қарши курашиш академияси (International Anti-Corruption Academy (IACA)) шулар жумласидандир⁷. БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш глобал ўқув платформаси (GlobE Network)⁸ эса барчага мўлжалланган он-лайн таълим сайтидир.

Ўзбекистонда коррупция қарши таълимнинг бугунги ҳолати

2016 йилнинг охирига келиб коррупцияга қарши курашиш кескин тус олди. Қисқа даврда коррупциянинг олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни⁹, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁰, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹¹, «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги¹² Фармонлари қабул қилинди.

Президентнинг 2020 йил 29 июндаги Қарори билан¹³, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Шунингдек, Парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган янги институтлар – қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасида ўзига

хос мулоқот майдони пайдо бўлди. Бу, ҳукуматнинг очиқлиги ва масъулияти, шунингдек аҳолининг давлат бошқаруви органлари фаолиятдан хабардорлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим бериш Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, унинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари санаб ўтилиб, улардан бири сифатида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш белгиланган.

Қонуннинг 18-моддаси «Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия» деб номланган бўлиб, унда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда амалга оширилиши қайд этилган.

Бугун Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилишга эҳтиёж бор десак асло муболаға бўлмайди.

Ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишда таълим тизимини ҳам ислоҳ этиш лозим. Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 11-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академиясига «ҳалоллик вакцинаси» тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги Фармони¹⁴ билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни

6 Ўша манба.

7 Ўша манба.

8 <https://globenetwork.unodc.org/>

9 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда

10 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

11 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4875784>

12 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/5495529>

13 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4875782>

14 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон



тасдиқлаш вазифалари белгиланди.

Ундан ташқари, «2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича ўсишини назарда тутувчи – меритократия тамойилини қўллаш, «карьерта модели»ни жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими, ижтимоий кафолатлар, кадрларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш каби ислохотларни амалга ошириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Бугун барча мактаб, олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус курслар ва журналистларни тайёрлаш ўқув билим юртлирида «Коррупцияга қарши журналист тергови» фани ўқитилади. Бундан ташқари, пуллик асосда CERT Academy томонидан Коррупцияга қарши стандарт (ISO 37001:2016) талаблари асосида таълим бериш ҳам йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази¹⁵ фаолият юритмоқда. Марказнинг асосий вазифаларидан бири – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш, шу жумладан, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолатини ўрганишдан иборат.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида 2017–2022 йилларда Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим жараёни, илмий-тадқиқот, тарғибот ҳамда жамоатчилик ишлари билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Академияда коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул шахсларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигини оширишда ва бакалаврият ҳамда магистратура талабаларининг ўқув режаларига «Коррупцияга қарши курашиш асослари» (42 соат), «Коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш» (64 соат), «Коррупцияга қарши кураш ва комплаенс назорати» (84 соат) каби ўқув дастури ва фан соатлари киритилди. Шунингдек, Академия профессор-ўқитувчилари томонидан коррупция муаммосига бағишланган қатор ўқув-услубий қўлланмалар, илмий, илмий-оммабоп мақолалар мунтазам тайёрланиб, чоп этилмоқда.

Юқоридагилар аҳолини коррупциянинг зарарли оқибатларидан хабардор этади. Коррупцияга қарши маърифат, ҳуқуқий тарғибот, аҳолини, айниқса ёшларни коррупцияга қарши муросасиз руҳда тар-

биялашга кўмаклашади.

Хулоса ва таклифлар

Коррупцияга қарши таълим мамлакат тараққиётининг энг асосий ва зарур шарт бўлиши лозим. Айниқса, коррупцияга қарши курашишда олий таълим муҳим аҳамиятга эга, чунки олий таълим меҳнат фаолиятига йўлланма берувчи якуний таълим босқичидир. Жаҳонда ва юртимизда таълим олишга бўлган интилиш юқори ва бу соҳадаги кучли рақобат коррупциявий ҳолатлар келиб чиқиш эҳтимолини оширади.

Олий таълим коррупциянинг дастлабки «мактаби» ҳисобланади, чунки талаба вояга етган мустақил шахс сифатида ўқитувчи билан тўғридан-тўғри ҳуқуққа зид фаолиятга киришади ва унда коррупцияга мойиллик шаклланиб боради¹⁶. Келажакда бундай кадрнинг масъулиятли лавозимни эгаллаши салбий оқибатларга сабаб бўлади. Демак, олий таълимда коррупцияни мавжуд бўлиши бошқа соҳаларга ҳам коррупциянинг кенг тарқалишига йўл очади. Соҳадаги коррупция билимсиз талабаларни шакллантириш билан бирга, юқумли касаллик каби илмий талабаларни ҳам коррупция йўлини танлашга ундайди.

Демак, ёшларга фақат муаммони тушунтириш, замонавий педагогика талаблари асосида ўқув машғулларини ташкил этиш ҳам кутилган натижани бермайди. Бунда, фақат ёшларга таълим-тарбия бериш орқалигина коррупцияга нисбатан нафратни шакллантириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий онги, маданияти ёки ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги коррупцияга куч бағишлайди. Бу эса, коррупция ва унга қарши курашиш масалалари таълим тизимидан жой эгаллаши лозимлиги, ёшлар, кексалар, зиёлилар, ишчиларнинг соҳага оид билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши кераклигини тақозо этади.

Коррупцияга қарши таълим Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегиянинг ажралмас қисмига айланиши лозим, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак».

#

15 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3727063>; <https://proacademy.uz/uz-cyr/branches/view?alias=nauchno-obrazovatelnyj-tsentri-protivodejstvija-korrupsiyi>.

16 Кнауст И. С. «Коррупция учреждениях высшего профессионального образования: Магистерская диссертация». Томск. 2016. С. 4.

Улугбек АЗИМОВ,
Бош прокуратура Академияси
мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистонда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг келиб чиқиши тарихи, ривожланиши ва ҳозирги кундаги вазифалари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассмотрены история возникновения и развития института участия прокурора в рассмотрении гражданских дел в Узбекистане и его современные задачи.

ABSTRACT. This article discusses the history of the emergence and development of institution of participation of the prosecutor in the consideration of civil cases in Uzbekistan and its modern tasks.

Калит сўзлари: прокурор иштироки, суд тизими, фуқаролик процесси, фуқаролик ишлари бўйича судлар, суд амалиёти.

Ключевые слова: участие прокурора, судебная система, гражданский процесс, суды по гражданским делам, судебная практика.

Key words: participation of the prosecutor, judicial system, civil procedure, civil courts, judicial practice.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган амирлик ва хонликларда, Чор Россияси истилоси давридаги Туркистонда бугунги прокуратура органлари функцияларини турли тузилмалар, масъул лавозимлардаги мансабдорлар бажариб келган.¹

Лекин, мамлакатимизга айнан «прокуратура» тусунчаси Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг кириб келган. Дастлаб Туркистонда прокуратура судлар тасарруфида вужудга келди ва ривожланди. Шу боис мазкур институт фаолияти суд органлари фаолиятидаги ислохотлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Хусусан, 1864 йилнинг 20 ноябрида Россия императори Александр II прокуратура органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи суд низомларини тасдиқлайди. Бу низомлар аста-секин Россиянинг барча ҳудудларига ҳам жорий этила бошланди.

1868 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом» лойиҳасига кўра, ўлканинг суд-ҳуқуқ масалаларини бошқариш Туркистон генерал губернаторига топширилди, руслар яшайдиган ҳудудларда рус судлари ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, Чор Россияси босқинидан сўнг ҳудудда тарихан шакллланган давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизимини бутунлай ўзгартириш, аҳолини руслаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилди.

Энг аввало қозилик ва бийлик судларининг мақоми ва мавқеини обрўсизлантириш, шу орқали уларни бутунлай йўқотишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Бунинг учун маҳаллий аҳолига қозилик судларининг қарорлари устидан рус судларига шикоят қилиш ҳуқуқи, рус судларига эса, қозилик судларининг ҳукмларини бекор қилиш ваколоти берилди.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб, Туркистон ўлкасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, аҳолининг суд тизимига нисбатан норозилик кайфияти кучайиши суд-ҳуқуқ ислохотларини янги босқичга кўтариш заруратини келтириб чиқарди.

1886 йилнинг 12 июнида «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом» қабул қилиниб, суд-ҳуқуқ масалаларини бошқариш Туркистон генерал губернаторлиги ваколатидан олиниб, тўғридан-тўғри Россия Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди, Туркистон вилоятларида вилоят судлари, уездларда эса яраштирувчи судьялар ва уларнинг ёрдамчилари лавозими таъсис этилди.

Ушбу низомнинг 2-моддасига «Прокурор назоратини амалга ошириш учун вилоят судлари қошида вилоят прокурорлари ва уларнинг ёрдамчилари фаолият кўрсатади» деган норма киритилди.

Айнан ушбу ҳужжат билан Туркистон ўлкасида илк бор прокурорлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу даврда Туркистон ўлкасидаги прокуратура



икки бўғинли, яъни Суд палатаси қошидаги прокуратура ҳамда Округ судлари қошидаги прокуратурадан иборат бўлган.

Прокурорлар фаолияти қуйидаги уч йўналишда олиб борилган:

1. Жиноят ишини қўзғатиш, полициянинг суриштируви ва дастлабки терговини назорат қилиш, жиноят ишини судга юбориш, айбланувчиларни суд олдида қоралаш, ҳукмларга протест келтириш, уларнинг ижроси бўйича кўрсатмалар бериш.

2. Суд идораси фаолиятининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиш. Шунингдек, Тошкент суд палатаси департаментининг бошқарув ва суд кенгаши иштирокидаги умумий йиғилишларида қонун ижроси, қайд этилган камчиликлар ҳамда интизомий чоралар кўрилиши ҳақидаги кўрсатмалар билан иштирок этиш.

3. Қамоқда сақлаш жойларини ва маҳбусларнинг қамоқхоналарга тўғри жойлаштирилишини назорат қилиш.²

Бу тартиб 1917 йилгача амалда бўлган. Бироқ ушбу қоидалар Туркистонда қозилик судлари қўллайдиган шариат нормаларига тўғридан - тўғри зид эди.

Биргина мисол келтирамиз. ХХ асрнинг дастлабки йилларида темирйўллар қурила бошлади, бунинг салбий оқибати сифатида Туркистонда ичкиликбозлик билан боғлиқ жиноятлар кўпайди. Гап шундаки, Россияда бўлгани каби барча темирйўл станцияларида ресторан ва барлар пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли ўртасида ичкиликбозлик кўпайди. Гарчи шариатга биноан маст қилувчи (хамр) барча нарса ҳаром ҳисобланиб, унинг ноқонунийлиги исбот талаб этмаган бўлса-да, янги суд қарорларига асосан бу қонунбузилиши ҳисобланмасди. Шу тариқа миллатнинг минг йиллар давомида шакланган маданияти, одоб ва ахлоқ қоидалари онгли равишда поймол этила бошланди.

Октябрь инқилобидан сўнг Совет ҳукумати ўз қонунчилиги ва янги ҳуқуқий тартибини ўрнатди. Энг аввало, 1917 йилнинг 12 декабрида «Суд низомларини қайта ташкил этиш ҳақида» декрет қабул қилиниб, унга асосан суд терговчилари, прокурорлик назорати, ҳимоячи ва хусусий адвокатлар институтлари тугатилиши белгиланди.

1918 йилнинг 16 ноябрида Туркистон марказий ижро қўмитаси суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Унга кўра, 1919 йилнинг 1 январидан Туркистон ўлкасида судлар қай-

та ташкил этилиб, прокурор лавозими бутунлай тугатилди ва унинг ўрнига Айбловчилар коллегияси шакллантирилди. Бу коллегиянинг асосий вазифаси судга ва аҳолига юридик маслаҳат беришдан иборат бўлган.³

Айбловчилар коллегияси аъзоларининг сони вилоят қурултойи кенгашларининг ижро қўмитаси томонидан белгиланиб, адлия комиссариати орқали Туркистон Марказий ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Давлатда мантиқсиз вазият юзага келганди – қонунлар ижроси устидан назоратни жуда кўп идора ва ташкилотлар амалга оширарди: инқилобий омманинг ўзи; улар ташкил этган ишчи-деҳқон советлари; судлар; милиция органлари; Туркистон фавқулодда тергов комиссияси (Турчека); халқ комиссариатлари; инқилобий трибуналлар; адлия халқ комиссариати ва унинг жойлардаги органлари. Мазкур органлар орасида уйғунлик ва мувофиқлик йўқ эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, ўзбошимчалик ҳукм сурарди.

Қонунчиликни назорат қилиш ва текшириш бир қатор орган ва идораларнинг вазифаси бўлгани учун ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган ваколатларни тўхтатиш, давлатнинг барча ҳудудларида қонун ижросининг назоратини олиб борувчи махсус орган керак эди.

Сўнг Туркистон Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари совети томонидан 1922 йил 31 октябрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Низомга асосан суд назорати секторига судларда кўриб бўлинган ҳамда кўрилаётган фуқаролик ишлари бўйича келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал қилиш билан бир қаторда, республика прокурори томонидан назорат тартибида ўрганиш учун чақиртирилган фуқаролик ишлари бўйича ҳулосалар ёки протест лойиҳаларини тайёрлаш, Олий суднинг фуқаролик судлов ҳайъатида фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этиш, судларнинг фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш билан боғлиқ вазифалар юклатилди.⁴

Шу боис, фуқаролик ишлари йўналишида суд назорати прокуратура органлари тарихида дастлаб 1922 йилдан бошланган деб айта оламиз.

Кейинчалик, Ўзбекистон ССР Адлия Халқ Комиссарлиги Кенгашининг 1929 йил 27 январдаги қарорига кўра, меҳнаткашларнинг моддий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, судларнинг фаолияти

2 Маликова Г.Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: суровые годы революционной законности <https://cyberleninka.ru/article/n/genezis-prokuratury-respubliki-uzbekistan-surovye-gody-revolyutsionnoy-zakonnosti-1917-1924>

3 «Қонун ҳимоясига ҳаёт бахшида» Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади... Тошкент «TAMADDUN» нашриёти, 2022. -396 б, 18 б

4 Национальный архив Республики Узбекистан. Переписка по судебным вопросам, приказы СНК Туркеспублики о реорганизации судов и другие материалы // Р. 25. Оп. 1. Д. 19 А..



устидан доимий назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР прокуратурасида фуқаролик ишлари бўйича махсус фуқаролик бўлими ташкил этилди.

Ушбу бўлимга прокурорларнинг судларда фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятини жамлаш ҳамда қуйи прокурорларнинг ушбу йўналишдаги ишлари устидан раҳбарликни амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

1936 йил 29 майда Ўзбекистон ССР прокуратураси таркибида янги тузилма сифатида фуқаролик бўлими ташкил этилди.

Яна бир тарихий ҳужжат ҳисобланган, Ўзбекистон ССР прокуратурасининг 1937 йилнинг 3 мартдаги 1-сон Циркулярида, суд йўналиши бўйича прокурорлар олдида халқ судларидан ишларни чақиртириш, агарда ишлар юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилган бўлса, фақат юқори турувчи прокурорнинг рухсати билан амалга оширилиши ва протест келтирилган тақдирда протестларни юқори турувчи прокуратурага юбориш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, 1937 йилдаги Ўзбекистон ССР прокуратурасининг 3-сон Циркулярида прокурор иштироки шарт бўлган фуқаролик ишларининг кўрилиши ҳақида прокурорлар олдиндан хабардор қилиниши лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.⁵

Истиқлолга қадар бўлим судларда фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш бўлими, мустақилликка эришгач, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш бўлими деб юритилган бўлса, 2017 йил 27 октябрда мазкур бўлим негизида фуқаролик суд ишларини

юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ташкил топди.

Ҳозирда бошқарма фаолияти Бош прокурорнинг 2021 йил 3 июндаги 238-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида"ги низом билан тартибга солинган.

Бугунги кунда бошқарма фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини қатъий таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамда Олий суднинг барча инстанцияларида қонунчилик ҳужжатлари ва Бош прокурорнинг буйруқларига мувофиқ прокурор иштироки мажбурийлиги белгиланган фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатларининг самарали амалга оширилишини ташкил этиш, прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича ҳамда қонунда кўрсатилган шахсларнинг мурожаатлари асосида фуқаролик ишлари бўйича ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига ўз вақтида протест келтирилиши ҳамда уларнинг қонунга мувофиқлаштирилишига қаратилган чораларни ва соҳага оид бошқа вазифаларни амалга оширмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 10 ойида фуқаролик ишлари бўйича судларга прокурорлар томонидан фуқаро, жамият ва давлат манфаатида киритилган 2 600 та 23,4 млрд. сўмлик даъво ариза қанотлантирилган.

Прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлардан биринчи инстанция судлари томонидан кўрилган 8 197 та, апелляция инстанциясида кўрилган 107 тасида прокурор иштироки таъминланган.

#

5 Национальный архив Республики Узбекистан. Декрет СНК ТАССР о реорганизации судебных установлений, циркуляры СНК ТАССР по судостроительству // Р. 39. О. 1. Ед. хр. 7.



Жамшид ИБРОҲИМОВ,
юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси (DSc)

ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТЧИ ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада террорчилик хусусиятига эга жиноятларни содир этган шахснинг криминологик тавсифи тадқиқ этилиб, унда криминология соҳасидаги миллий ва хорижий мутахассис олимларнинг қарашлари ўрганилган. Хорижий тажриба бўйича амалга оширилган таҳлиллар натижасида террорчилик хусусиятига эга бўлган айрим жиноятларнинг содир этилиш усулида уларни уюшган гуруҳ ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлик оғирлаштирувчи ҳолатини киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматривается криминологическая характеристика лица, совершившего преступления террористического характера, а также рассматриваются взгляды отечественных и зарубежных специалистов в области криминологии. В результате анализа зарубежного опыта внесены предложения о введении отягчающего обстоятельства совершения их организованной группой или группой лиц в способе совершения отдельных преступлений террористического характера.

ANNOTATION. The article discusses the criminological characteristics of a person who committed crimes of a terrorist nature, as well as the views of domestic and foreign experts in the field of criminology. As a result of the analysis of foreign experience, proposals were made to introduce an aggravating circumstance for their commission by an organized group or group of persons in the way of committing certain crimes of a terrorist nature.

Калит сўзлар: жиноят субъекти, жиноятчи, шахс, хулқ ва феъл-атвор, ижтимоий мақом, руҳий ва психологик хусусият, жинси, соғлиқ, эътиқод.

Ключевые слова: субъект преступления, преступник, личность, поведение и характер, социальный статус, психические и психологические особенности, пол, здоровье, вера.

Key words: the subject of the crime, the offender, personality, behavior and character, social status, mental and psychological characteristics, gender, health, faith.

Шахс – ижтимоий-психологик тушунчадир. У ижтимоий мулоқот жараёнида ижтимоий муҳит таъсирида ижобий ва салбий сифатлар мажмуида шаклланади.

“Жиноят субъекти жиноят-ҳуқуқий тушунча бўлса, жиноятчи шахси эса социал-биологик ва социал-психологик тушунча саналади. Жиноят субъекти ўзида шахсни ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган белгиларни тавсифлайди. Жиноятчи шахси эса жиноят субъектига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўзида жиноят субъекти тавсифлайдиган белгилар доирасидан четда қоладиган кенгроқ доирадаги белгиларни ва шахсни социал тавсифига оид хусусиятларни қамраб олади”¹. Криминология фанида жиноятчи шахси сифатида “шахс томонидан жиноят содир этилишига сабаб бўладиган ўзига хос

ижтимоий-руҳий хусусиятларнинг мажмуаси”² тушунилади.

Криминологияда жиноят-ҳуқуқий тақиқнинг мавҳум бузувчисини ифодаловчи ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлар, белгилар, алоқалар ва муносабатлар мажмуи сифатида тушуниладиган жиноятчининг шахси жиноят ва унинг олдини олиш ҳақидаги доимий янгиликни борадиган илмий билимлар тизимидаги марказий тушунчалардан биридир³. Жиноятчининг шахси ҳақидаги таълимот нафақат бу шахсга оид, балки унинг муайян хусусиятларга эга алоҳида турлари, шу жумладан, уларга хос жиноий мотивацияга оид янги илмий тадқиқотлар туфайли ривожланмоқда⁴.

Профессор Қ. Абдурасулованинг фикрича, “Объектив реаллик бўлмиш жиноятчининг шахсини ўрганиш муайян жиноят сабабларини аниқлаш учун

1 Хакимов К. Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва жиноятчи шахсини тушуниш муаммолари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. – 2022. – №6. – Б.33.

2 Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Альбом схемалар. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 167 б.

3 Антонян Ю.М., Эминов В.Е. Портреты преступников: криминологический психологический анализ: монография. – М.: Норма, 2017. – С. 5-6.

4 Личностные характеристики преступников: монография / Антонян Ю.М., Афанасьева О.Р., Афанасьев П.Б., Гончарова М.В., Гришко А.Я., Дорожка Ю.С., Елисов П.П., Кова-ленко В.И., Сторчилова Н.В., Шиян В.И. – М.: Юнити-Дана, 2016. – С. 17.

ўтмишнинг бу вақтга келиб мавжуд бўлмай қолган ҳолатларини ретроспектив баҳолашга қараганда анча ишончлироқ. Жиноятчи шахси тушунчаси жиноятнинг содир этилиши билан чамбарс боғлиқ, шу боис унинг айрим белгилари жиноятчининг шахсига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Уларга, аввало, ижтимоий хавфлилик киради. Бу жиноят ҳуқуқининг жиноятлар таркибига эга бўлган барча нормаларида жамиятга зиён етказувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина тўғри бўлади”⁵.

Профессор А.Закированинг ёзишича, “Жиноятчининг шахси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни билиш яқка тартибда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган омиллар ҳамда жиноят туфайли шахсга етказиладиган салбий таъсирни бартараф этиш учун муҳим”⁶.

О.Жалилов ёзишича эса, “жिनот содир этишга имкон туғдирадиган барча объектив омиллар ҳам жиноятчи шахси билан боғлаб бўлмади. Масалан, жиноятчилик даражаси юқори бўлган мавзеда жиноятдан жабрланиш ҳоллари кўп учрайди. Лекин ушбу омил жиноятчининг шахси билан эмас, балки ўша мавзедаги криминоген муҳит билан боғлиқ бўлади”⁷.

Р.Душановнинг фикрича, “жиноятчи шахси – жиноятчининг асосий интеллектуал-маънавий хислатлари, руҳий ва жисмоний ҳолатининг мажмуидир. Жиноятчи шахснинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф муҳитдаги воқеалик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим”⁸.

Ю.М.Антоняннинг сўзларига кўра, “Жиноятчининг шахси – бу марказий масаладир, чунки унинг криминологик хусусиятлари биринчи даражали ва жиноят ҳаракатларининг сабаби ҳисобланади, шунинг учун профилактик уринишларининг объекти бўлиши лозим. Бу ҳеч ҳам ташқи ижтимоий омилларни инкор қилишни англатмайди. Биринчидан, шахснинг криминоген хусусиятлари юқорида ном-

ланган омиллар таъсирида шаклланади”⁹.

Жиноятчи шахси ижтимоий-маданий ва психофизиологик омилларга боғлиқ бўлиб, улар унинг жинотий хулқ-атворида таъсир кўрсатади. Ижтимоий-маданий омиллар деганда шахсдаги ташқи ва ички низолар тушунилади¹⁰.

Криминология учун жиноят қонунини бузган инсонлар шахсининг ўзига хос хусусиятлари, яъни мазкур шахсларнинг ижтимоий фойдали хулқ-атвор эгаси бўлган жамият аъзоларидан фарқи ва ҳуқуққа хилоф хулқ-атворни шакллантирувчи феъл-атворни ўрганиш муҳим¹¹.

Жиноят содир этган инсон шахси руҳий мазмунда ўзига хос сифат хусусиятига эга бўлиб, унинг криминоген мазмунини акс эттиради. Ушбу руҳий мазмундаги ўзига хослик шахснинг муайян вазият ва шароитларда ғайриижтимоий хулқ-атворини юзага келтирувчи, жиноят содир этишга туртки бўлувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Юридик фанда жиноятчи шахси жиноят содир этган шахсга хос бўлган ҳуқуқий белгилар (ёш, умомала лаёқати ва б.) ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини белгилаб берувчи бошқа хусусиятлар билан белгиланади¹².

Е.Г.Каменскийнинг фикрича, жиноятчи шахсида шаклланган ижтимоий-ахлоқий қирралар ва биопсихологик хусусиятлар мажмуи унда ҳуқуққа хилоф йўл билан ҳаракат қилиш мотивини ҳосил қилади. Жинотийлик хусусияти шахснинг атроф муҳит билан ўзаро муносабатга киришиши жараёнида шаклланади ва шахснинг муайян ижтимоий шарт-шароитларда жиноят содир этишига туртки бўлади¹³.

“Жиноятчи шахси” тушунчаси “шахс” умумижтимоий тушунчаси ва “жиноятчи” ижтимоий-ҳуқуқий тушунчасининг умумлашмасидан иборат. Жиноятни содир этиш шахсни ғайриижтимоий шахс сифатида тавсифлайди, бироқ бу унинг барча хусусиятларини акс эттирмайди ва тўлиқ қамраб олмайди. Зеро, инсон тўғрисидаги объектив тушунча унинг барча ижтимоий хусусиятларини тўлиқ таҳлили асо-

5 Абдуллаев И. Жиноятчи шахси // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2004. – №6. – Б. 27-28.

6 Закирова А. Рашк туфайли жиноят содир этган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқ – Право – Law. – Тошкент, 2002. – №2 (18). – Б. 32-33.

7 Жалилов О. Жиноят содир этилишида муҳитнинг таъсири // *Huquq va burch*. – Тошкент, 2010. – №2(50). – Б. 53-54.

8 Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2011. – Б. 15.

9 Антонян Ю.М. Криминология. – М.: Логос, 2004. – С. 76.

10 Демидов Н.Н. Изучение личности преступника в процессе расследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2003. – С. 8.

11 Флоря Е. Личность преступника (криминологическое и уголовно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Кшинёв, 2002. – С. 11.

12 Пастушеня А.Н. Криминогенная сущность личности преступника: Дисс. ... док-ра псих. наук. – М., 2000. – С. 33-34.

13 Каменский Е.Г. Особенности социокультурного процесса криминализации личности в современном российском обществе: Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Курск, 2005. – С. 14.



сида шаклланиши мумкин. Айнан шахсга хос бўлган ижтимоий хусусиятлар ва белгилар мажмуи, унинг ижтимоий салбий ва ижобий хусусиятларининг ўзаро нисбати шахс тўғрисида тўлиқ тушунчани ҳосил қилади.

Жиноятчи шахси ҳар қандай инсон шахси сифатида ўзида ахлоқий психологик хусусиятларни қамраб олади: қарашлар, эътиқодлар, муносабатлар, ҳаётий мақсад ва умидлар, интеллектуал, ҳиссий ва иродавий хусусиятлар¹⁴.

Демак, жиноятчи шахси тушунчаси жиноят субъектига нисбатан кенгроқ бўлиб, ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаган белгилар – унинг ижтимоий мақоми, руҳий хусусиятлари, жинси, соғлиғи кабиларни ҳам қамраб олади¹⁵.

Е.Б.Кургузкинанинг фикрича, “жиноятчи шахси деганда, турли салбий омиллар – ички ва ташқи, ижтимоий, биологик, психологик мажмуи билан белгиланадиган, унинг нормал муносабатлардан узилиши, таълим ва маданият ҳамда ахлоқ даражасининг пастлиги, жинсий воситалардан мақсадга эришиш воситаси сифатида фойдаланиш каби бошқа шахслардан фарқловчи белгилари билан тавсифланувчи шахснинг ўзгарувчан ҳолати тушунилади”¹⁶.

Шу билан бирга, жиноят оламида юқори мавқега эга бўлган шахсларнинг ахлоқий-психологик хусусиятлари сифатида авторитаризм, руҳий бефарқлик, етакчилик, тадбиркорлик, амбицияга эгалик кабиларни кўрсатиш мумкин¹⁷.

Терроризм билан шуғулланувчилар қоида тариқасида олий маълумотга эга бўлмадилар, шу билан биргалликда умумий ўрганилган жиноят ишларида 3 фоиз жиноятчилар олий маълумотли бўлган.

Террорчи жиноятчи шахсининг асосий сифатлари сифатида: ўз ишига ва ташкилотига садоқат; ўзини қурбон қилишга тайёрлик; чидамлилиқ ва қатъий тартиб-интизом; яширинлик; буйсунув ва итоаткорлик; жамоавийлик каби асосий сифатларни кўрсатиш мумкин¹⁸.

“Террорчи – таълим даражаси етарлича паст, бироқ жамиятга нисбатан эътирозлари кўп ва мотивацияси юқори бўлган шахс бўлиб, унинг мақсади хилма-хил – даромад топишдан динийгача бўлиши мумкин.

Террорчи шахси кўпинча яққол ифодаланган руҳий бузилишлар, ҳиссий беқарорлик, асабий, унинг онгини бошқараётган шахслар томонидан муайян ташқи таъсирга дучор бўлиш каби хусусиятлар билан боғлиқ”¹⁹.

Террорчи бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ инсонлар учун жиноятчи, қотил, диндан қайтган, ўзини тараққиётга қарши қўйган жоҳил инсон сифатида, бошқа шахслар томонидан эса, ўз халқининг эркинлиги ва мустақиллиги учун курашган, шахид, ўз дини учун ҳаётини берган инсон сифатида гавдаланади²⁰.

Шахснинг террорчи сифатида шаклланиши бирданига рўй бермайди. Бу шахснинг социаллашуви орқали амалга ошади, унда индивид ижтимоий муҳитга кириб, ижтимоий таъсирга дучор бўлади ҳамда ижтимоий ва гуруҳий қадриятлар тизимини ўзлаштиради. Шахснинг ижтимоийлашуви унинг муайян фаолият стратегиясини шакллантиришни, субъектнинг куч ва имкониятларини мобиллаштириш жараёнини назарда тутади.

Террорчиларнинг у ёки бу асослар бўйича таснифлаш ижтимоий-психологик сабаблар, терроризм феномени кўриниши шакллари, давлатларнинг маданий-миллий анъаналари, ижтимоий тузилмалар ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлгани сабабли мураккаб ҳисобланади²¹.

Террорчининг универсал ижтимоий-психологик портретини тузиш имкони йўқ бўлсада, адабиётларда унинг ҳар хил турлари кўрсатилади. Масалан, С.У.Дикаев “террорчилар орасида турли ёш, жинс, диний эътиқод, партиявий мансублик, турли интеллект даражаси, руҳий камолот, моддий таъминот ва бошқаларга эга бўлган шахслар учрайди”²².

Шу муносабат билан кўп ҳолларда террорчи шах-

14 Кургузкина Е.Б. Учение о личности преступника. – М., 2002. – С. 114.

15 Гринько С.Д. Криминологическая характеристика личности террориста // Право и государство: теория и практика. – 2019. – №7. – С.112-113.

16 Кургузкина Е.Б. Теория личности преступника и проблемы индивидуальной профилактики преступлений: Автореф. дисс. ... док-ра юрид. наук. – М., 2003. – С. 28-29.

17 Кондратюк С.В. Криминологическая характеристика и предупреждение занятия высшего положения в преступной иерархии: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Тольятти, 2022. – С. 12.

18 Трофимов Д.С. Современное состояние борьбы с преступлениями террористического характера: аналитический обзор. – Саратов: Наука, 2013. – С. 21.

19 Станкевич А.М., Пушкин А.В. Особенности криминологического портрета личности современного террориста // Известия Тульского государственного университета. – 2016. – №2. – С. 186-187.

20 Устинов В.В. Обвиняется терроризм. – М.: Проспект, 2008. – С. 12.

21 Оксюк Т. Совершенствование уголовно-процессуальных мер борьбы с терроризмом // Законность. – 2008. – № 12. – С.22.

22 Дикаев С.У. Терроризм: явление, причины, противодействие / отв. ред. Д. А. Шестаков // Частная криминология. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2010. – С. 271.

сининг умумий хусусиятлари, жиҳатлари ва қирралари ҳақида хулоса қилиш имкони бўлмайди. Шунининг оқибати керакки, террорчи шахси фақатгина турли шахсни ривожлантириш механизмлари таъсири остида шаклланиб, балки муайян ижтимоий-маданий муҳит ҳам кўп жиҳатдан унда асосий қадриятлар тўғрисида тасаввурни шакллантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Терроризм салбий ҳодиса сифатида бир лаҳзада юзага келмаган, худди шунингдек, аниқ бир террорчилик ҳаракати ҳам узок вақт давомида тайёрланади, яъни терроризмнинг замирида мураккаб ижтимоий ва шахсий жараёнлар ётади²³. Шунга кўра, террорчи шахсининг ягона модели ҳақида ёзиб бўлмайди, зеро, терроризмнинг турлари ва шакллари хилма-хиллиги ҳам бунга имкон бермайди.

Шу билан бирга, террорчилик ташкилоти аъзоларини бажарадиган ролига қараб фарқлаш мумкин. Асосий роль ташкилотчи ёки етакчига тегишли бўлиб, у кўп ҳолларда идеолог функциясини ҳам бажаради. Террорчи шахси эса кўпинча террорчилик ҳаракатини содир этиш усули билан боғлиқ бўлиб, бу унда муайян соҳаларда, масалан, портловчи моддалар тайёрлаш, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини бошқариш ва бошқалар бўйича тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади²⁴.

Террорчилар орасида асосан эркаклар кўпчиликти ташкил этади. Шу билан бирга, айрим террорчи ташкилотларда аёллар аъзоларининг ярмига етиб қолади, бунда аёллардан асосан ўзини ўзи портлатувчи худкуш сифатида фойдаланадилар²⁵.

Сўнгги вақтда террорчилар орасида вояга етмаганлар сонининг ошириб бораётганлиги хавотирли ҳолат, айрим манбаларга кўра уларнинг сони 10 фоизга етмоқда²⁶. Бунда вояга етмаганлардан террорчилик хусусиятига эга жиноятлар ташкилотчилари томонидан ижрочи ёки ёрдамчилар сифатида фойдаланилади²⁷.

Террорчилик ҳаракатлари бажарувчилари орасида ислом динини қабул қилган, ваҳҳобийлик оқими (сунний мазҳабининг диний-сиёсий экстремистик оқими) тарафдори бўлган²⁸, ҳарбий ва диний тайёргарликдан ўтган, ноқонуний қуролли гуруҳлар таркибига қўшилган шахслар кўпчиликти ташкил қилади²⁹.

Террорчи шахсига хос бўлган умумий хусусиятлар сифатида 25-30 ёшлар атрофида, таълим даражаси – ўртача 8,3 синф, муайян фаолият билан банд бўлмаган, динга, қоида тариқасида, ислом динига ижобий муносабатда бўлган, муқаддам судланмаган, қасд олиш мақсадида жиноят содир этган, ўзини айбдор деб билмайдиган, диний ва ижтимоий-сиёсий эътиқод ва қарашларга эга, юзаки ва моддий манфаатларга, ижтимоий қадриятларга, физиологик одатларга, жисмоний тайёргарликка эга шахслар тушунилади.

Террорчи шахси учун бир қатор салбий омиллар таъсирида шаклланидиган салбий дунёқараш хос³⁰. Криминологияга оид адабиётларда “террорчи-жиноятчи” тушунчаси тор ва кенг маънода тушунилиши мумкин. Тор маънода террорчи-жиноятчи – бу террорчилик ҳаракатини амалга оширишни ташкиллаштирган ёки содир этган шахс. Кенг маънода террорчи-жиноятчи – муайян одатлар, мойилликлар, барқарор экстремистик ҳулқ-атвор, ўзини ўзи қурбон қилиш қобилияти, дунёвий нормаларга эътиборсизлик, одат ва қадриятларни менсимаслик каби хусусиятларга эга шахс³¹.

Ғарбий Европа мамлакатларида террорчи шахсига хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагилар кўрсатилади: жинси – қоида тариқасида эркак, кам ҳолларда аёл, талаба ёки ўспирин; ёши – ўртача 22 ёш; таълим даражаси – қоида тариқасида маълумотга эга эмас, кам ҳолларда – ўрта таълим, жуда кам ҳолларда – олий таълим; оилавий аҳволи – нотўлиқ оиладан чиққан, ёшлигида муаммо

23 Хумаров М.А. Социально-правовая характеристика терроризма в России в 1990-х гг. и формирование государственной концепции по его предупреждению // Общество и право. – 2008. – №2. – С. 44.

24 Серова Е.Б., Корсаков К.А., Коршунова О.Н. Уголовное преследование по делам о терроризме (на досудебных стадиях уголовного судопроизводства) / Под ред. О.Н.Коршуновой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2010. – С. 147, 280.

25 Латышева М. Женщины-террористки. – М.: Эксмо, 2008. – С. 28-38.

26 Галачиева М. Влияние современных социально-криминологических характеристик террористических актов на дифференциацию уголовной ответственности и индивидуализацию наказания: краткий анализ законодательства и судебной практики // Мировой судья. – 2008. – №5. – С. 22.

27 Казакова В.А. Вовлечение в совершение преступлений террористического характера // Право в Вооруженных Силах. – 2008. – №4. – С. 19.

28 Дорохов Н.И. Портрет современного террориста: нравственно-психологические и личностные аспекты // Военно-юридический журнал. – 2006. – №5. – С. 38.

29 Бельский А.И. Криминологическое изучение личности террориста // Проблемы правоохранительной деятельности. – 2012. – №1. – с. 9-10.

30 Лебедев И.В. Личность осужденного террориста: криминологический и уголовно-исполнительный аспекты: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2006. – С.8-9.

31 Бучаев С.М. Криминологические проблемы противодействия процессу становления личности преступника-террориста: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Грозный, 2019. – С.11-12.



лари бўлган; иши – одатда ишга эга эмас, кам ҳолларда иш ва ўртача даромадга эга; судланганлиги – муқаддам судланган ва вояга етмаган ёшда жавобгарликка тортилган; феъли – тез таъсирга тушади, бўйсунувчан, ўзгарувчан, ўз қарашларига содиқ, ўзини жамиятга қарши қўяди; юқори тажовузкорлик, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилиш, диний фанатизм³².

С.А.Солодовников “террорчи шахси” тушунчасини террорчининг ижтимоий атроф муҳит ва криминал муҳит билан ўзаро муносабати ва алоқаларида ифодаланадиган ижтимоий психологик хусусиятлар тизими сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, ушбу белгилар мажмуи жиноятчи шахси тузилмасини шакллантиради ҳамда жиний хулқ-атвор генезидаги турли ролини акс эттиради³³.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, террорчилар – руҳий жиҳатдан ўзгарган шахслар бўлиб, улар тажовузкор, ёвуз, ўч олувчи, шафқатсиз бўладилар. Улар учун зўравонликка тайёр бўлиш хосдир. Албатта, террорчи шахси билан боғлиқ бошқа бир қатор муаммолар, масалан, баҳолашда ноҳолислик, тошбағирлик ва ўзини ўзи назорат қилиш қобилиятининг йўқлиги кабилар ҳам мавжуд³⁴.

Террорчилик гуруҳлари фаолият кўрсатадиган жиний муҳит унинг аъзоларидан улар самарали фаолият кўрсатиши учун муайян шахсий сифатларни намоён этиб боришни талаб этади. Хусусан, террорчилик ташкилотлари етакчилари учун прагматизм, айёрлик, ташкилий қобилиятлар, гуруҳ аъзолари ўртасида биринчи бўлишга ҳаракат қилиш, террорчилик фаолияти бўйича муайян тажрибага эгалик, кучли иродавий сифатлар, юқори даражадаги ақлий қобилият, тадбиркорлик, хушмуомалик, етарлича жисмоний куч, мураккаб вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти, тайёргарлик кўраётган ва содир этилган террорчилик жиоятларини яширишни таъминлаш қобилияти каби хусусиятлар хосдир³⁵.

Террорчи шахси қуйидаги бир қатор белгилар-

дан иборат тузилма кўринишида ифодаланиши мумкин: 1) ижтимоий белгилар (шахснинг ижтимоий-демографик томони) – ёши, жинси, таълим даражаси, касби, ҳаёт даражаси ва бошқа ижтимоий хусусиятлар; 2) ижтимоий-психологик белгилар – мотивация, мақоми билан боғлиқ хусусиятлари ва б.; 3) психологик белгилар – ахлоқий, интеллектуал сифатлари ва характерини тавсифловчи бошқа белгилар; 4) психофизиологик белгилар – асаб тизимининг хусусиятлари, патологик бузилишлар; 5) жиноят-ҳуқуқий белгилар – судланганлиги, террорчилик фаолияти бўйича тажрибасининг борлиги³⁶. Террорчи шахсида ҳиссиёт, миллий, диний, нигилистик ва амбицияли ғоялар аралашган бўлиб, нооқилона дунёқарашни шакллантиради³⁷.

А.Красильниковнинг фикрича, “террорчилик фаолияти иштирокчилари ҳалок бўлган қариндошлари ва дўстлари, вайрон бўлган уй-жойлари учун қасос олиш ёхуд ҳамфикрларидаги ёлғон ватанпарварлик ҳисси – ватанини, халқини, ўз ерларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият томонидан таъқибдан қўрқув билан боғлиқ бир қатор ғоявий қарашлари асосида терроризм йўлига кирадилар. Диний жиҳатига тўхталсак, динни нотўғри талқин қилиш билан тавсифланувчи диний мазмундаги алдов, ёши улуғлар ва ота-оналар нуфузининг тушиши билан боғлиқ ёндашув кенг тарқалган”³⁸.

Террорчи шахсининг мотиви мураккаб, кўп босқичли, ноаниқ хусусиятга эга бўлиб, мотивларнинг ўзи аниқ террорчилик актининг шахсий ва турига қараб фарқланади³⁹.

И.В.Лебедев эса, террорчи шахси жиний хулқ-атвори мотивларини унинг манфаатлари, ижтимоий қадриятлари, кўникмалари, малакаси, одатлари билан боғлайди. Муаллиф хулқ-атвор қоидаларини ўрганиб, барча ушбу масала террорчи шахси ва жиний хулқ-атвор мотивацияга нисбатан тўғридан-тўғри муносабатга эгаллигини таъкидлайди⁴⁰.

Террорчи ташкилотлар раҳбарлари орасида

32 Медов М.У. Криминологическая характеристика личности террориста в Западной Европе // Национальная безопасность. – 2014. – № 3(32). – С. 377.

33 Терроризм и организованная преступность: монография / под ред. С.А.Солодовникова. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА: Закон и право, 2010. – С. 48-49.

34 Ольшанский Д.В. Психология терроризма. – СПб.: Питер, 2002. – С. 124.

35 Легенченко Н.А. Некоторые особенности подходов к изучению личности террориста современной криминологической наукой // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. – 2012. – №2(24). – С. 70.

36 Аванесов Г.А. Криминология: учебное пособие. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2013. – С. 427.

37 Бучаев С.М. Социально-биологическая и нравственно-воспитательная характеристика личности преступника-террориста // Проблемы в российском законодательстве. – 2013. – №6. – С.176.

38 Красильников А. Личность террориста: криминологический аспект // Законность. – 2008. – №5.

39 Дикаев С.У. Терроризм: явление, причины, противодействие // Частная криминология / Отв. ред. Д.А.Шестаков. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2007. – С. 271.

40 Лебедев И.В. Характеристика личности осужденного за терроризм // Человек, преступление и наказание. – 2005. – №3(51). – С. 97.

қуйидаги тоифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) террорчилик фаолияти сиёсий ҳокимиятга эришиш, у ёки бу ҳудуд устидан назоратни қўлга киришти ёки бундай ҳокимиятни сақлаб қолиш воситаси бўлган шахслар; 2) террорчилик фаолияти муайян аҳоли гуруҳлари, террорчилик ташкилотида бўлган шахслар устидан ҳукмронлик мақомини таъминлаш воситаси бўлган шахслар; 3) террорчилик фаолияти ўта ўзгарган ва бузуқ, экстремистик миллий қарашлар, диний мафкурани амалга ошириш воситаси бўлган шахслар; 4) террорчилик фаолияти орқали моддий манфаат кўриш имкониятларини кенгайтириш, аҳолини, ҳукуматни, маҳаллий ҳокимият органларини қўрқитиш натижасида минтақада вазиятни беқарорлаштириш орқали даромад олиш воситаси бўлган шахслар; 5) террорчилик фаолияти бевоста моддий даромад кўриш, террорчилик ҳаракатини режалаштириш, ташкил этиш, террорчилик тузилмалари аъзоларини ўқитганлик ва тайёргарликдан ўтказганлик учун ҳақ олиш воситаси бўлган шахслар; 6) террорчилик фаолияти ўзининг сиёсий ёки иқтисодий манфаатлари йўлида террорчилик фаолиятини амалга оширувчи ёки уни молиялаштирувчи хорижий ташкилотларнинг кўрсатмаларини бажариш орқали муайян мақомга эга бўлиш воситаси бўлган шахслар⁴¹.

Ўз навбатида террорчилик фаолияти бажарувчилари ва террорчилик ташкилоти аъзоларининг қуйидаги турлари ажратилади: 1) террорчилик ташкилотига аъзо бўлиш, террористик ҳаракатларни содир этишда иштирок этиш моддий таъминот воситаси, ўзига хос касби бўлган шахслар; 2) террорчилик ташкилотига фаол ва мақсадли ёллашга қаратилган ишлар натижасида ўзининг миллий ёки диний қарашлари таъсирида қўшилган шахслар⁴².

Террорчилик хусусиятига эга жиноятлар субъекти ҳар қандай шахс, ҳам мансабдор шахслар, ҳам бошқалар – ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилинувчи органлар ходимлари бўлиши мумкин. Мазкур жиноятлар субъектининг қонунда белгиланган белгилари бошқа кўпгина жиноятлар таркиблари субъекти белгилари тавсифидан фарқ қилмаслигини қайд этиб ўтишга имкон беради.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларни содир этиш амалиётини умумлаштириш, психологлар, криминологлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва кузатувларимиз натижалари бизга бу жиноятлар субъектларининг шахси бир қатор ўзига хосликлар билан фарқланишини ва улар тайёрланаётган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишда,

мазкур жиноятлар учун санкциялар ўрнатишда ва муайян шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий хусусиятдаги чорани танлашда эътиборга олиниши лозимлиги тўғрисидаги хулосага келишга имкон беради.

Жиноят иши материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, террорчилар орасида 20 ёшдан 26 ёшгача бўлган, аксарияти ҳарбий хизматни ўтаган, бошланғич таълим олган, патриархал ва диний маданиятда тарбияланган одамлар кўпчиликни ташкил этади.

Айрим ҳолларда террорчиларнинг онгида ўз миллатининг тарихий жароҳати тўғрисидаги барқарор тасаввурлар шаклланган бўлади. Бундай террорчилар ўзларини камситган ва қийнаган халқлар тўғрисидаги кўп жиҳатдан бузиб кўрсатилган тасаввурлари билан ажралиб туради. Улар мазкур шахсларни жазолашга ва уларга адолатли жазо беришга бўлган ўткир эҳтиёжни ҳис қиладилар.

Террорчиларнинг кўпчилиги ўз мамлакатларида уйлари, мол-мулки, яқинлари, ижтимоий ва моддий мақомидан маҳрум бўлади. Бундай террорчилар шахсига аламзадалик, хафалик, ўч олиш туйғулари хос бўлади.

Шу билан бирга, террорчиларнинг аксарияти террорчи ташкилотлар етакчилари иродасига буйсунган, танлаш эркинлиги чекланган шахслар бўлади. Бунда маданият даражаси пастлиги ва дунё ҳақидаги нотўғри тасаввур, дунёни ўзгартиришнинг ягона усули фақатгина қўрқитиш эканлиги борасидаги тушунча террорчи шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, террорчилик фаолиятини тарғиб қилиш орқали унинг сафини тўлдириш, янги аъзоларни жалб этиш билан шуғулланувчи шахслар кўпинча, фалсафа, психология, социология, диншунослик каби йўналишларда олий маълумотга эга шахслар бўладилар. Улар, қоида тариқасида, одамларга таъсир қилиш, ишонтириш ва нотиклик санъатига эга бўлган, баъзида эса, махсус ёлланган ёки ўқитилган шахслар бўлади.

Терроризм, гаров сифатида тутқунликка олишни содир этган аксарият жиноятчилар шахси шафқатсизлиги билан ажралиб туради, улар кўпинча, ўч олиш, сиёсий, диний ва миллатчилик мотивлари билан ҳаракат қилади, аёллар, қариялар ёки болаларни аяб ўтирмайди.

Бу борада Ю.М.Антонян террорчи шахсининг ўн-та психологик хусусиятини ажратиб кўрсатади: 1) мессиялик – ўзини юқори миссияга эга бир инсон сифатида ҳис қилиш; 2) ижобий ижтимоий қадр-

41 Юцкова Е.М. Криминологическая характеристика лиц, совершающих террористические акции на территории России // Преступность как она есть и направления антикриминальной политики. – М., 2004. – С. 105.

42 Анищенко К.Ф. Личностные характеристики преступников, совершающих акты терроризма // Теория и практика общественного развития. – 2007. – №2. – С. 21-22.



ятлардан бегоналик; 3) гумон қилувчанлик, қасоскорлик, салбий кечинмаларга ўралашиб қолганлик; 4) шахсий муаммоларининг ташқи манбаларини қидиришга мойиллик ва худбинлик; 5) нарциссизм, ўзининг гуруҳ, ташкилот, партия, миллатга тегишли эканлигининг юқори аҳамиятини ҳис қилиш; 6) ўзини намоён қилишга, тан олинисига ташналик; 7) доимий мудофаа тайёргарлиги; 8) бетоқатлик, таъсирчанлик, жиззакилик; 9) юқори хавотирлилик, ўлимга ташналик⁴³.

Д.В.Ольшанский эса, террорчиларнинг шахсига хос бўлган учта синдромни ажратиб кўрсатади: 1) “жангчи синдроми” – доимий табиий юқори уруш тайёргарлиги, ҳақиқий ёки виртуал душманга нисбатан фаол душманлик, мураккаб жанговар ҳаракатларга интилувчанлик. Бундай одамлар доимо уруш шароитида яшайдилар, тинчлик ва хотиржамлик ҳолатларидан ҳар қанақасига қочадилар, қурол-яроғлардан қойилмақом даражада фойдаланадилар; 2) “миссионер синдроми” - шахсининг ўткир туйғуларга интилиш ва хавотир, айб, уят, уларда иштирок этганлиги учун жирканиш ҳислари ўртасидаги зиддият билан азобланувчи руҳий ҳолатида ифодаланади. Бундай одамларга ихтиёрий равишда ўзларига топширилган “дунёни қутқариш” вазифасини англаш, тажовузкор интилишларни амалга ошириш имконини берувчи мажбуриятлари тўғрисидаги фикрлаш хос; 3) “камикадзе-шаҳид синдроми” - террорчилик акти давомида ўз қурбонлари билан биргаликда ўзини ҳам ҳалок қилувчи террорчи-худкушларга хосдир. Бундай одамларнинг асосий психологик хусусиятларидан бири ўзини қурбон қилишга тайёрликдир. Бундай террорчилар ўлимнинг ўзидан эмас, балки у билан боғлиқ ҳолатлар: яраланиш, ожизлик, полиция қўлига тушиш эҳтимоли, қийноқлар, масхара бўлишдан қўрқадилар⁴⁴.

В.Пирожковга кўра, “террорчилар қандай кийим киймасин, нима мақсадни кўзламасин (сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ижтимоий тузуумини ўзгартириш; маънавий – улар томонидан тушуниладиган “адолат”га эришиш; иқтисодий – нафратланиладиган рақобатчиларни бартараф этиш; диний - эътиқод софлиги учун курашиш; психологик – машҳурлик, шуҳрат қозониш, тарихда из қолдириш ва бошқалар) – буларнинг орқасида одамлар устидан ҳокимият ўрнатиш истаги ётади. Буни бир можаро минтақасидан бошқасига кўчиб юривчи ёлланмачилик психологиясини ўрганиш ҳам кўрсатиб турибди”⁴⁵.

“Террорчилар орасида кўп учрайдиган икки та психологик типни ажралиб туради: биринчиси – юқори интеллект, ўзига ишонч, ўзига юқори баҳо бериш, ўзини намоён қилишга интилиш билан ажралиб турса, иккинчиси эса, аксинчса, ўзига ишонмаслик, заиф ирода ва ўзига паст баҳо берувчи. Бироқ, ҳар иккаласига ҳам юқори тажовузкорлик, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга доим тайёрлик, ўзига ўта берилиб кетганлик, ўзгаларнинг ҳис-туйғулари ва истакларига кам эътибор беришлик, диний таассублик ва кўр-кўрона эргашиш хосдир”⁴⁶.

Террорчилик хусусиятидаги жиноятлар деярли ҳар доим ёлғиз эмас, балки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади. Бироқ, ноқонуний қуролли тузилмани ташкил этиш, ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш (ЖК 159-моддаси) каби жиноятлар объектив томондан жиноий ташкилотлар тузиш ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Шу боис ҳам ЖК 1553, 159, 264-моддаларида назарда тутилган жиноятларда уларни уюшган гуруҳ ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлик оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

#

43 Криминология. Учебник. Под ред. В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова. 4-е издание. НОРМА ИНФРА-М. М. 2010. С.371

44 Ольшанский Д.В. Психология терроризма. СПб. 2002 г.; См. также Безносков Д.С., Почебут Л.Г. Психология толпы и терроризм: Учебное пособие. Под ред. В.П.Сальникова. – СПб.: Санкт-Петербургский университет МВД России, 2005.

45 Психологи о терроризме («круглый стол») // Психологический журнал. – 1995. – № 4. – С.12.

46 Зеленков М.Ю. Социально-психологические универсалии личности современного террориста // Вопросы безопасности. – 2017. – № 3. – С. 88.

Миратдийин НАЖИМОВ,
Қорақалпоқ давлат университети
кафедра мудири, ю.ф.н. доц.
мустақил изланувчи

ОИЛАГА ВА ЁШЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРДА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида оилага ва ёшларга қарши жиноятлар учун қилмишни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье исследуются специфические аспекты квалификации преступлений против семьи и молодежи в уголовном праве Республики Узбекистан.

ABSTRACT. The article examines the specific aspects of the qualification of crimes against family and youth in the criminal law of the Republic of Uzbekistan.

Калит сўзлар: ижтимоий хавфли қилмиш, жиноий қилмиш, квалификация, фоҳишалликка жалб этиш, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма, гиёҳвандлик воситалари, жазони индивидуаллаштириш

Ключевые слова: общественно опасное деяние, преступное деяние, квалификация, вовлечение в проституцию, организованная группа, преступное сообщество, наркотические средства, индивидуализация наказания

Key words: socially dangerous act, criminal act, qualification, participation in prostitution, organized group, criminal community, drugs, individualization of punishment

Жиноятларни квалификация қилиш аниқ ижтимоий хавфли қилмиш белгилари ва жиноят-ҳуқуқий норманинг белгилари ўртасидаги мослик (ўхшашлик)ни аниқлашдир¹. Жиноят-ҳуқуқий адабиётлардан мустаҳкам ўрин олган қоидага кўра, жиноятни квалификация қилиш содир этилган қилмишнинг белгилари билан жиноят-ҳуқуқий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасида мувофиқликни аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир². Жиноий қилмишларни квалификация қилиш ҳар қандай жиноят учун жазо тайинлашнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Жиноятчининг, шу жумладан инсоннинг жисмоний эркинлигига тажовуз қилган шахснинг ҳаракатларига баҳо беришда терговчи, прокурор ва суд қайси жиноят-ҳуқуқий норма қўлланилиши лозимлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиши, яъни содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилиши талаб этилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига мувофиқ жиноятларни квалификация қилиш жиноий жавобгарликнинг юзага келиши ва уни амалга ошириш учун юридик асос ҳисобланади.

Одил судловни амалга ошириш учун тегишли қилмишни жиноят-ҳуқуқий норманинг аниқ мазмунига ва жиноят содир этилишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ тўғри квалификация қилиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан тўғри квалификация қилиш оилага ва ёшларга қарши жиноятлар, шу жумладан, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга доир жиноят ишлари бўйича одил судлов қонундан оғишмай амалга оширилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Қилмиш тўғри квалификация қилинган тақдирдагина қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга доир жиноят иши бўйича суд чиқарган ҳукм содир этилган жиноятга ва маҳкумнинг шахсига давлат номидан берилган баҳони ифодаловчи қонуний ҳукм бўлиши мумкин.

Жиноят таркибини аниқлашга доир тегишли адабиётлардаги фикрлар тафовутига қарамай, кўпгина муаллифлар жиноят таркиби тушунчасини объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборатлигини тан олиб, жиноят таркиби ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида аниқлашга хизмат қилади, деб таъкидлайдилар.

Жиноят таркиби тўғрисидаги таълимот А.И.Трай-

1 Расулев А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 126.

2 Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1998. – С. 8.



нин³, В.Н.Кудрявцев⁴, Я.М.Брайнин⁵, М.П.Карпушин⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида чуқурроқ таҳлил этилган.

Жиноят таркибининг бир неча вазифаси мавжуд, яъни:

- жамият учун хавfli қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш воситаси;
- жиноий жавобгарлик учун асос бўлиши;
- жиноийлик даражасини аниқлашда қонунчилик намунаси бўлиши;
- жиноятларни фарқловчи воситасида хизмат қилиши.

Шундай қилиб, жиноят таркиби ўзига хос жиноят нусхаси бўлиб, ўзида барча жиноятнинг аломатларини мужассамлаштирган бўлади ва шу аломат шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмишда мавжуд эканлиги жиноят деб ҳисоблашга асос бўлади.

Жиноят шахс томонидан вояга етмагани фоҳишаликка жалб этишга қаратилган ёхуд жиноят содир этишга далолат этишга қаратилган ёхуд жиноят содир этишга далолат қилувчи ҳаракатларни содир этган пайдан эътиборан, вояга етмаган фоҳишаликка жалб этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилиши⁷ фактидан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаган шахсни фоҳишалликка жалб этиш формал таркибли жиноятдир.

Вояга етмаганларни фоҳишаликка жалб қилиш объектив томондан фақат ҳаракат билан содир этилади. Бу жиноят ҳаракатсизлик билан содир этилмаслиги учун вояга етмаганларни жиноят қилишга йўл қўйган шахсларни вояга етмаганларни жиноят қилишга жалб қилишда айблаб бўлмайди.

Муаллифлардан Н.П.Грабовская вояга етмаганларни жиноятчиликка жалб қилиш жиноятининг таркиби - формал таркибли деб таъкидлайди. У вояга етмаганларни жиноятчиликка жалб қилиш жиноятининг объектив томонини характерлар экан, бир эмас балки бир нечта формал таркиблар ҳақида фикр юритади.

Бироқ ҳамма муаллифлар ҳам бундай фикрни қувватлайвермайди. Масалан А.А.Игнатов Жиноят кодексининг 131-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик юзага келиши учун вояга етмаганни фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачи-

лик қилишга қаратилган ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи кифоя эканлигини, вояга етмаганни жиноят содир қилиш-қилмаслиги аҳамиятсиз эканлигини таъкидлаган муаллифларни танқид қилади. Унинг фикрича, “вояга етмаганларни фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачиликка жалб қилиш таркиби, вояга етмаган шахс жиноятга жалб қилинган вақтда тугалланган деб ҳисобланади. Вояга етмаган шахсни жиноятчиликка жалб қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасиз қолган ҳолларда эса, буни берилган жиноятга суиқасд қилиш деб қарашни таклиф қилади⁸.

Муаллифлардан Е.В.Качигина эса “вояга етмаганларни фоҳишаликка жалб қилган ҳолда деганда, вояга етмаганни жиноят содир қилишда бажарувчи ёки ёрдамчи сифатида иштирокини назарда тутуди⁹.

Ушбу масалага доир баъзи таклифларимизни билдириб ўтсак.

ЖК 131-моддаси 4-қисмида айбдорнинг вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб этиш вақтида унинг вояга етмаганлигини билиши кераклиги факти тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Айрим ЖК нормаларида бу каби масалалар аниқ ҳал этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, ЖК 56-моддаси “ж” бандида ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Маълумки, ёш болалардан жиноят содир қилишда фойдаланиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида айбдорнинг қасди билан қамраб олинган бўлсагина у суд томонидан эътиборга олинади. Ваҳоланки, қонуннинг ўзида ёш бола эканлиги айбдорга аён бўлса, деб тўғридан-тўғри айтиб ўтилган. Бизнинг фикримизча, айбдорнинг вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб этиш вақтида унинг вояга етмаганлигини билиши кераклиги тўғрисида қонунга қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши Жиноят кодекси Махсус қисми 131-моддасида содир этилган қилмишни модданинг мазкур белги кўрсатиб ўтилган қисми банди бўйича Жиноят кодекси 28-моддасига ҳавола қилинмай квалификация қилинади ва гуруҳнинг барча аъзолари муайян жино-

3 Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. -М,1957
4 Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений – М, 1972
5 Брайнин Я.Н. Уголовная ответственность и её основания в советском праве – М., 1963
6 Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления – М.,1974
7 М.Рустамбоев.Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Т.Ўқитувчи. 2003 йил,-Б. 118.
8 Уголовное право Российской Федерации. 2001.-Б. 377.
9 Уголовное право Российской Федерации. 2005.-Б. 287.



ят таркиби учун мажбурий фактор бўлиб келувчи мазкур белги бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида “уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш” тушунчаси ишлатилади, бунда умумий қоида бўйича жиноий гуруҳнинг жиноий фаолиятдан гувоҳлик берувчи бир неча жиноий тажовузларнинг амалга оширилиши назарда тутилган. Бироқ, амалиётда уюшган гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг жиноий қилмишлари сонидан қатъи назар, у уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганлиги учун (ўзи буни англаган ҳолларда) жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноий уюшма иштирокчилик барча шакллари ичида энг хавфлисидир. Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади. Жиноий уюшма асосий белгиларидан бири унинг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳлардан иборат бўлишидир.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятларини жиноят-ҳуқуқий ва криминологик ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга жалб қилиш жиноятларини ўрганиш натижаларига кўра, ушбу жиноятнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖКнинг 127-моддаси 1-қисми) тури суд амалиётида учрамади. Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш (ЖКнинг 127-моддаси 2-қисми) тури суд амалиётида учрайди ва бу жиноят тури Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддасининг умумий ҳолда 14% ҳолатида содир этилаётганлиги маълум бўлди. Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш (ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми) тури суд амалиётида кўп учрайди ва бу жиноят тури Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддасининг умумий ҳолда 86% ҳолатида содир этилаётганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятлари алоҳида ўрганилганида энг кўп содир этилиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга жалб қилиш – 13% ни, унча оғир бўлмаган жиноятларга жалб қилиш – 76% ни, оғир жиноятларга жалб қилиш – 9% ни ва ўта оғир жиноятларга жалб қилиш – 2% ҳолатни ташкил этди. Унча оғир бўлмаган жиноятларга жалб қилишнинг кўп учраганлигининг асосий сабаблари бўлиб, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишнинг гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят

содир этишлари жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларида квалификация қилинганлиги сабабли бўлганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишда талончилик, фирибгарлик, ўғрилиқ каби жиноятларни содир этишга жалб қилиш ҳолатлари кўп учради. Ушбу жиноятлар ўрганилганида оғир ва ўта оғир жиноятларга жалб қилиш ҳолатлари вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишнинг уюшган гуруҳларга жалб қилинганлиги каби квалификация қилинганлик ҳолатлари сабабли содир этилганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилиш жиноятларида жиноят субъектларини ўрганишларда вояга етмаган шахс билан жалб қилувчининг ёшида катта фарқ йўқлиги маълум бўлди. Жумладан, аксарият ҳолларда вояга етмаганларнинг ёшлари 16-17 ёшни ташкил этган бўлса, уларни жиноятга жалб қилганларнинг ёшлари 18-22 ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида ушбу жиноятни дифференциациялашнинг юқорида баён этилган мезонлари ўз ифодасини топмаган ва бу ушбу жиноятга қарши курашиш механизмига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Санаб ўтилган мезонлар суд томонидан жазо тайинлашда инobatга олиниши мумкин. Бироқ ушбу асослар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилмаган. Шундай экан бу ҳолатда норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосланмаган ҳолда суд юқоридаги ҳолатларни оғирлаштирувчи мезон сифатида баҳолаш имконидан маҳрумдир. Ваҳоланки, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ота-она, васий, ҳомий, ўқитувчи ёки болани тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс томонидан жалб этиш; зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан; уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмага; оғир ёки ўта оғир жиноят қилишга жалб этиш ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини бир қадар оширади ва қонун чиқарувчи томонидан инobatга олинишини талаб этади.

Масалан, мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсат ишлаб чиқилган ҳамда у узлуксиз амалга ошириб борилади. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган¹⁰.

Бироқ, ўзининг ғайриижтимоий қилмишларини амалга ошириш учун ҳали оқ-қорани ажрата ол-



майдиган вояга етмаганлардан фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бу эса вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашни тақозо этади.

Бу борада мамлакатимизда 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат эканлиги мустаҳкамланган¹¹.

Худди шунингдек, 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасида ҳам вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида сўз юритилган¹².

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик масаласи, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан алоҳида муҳофазага олинган. Унинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган.

Ижтимоий хавfli қилмиш учун жиноий-ҳуқуқий характердаги жавобгарлик бирмунча жиддий хусусият касб этади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 127-моддасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми маъмурий преюдицияга эга. Яъни, қилмиш учун шахсни вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti унинг муқаддам худди шу турдаги қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳисобланади.

Ушбу моддада вояга етмаган шахсни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин

кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш Жиноят кодекси 127-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан, икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан ҳамда ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши каби ҳолатлар ҳам мустаҳкамланган.

“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарорининг 7-бандида судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахслар вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тушунтирилган. Шунингдек, вояга етган шахс ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда вояга етган шахс вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Юқорида қайд этилганидек, ЖКнинг 127-моддасида вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Шунингдек, ЖКнинг XIX бобида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун алоҳида боб назарда тутилган. Жумладан, ЖКнинг 274-моддасида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик ўрнатилган.

Бизнингча, вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш билан боғлиқ қилмишни ЖКнинг 274-моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бундай ўз-

11 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

12 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

гартириш мазкур турдаги қилмишларни қуйидагича дифференциация қилиш имконини беради:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун жавобгарлик;
- такроран содир этганлик учун жавобгарлик;
- оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга жалб этганлик учун жавобгарлик.

Айрим хорижий давлатларнинг (масалан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон, Озарбайжон ва бошқа) жиноят қонунчилиги таҳлили ва тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тадқиқ этилаётган масалада жавобгарликни дифференциациялаш орқали жавобгарлик ва жазонинг, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлигини таъминлаш мумкин. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 127-моддасида юқорида таҳлил этилган дифференциациялаш мезонларидан келиб чиқиб, санкцияни мутаносиб равишда таснифлаган ҳолда киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жазо тайинлаш жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур босқичда судга жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан адолатли индивидуаллаштирилган жазо тайинлаш вазифаси юклатилган. Жазони индивидуаллаштириш деганда қонунга асосан суд томонидан ўзининг ички ишончига асосланган ҳолда содир этилган муайян жиноятнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилик даражасига, ишнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инobatга олган ҳолда, айбдорнинг шахсиятини тавсифловчи маълумотларга мувофиқ бўлган, жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва у, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тури ва муддатини танлаш тушунилади¹³.

Жиноий жазони индивидуаллаштириш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида баён этилган бўлиб, Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси айбдорнинг шахси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам инobatга олинади.

Жазони индивидуаллаштиришнинг умумий қоидаларига кўра махсус қисм моддаларида белгиланган санкция доирасида жазо тайинланиши лозим.

Бунда жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини аниқ тайинлаш мақсадида модда санкциясида жазонинг қатъий чегараланиши талаб этилади.

У ёки бу жиноят учун санкция доираси, шу жумладан, уни ошириш масалаларини аниқлаш ҳар доим амалиётчи юристлар, олимлар ва қонун чиқарувчилар диққат марказида бўлиб келган. Н.Н.Кондрашков фикрича, “Қонун чиқарувчи санкция чегарасини ўз хоҳишига кўра эмас, балки унинг олдида муайян даврда турган маълум бир жиноят турларига қарши курашини кучайтириш ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан юмшоқроқ таъсир чораларини қўллаш имкониятидан келиб чиқиб белгилайди. Қонун чиқарувчи турмушдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, жиноятчиликка қарши кураш борасида тўпланган тажриба суд амалиёти маълумотлари, илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб ёндашади. Демак, санкция тавсифи ва мазмунини аниқлаш асосида объектив жараёнлар ва объектив ҳолатлар ётади”¹⁴.

Амалдаги Жиноят кодексида вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун санкциянинг минимал ва максимал муддатларини мувофиқлаштириш орқали уни оптималлаштириш лозим. Санкцияда вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун беш йилдан ўн йилгача (умумий муддат) озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, суд жазо тайинлашда қилмишнинг хавфлилигини ва айбдорнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларни инobatга олади. Амалдаги қонунчиликда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини кўрсатувчи қатъий қоида мавжуд бўлсада, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти нимада намоён бўлиши тартибга солинмаган. Шунининг инobatга олиб ушбу ҳолатларни қўшимча равишда изоҳлаш зарур.

Қайд этиш жоизки, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда суд унинг махсус хусусиятларини, жумладан, тажовузнинг бир гуруҳ ёки рецидив мазмунга эгаллигини инobatга олиши лозим. Суд, шунингдек айбдорнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларни ҳам инobatга олиши лозим.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этиш юзасидан қўзғатилган жиноят иши материалларини тадқиқ этиш натижасида жалб этувчи ва жалб этилаётган шахсларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш имконияти туғилди. Бу ишларнинг таҳлили шунининг кўрсатдики аксарият ҳолларда жиноят қилишга жалб этаётган ва жалб этилаётган шахслар ўзаро таниш бўлиб, уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ 5 йилдан ошмайди (57,9% ҳолатда). Бундан

13 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. II том. Т., “Илм зиё”-2011. 94 б.

14 Кондрашков Н.Н. Меры наказания в законе и на практике // Социалистическая законность. 1994. №2. –С.20



келиб чиқадики, жалб этувчи шахслар жалб этилаётган шахснинг яқин таниши бўлган ва улар умумий манфаатларга ҳамда умумий дунёқарашга эга бўлган. Жалб этувчи шахсларнинг 55,2 % ни 18-22 ёшдаги шахслар ташкил этади. 23-30 ёш оралиғидаги шахслар 30,5%ни, 31-40 ёшдагилар 11,1%ни, 40 ёшдан катталар 3,2% ни ташкил этади. Жиноятчиларнинг оилавий аҳволи ўрганилганда уларнинг аксарияти оиласиз эркаклар эканлиги аниқланди.

Уларнинг касбий фаолияти ўрганилганда, жалб этувчиларнинг 57,1% жиноятни содир этиш вақтида ишламаган ва ўқимаган. Қолган қисмини ўқиш ёки иш билан банд фуқаролар ташкил этган, бироқ уларнинг кўпчилиги юқори малака талаб этмайдиган жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Жалб этувчиларнинг олдинги хулқ-атвори ўрганилганда уларнинг 48,5% олдин судланган шахсларни ташкил этади.

Суд томонидан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун айбдорнинг шахсини инобатга олган ҳолда жазо тайинлашда суд унинг меҳнатга, таълимга, фуқаролик бурчларини бажаришга муносабатини, турмушдаги хулқ-атворини, соғлиғининг ҳолати ва меҳнатга лаёқатлилигини, оилавий аҳволи, судланганлиги тўғрисидаги маълумот ва бошқаларни аниқлаши талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар суд томонидан ҳар бир жиноят ишида ва ҳар бир судланувчига нисбатан тўла ва батафсил таҳлил этилиши ло-

зим. Зеро суд томонидан тайинланадиган жазонинг тури ва муддатини асослаш имконини беради ва ижтимоий адолатни тиклаш, айбдорни ахлоқан тузатиш ва жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, амалиётда юзга келувчи қатор муаммоли масалаларнинг ечимини топиш мақсадида вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобарликни дифференциациялаш тақозо этилмоқда. Бу бир томондан, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этишнинг айрим белгилари, хусусан, ота-она, васий, ҳомий, ўқитувчи ёки болани тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс томонидан жалб этиш; зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан; уюшган гуруҳ ёки жинойий уюшмага; оғир ёки ўта оғир жиноят қилишга жалб этиш ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини бир қадар ошириши билан изоҳланса, бошқа бир томондан, қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни тўлдиради, яъни муайян жиноятнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ишнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, айбдорнинг шахсиятини тавсифловчи маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тури ва муддатини танлашга кўмаклашади ва ижтимоий адолат тикланишини таъминлайди.

#



Адҳам ОДИНАЕВ,
Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҚЎЛЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун неустойка қўллашни такомиллаштириш илмий-назарий таҳлил этилиб, тегишли таклифлар берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье приведен научный и теоретический анализ невыполнения или ненадлежащего исполнения договорных обязательств субъектами хозяйствования, а также совершенствования применения неустойки для обеспечения выполнения гражданско-правовых обязательств и даны соответствующие рекомендации.

ABSTRACT. This article provides a scientific and theoretical analysis of the non-fulfillment or inadequate fulfillment of contractual obligations by business entities, as well as the improvement of the application of penalty to ensure the fulfillment of commercial obligations of civil law relations and makes relevant recommendations.

Калит сўзлар: шартнома, пул мажбурияти, тижорат мажбурияти, тижорат муомаласи, неустойка, лафзсизлик тўлови, жарима, пеня, муқобил неустойка, мутлақ неустойка, кредитор, қарздор, компенсация, неустойка тўғрисидаги келишув, бажарилмаган мажбурият, бузилган мажбурият, зарар, зарарни қоплаш, жарима, астрент.

Ключевые слова: договор, денежное обязательство, коммерческое обязательство, коммерческая сделка, неустойка, штраф, пеня, альтернативная неустойка, абсолютная неустойка, кредитор, должник, компенсация, неустойка, невыполненное обязательство, нарушенное обязательство, убыток, компенсация, штраф, астрент.

Key words: contract, monetary obligation, commercial obligation, commercial transaction, alternative penalty, absolute liquidated damages, creditor, debtor, compensation, penalty agreement, unfulfilled obligation, breached obligation, loss, indemnification, fine, astreine.

Мажбурият-ҳуқуқий муносабатларда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, кредиторлар ҳуқуқларини таъминлаш ва мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган қарздорга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари самарадорлигини ошириш долзарб масаладир.

Бунда мажбурият бажарилишини таъминлаш воситаси ва мажбуриятни бажармаганлик учун қўлланиладиган универсал чора ҳисобланган неустойкани татбиқ этиш, қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга ундашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳондаги йирик компанияларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги, истеъмолчи манфаатларига зид фаолият юритаётганлиги учун катта миқдорда жарималарга тортилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2019 йилда Еврокомиссия Google компаниясига 1,49 миллиард евро, АҚШнинг Савдо бўйича федерал комиссияси Facebook Inc компаниясига 5 миллиард АҚШ доллари, АҚШ Калифорния суди Германиянинг Вауер концернига 2

миллиард АҚШ доллари жарима белгилаган¹.

Айни пайтда дунё мамлакатларида мажбурият бажарилишини таъминлаш ҳамда жавобгарлик чораси сифатида неустойкани қўллаш, кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мақбул, самарали, таъсирчан ҳамда мутаносиб усуллари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Жумладан, шартнома тузиш эркинлигини таъминлаш, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатига тўсқинлик қилмаслик, тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, халқаро стандартларга, жумладан, шартномаларнинг принциплари тўғрисидаги ҳужжатлар, хусусан, УНИДРУА² Халқаро тижорат шартномалари принципларига миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Иқтисодиёт локомотиви бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, шу билан бирга, тадбиркорларга

1 <https://ria.ru/20190724/1556844594.html>

2 Международный институт унификации частного права, сокращённо УНИДРУА (фр. UNIDROIT); Источник – <https://ru.wikipedia.org>



етказилган **зарарни қоплашнинг адолатли тартибни** таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бизнес субъектларига имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш³, тадбиркорларнинг ўз мажбуриятларини, қонун олдидаги масъулиятини унутмасликларни ғоят муҳимдир⁴.

Бу борада мажбурият ҳуқуқида хўжалик юридувчи субъектлар ўртасида шартнома талаблари ва интизомига риоя қилмаганлик учун неустойка қўллаш, неустойканинг ҳуқуқий табиати, унинг фуқаролик қонунчилигидаги ўрни ва функцияси, мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарнинг айби даражаси, неустойкани камайтириш каби жиҳатларни тадқиқ этиш долзарбдир.

Қадимги Рим ҳуқуқидан маълумки, шартнома ни бузган шахснинг зарар кўрган тараф фойдасига жарима тўлаш мажбурияти неустойка (*stipulatio poenae*) деб аталган.

Бу келишувнинг мақсади қарздорга тазйиқ кўрсатиш ва шу орқали асосий мажбурият бажарилишини таъминлашдан иборат бўлган. Шартнома бузилиши неустойкани ҳаракатга келтирувчи шарт сифатида пулда ифодаланиб, мажбуриятни бажаришга мажбурлаш механизми ҳисобланган. Тарафлар ўз ҳуқуқлари бузилиши оқибатларига тахминий баҳо бериб, шартномага неустойка тўғрисидаги шартни киритишган.

Европада неустойка тўғрисидаги нормалар илк бор Рим хусусий ҳуқуқи манбаларида мустаҳкамланган. Унда неустойка мажбурият олган тарафлардан бири асосий мажбуриятни бузган тақдирда кучга кирувчи шартли мажбурият тарзида баён этилган. Неустойка фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояланмаган шартномаларни мустаҳкамлаган ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаган.

Россия империясида неустойка тўғрисидаги қонунчиликнинг қуйидаги умумий манзарасини кўриш мумкин:

- неустойкалар, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жарима хусусиятига эга;
- амалиётда баҳоловчи неустойка тан олинмайди;
- шартномавий неустойкалар ёзма расмийлаштирилиши керак;
- неустойкалар нафақат пул, балки бошқача мол-мулк билан ҳам тўланиши мумкин;

- қонуний неустойка белгиланган мажбуриятларни таъминлаш учун шартномавий неустойкалар қўллаш мумкин эмас⁵.

Франция фуқаролик ҳуқуқида неустойка компенсацион хусусиятга эгаллиги билан тавсифланади. Масалан, Франция Фуқаролик кодексининг 1229-моддасида жазоловчи изоҳот (неустойка) бош мажбурият бажарилмагани туфайли кредитор кўрган зарарларни қоплаш воситаси ҳисобланиши қайд этилган. Неустойка зарарларнинг умумий ҳисоб-китоби сифатида намоён бўлиб, унинг вазифаси суд процессининг олдини олишдан иборатлиги таъкидланади.

Ҳатто суд шартномада кўрсатилган суммани зарарни қоплаш учун етарли эмас ёки ҳаддан ташқари баланд деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, бундан кам ёки ортиқ сумма суд томонидан тайинланиши мумкин бўлмаган (ФФК 1152-модда). 1975 йил 9 июлдаги 75-597-сонли қонун билан судга белгиланган неустойка миқдори кам ёки ҳаддан ташқари кўп бўлган тақдирда уни кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилган⁶. Мазкур ўзгартириш шартномавий неустойкани келишида тарафларга берилган эркинлик суиистеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган.

Неустойка институти жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари, масалан, Австрия Фуқаролик тузуги 1336, Германия Фуқаролик тузугининг 339-345, Франция Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юритилади)нинг 1229 ва 1152, Люксембург ФКнинг 1152 ва 1226, Испания ФКнинг 1152, Греция ФКнинг 405, Италия ФКнинг 1382-1384, Нидерландия ФКнинг 6:91-6:94, Португалия ФКнинг 810, Монголия ФКнинг 180, Чехия ФКнинг 544-545-моддаларида, ХХРнинг “Контрактлар тўғрисида”ги қонунининг 114, Ҳиндистоннинг “Контрактлар тўғрисида”ги қонунининг 74-моддаларида, шунингдек умумий ҳуқуқ мамлакатларининг суд амалиётини (масалан, Англияда 1915 йил Dunlop Pneumatic Tyre Co. Ltd. v. New Garage and Motor Co. Ltd. иши бўйича чиқарилган қарорни, Шотландияда 1904 йил Clydebank Engineering & Shipbuilding Co. Ltd. v. Castaneda иши бўйича чиқарилган қарорни, АҚШда 1914 йил Banta v. Stamford Motor Co. 89 Conn. иши бўйича чиқарилган қарорни) қайд этиш мумкин⁷.

Мисол учун Англия ҳуқуқида неустойкага оид ёндашув илк бор адолат ҳуқуқи доирасида шакл-

3 Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. –Б. 16.

4 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –Б. 357.

5 Синайский В.И. Русское гражданское право. –М., 2002. – С. 324-326.

6 Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. –М., 1991. – С. 147.

7 Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в Российском и зарубежном праве. –М., Статут, 2005. – С. 8.



ланган⁸. Мажбуриятни бузганлик учун санкцияни шартномада белгилашга йўл қўйилиши тўғрисидаги масала тегишли шарт қандай квалификация қилинишига боғлиқ бўлади. Агар шарт неустойка (penalty), яъни шартномада қарздорни қўрқитиш (in terrorem) ва олган мажбуриятларини бажаришга мажбурлаш мақсадида тайинланган пул суммаси деб эътироф этилса, суд бундай шартни ҳақиқий эмас деб топади. Агар тарафлар шартномага мазкур шартни киритаётиб, шартнома бузилган тақдирда (liquidated damages) кредитор кўриши мумкин бўлган зарарни олдиндан баҳолашга ҳаракат қилган бўлса, бу пул амалда исботланган зарар миқдоридан қатъи назар, ҳатто зарар кўрилмаган бўлса ҳам ундирилади⁹.

Англияда зарарни ундириш тўғрисида даъво билан арз қилиш умумий ва универсал ҳимоя усули ҳисобланиб, мажбуриятни бажаришга мажбурлаш бу ерда номақбул ҳимоя усули сифатида қаралади¹⁰. Мажбуриятларни бажаришга мажбурлашга салбий кўз билан қарайдиган Англия ҳуқуқи неустойкани ҳисоблаш йўли билан билвосита мажбурлашни ҳам қоралайди¹¹.

Шундай қилиб, фуқаролик қонунчилигининг ривожланиш тарихида неустойка мажбуриятларни таъминлаш усули ва жавобгарлик чораси сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихда неустойкани тартибга солишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган: биринчиси – жазоловчи (жарима) неустойка; иккинчиси – баҳоловчи неустойка (олдиндан баҳоланган зарар).

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўллаш асослари ва тартибини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ҳамда таклифларни бериш мумкин:

1. Неустойка, бир томондан, мажбурият бажарилишини таъминлаш усули, бошқа томондан эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли сифатида амал қилади. Неустойка шартномани тузиш ва бажариш босқичида рағбатлантирувчи, сигнализация он ҳамда кредиторнинг бузилиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш функцияларини бажаради ва шартноманинг лозим даражада бажарилишини таъминлайди, мажбуриятнинг бузилиш босқичида эса ўзига хос жавобгарлик шаклига айланиб, ўзида компенсацион, жазолаш, тарбиявий функцияларни намоён этади.

2. Неустойка тўлаш масалаларини тартибга солишда шартномани бажармаганлик ва лозим да-

ражада бажармаганлик ҳолларини фарқлаш зарур. Масалан: а) қарздор шартномани бажармаган тақдирда неустойка тўлаши шарт бўлса, кредитор шартномани бажариш ўрнига неустойка тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар кредитор қарздордан неустойка тўлашни талаб қилган бўлса, мажбуриятни бажариш талабининг қўйилиши мумкин эмас; б) агар неустойка мажбурият лозим даражада бажарилмаган, бажариш муддати кечиктирилган, белгиланган талаблар асосида бажарилмаган ҳолда тўлаш назарда тутилган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш билан бир қаторда зарарни қоплаш ва неустойка тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақиқ бўлади.

3. Неустойка юридик жавобгарликнинг тарбиявий функциясига хос жиҳатларга эга бўлганлиги сабабли ҳам унинг моҳиятида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хос бўлган жиҳатлар мавжуд. Шу сабабли, неустойкани мазкур икки ҳуқуқий институт таркибига киритилишидаги мантиқ ҳам ушбу омил билан боғлиқ ва бундай иккиёқламаликда устуворлик неустойканинг ундирилиш босқичига берилади. Бу босқич эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилганда вужудга келиб, дастлаб мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида белгиланган неустойкани шартнома бузилганида ундириладиган жавобгарлик чорасига айлантиради.

4. Фуқаролик ҳуқуқига неустойканинг ўзига хос кўриниши астрент (суд неустойкаси) институтини киритиш ҳамда қарздор томонидан суд қарорлари ижро этилмаганида ундириладиган неустойкани кредитор фойдасига ва давлат бюджетига тақсимлаш механизмини жорий этиш лозим. Астрент моддий-ҳуқуқий таъсир чораси бўлиши билан бирга неустойка сифатида қарздорни суд қарори билан белгиланган мажбуриятни бажаришга ундаш воситаси ҳам ҳисобланади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этмаганлик учун ундириладиган маъмурий жаримадан фарқли равишда, астрент кредитор манфаатларига хизмат қилади ва айни пайтда қарздорни қарз суммасидан келиб чиқиб қўшимча мулкӣ йўқотишларга дучор қилиши сабабли ҳам ижро жараёни тезлашишига самарали таъсир кўрсатади. Ҳозирда қўлланилаётган суд қарорларини ижро этмаганлик учун маъмурий жарима эса ўта самарасиз эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу

8 Samuel G. Law of Obligations & Legal Remedies. L., 2001. P. 361.

9 Clydebank Engineering & Shipbuilding Co v. Castenada иши (1905 йил).

10 Карапетов А.Г. Иск о присуждении к исполнению обязательства в натуре. – М., 2003. – С. 45; Павлов А.А. Присуждение к исполнению обязанности как способ защиты гражданских прав. – СПб., 2001. – С. 57.

11 Доклад Генерального секретаря "Оговорки о заранее оцененных убытках и штрафных неустойках" (A/CN. 9/161) // Ежегодник Комиссии ООН по праву международной торговли. 1979. Т.Х. – С. 55.



сабабли, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процесуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодекси-га астрентга оид нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

5. Фуқаролик қонунчилигига мажбуриятлар бажарилишининг янги усули сифатида “Таъминловчи тўлов”га оид қоидаларни киритиш зарур. Мазкур усул орқали олдиндан мажбурият тарафлари томонидан шартнома тузиш пайтида бир-бирларининг фойдасига киритилган тўлов воситасида мажбурият бажарилиши тўлиқ таъминланади. Мазкур усул айна пайтда “гаровбанд” ёки “кафолат”га ўхшаш функция ва жиҳатларга эга бўлса-да, унинг “пул тўлови” шаклида қўлланилиши сабабли амалдаги неустойка предметига яқинроқ саналади.

6. Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги жаримавий санкцияларни белгилаш, уларни ҳисоблаш ва қўллашга нисбатан қоидалар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга “сочиб” ташланганлигини кўриш мумкин. Кўплаб идоравий ҳужжатларда, айниқса, монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда белгиланадиган санкциялар тизимидаги хилма-хилликлар кўп ҳолатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид равишда белгиланиши ва татбиқ этилиш ҳолатлари мавжуд. Ушбу ҳолатларни бартараф

этиш мақсадида Фуқаролик кодексига “Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари” номли янги моддани киритиш ҳамда унда жаримавий харақатерга эга бўлган айнан қандай таъсир чоралар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ҳисобланиши ва уларнинг турларини аниқ белгилаш зарур.

7. Жавобгарлик чораси сифатида жаримали неустойкани зарарни қоплаш билан бир қаторда қўллаш неустойка тўлаш ва зарарни қоплашнинг ўзаро нисбати муаммосини келтириб чиқаради, уларни бир-биридан алоҳида қўллаш (муқобил неустойка) эса, компенсацион фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳисобга ўтказиладиган неустойка турини кенг жорий этиш зарур.

8. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норма пул мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган қонуний неустойка ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормасини қонуний неустойка тўғрисидаги норма ҳамда пул мажбуриятини бажармаганлик учун назарда тутилган фоизларни неустойканинг бир тури, деб ҳисоблаш лозим.

.....

.....



Эркинжон САБИРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг раиси,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юримишни таъминлашда шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилиб, бу борада миллий қонунчилик ва хорижий тажриба асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича хулосалар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируются правовые основы обеспечения прозрачности ведения гражданских и экономических судебных дел, в связи с этим выдвигаются выводы по совершенствованию национального законодательства на основе отечественного законодательства и зарубежного опыта.

ANNOTATION. The article analyzes the legal basis for ensuring the transparency of civil and economic courts, in this regard, conclusions are put forward to improving national legislation on the basis of domestic legislation and foreign experience.

Калит сўзлар: фуқаролик, иқтисодий, шаффофлик, миллий қонунчилик, хорижий тажриба.

Ключевые слова: гражданское, экономическое, прозрачность, национальное законодательство, зарубежный опыт.

Key words: civil, economic, transparency, national legislation, foreign experience.

Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юримишда шаффофликни таъминлаш мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтиришга, бу тоифадаги ишларни судда кўриш сифатини оширишга ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорлари қабул қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган очиқлик ва ошкоралик тамойиллари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида бир қатор халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 13-моддаси² ва бошқа ҳужжатларда ифодасини топган ва ушбу нормалар қатъий бўлиб, ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмайди. Бу ҳақда ҳуқуқшунос олим О.Р.Сулаймонов ўз асарида қуйидагиларни баён этади: “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов

кўриб чиқиладиганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган норма ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмайдиган императив норма ҳисобланади³.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари суд-ҳуқуқ соҳасига доир халқаро стандартлар асосида ривожлантирилиб борилди. Мамлакатимизда фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юримишда шаффофликни таъминлашнинг энг аввало мамлакатимиз конституциясида, “Судлар тўғрисида”ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси(ФПК), Иқтисодий процессуал кодекси(ИПК)да ўз ифодасини топган.

Бу тоифадаги судлар фаолиятида шаффофликни таъминлашнинг конституциявий асосини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Конституциянинг 2-моддасида “давлат

1 Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. –64 б.

2 Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

3 Сулаймонов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент. IMPRESS MEDIA. 2020. – Б. 16-17.



халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъуллиги”, 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, 29-моддасида “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги”, 30-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”лиги, 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишлари, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари”, 113-моддадаги ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши ва ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши каби нормалар⁴ мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу нормалар суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида суд фаолияти ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз конституциясида судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш билан бир қаторда суд фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, унинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, суд фаолиятига доир ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш каби ҳуқуқлар ҳам белгиланган.

Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз Асосий қонуни нафақат судда иш кўришнинг ошкоралигини, балки суд фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган нормаларни ҳам ривожлантиришга, бу каби нормаларнинг бошқа қонун ҳужжатларига батафсил мустаҳкамланишига асос бўлади.

Айрим хорижий давлатлар конституцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, суд мажлисларида фуқароларнинг иштирок этиши айрим давлатларнинг Асосий қонунида белгилаб қўйилган. Хусусан, Австрия Конституциясида (91-моддаси) “одамлар одил судловни амалга оширишда қатнашадилар” деган норма мавжуд⁵.

Япония Конституциясининг 82-моддасида, судда иш кўриш ва иш юзасидан қабул қилинган қарорни

эълон қилиш очиқ мажлисида амалга оширилиши белгиланган. Агар суд бир овоздан ошкоралик жамоат тартиби ёки ахлоқ учун хавф туғдиради деган қарорга келса, иш кўриш ёпиқ мажлисда амалга оширилади. Бироқ сиёсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар, нашр билан боғлиқ жиноятлар ёки фуқароларнинг мазкур Конституциянинг III бобида кафолатланган ҳуқуқларига дахл қилувчи ишлар ҳар доим очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиши шартлиги белгиланган⁶.

Россия Федерацияси Конституциясининг 123-моддасида барча судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга федерал қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши каби норма назарда тутилган⁷.

Бир сўз билан айтганда, ўрганилган хорижий давлатларнинг Асосий қонунларида суд фаолиятининг очиқлиги ҳамда судда иш кўришнинг ошкоралигини кафолатлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган ва бу фуқаро ҳамда ташкилотлар иштирокидаги ишларнинг очиқ суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилиб келмоқда.

Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юртишда шаффоликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асосларини таҳлил этадиган бўлсак, бундай нормаларни Ўзбекистон Республикасининг ФПК ва ИПКда учратиш мумкин.

Жумладан, ФПКнинг 12-моддасида барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши ҳақидаги нормалар белгиланган.

ФПКнинг 208-моддасида суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан суд мажлисининг аудио ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкинлиги, суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек ОАВда трансляция қилинишига тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши каби нормалар киритилди. Шунингдек, ФПК-

4 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2020. – 5 б.

5 Австрия Федераль конституциявий қонуни // <https://legalns.com/download/books/cons/austria.pdf>

6 Япония Конституцияси // <https://legalns.com/download/books/cons/japan.pdf>

7 Россия Федерациясининг Конституцияси // <http://constitutionrf.ru>



нинг 277-моддасида суд мажлисининг баённомаси аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда тўхтовсиз ёзиб борилиши, аудио ва видеоёзув сақланаётган электрон ёки бошқа манбалар суд мажлиси баённомасига ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни бажариш ҳақидаги баённомага қўшиб қўйилиши, унга тегишли ёзув киритилиши назарда тутилди⁸.

ИПКнинг 11-моддасида ҳам иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошқора ўтказилиши, давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши белгиланган. Шунингдек, мазкур кодекснинг 201-моддасида суд мажлисида ошқораликни таъминлаш мақсадида электрон ёхуд бошқа аудиоёки видеоёзувлар жамланган воситалар суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилиши, иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчилари суд мажлисининг аудио ёки видеоёзувлари билан танишиш ҳуқуқига эга эканлиги, суд мажлисининг аудиоёки видеоёзувларининг кўчирма нусхалари иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиларига ишни кўриб чиққан суднинг рухсати билан берилиши каби нормалар мустаҳкамлаб қўйилган⁹.

Маълумки, ИПКнинг 279-моддасида агар суд мажлисида аудио ёки видеоёзув амалга оширилган бўлса, аудио ва видеоёзувларнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлиши ўз ифодасини топган. Бироқ ўрганилган айрим бошқа процессуал кодексларимизда, хусусан, ФПКнинг 377-моддасида агар суд мажлисида аудио ёки видеоёзув амалга оширилган бўлса, аудио ва видеоёзувларнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаган бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкинлиги ўз ифодасини топмаган. Ваҳоланки, фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисида аудио ёки видеоёзув амалга оширилган бўлиб, аудио ва видеоёзувларнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга асос бўлиши лозим. Бу эса тегишлича мамлакатимиз ФПКнинг 377-моддасига фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисида аудио ёки видеоёзув амалга оширилган бўлиб, аудио ва видеоёзувларнинг электрон ёки

бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга асос бўлиши ҳақидаги норманинг киритилишини тақозо этади.

Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффоликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари борасида ўрганилган айрим хорижий давлатлар қонунчилигида суд мажлисини қайд этиш бўйича махсус боблар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Украина ФПКнинг “Суд жараёнини қайд этиш” деб номланган 7 бобида суд ишни кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлисини тўлиқ ёзиб олиши ҳақида норма белгиланган. Унга кўра, суд муҳокамаси жараёнида суд Ягона суд ахборот-телекоммуникация тизими тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда суд мажлисини видео ва (ёки) овоз ёзиш техник воситалари ёрдамида тўлиқ қайд этади. Агар суд мажлисининг бирон-бир иштирокчиси суд мажлисини видеоёзув орқали техник воситалар ёрдамида тўлиқ ёзиб олишга қарши эътироз билдирса, бундай ёзув фақат овоз ёзиш техник воситалари ёрдамида амалга оширилади. Суд мажлисини техник воситалар ёрдамида қайд этиш суд мажлиси котиби томонидан амалга оширилади. Агар ишнинг барча иштирокчилари суд мажлисига келмаган бўлсалар ёки ушбу кодекснинг қоидаларига мувофиқ иш суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз кўриб чиқилса, суд мажлисининг ёзувлари овоз ёзиш техник воситалари ёрдамида амалга оширилмайди. Суд мажлисининг техник ёзувлари суд мажлиси баённомасига илова қилиниб, суд мажлиси тугагандан сўнг иш материалларига қўшиб қўйилади. Ишда иштирок этувчи шахслар суд процессининг техник ёзуви нусхасини олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисининг техник ёзувлари нусхасини электрон шаклда чиқариш учун суд йиғимининг миқдори қонун билан белгиланган (247-моддаси)¹⁰.

Шунингдек, Россия Федерацияси ФПКнинг 10-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар, очиқ суд мажлисида қатнашаётган фуқаролар ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилишини қайд этиб бориш ҳуқуқига эга эканликлари, фотосуратга, видео ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш эса суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши на-

8 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>

9 Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // lex.uz/docs/3523891

10 Господарський процесуальний кодекс України // Відомості Верховної Ради України (ВВР), 1992, № 6, ст.56. // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12#Text>.



зарда тутилган¹¹. Беларусь Республикаси ФПКнинг 271-моддасида ҳам очик суд мажлисида қатнашаётган фуқаролик процесси иштирокчилари ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилишини қайд этиб бориш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланса-да, бироқ фотосуратга, видеотасвирга тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олинган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар судда иш кўришни олиб борилишига таъсир қилмаслиги талаб этилади¹².

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатлар процессуал қонунчилигида, айниқса Украина ФПКда судда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш билан боғлиқ нормалар бир тизимга келтирилган, аксарият ҳолатларда алоҳида бобда мустаҳкам-

ланган, шунингдек суд мажлисини қайд этиш нафақат ишларни биринчи инстанция, балки юқори инстанция судларида кўриш жараёнида ҳам татбиқ этилишини назарда тутувчи нормалар мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда қабул қилинган янги ФПК ва ИПКда судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашга қаратилган муҳим нормалар белгиланган. Бироқ хорижий давлатлар процессуал қонунчилиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг юқорида кўрсатилган кодексларида ҳам судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш масалаларини бир тизимга келтириш, яъни алоҳида бобда мустаҳкамлаш, суд мажлисини қайд этиш нафақат биринчи инстанция судларида, балки ишларни юқори инстанция судларида кўриш жараёнида ҳам татбиқ этилишини назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#

11 Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ. www.consultant.ru

12 Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь.



Дилзода ДОВУДОВА,
Бош прокуратура Академияси
кафедра доценти, ю.ф.ф.д. PhD

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИДА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада жиноят иши бўйича айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти, мақсади ҳамда мазкур босқичдаги мавжуд муаммолар, бўшлиқлар ва уларни такомиллаштириш масалалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье при сравнительно-правовом анализе рассматриваются особенности, сущность, цель института соглашения о признании вины по уголовным делам, а также существующие проблемы, пробелы и вопросы их совершенствования на данном этапе.

ABSTRACT. In this article, in a comparative legal analysis, the features, essence, purpose of the institution of a plea agreement in criminal cases, as well as existing problems, gaps and issues of their improvement at this stage are considered.

Калит сўзлар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, гумон қилинувчи, айбланувчи.

Ключевые слова: исследователь, следователь, прокурор, судья, соглашение о признании вины, подозреваемый, обвиняемый.

Key words: researcher, investigator, prosecutor, judge, plea agreement, suspect, accused.

Ривожланган давлатлар қонунчилигида “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти” соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг бир кўриниши сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу институтни қўллаш амалиёти АҚШ, Канада, Италия, Буюк Британия, Австралия, Франция, Эстония, Ҳиндистон, Япония, Чехия Республикасида мавжуд. Жиноят процессида “айбни тан олиш шартномаси”ни кенг қўллаш бошлаган давлатлар Англия ва АҚШ ҳисобланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳам умумий ҳуқуқ тизими (Буюк Британия, АҚШ), ҳам континентал ҳуқуқ тизими (Бельгия, Голландия, Испания, Италия, Германия, Франция) давлатлари жиноят иши юритувида қўлланилади ҳамда унинг ривожланиши ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий асосларидан келиб чиқиб ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур институт турли давлатларда турлича номлансада, бироқ моҳиятан бир мақсадга йўналтирилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади) бу институт 2021 йил 18 февралда “Ўзбеки-

стон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни¹ билан киритилган ҳамда алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш бобида ўзининг ифодасини топган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув”нинг моҳияти бўйича олимлар томонидан қуйидагича фикр билдирилган. Хусусан, И.Э.Звечаровский қайд қилишича, мазкур институтни киритишнинг мақсади-посткриминал ижобий хулқни рағбатлантиришдир². А.С.Александров, А.Ф.Кучин ва А.Г.Смолиннинг ёзишича, жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан судгача келишув институти шахснинг жинойий жавобгарлигини индивидуаллаштиришнинг ҳуқуқий воситаси, жиноят процессуал нуқтаи назаридан соддалаштирилган иш юритиш ва суд қарори чиқариш воситаси саналади³. Амалда бундай позицияни М.В.Головизнин ҳам қўллаб-қувватлайди⁴. Э.Н.Жевлаков фикрига кўра, судгача бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг моҳияти шундан иборатки, гумон қилинувчи ёки айбланувчи жиноятни фош этиш ва тергов қилиш, жиноят содир

1 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.

2 Звечаровский И.Э. Судга қадар бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув институтининг юридик хусусияти / И.Э. Звечаровский // қонунийлик. - 2009. - № 9. - С. 14-16.

3 Кучин А.Ф. РФ ЖПК 40 боби билан тартибга солинган институтнинг ҳуқуқий хусусияти / А.Ф. Кучин, А.Г. Смолин, А.С. Александров // Россия судлари. - 2007. - № 7. - С. 16-19.

4 Головизнин М.В. Ҳамкорлик тўғрисидаги судга қадар келишувни тузишда суд қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос тартиби: юр. фан. ном.диссер / М.В. Головизнин. - М., 2012. - 250 с.



этган бошқа шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, мол-мулкни топишда терговга ёрдам беришга жазони сезиларли равишда камайтириш эвазига мажбуриятни олади⁵.

Бизнинг фикримизча, мазкур институтнинг моҳияти айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузган шахсга қонун доирасида муайян енгиллик бериш орқали жиноятни тез ва тўла очиш, жиноят содир этишда иштирок этган бошқа шахсларни аниқлаш, етказилган зарарни бартараф этиш орқали ишни соддалаштирилган тартибда юритишдир.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни амалга оширишнинг процессуал тартиби ва асослари амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топган.

Жумладан, айбга иқдорлик - ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Мазкур айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўзига хос процессуал муддатларининг мавжудлиги, яъни суриштирувчи ёки терговчи илтимосномани жиноят иши ҳужжатлари билан бирга йигирма тўрт соат ичида прокурорга юбориши, илтимосномани прокурор етмиш икки соат ичида кўриб чиқиши ва ҳ.к.;

- иш юритиш бўйича процессуал ҳужжатларига эга эканлиги, яъни гумон қилинувчи, айбланувчининг илтимосномасига асосан айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилиши, иш натижаси бўйича қарор ва ҳукм чиқарилиши, суд мажлиси баённомаси юритилиши ва ҳ.к.;

- келишув тузишнинг процессуал асослари борлиги, яъни айбга иқдорлиги, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берганлиги, етказилган зарарни бартараф этиши, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларга қўлланилиши;

- процессуал шартларига эга эканлиги, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек, ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлиши; илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувдан кейин берилган бўлиши; айбловни тан олиб, далилларни, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаслиги ҳамда бартараф этган бўлиши;

- иш юритишнинг процессуал тартиби мавжудлиги, яъни соддалаштирилган тартибда ўзининг алоҳида иш юритиш қоидаларига эгаллиги, айбга иқдор-

лик тўғрисида келишув тузишда суд тергови ўтказилмаслиги;

- процесс иштирокчилари доираси борлиги, яъни иштирок этиш ҳуқуқи бўлган иштирокчилар (жабрланувчи, уларнинг вакиллар ва ҳ.к.); иштирок этиш мажбурий бўлган иштирокчилар (айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузишда ҳимоячи иштироки шарт эканлиги, прокурор иштироки);

- моддий ҳуқуқ нормасини қўллашдаги хусусияти: келишув тасдиқланса, жиноят содир этган шахсга жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаси белгиланганлиги.

Бундан ташқари, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув ихтиёрийлик асосида ишончга таянади ва якунийлик хусусиятига эга.

Дунё амалиётида “Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти” татбиқ этиб келинмоқда ва у ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ҳар бир янги жорий қилинган процессуал тартиб-таомил амалиётда қўлланилиши борасида тобланади ва такомиллашади. Статистик маълумотларга кўра, республика бўйича 2021 йил ва 2022 йилнинг 9 ойида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув 99 та ишлар юзасидан қўлланилган бўлиб, бу кўрсаткич кўрилган ишларга нисбатан салмоғи жуда кам ҳисобланади. Амалиётда келишувни кам қўлланилишининг сабаби фикримизча янги институт бўлганлиги билан бирга ундаги бўшлиқлар, муаммолар десак, муболаға бўлмайди.

Шунга кўра, мақолада мазкур институтнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал нормаларидаги тафовутлар, бўшлиқлар ва муаммолари хусусида тўхталмоқчимиз.

Биринчидан, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув ЖПКда назарда тутилган ярашув, амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишлардан фарқ қилади. Фарқи шундаки, ярашув ва амнистия актини қўллашдан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва ҳимоячи манфаатдор ҳисобланади. Сабаби, иш тугатилади, шахс судланмаган ҳисобланади ва ҳоказо.

Бироқ, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувда эса исботлаш мажбурияти юклатилган субъектлар жиноятнинг тез ва тўла очилишидан манфаатдор ҳисобланади. Чунки, ушбу институтни қўллаш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи гумонни ёки айбловни тан олади, суриштирув ҳамда дастлабки терговга кўмаклашади ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам беради, шу билан бирга бошқа иштирокчиларни фош этади, жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топилиши учун қайси ҳаракатларни амалга ошириш шартлигини, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларни ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўради.

Айбланувчи томонидан ўз айбини тан олиш “жиноятни фош қилиш ва тергов қилишга бўлган ҳаракатларни сезиларли равишда қисқартиради”⁶, “исботлаш керак бўлган ҳолатларни аниқлаш ва исботлаш жараёнини анча енгиллаштиради”⁷, “тергов фаолияти хусусияти ва йўналишини ўзгартиради, бу эса дастлабки тергов муддатларини қисқартириш ва моддий харажатларни тежаш имконини беради”⁸.

Демак, бу далилларни йиғиш, жиноятнинг барча иштирокчиларини фош этиш мақсадида жиноятларни очишнинг янги усули бўлиб, бу шартнома хусусиятига эга бўлган келишувдир.

Процессуал қонунчиликда эса, ушбу келишувнинг ташаббускори гумон қилинувчи ёки айбланувчи бўлиб, бу тоифадаги ишларда ҳимоячи иштироки шарт ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, суриштирувчи, терговчига гумон қилинувчи ёки айбланувчига айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтириш мажбурияти юкланиши мақсадга мувофиқ.

Бу институтни қўллаш тартиб-таомили, унинг оқибатлари, Жиноят кодексида белгиланган тайинланиши мумкин бўлган жазонинг миқдори ва меъёри тушунтирилса, амалда қўллаш жараёни такомиллашади.

Шунга кўра, ЖПКнинг 46,48-моддаларида “Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”га гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

Хусусан, Молдова тажрибасида прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси айбига иқрорлик тўғрисида келишув бўйича ташаббус қилиш ҳуқуқига эга, Қозоғистон Республикасида прокурор ҳам ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, ЖПКнинг 586-3-моддасига асосан, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома жиноят ишини юритаётган суриштирувчига, терговчига тақдим этилади.

Субъективлиги ёки бошқа ниятлари сабабли гумонланувчи ёки айбланувчидан айбга иқрорлик келишувини қабул қилмаслик ҳолатлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шунга кўра, суриштирувчи, терговчи бу каби илтимоснома қабул қилмаган тақдирда ёки қабул қилинмаган илтимоснома юқори турувчи тергов органи бошлиғи ёхуд прокурорга берилган тақдирда

унинг ҳуқуқий ечими қандай бўлиш тартиби ва механизми ЖПКда назарда тутилмаган.

Шу билан бирга, тергов ёки суриштирув органи айбга иқрорлик тўғрисидаги илтимосномани рад қилиш оқибатлари амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топмаган.

Учинчидан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин иш бўйича тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлмаган тақдирда прокурор айблов хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни зудлик билан судга юборади. (ЖПКнинг 586-6-моддаси 1-қисми)

Процессуал қонунда суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилганидан кейинги ҳаракатларида (ЖПКнинг 586-6-моддаси 7-қисми) гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг айбини тасдиқлаш учун далиллар тўпланганидан кейин суриштирувчи, терговчи ишни прокурорга тақдим этади. Прокурор жиноят иши материалларини беш сутка ичида кўриб чиқиб, айблов хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юбориши белгиланган.

Процессуал асослардан кўринадики, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан тузилади ва жиноят содир этган шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланмай гумон қилинувчи тариқасида ёхуд айбланувчи тариқасида судга юбориш мумкин.

Бироқ, жиноят процессининг ҳар бир босқичида жиноят содир қилган шахснинг процессуал мақоми мавжуд, яъни ЖПКнинг умумий қоидаларида гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисидаги маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс ҳисобланади. Шу билан бирга, айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилгандан кейин эса, маҳкум ёки оқланган шахс деб юритилади.

Келишув тарзидаги ишларда судга кетгунга қадар жиноят содир этган шахснинг процессуал мақоми белгиланмаган. Процессуал нормаларда судга кетгунга қадар гумон қилинувчи ёки айбланувчи деб эътироф этилади. Ваҳоланки, бу тоифадаги ишлар натижаси бўйича суд ҳукми чиқарилиб, жазо тайинланади.

Бу эса, мазкур институтнинг номланишига ҳам мантиқий мос келади. Чунки, гумон қилинувчи айбланувчи бўлмасдан аввал судланувчи бўлиши мум-

6 Смолькова И.В. Айбланувчи томонидан ўз айбини тан олиш: исботлаш ва ҳуқуқий аҳамияти / И.В. Смолькова. - Москва : Юрлитинформ, 2017. - 432 с. - С.6.

7 Гарусов А.В. Иш келиб чиқишида манфаатдор бўлган жиноий суд юритувидаги иштирокчилар кўрсатмаларини баҳолаш / А.В. Гарусов, С.У. Дикаев. - Москва : Юрлитинформ, 2019. - 152 с. - С.81.

8 Перекрестов В.Н. РФ жиноят судлари юритувида айбланувчи томонидан ўз айбини тан олишнинг жиноят-процессуал аҳамияти : юр. фан. номзоди. диссер. афтореф : 12.00.09 / В.Н. Перекрестов. - Волгоград, 2010. - 28 с. - С.13.



кин эмас.

Шу билан бирга, бугунги кунда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув 99 та ишда 121 нафар шахсга нисбатан кўрилган бўлса, уларнинг 119 нафари айбланувчи тариқасида жалб қилингандан сўнг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш тўғрисида муружаат қилган⁹.

Хусусан, Молдова тажрибасида: процессуал келишув айблов эълон қилингандан кейин ва суд тергови бошланишидан олдин исталган вақтда тузилиши мумкин.

Шунга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув гумон қилинувчи билан тузилган тақдирда жиноят ишини судга айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан юборишда шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш масаласини аниқ белгилаш, яъни гумон қилинувчи томонидан илтимоснома тақдим этилганда суриштирувчи, терговчи уни айбланувчи тариқасида жалб қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиб, кейин жиноят иши материалларини илтимоснома билан прокурорга юбориш масаласини ЖПКда мустаҳкамлаш лозим.

Тўртинчидан, амалдаги қонунчиликда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосноманинг прокурор томонидан кўриб чиқишида зарур ҳолларда, прокурор жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилади, суд мажлисида эса судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), агар ишда иштирок этаётган бўлса, қонуний вакил, ҳимоячи, прокурор иштирок этиши, суд мажлиси ўтказиладиган жой ва сана ҳақида лозим даражада хабардор қилинган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг вакилининг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмаслиги белгиланган.

Бундан кўринадики, келишувнинг умумий белгиларига эга бўлган судгача бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги битим одатда оммавий характерга эга бўлиб, жабрланувчининг фикри ҳисобга олинмасдан амалга оширилади.

Жиноят процесси иштирокчиси жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) иш бўйича муҳим субъектлардан бири ҳисобланади. Жиноят натижаси етказилган зарарнинг миқдорини аниқлашда, ҳолат бўйича якуний хулоса қилишда жабрланувчининг фикри муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра, прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам жалб қилиши шартлиги ЖПКда белгилаш лозим.

Ёки, терговчи томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани прокурорга юборилишидан аввал тузилаётган келишувга жабрланувчининг муносабатини унинг сўроқ қилиш

баённомаси ёки розилиги тўғрисидаги баённомада ўз фикрини кўрсатган ҳолда тушунтириши, агарда рози бўлмаган тақдирда келишув тузилиши инкор қилиниши юзасидан ЖПКга қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

Молдова ва Қозоғистон Республикаси (жабрланувчининг розилиги асосларидан бири) тажрибасида ҳам ушбу қоида ўзининг ифодасини топган.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586³-моддаси 5-қисмида айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузганидан сўнг прокурор, агар келишувга асосан ҳукм чиқарилиб, жазо тайинланганидан кейин гумон қилинувчининг, айбланувчининг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги ёки терговдан бирон-бир муҳим ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни қасддан яширганлиги, келишувда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларни бажармаганлиги аниқланса, ҳукм қайта кўриб чиқиши мумкинлигини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтириши белгиланган.

Бироқ, ҳукмнинг қандай тартибда қайта кўриб чиқиши мумкинлиги механизми ва асослари ЖПКда белгиланмаган. Шу билан бирга, шахс келишув тартибини бузган тақдирда ҳукми қайси асосда бекор қилиш ёки ўзгартириш белгиланмаган. (ЖПКнинг 497¹⁹-моддаси).

Хусусан, таҳлиллар натижасига кўра, амалиётда вилоят апелляция инстанция судида бу тоифадаги ишлар бўйича чиқарилган ҳукм бекор қилиниб, туман судларига юборилмоқда. Суд ҳукмини бекор қилиш асоси сифатида суд ажримларига тегишли бўлган қоида, яъни ЖПКнинг 497³⁴-моддаси 3-қисми 2-банди, яъни апелляция инстанция суди ишни биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган хусусий шикоят, протест бўйича кўриш натижалари юзасидан биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш келтирилмоқда.

Яъни судлар суд ажримларига нисбатан татбиқ этиладиган ЖПК нормасини қўлламоқда. Ваҳоланки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув натижаси бўйича суд ҳукми чиқарилади.

Мазкур ҳолат амалиётда айбга иқрорлик тўғрисида келишув битими юзасидан юқори инстанцияда иш кўриш механизми бўйича асос мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Шунга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув асосида ҳукм чиқарилганидан сўнг келишув тартиби бузилганлиги аниқланса, ушбу талаб ЖПКнинг мазкур моддасига ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари сифатида қўшимча киритиш ёки ҳукми қайта кўриш механизми ЖПКга киритилиши лозим бўлади.

Келишув шартларининг бажарилмаслиги жиноят ишини умумий тартибда юритиб, шахс томонидан содир этилган жиноятнинг тез ва тўлиқ очирилиши учун процессуал ҳаракатларни зудлик билан олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Шунга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тартибда иш юритиш муддатлари қисқа эканлигини инобатга олиб, алоҳида тартибда юқори инстанция судида кўриб чиқиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 586-10-моддасида, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича айблов ҳукми ушбу кодекснинг 54-боби талабларига мувофиқ чиқарилиши, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида келишув тузиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар баён этилади, ушбу кодекснинг 586-7-моддасида санаб ўтилган саволларга жавоблар шакллантирилиши, айблов ҳукмининг қарор қисмида келишувни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ва судланувчига ушбу ҳукм юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳам баён этилиши қайд этилган.

Суд қарорида судланувчига шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлигини баён қилиши кўрсатилган бўлиб, ҳимоячи, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар, уларнинг вакилларига шикоят қилиш ёки прокурорга протест келтириш ҳуқуқи берилмаган.

Ваҳоланки, амалиётда суд ҳукмининг қарор қисмида тарафларга суд ҳукмига нисбатан шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилмоқда. Шунга кўра, ЖПКнинг 586-10-моддасини қайта кўриб чиқиб, суд ҳукмидан норози бўлган тақдирда шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқи кимларга тегишлилиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган бўшлиқлар, қарама-қаршиликларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш орқали бар тараф этиш лозим бўлади.

Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан боғлиқ ишларни юритишда, суд қарорларини қабул қилишда республикада ҳар хил амалиёт мавжудлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- айбга иқрорлик тўғрисида келишувда ЖПКнинг 586⁵-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тартиби кўрсатилмаган ҳолда тузилаётганлиги;

- айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув юзасидан судлар томонидан чиқарилган ҳукмларда айрим ҳудудлар прокурорнинг ёзма илтимоснома билан мурожаат қилганлигини кўрсатаётган бўлса, айримларида эса кўрсатилмаганлиги;

- ЖПКнинг 586⁸ ва 586⁹-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳукми шакллантириш тартиби ва 586⁷-моддасида назарда тутилган суд айбга

иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишларни кўриб чиқиш чоғида аниқлаши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлсада, биро суд ҳукми мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда чиқарилаётганлиги;

- айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қўлланилган тақдирда ЖКнинг 57²-моддасида назарда тутилган нормалар талаблари татбиқ этилиши лозимлиги белгиланган бўлсада, судлар томонидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қўллаган ишларга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб жазо тайинлаш ёки ЖКнинг 57²-моддасини қўлламаслик ҳолатлари мавжудлиги;

- ЖПКда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишлар юзасидан суд тўлиқ тергови ўтказилмаслиги, фақатгина суд айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишларни кўриб чиқиш чоғида аниқлаши лозим бўлган ҳолатларни текшириши лозим бўлса, айрим ҳудудлар томонидан тўлиқ суд тергови ўтказилаётганлиги;

- ЖПКнинг 586⁵-моддасига кўра, суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиб, агар суд келишувда назарда тутилган судланувчига қўйилган айбловда жиноятнинг маалаканишга тааллуқли шартларга рози бўлмаса келишувни тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради ва жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тергов қилиш ёки келишувни қайта кўриб чиқиш учун прокурорга юборади деб белгиланган бўлсада, судлар томонидан келишув тузилган айбланувчининг жинойи ҳаракатлари қайта квалификация қилиниб, кейин айбга иқрорлик келишуви тузилаётганлиги.

Қайд этилганлардан хулоса қилиб, ягона суд амалиётини шакллантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини қарори ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур институтнинг мақсади жиноятни фош қилиш ва тергов қилишга бўлган ҳаракатларни сезиларли равишда қисқартириш, исботлаш керак бўлган ҳолатларни аниқлаш ва исботлаш жараёнини анча енгиллаштириш, тергов фаолияти хусусияти ва йўналишини ўзгартириш, бу эса дастлабки тергов ва суд муддатларини қисқартириш ҳамда моддий харажатларни тежаш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда юқоридаги бўшлиқлар, камчиликлар ва қарама-қаршиликлар айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни амалиётда қўллашда муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ҳар бир тартиб-қоидани, процессуал асосни жорий этишда уни амалга ошириш, юритиш механизми мукамал бўлиши лозим. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қоидаларни татбиқ этишни осонлаштириши ҳамда муаммо, бўшлиқларнинг олдини олади ва ягона амалиётни шакллантиришга хизмат қилади.



Аброр АКБУТАЕВ,
Бош прокуратураси Академияси
катта ўқитувчиси, адлия кичик маслаҳатчиси

КОРРУПЦИЯ ОҚИБАТИДА ОРТТИРИЛГАН АКТИВЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ ВА БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ – ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБЛАРИ ВА ИЛМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада коррупция, жиноий йўл билан топилган активлар, уларни легаллаштириш, активларни қайтариш ва бошқариш масалалари, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар ва хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализированы понятие коррупции, незаконно добытых активов, их легализация, вопросы возврата и управления активов, международные нормы и мнения зарубежных ученых в данной сфере.

ABSTRACT. This article analyzes the definition of corruption, illegal assets, aspects of money laundering, issues with asset recovery and asset management, international legal review and studies of scholars about asset recovery and management.

Калит сўзлар: коррупция, жиноий маблағларни (актив) легаллаштириш, жиноий активлар, активларни қайтариш, активларни бошқариш.

Ключевые слова: коррупция, легализация преступных доходов (активов), преступные активы, возврат активов, управление активами.

Key words: corruption, money laundering, illegal assets, asset recovery, asset management.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар орасидан ҳозирда ўзининг хавфи ва халқаро характерга эга бўлиб бориши билан иқтисодий жиноятлар, хусусан, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш борасидаги жиноятларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Яширин пул оқимлари давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурлари маблағларидан шаклланиб, камбағал давлатлардаги шароитнинг янада ёмонлашувига, бу каби коррупцион ҳаракатлар эса инсонларнинг давлатга, унинг ваколатли органлари ва ташкилотларига бўлган ишончини сўндиришга олиб келмоқда¹.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият турли принципларни шакллантирган ва келишувларни тузган ҳолда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш муаммосига қарши курашиб келмоқда, «Катта йигирматалик» давлатлари эса коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни ўз фаолиятларининг асосий элементи қилиб белгилаганлар².

Go Lisanawati таъкидлаганидек “коррупция ва да-

ромадаларни қонунийлаштириш (пул ювиш) коррупция оқибатида орттирилган маблағларни осонгина йўқ қилиш учун мукамал шерик ҳисобланади. Коррупция ва пул ювиш трансмиллий жиноят сифатида танганинг икки юзига ўхшайди”³.

Охирги ўн йиллик давомида доимий равишда ривожланиб келаётган мазкур турдаги жиноятларга қарши курашишнинг замонавий усулларида бири бу – жиноятчиларни жиноий даромадларидан маҳрум қилиш ҳамда кейинги жиноий фаолиятларини давом эттирмасликлари учун молиявий асосларини йўқ қилиш ҳисобланади. Бунинг учун жиноий активларни қайтариш асосий институтлардан бири бўлиб хизмат қилади⁴.

Активларни қайтариш жараёни ноқонуний, хусусан, коррупция оқибатида орттирилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш глобал тизимининг бир қисми ҳисобланади. Бу жараён жабрланувчи томоннинг коррупциялашган мансабдор шахслар томонидан унинг активлари ўғирланиши, қонунийлаштирилиши ва сақловчилар томонидан

1 Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Перс англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 9-бет.

2 Ўша жойга қаранг.8

3 Dr. Go Lisanawati – Индонезиянинг Сурабая университети Ҳуқуқ факультети аъзоси, лектор, Жиноят ҳуқуқининг ноқонуний маблағларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва киберхавфсизлик соҳаси бўйича мутахассиси, Қаранг: Go Lisanawati. Best Principles for criminal assets management: conceptual framework. //1 IPBJ Vol.7 (1), - 20 (2015), available at: http://www.ojagsb.uum.edu.my/images/ipbj/IPBJ_Vol_7_1_2015/1_IPBJ_Vol_7_1_1-20_2015.pdf, 1-6ет

4 У.Нигмаджанов. Преступные активы: возврат или восстановление? Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 3-сон, 2021 йил, 33-39-бетлар

хорижий мамлакатларда яширинишига нисбатан ҳаракатлари (реакцияси) натижасида пайдо бўлади⁵.

Arief (2014) фикрига кўра “қонунбузар шахслар коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганда, аслида улар ҳеч қачон тугамайдиган чексиз бойликка, активларга эга бўлишни хоҳлайди. Жиноятчилар ўзларига нисбатан узоқ вақт давом этадиган жиноий жазо қўлланилишидан ташвишда бўлмайдилар, улар коррупция оқибатида орттирган даромадларидан оиласи фойдаланиб келишини ва улар хавфсиз жойда сақланаётганлигини билади”⁶.

Шу боис олимлар коррупционерлар нафақат қамоқда жазоланиши, балки уларнинг мол-мулклари ҳам мусодара қилиниши, жиноятдан олинган даромадларни узил-кесил қисқартириш кераклигини айтиб ўтишади⁷.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси нормаларида “жиноий активларнинг қайтарилиши мазкур Конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи давлатлар ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар” деб белгиланган⁸.

Юқорида таъкидланганидек, ноқонуний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш трансмилий жиноят сифатида ҳар қандай турдаги пул ва мол-мулкни ўз ичига олган бугунги кундаги энг асосий жиноятлардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноят барча турдаги мол-мулк ва ашёларни ноқонуний фаолиятга мослаштириши билан характерланиб келмоқда. Шу боис, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни таъқиб қилиш, яъни уларни қайтариш мазкур жиноятларни камайтиришнинг самарали усули ҳисобланади⁹.

Маълум бир олимлар фикрига кўра, коррупцияни камайтириш учун пул ювишга қарши механизмлардан бири бўлган активларни қайтариш чораларидан кенг фойдаланиш керак. Бироқ активларни қайтариш масалалари назариядагидек оддий эмас ва жи-

ноий жазо ҳамда мусодара қилиш тизими кўплаб муаммоларга дуч келиши мумкин. Айниқса, мусодара қилиниши керак бўлган жиноий активлар хорижий юрисдикцияда жойлашган бўлса, ички қонунчилик нормаларини қўллаш билан боғлиқ кўплаб қийинчиликлар туғилади. Шу боис, давлатлар молиявий йўқотишларини қоплашлари учун активларни қайтариш ва уларни бошқаришнинг ҳар қандай самарали ва тўғри механизмларидан фойдаланишлари керак бўлади. Бу эса, давлатлардан активларни сақлаб қолиш учун махсус институт, самарали бошқарув ва ҳамкорлик тамойилларини имплементация қилишни талаб қилади¹⁰.

Бугунги глобаллашув жараёни давлатлардан жиноий активларни қайтариш ва уларни бошқариш масалаларига жиддий ёндашишни, тезкорликни оширишни, янги иш услуби, методика, техника ва технологияларни қўллашни, ушбу соҳадаги қонунчиликни доимий такомиллаштириш ва бир-бирига мослаштиришни талаб қилмоқда.

Қайтарилган жиноий активлар давлатларнинг ривожланиши учун қўшимча ресурс ҳисобланади. Бироқ давлатларнинг имкониятлари ва сиёсий иродаси, шунингдек ушбу жараённинг турли босқичларида коррупциянинг юзага келишини эътиборга олиб активларни самарали, ҳисобини юритган ҳолда шаффоф бошқариш ва фойдаланиш энг асосий масалалардан биридир¹¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноий активларни қайтариш қийин жараён бўлиб, унинг муҳим ва асосий таркибий қисмларидан бири бу – активларни бошқариш ҳисобланади.

Жиноий активларни қайтариш билан боғлиқ барча ҳаракатлар уларнинг тегишли равишда сақланиши ва самарали бошқарилиши таъминланмаса зое кетган ҳисобланади¹². Шу боис халқаро ҳамжамият активларни бошқаришнинг заруриятини тан олган ҳолда унга алоҳида аҳамият беришни тавсия қилади¹³.

Табиийки, жиноий активларни бошқаришга қачон

5 Paku Utama. Gatekeepers, money laundering, and asset recovery: piercing the riddle.//Volume 2, Mei-Agustus 2011. – С.7 // У.Нигмаджанов. Преступные активы: возврат или восстановление? Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 3-сон, 2021 йил, 34-бет.

6 Basrief Arief – 2010-2014 йилларда Индонезия Бош прокуropи бўлган. Қаранг: Arief (2014). Pemulihan Aset Hasil Kejahatan Dalam Pemberantasan Tindak Pidana Korupsi. Paper presented at Workshop on Pemulihan Aset Hasil Kejahatan, Jakarta, August 28 – 29, 2014. // қаранг Go Lisanawati. Best Principles for criminal assets management: conceptual framework.//1 IPBJ Vol.7 (1), - 20 (2015), available at: http://www.oyagsb.uum.edu.my/images/ipbj/IPBJ_Vol._7_1_2015/1_IPBJ_Vol.7_1_1-20_2015.pdf, 3-бет

7 Go Lisanawati. Best Principles for criminal assets management: conceptual framework.//1 IPBJ Vol.7 (1), - 20 (2015), available at: http://www.oyagsb.uum.edu.my/images/ipbj/IPBJ_Vol._7_1_2015/1_IPBJ_Vol.7_1_1-20_2015.pdf, 4-бет

8 БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси, 51-модда, www.unodc.org.

9 Go Lisanawati. Best Principles for criminal assets management: conceptual framework.//1 IPBJ Vol.7 (1), - 20 (2015), available at: http://www.oyagsb.uum.edu.my/images/ipbj/IPBJ_Vol._7_1_2015/1_IPBJ_Vol.7_1_1-20_2015.pdf, 1-бет

10 Ўша жойга қаранг.

11 Ignasio Jimu, Managing proceeds of asset recovery, the case of Nigeria, Peru, the Philippines and Kazakhstan, International Centre for Asset recovery, Working Paper Series, №06, Oct.2009, ISSN: 2624-9650, www.baselgovernance.org, 3-бет

12 Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 117-бет.

13 Ўша жойга қаранг, 138-бет.



этибор қаратила бошланди? Коррупцияга қарши курашишда қачон ушбу тизим пайдо бўлди, деган савол туғилади барчада.

Қисқача тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Коррупцияга қарши конвенцияга аъзо давлатлар Конференцияси 2013 йил ноябрь ойида Панама шаҳрида бўлиб ўтган 5-сессиясида активларни қайтариш юзасидан халқаро ҳамкорликка амалий ёрдам бериш ва уни олға суриш бўйича 5/31-сонли резолюциясини қабул қилди. 5/3-сонли резолюция “иштирокчи давлатлар ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасини (UNODC) музлатилган, хатланган ва мусодара қилинган активларни бошқариш, улардан фойдаланиш ҳамда тасарруф қилиш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек мазкур соҳада илғор амалиётни аниқлаш, мавжуд ресурсларни такомиллаштириш ва ушбу масала бўйича мажбурий бўлмаган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш”га ундайди. 2015 йил ноябрь ойида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 6-сессияда активларни самарали қайтаришга кўмаклашиш бўйича 6/3-сонли резолюция қабул қилиниши билан ушбу мандат янгиланди¹⁴.

Коррупцияга қарши конвенциянинг 31-моддаси талабига кўра “ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган вақтинчалик ишга солмай турилган, хатланган ёки мусодара қилинган мол-мулкни ваколатли органлар томонидан бошқарилишини тартибга солиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриши” белгиланган¹⁵.

Шу билан бирга, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари 16-вазифасида (Тинчлик, одил судлов ва эффектив институтлар) ҳам 2030 йилга қадар ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш алоҳида белгиланган бўлиб¹⁶, “излаб топиш” ҳаракатлари бевосита жиноий активларни бошқаришни ўз ичига қамраб олади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ле-

галлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ – ФАТФнинг 4 ҳамда 38-қоидалари (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар) ҳам бевосита давлатлардан активларни самарали бошқариш механизмига ҳамда мусодара қилинган активларнинг тақсимланишини назарда тутувчи даромадларни олиб қўйиш ва мусодара қилиш жараёнини мувофиқлаштириш тўғрисида келишувларга эга бўлишини тавсия қилади¹⁷.

Бундан ташқари, халқаро ҳужжатлар музлатилган, хатланган ёки мусодара қилинган активларни бошқариш ички қонунчилик доирасида тартибга солиниши лозимлигини қайд этади¹⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда активларни бошқариш қандай амалга оширилиши кераклиги тўғрисида ягона халқаро қоидалар мажмуи ёки қўлланма мавжуд эмас. Фақатгина активларни бошқариш қандай бўлиши кераклиги тўғрисида аниқ ва тўғри маълумотга эга бўлиш учун активларни бошқаришни амалга ошираётган айрим давлатлар қонунчилиги ва тамойилларини кўриб чиқиш ва уларга асосланиш тақозо этади¹⁹.

Амалиётда жиноий активларни қайтариш жараёни мол-мулклар (активлар) мавжуд бўлса, тўғри бошқарилса, ўз ҳолатини йўқотмаган ва яхши сақланган бўлса тўғри амалга оширилган ҳисобланади. Буларнинг барчаси эса активларни қайтариш бўйича саъй-ҳаракатларнинг дастлабки босқичидан то якуний босқичига қадар жиноий активларни шаффоф, ҳисобини юритган ҳолда, натижали ва самарали бошқаришга боғлиқ. Айнан ушбу факторларнинг мавжудлиги активларни бошқариш самарали ва фойдали бўлишини исботлайди. Қайтарилган активлар давлатларнинг ривожланиши учун қўшимча манба бўлганлиги боис, бошқарув жараёнида уларнинг моддий қийматини пасайтирадиган ҳар қандай этиборсизлик, давлатлар ривожланиши учун қўшиладиган иқти-

14 Effective management and disposal of seized and confiscated assets. 2017. United Nations Office On Drugs And Crime. Vienna. © UNODC, October 2017. www.unodc.org // Қапан: www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/CAC-COSP-session5-resolutions.html, www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/CAC-COSP-session6-resolutions.html.

15 БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси, 31-модда, www.unodc.org, Конвенциянинг 31-моддаси 1-бандида қуйидаги мол-мулклар кўрсатиб ўтилган:

а) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган даромадлар ёки қиймати ушбу даромадлар қийматига тенг бўлган мол-мулк;

б) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, усқуналар.

16 БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/peace-justice/>. Шунингдек қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сон қарори, <http://lex.uz/docs/5870397>

17 Рекомендации ФАТФ. Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения / Пер. с англ. – М. : Вече, 2012. – 176 с. www.mumcfm.ru

18 Go Lisanawati. Best Principles for criminal assets management: conceptual framework.//1 IPBJ Vol.7 (1), - 20 (2015), available at: http://www.oag.su.uum.edu.my/images/ipbj/IPBJ_Vol._7_1_2015/1_IPBJ_Vol.7_1_1-20_2015.pdf, 15-бет

19 Ўша жойга қаранг.

содий ҳиссани камайтиради деб қаралади²⁰.

Мазкур соҳадаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, вақтинчалик чора-тадбирлар орқали жиноий активларнинг сақланиши амалга оширилгандан сўнг ваколатли органлар активларни мусодара ёки тасарруф қилгунга қадар уларнинг хавфсизлигини таъминлашлари лозим. Бошқаришнинг ушбу кўриниши активларнинг хавфсизлиги ва қийматини кафолатлаш мумкин бўлган назорат механизмларидан бири ҳисобланиб, келгусида активларнинг жиноятчиларга қайтарилмаслигини ва шахсий манфаатлар учун инсофсиз мансабдор шахслар қўлига ўтмаслигини таъминлайди²¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, активларни тиклаш жараёни бир-бирига боғлиқ бўлган тўрт босқични ўз ичига олади:

- активларни аниқлаш ва кузатиш;
- сақлаш;
- мусодара қилиш;
- тасарруф этиш.

Ушбу босқичларнинг барчасида активларни бошқариш муҳим аҳамият касб этиб, ҳар қандай нотўғри бошқарув активларни қайтаришнинг бутун жараёнига таъсир қилади²².

Юқорида таъкидланганидек, активларни бошқариш активларни қайтариш жараёни ва механизмларида муҳим роль ўйнайди. Мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг асосий вазифасига эса активларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қийматини сақлаб қолиш киради. Уларнинг тўғри бошқарилганлигини аниқлаш учун активлар хатланган, мусодара қилинган вақтдаги ва уларни тасарруф қилиш вақтидаги қийматини солиштириш, таҳлил қилиш зарур²³.

Жиноий активларни қайтариш ва бошқариш жараёнини Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида асосий урғу айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жабрланувчиларга зарарни ундиришга қаратилган бўлиб, жиноятчиларнинг барча жиноий даромадларини олиб қўйишга етарли эътибор қаратилмаган. Яқин кунларга жиноий даромадларни олиб қўйиш қонунчилик ва сиёсий даражада асосий вазифа сафатида қарал-

маган. Фақатгина 2021 йилда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясида²⁴ жиноий фаолиятдан олинган мол-мулкни қидириш, хатлаш, мусодара қилиш ҳамда хориждан активларни қайтариш борасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш устувор вазифа сафатида белгиланди²⁵.

Юқорида келтирилган маълумот ва таҳлилларга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда халқаро кўламда жиноий активларни қайтариш ва бошқариш билан боғлиқ ягона ҳуқуқий нормалар мажмуи, тизим ва механизмлар мавжуд эмас. Ҳатто халқаро конвенциялар ҳам давлатларга жиноий активларни бошқаришда ўз миллий қонунчилиги нормалари ва шаклланган ижобий амалиётини самарали қўллашни тавсия этади. Шу билан бирга, қонунчиликдаги фарқлар, барча давлатларнинг халқаро ҳужжатлар нормаларини бирдек қўлламасликлари ёки уларга қўшилмаганлиги, бугунги кунда давлатлар томонидан жиноий активларни қайтариш ва бошқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун халқаро нормаларга асосланган алоҳида норматив ҳужжатларни яратишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш, жиноий активларни самарали қайтариш ва бошқаришнинг ҳуқуқий базаси, тизими, механизмини яратиш ва такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳадаги қонунчилигимиз нормаларини бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан таҳлил қилиш бугунги кунда олимларимиз ва амалиётчиларимиз олдида турган асосий мақсадлардан бири бўлиши керак.

#

20 Abdulrahman O.J. Kaniki. An Inquiry into the Effectiveness of Illegally Acquired Asset Management System in Tanzania. Journal of Law and Criminal Justice June 2019, Vol. 7, No. 1, pp. 11-22, ISSN: 2374-2674(Print), 2374-2682(Online), Copyright © The Author(s). All Rights Reserved. Published by American Research Institute for Policy Development DOI: 10.15640/jlcj.v7n1a2, URL: <https://doi.org/10.15640/jlcj.v7n1a2>, 11-6et

21 Ўша жойга қаранг. 12-бет

22 Ўша жойга қаранг.

23 Ўша жойга қаранг. 13-бет

24 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6252-сон фармони, <http://lex.uz>

25 У.Нигмаджанов. Институциональные и правовое развитие прокуратуры в вопросах возврата активов (на примере Бельгии, Дании и Нидерландов). Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 1-сон, 2022 йил, 63-бет.



Замират БОРСИЕВА,
доцент, прокурор отдела Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ

АННОТАЦИЯ. Автор освещает концептуальные основы деятельности по противодействию коррупции, практику применения антикоррупционных политик, находящихся под влиянием традиционного подхода «государственной модернизации». Представленный автором обзор концепций и подходов антикоррупционных стратегий подчеркивает необходимость изменений в подходах при разработке и имплементации антикоррупционных политик с учетом транснациональной специфики, оценки эффективности реализуемых реформ, влияния социальных норм и неформальных институтов, лежащих в основе коррупции.

АННОТАЦИЯ. Муаллиф коррупцияга қарши фаолиятнинг концептуал асосларини, аънавий «давлат модернизацияси» ёндашуви таъсиридаги коррупцияга қарши сиёсатни қўллаш амалиётини ёритади. Муаллиф томонидан тақдим этилган коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг тушунча ва ёндашувларини кўриб чиқишда трансмиллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёндашувларни, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини, коррупцияга асосланган ижтимоий нормалар ва норасмий институтларнинг таъсирини баҳолаш зарурлигини таъкидлайди.

ANNOTATION. The author highlights the conceptual foundations of anti-corruption activities, the practice of applying anti-corruption policies influenced by the traditional approach of «state modernization». The review of concepts and approaches of anti-corruption strategies, presented by the author, emphasizes the need for changes in approaches to the development and implementation of anti-corruption policies in view of transnational specifics, assessing the effectiveness of ongoing reforms, the impact of social norms and informal institutions underlying the corruption.

Ключевые слова: антикоррупционная политика, подход «государственной модернизации», теория коллективного действия, концепция «принципал-агент», общественный контроль, социальные нормы и сотрудничество.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, давлат модернизацияси ёндашуви, оммавий ҳаракат назарияси, жамоат назорати, ижтимоий қоидалар ва ҳамкорлик.

Key words: anti-corruption policy, «state modernization» approach, collective action theory, «principal-agent» concept, public control, social norms and cooperation.

В международной практике, политика противодействия коррупции в течение последних двух десятилетий, в том числе и в Республике Узбекистан, находилась и продолжает находиться под влиянием подхода «государственной модернизации»¹.

С этой целью, Узбекистан предпринял ряд ключевых реформ в сфере антикоррупционной политики. Принят Закон «О противодействии коррупции», реализуется институциональный подход к разработке, координации и внедрению антикоррупционной политики, образовано Агентство по противодействию коррупции, реализуется Концепция административной реформы и т.д.

Исследователи отмечают, что пакет антикоррупционных мер за последние три десятилетия оставался широко стандартизированным, но все-таки, в рамках подхода «государственной модернизации» произошла определенная эволюция, которая повлияла и на практически стандартный пакет антикоррупционных мер, реализуемых в Узбекистане.

В стране, сделан акцент на отраслевые проблемы, усилена институциональная специализация и усовершенствованы правовые инструменты, при-

няты меры, направленные на усиление социальной ответственности, начато внедрение технологий и инструментов электронного управления. Была разработана национальная методика оценки реализации государственной антикоррупционной программы, развивается соответствующая научно-исследовательская база для оценки результатов проведенных антикоррупционных реформ.

Примерами успешных антикоррупционных реформ, основанных на парадигме модернизации государства, являются реформы, осуществленные в Сингапуре, Гонконге, Грузии.

Однако, необходимо отметить, что Сингапур и Гонконг – это страны, унаследовавшие британскую политико-административную и правовую систему, географически и демографически небольшие государства, что существенно обеспечило успех антикоррупционных реформ.

Ключевая цель их реформ заключалась в укреплении потенциала важных государственных институтов, таких как полиция, судебная система, надзорные учреждения, парламент, местные органы власти, но с удалением должного внимания под-

1 Клитгард Р. Борьба с коррупцией. Калифорнийский университет. 1988.

держке институтов гражданского общества для их вовлечения в реализацию государственных антикоррупционных программ².

Применение подхода «государственной модернизации» в различных странах достигло некоторых успехов, но, как свидетельствуют результаты исследований³ и реформ, данный подход сегодня считается недостаточным, обременительным и страдает проблемами реализации.

Как отмечают эксперты, с странах Стамбульского плана действий улучшилось планирование антикоррупционной политики. Однако в большинстве стран политика все еще не основана на анализе рисков и других данных. Добившись прогресса в мониторинге осуществления политики по борьбе с коррупцией, страны не смогли оценить воздействие этих реформ. Главной проблемой при оценке прогресса в этой области было отсутствие эффективного и регулярного измерения воздействия антикоррупционных мер, реформ систем добропорядочности и государственной службы⁴.

По мнению исследователей, недостаточная результативность подхода не означает необходимость отказаться от его применения.

Трудно представить подход к политике противодействия коррупции, который не учитывал бы необходимость некоторой степени модернизации государства, например, направленной на развитие институтов обеспечения прозрачности и подотчетности государственных субъектов.

Однако, очевидна необходимость лучшего понимания (осмысления) того, как происходят устойчивые изменения в борьбе с коррупцией, а также разработки новых планов действий, которые могут потребовать изменений в подходах о том, как разрабатывается антикоррупционная политика и применяются меры по ее реализации.

По мнению Мунджу-Пиппиди, новые законы о борьбе с коррупцией недостаточно влияют на поведение, при этом специализированные учреждения по борьбе с коррупцией, например, антикоррупционные агентства, не обладают достаточной автономией и независимостью; обучение персонала не всегда эффективно и не приводит к изменению организационных норм. Как правило, недостатки в реализации реформ, планов или стратегий явля-

ются повторяющейся проблемой при оценке подхода «государственной модернизации»⁵.

Проблема коллективных действий в противодействии коррупции

Объясняя не особый успех инвестиций в антикоррупционные реформы, некоторые авторы⁶ подчеркивают, что они основаны на теоретически неверной характеристике проблемы системной коррупции. В частности, хотя современные антикоррупционные реформы основаны на концептуализации коррупции как проблемы «принципал-агент», в условиях хронической коррупции ее проявления скорее напоминают проблему коллективных действий. Это условие, по мнению исследователей, ведет к краху любой антикоррупционной реформы, основанной на концепции «принципал-агент», признающей в развитом гражданском обществе возможность существования неподкупных принципалов (на избираемых должностях), которые могут приводить в действие анти-коррупционные реформы и имеют для этого необходимые властные полномочия⁷.

Теории коллективных действий не ставят под сомнение необходимость эффективных режимов мониторинга и наказания как средств сдерживания коррупции, как это предлагается в рамках схемы «принципал-агент».

Скорее, они подвергают сомнению основополагающее предположение теории «принципал-агент» о том, что во всех обществах существует по крайней мере одна какая-либо группа добросовестных акторов, желающих действовать как «принципалы» и, как таковые, обеспечивать соблюдение некоррупционного режима. То есть, в развитом гражданском обществе в условиях эффективного общественного контроля, когда выборные «принципалы» ведут себя добросовестно и ответственно перед избирателями и институтами гражданского общества, они заинтересованы в безупречности своей репутации, так как добропорядочность, является гарантией их легитимности и возможности переизбраться, в следствии чего они заинтересованы в поддержке некоррупционного режима. Таким образом, контекст является определяющим в выборе модели поведения принципалом.

Теория коллективного действия оспаривает теорию рационального выбора с точки зрения, что

2 Mungiu-Pippidi 2015., Taylor 2018.

3 Johnson, Taxell, and Zaum 2012; Mungiu-Pippidi 2015; Poate and Vaillant 2011; Disch, Vigeland, and Sundet 2009.

4 Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии: достижения и проблемы, 2016-2019 гг. ОЭСР.2020.

5 Mungiu Pippidi, 2020.

6 Anna Persson, Bo Rothstein, Jan Teorell. Why Anticorruption Reforms Fail—Systemic Corruption as a Collective Action Problem. Governance: An International Journal of Policy, Administration, and Institutions, Vol. 26, No. 3, July 2013 (pp. 449–471).2012.

7 <https://www.u4.no/publications/corruption-and-collective-action.pdf>



проблемные ситуации, связанные с коррупцией, всегда сами по себе дают актерам ответ на вопрос, какую стратегию рационально выбрать. В соответствии с теорией коллективного действия, для стратегического взаимодействия, принимающего форму проблемы согласования (координации) множественных равновесий, действие лица будет зависеть не от самой ситуации, а от общих ожиданий относительно того, как будут действовать другие люди⁸.

В частности, согласно теории коллективных действий, следует ожидать, что вознаграждение за коррупцию — и, следовательно, стратегия, которую, скорее всего, выберет любой рациональный актер, — будет в решающей степени зависеть от того, насколько другие в том же обществе, как ожидается, будут коррумпированы.

Таким образом, в той мере, в какой коррумпированное поведение в обществе является ожидаемым поведением, следует ожидать, что все будут действовать коррумпировано, включая группу лиц, которых схема «принципал-агент» может считать добросовестными принципалами.

Кроме того, эмпирические результаты исследований, проведенных в странах с высоким уровнем коррупции свидетельствуют, что субъекты следуют коррупционному поведению не потому, что они морально одобряют или не понимают негативных последствий коррупции для общества в целом, — их выбор в пользу коррупции продиктован ожиданием, что все остальные члены общества будут вести себя нечестно, и вследствие чего, они приходят к выводу, что краткосрочные выгоды от участия в коррупционном поведении превышают затраты⁹.

Например, дача взятки за получение кредита облегчает жизнь либо за счет максимизации эффективности в достижении целей, которые в противном случае были бы запредельными, либо за

счет минимизации рисков, таких как избежать неприятностей, например, с полицией или судами. Дело не в том, что люди не хотят участвовать в искоренении коррупции, а в том, что преобладающая среда, институты, процессы, и борьба с ними с помощью отдельных частных действий лиц, сами по себе обходятся дороже, чем взятки, которые они дают государственным чиновникам.

И такое положение дел имеет место, даже если большинство субъектов морально осуждают коррупционные действия, а также осознают, что они как коллектив могут проиграть от продолжающейся коррупции¹⁰.

Это связано с тем, что в «нечестной игре» в коррумпированной среде краткосрочные издержки честности сравнительно высоки, поскольку это не изменит сложившуюся в обществе ситуацию¹¹. Следовательно, люди, не желая или не в состоянии нести расходы¹², вместо этого будут продолжать выбирать коррумпированные альтернативы не коррумпированным.

Исследования, проведенные в других странах с высоким уровнем коррупции, включая посткоммунистическую Европу и Индию, показывают аналогичные результаты¹³.

Следовательно, в контексте, в котором коррупция является ожидаемым поведением, механизмы контроля и режимы наказания должны быть в значительной степени неэффективными, поскольку просто не будет субъектов, у которых есть стимул привлекать коррумпированных чиновников к ответственности.

Все действующие лица вполне могут понимать, что они выиграют от искоренения коррупции, но поскольку они не могут быть уверены, что большинство других действующих лиц воздержатся от коррупционных действий, у них нет причин воздерживаться от уплаты или требования взяток¹⁴.

8 Aumann, Robert J., and Jacques H. Dreze. 2005. "When All Is Said and Done: How Should You Play and What Should You Expect?" Discussion Paper No. 2005-21. Jerusalem: Center for the Study of Rationality at Hebrew University. Fehr, Ernst, and Urs Fischbacher. 2005. "The Economics of Strong Reciprocity." In *Moral Sentiments and Material Interests*, ed. Herbert Gintis, Samuel Bowles, Robert Boyd, and Ernst Fehr. Cambridge, MA: MIT Press. Gintis, Herbert, Samuel Bowles, Robert Boyd, and Ernst Fehr, ed. 2005. *Moral Sentiments and Material Interests: The Foundations for Cooperation in Economic Life*. Cambridge, MA: MIT Press. Medina, Luis Fernando. 2007. *A Unified Theory of Collective Action and Social Change*. Ann Arbor: University of Michigan Press. Ostrom, Elinor. 1998. "A Behavioral Approach to the Rational Choice Theory of Collective Action." *American Political Science Review* 92 (1): 1–22.

9 Anna Persson, Bo Rothstein, Jan Teorell. Why Anticorruption Reforms Fail—Systemic Corruption as a Collective Action Problem. *Governance: An International Journal of Policy, Administration, and Institutions*, Vol. 26, No. 3, July 2013 (pp. 449–471). 2012

10 Karklins, Rasma. 2005. *The System Made Me Do It: Corruption in Post-Communist Societies*. Armonk, NY: M.E. Sharpe.

11 Della Porta, Donatella, and Alberto Vannucci. 1999. *Corrupt Exchanges: Actors, Resources, and Mechanisms of Political Corruption*. New York: Aldine de Gruyter.

12 Rothstein, Bo. 2005. *Social Traps and the Problem of Trust*. New York: Cambridge University Press.

13 Karklins, Rasma. 2005. *The System Made Me Do It: Corruption in Post-Communist Societies*. Armonk, NY: M.E. Sharpe. Miller, William L., Åse B. Grødeland, and Tatyana Y. Koshechkina. 2001. *A Culture of Corruption? Coping with Government in Post-Communist Europe*. Budapest, Hungary: Central European University Press. Widmalm, Sten. 2008. *Decentralization, Corruption and Social Capital: From India to the West*. Thousand Oaks, CA: Sage Publications.

14 Rothstein, Bo. 2011a. "Anti-Corruption: The Indirect 'Big Bang' Approach." *Review of International Political Economy* 18 (2): 228–250. 2011b. *The Quality of Government: Corruption, Social Trust, and Inequality in International Perspective*. Chicago, IL: University of Chicago Press.

Таким образом, представление о системной коррупции как о коллективном действии, а не как о проблеме «принципал-агент», имеет важные последствия для политики противодействия коррупции. Авторы указанных исследований используют определения системной, повсеместной и хронической коррупции как синонимичные.

На основе анализа результатов коррупционных реформ, полученных знаний о других типах проблем коллективных действий, исследователи предположили, что для успешной борьбы с коррупцией в странах, страдающих от системной коррупции, требуется более революционный тип изменений.

Поддерживая эту точку зрения, Ларри Даймонд утверждает: «Повсеместная коррупция — это не какой-то изъян, который можно исправить техническими средствами или политическим толчком. Так работает система, и она глубоко укоренилась в нормах и ожиданиях политической и общественной жизни. Снижение его до менее разрушительного уровня и удержание на этом уровне требует революционных изменений в институтах»¹⁵.

В частности, чтобы успешно снизить уровень злоупотреблений в странах, страдающих от коррупции, всю систему необходимо будет вывести из равновесия, характеризуемого тем, что обычно называют «партикуляризмом»¹⁶, «порядком ограниченного доступа (персонализм)»¹⁷ или «пристрастной» системы правил¹⁸ к равновесию, характеризующемуся противоположным, то есть «универсализмом», «порядком открытого доступа», или «беспристрастной «системой правления»¹⁹.

Эмпирические выводы, основанные на опыте успешных практик решения проблем коррупции в Швеции, Дании, США и, совсем недавно, Гонконг и Сингапур — поддерживают аргумент о том, что «большой толчок» с участием всех крупных политических, экономических и социальных институтов действительно необходимо²⁰.

Эта новая концепция характеризуется сочетанием как формальных, так и неформальных механизмов контроля в виде, с одной стороны, формальных механизмов мониторинга и санкций, а с другой — взаимности и доверия²¹.

Таким образом, современные концепции и положительные практики выходят за рамки только формальных механизмов мониторинга и санкций, а включают в антикоррупционное уравнение изменение общих ожиданий, которое будет направлено на укрепление доверия среди большинства граждан друг к другу, а также к органам государственной власти и государственным институтам.

На примере стран, которые успешно перешли от коррумпированных к менее коррумпированным системам правления, также, и это очень важно отметить, наблюдается, что политические лидеры, высокопоставленные государственные чиновники, служат в таких системах образцом для подражания, следуя принципам невмешательства и независимости при принятии решений, благого управления, верховенства права и добропорядочности.

Таким образом, исследуя проблемы коллективных действий в противодействии коррупции, с учетом существующего контекста, базовым вопросом теории коллективных действий является вопрос, о том, как изменить базовую модель работы институтов общества с «партикуляризма-персонализма-пристрастности» на «универсализм-имперсонализм-беспристрастность».

Сторонники данного подхода определяют одной из важнейших задач своих исследований, узнать больше о происхождении высококачественных институтов для ответа на вопрос, какими факторами можно объяснить, почему некоторым странам удалось создать институты, приносящие пользу обществу в целом, в то время как другие, застряли в коррумпированных системах правления.²²

15 Diamond, Larry. 2007. "A Quarter-Century of Promoting Democracy." *Journal of Democracy* 18 (4): 118–120.

16 Mungiu, A. 2006. Corruption: Diagnosis and treatment. *Journal of Democracy* 17(3): 86–99.

17 North, Douglass C., John Wallis, and Barry R. Weingast. 2009. *Violence and Social Orders: A Conceptual Framework for Interpreting Recorded Human History*. New York: Cambridge University Press.

18 Rothstein, Bo, and Jan Teorell. 2008. "What Is Quality of Government: A Theory of Impartial Political Institutions." *Governance* 21 (2): 165–190.

19 North, Douglass C., John Wallis, and Barry R. Weingast. 2009. *Violence and Social Orders: A Conceptual Framework for Interpreting Recorded Human History*. New York: Cambridge University Press. Mungiu-Pippidi, Alina. 2006. "Corruption: Diagnosis and Treatment." *Journal of Democracy* 17 (3): 86–99.

20 Arnold, Peri E. 2003. "Democracy and Corruption in the 19th Century United States: Parties 'Spoils' and Political Participation." In *The History of Corruption in Central Government*, ed. Seppo Tiihonen. Oxford: IOS Press; Frisk Jensen, Mette. 2008. "Korruption og embedsetik: Danske embedsmænds korruption i perioden 1800 til 1886 [Corruption and Public Ethics: Corruption among Danish Public Officials 1800–1886]." Ph.D. dissertation. Aalborg: Aalborg Universitet.. Rothstein. 2011a. "Anti-Corruption: The Indirect 'Big Bang' Approach." *Review of International Political Economy* 18 (2): 228–250.

21 Ostrom, Elinor. 1990. *Governing the Commons: The Evolution of Institutions for Collective Action*. New York: Cambridge University Press; Uslaner, Eric. 2008. *Corruption, Inequality and the Rule of Law*. New York: Cambridge University Press.

22 Claudia Baez Camargo and Tharcisse. Gatwa. *Informal Governance and Corruption – Transcending the Principal Agent and Collective Action Paradigms*. Rwanda Country Report. University of Basel, Basel Institute on Governance. 2018.



Влияние социальных норм и неформальных институтов на коррупцию

Переосмысливая коррупцию как проблему коллективных действий²³ ряд исследователей продолжили попытки поиска доказательств актуальности неформального сектора для поддержки «локализации» антикоррупционных стратегий²⁴.

Сторонники данного подхода, утверждают, что учет важности и влияния неформальных практик управления («кооптация», «контроль» и «маскировка»)²⁵ и социальных норм помогает преодолеть ограниченность подходов принципал-агент и проблем коллективных действий.

В поисках ответов о влиянии неформальных практик исследователи задавались вопросом о том, как ключевые участники могут быть заинтересованы в принятии мер, способствующих достижению успешных результатов в борьбе с коррупцией в рамках ограничений (будь то социальных, экономических или политических), с которыми они сталкиваются, при этом принимая во внимание их собственные интересы и мотивы?

Логика данных исследований, включающих сравнительный анализ исследования стран из двух геополитических групп Восточной Африки и постсоветских стран (Кения, Руанда, Танзания и Уганда, Грузия, Казахстан, Кыргызстан, Россия), заключается в том, чтобы рассмотреть борьбу с коррупцией как контекстно-зависимую индуктивную деятельность, которая реализуется на основе наблюдаемой практики и общепринятого поведения²⁶.

Рассмотрение проблем коррупции через спектр

неформальности вывел на передний план те мотивы и модели поведения, которые редко формулируются или учитываются при выработке официальной политики, но, тем не менее, широко известны и наблюдаются исследователями в любом конкретном контексте страны.

Таким образом, это направление исследований имеет потенциал для получения информации о ранее неучтенных факторах коррупции, которые будут полезны для целей разработки политики²⁷.

С учетом вышеизложенного, представленный обзор концепций и подходов антикоррупционных стратегий свидетельствует, о том, что, критикуя доминирующий подход «государственной модернизации», исследователи выделяют следующие объяснения его неэффективности и неустойчивости реформ:

- наличие недостатков в теории коллективных действий и теории принципал-агент, вокруг которых по большей части строится разработка государственных антикоррупционных реформ во многих странах;
- не проведение оценки эффективности реализуемых реформ, как следствие, не пересматриваются меры по осуществлению антикоррупционной политики или стратегии;
- пренебрежение влияния социальных норм и неформальных институтов, лежащих в основе коррупции;
- реализация антикоррупционных программ и мер без учета транснациональной специфики некоторых форм коррупции.

#

23 Persson, A., Rothstein, B., and Teorell, J. 2013. Why anticorruption reforms fail: Systemic corruption as a collective action problem. *Governance* 26(3): 449–471.

24 Claudia Baez Camargo and Tharcisse. *Gatwa. Informal Governance and Corruption – Transcending the Principal Agent and Collective Action Paradigms. Rwanda Country Report. University of Basel, Basel Institute on Governance. 2018.*

25 Baez-Camargo, Claudia, and Alena Ledeneva. 2017. “Where Does Informality Stop and Corruption Begin? Informal Governance and the Public/Private Crossover in Mexico, Russia and Tanzania.” *The Slavonic and East European Review* 95 (1): 49–75. <https://doi.org/10.5699/slaveasteurorev2.95.1.0049>.

26 Claudia Baez Camargo and Tharcisse. *Gatwa. Informal Governance and Corruption – Transcending the Principal Agent and Collective Action Paradigms. Rwanda Country Report. University of Basel, Basel Institute on Governance. 2018.*

27



Ойбек СУЛТОНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори,
Бош прокуратура Академияси
мустақил изланувчиси

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада «профилактика» тушунчасига нисбатан ҳуқуқшунослик ва бошқа соҳа олимларининг субъектив муносабатлари таҳлил қилинди, шунингдек, ушбу тушунчага миллий қонунчиликдаги таърифларнинг аҳамияти, жорий қонунчиликлардаги профилактикага бўлган талабларни мувофиқлаштириш кераклиги, ҳозирги кунда жинойат содир этилишига сабаб бўлаётган ва имкон бераётган омиллар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье были проанализированы субъективные отношения ученых-правоведов и учёных других направлений в отношении понятия "профилактика", а также значимость дефиниций в национальном законодательстве, необходимость согласования требований к профилактике в действующего законодательства, разработаны факторы которые вызывают и способствуют совершению преступлений.

ABSTRACT. This article analyzed the subjective attitudes of legal scholars and scientists of other areas in relation to the concept of prevention, as well as the significance of the definition in national legislation, the need to harmonize the requirements for prevention in the current legislation, factors that cause and contribute to the commission of crimes are developed.

Калит сўзлар: «профилактика», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчалари, «олдини олиш», «барҳам бериш», «профилактика қилиш», «тўхтатиш», «жинойатларнинг олдини олиш» ва «жинойатлар профилактикаси» атамаларининг мазмуни, ижтимоий-иқтисодий омиллар, маънавий-руҳий омиллар, ташкилий ва бошқарув соҳаларидаги омиллар, жинойат сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича қонуний талаблар бажарилмаганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш.

Ключевые слова: «профилактики», «профилактика правонарушений», «предупреждение преступлений», «предотвращение», «пересечение», социально-экономические факторы, морально-духовные факторы, факторы в организационно-управленческой сфере, административная ответственность за невыполнения законных требований прокурора или следователя.

Key words: Concept of prevention, the meaning of the terms crime prevention, socio-economic factors, moral and spiritual factors in the organizational and management spheres, bringing to administrative responsibility for failure to fulfill the legal requirements of the prosecutor and investigator.

«Профилактика» тушунчасига нисбатан ҳуқуқшунослик ва бошқа соҳа олимлари ўзларининг субъектив муносабатини билдириб ўтганлар. Ушбу муносабатлар таҳлили профилактикага берилган тушунчалар ўзаро бир-бирига яқин ва мазмунан турли хиллигини кўрсатади. Е.Алауханов «Профилактика – биринчидан, жинойатнинг амалга ошишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларини аниқлашга, иккинчидан, жинойат содир этиши мумкин бўлган шахсни аниқлашга (уларнинг жамиятга қарши йўналганлиги ёрдамида) ҳамда улар билан зарур огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказишга қаратилган фаолиятни тушуниш лозимлигини таъкидлайди»¹. Бу икки тушунчанинг мажмуи Г.А.Аванесовнинг фикрича ягона «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасини келтириб чиқаради².

Миллий қонунчиликка кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси нафақат жамиятда

содир этилиши мумкин бўлган маъмурий, жиноий ёки бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, балки бутун жамият ҳаётида ҳуқуқнинг тўла устуворлигига эришишни таъминлаш асосий мақсад сифатида белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқ-

1 Эсберген Алауханов. Криминология. ГЛАВА VII. Предупреждение преступности. Понятие предупреждения преступности Учебник. – Алматы. 2008. - 429 с. <http://www.allpravo.ru/library/doc>

2 Аванесов Г.А. Криминология. –М., 1984, с.339.



бузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқ-бузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

– жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш»³.

Жиноятлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган атамалар тўғрисида сўз юритган олимлар, «олдини олиш», «барҳам бериш», «профилактика қилиш», «тўхтатиш» атамаларининг мазмунида фарқ қидириш ўринли эмаслигини, бу атамаларнинг мазмуни бирлигини – шу маънода улар муайян шахслар томонидан жамиятга зарар етказувчи қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ва кейинчалик бундай ҳолатларга мутлақо барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги ҳақидаги фикрни ифодаловчи синонимлар эканлигини таъкидлайдилар»⁴.

Мазкур муаммо бўйича бошқа муаллифлар эса, аксинча, кўрсатиб ўтилган атамалар маъноси ўртасида фарқ мавжудлигини қайд этадилар. Хусусан, А.Г.Лекарь ва А.Ф.Зелинский «жиноятларнинг олдини олиш» ва «жиноятлар профилактикаси» атамаларини бир-биридан фарқлайдилар. Уларнинг фикрича, «жиноятларнинг олдини олиш» деганда муайян жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатиш, «жиноятлар профилактикаси» деганда эса – жиноят содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш тушунилади, «профилактика»га жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш жараёнини, «жиноятларнинг олдини олиш»га эса – режалаштирилаётган ва тайёрланаётган жиноятларга йўл қўймасликни киритиш лозим»⁵ деган фикрни илгари сурадилар.

Кўриниб турибдики, жиноятларнинг олдини олиш ёки жиноятлар профилактикаси тушунчаси ҳақида махсус адабиётларда кўп фикрлар билдирилган бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда мазкур тушун-

чага нисбатан «давлат ва жамоатчилик органлари ва ташкилотларининг жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитини бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ёки чора-тадбирлар мажмуи» деган таъриф кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Бир қатор луғатларда «профилактика» атамасига «олдини олиш»⁶ деб, профилактика эса ҳуқуқий тартиботнинг нормал ҳолатини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган олдини олиш чоралари мажмуини ифодалайди» деган ёндашув мавжуд.

Профилактика атамасини ҳуқуқбузарликка нисбатан татбиқ этиш, нафақат ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, балки унинг мазмун-моҳияти жуда кенг қамровли аҳамият касб этишини назарда тутиши билан ажралиб туради. С.О.Сафронов профилактик фаолият таркибига уч томонлама қарайди: 1) ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабардор қилиш; 2) унинг олдини олиш; 3) ҳуқуқбузарликни тўхтатиш⁷.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизнингча ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз ичига олдини олиш, тўхтатиш, бартараф этиш ва йўл қўймаслик тушунчаларини қамраб олади.

Фикримизча, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Бу – жиноятларнинг умумий ва махсус профилактикаси кўринишларидир. Дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси чораларига жамиятнинг бўғинлари бўлган давлат ҳокимияти органлари, оила, таълим-тарбия, тиббиёт муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқаларни жалб қилган ҳолда ва уларнинг фаол иштироки орқали амалга оширилади. Дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган жиноятларнинг махсус профилактикаси бевосита прокуратура, ДХХ, ИИБ терговчилари томонидан амалга оширилади.

Бизнингча, дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда профилактик чора-тадбирларнинг самарали равишда амалга оширилиши лозим.

3 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда

4 Андрианова Ю.С. Особенности профилактической деятельности органов предварительного расследования // Тамбовские правовые чтения имени Ф.Н. Плевако Материалы III Международной научно-практической конференции. В 2-х томах. Ответственный редактор В.Ю. Стромов. 2019. С.289-293.

5 Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. – М., 2007. – 45-б.; Зелинский А.Ф. Значение нормы уголовного права для предупреждения преступлений. Автореф.дисс.... канд. юрид. наук. – М., 1996. – 4-б.

6 Юридик энциклопедия. Проф. У.Тожихоновнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2000. -Б.227-228; Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. – С. 137; <http://wikipedia.org> (Wikipedia очик энциклопедияси).

7 Сафронов С. О. Профілактична діяльність слідчого органів внутрішніх справ України // Право України. – 2002. – № 2. – С. 82–86.



Хусусан, бу борада «жиноятларнинг олдини олиш йўналишида ишларни самарали ташкил қилишда жаҳонда эътироф этилган илғор халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги ислоҳотлар натижасини ҳисобга олиш лозим»⁸.

Дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси чоралари жиноятларнинг содир этилишига олиб келаётган омилларнинг бартараф этилишига қаратилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳозирги кунда жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган ва имкон бераётган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) ижтимоий-иқтисодий омиллар: ижтимоий тенгсизлик, «хуфиёна» иқтисодиётнинг кенгайиб бориши; нархларнинг асоссиз оширилиши, пул қадрсизланиши; ишсизлик муаммосининг кучайиб бориши; аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиши; яшаш даражасининг пасайиб кетиши; гиёҳвандликнинг кўпайиб бориши ва ҳ.к.;

2) маънавий-руҳий омиллар: ёшлар ўртасида лоқайдлик, боқимандалик, текинхўрлик каби иллатларнинг кенг тарқалиши; ёшларнинг муайян қисми ўртасида молпарастлик ва ғаразгўйликнинг кучайиб бориши; жамиятда зўрликни, ахлоқсизликни ва жиноий йўллар билан орттирилган бойлик ҳисобига «дабдабали» ҳаёт кечирини тарғиб-ташвиқ қилувчи манбаларнинг кенг кўламда ёйилиши; аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг паст даражадалиги ва ҳ.к.;

3) ташкилий ва бошқарув соҳаларидаги омиллар: ҳокимият институтлари фаолиятининг самарасизлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосан давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги суиистеъмолликлар; вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали мувофиқлаштиришнинг ҳал этилмаган-

лиги ҳамда улар функциялари чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги; фуқаролик жамиятининг кучсизлиги; демократик анъаналарнинг ривожланмаганлиги; суд тизими фаолиятининг сустлиги.

Дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси чоралари айнан шу омилларнинг биринчидан, бир-бири билан боғлиқлигининг кучайиши ёки чуқурлашишига йўл қўймаслик; иккинчидан, бу омилларнинг шахсга, авваламбор унинг онгига ва маънавий-руҳий дунёсини ўзгартириши ва таъсир қилишини чеклаш чораларини кўриш; учинчидан, жамиятда шахсга доимо ўз салбий таъсирини ўтказиб турувчи информацион-руҳий муҳитни шакллантиришга акс таъсир кўрсатиш; тўртинчидан, бу омиллар таъсирида шахс жиноий йўлни танламаслигига эришишга қаратилиши керак.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни⁹ билан белгиланган. Яъни мазкур қонун Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид сиёсатнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. «...қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва аҳамияти, мақсад ва вазифалари, субъектлари ва уларнинг ваколатлари, умуман олганда, давлатнинг, жамиятнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги позицияси ўзининг аниқ ва қатъий ифодасини топган. Мазкур қонун амал қилиш доираси билан кенг ҳажмга эга бўлиб, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий каби бир қатор соҳаларга оид муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган»¹⁰.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 50-моддаси «Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш» нормаси талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда амалда бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқишлишини ва бекор қилинишини тақозо этади¹¹.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда бизнингча

8 Шаповалова Г.М. Криминалистика и ее роль в предупреждении преступлений на основе информационных технологий//Полицейская деятельность. №2. 2016. С. 189

9 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни \ \ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон

10 Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. - . 150.

11 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни \ \ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон



дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат – ЖПКнинг олтинчи бўлими 36-бобининг номи ва мазмунини қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг талабларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларига мувофиқлаштириш зарурлигини тақозо этади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз ЖПКнинг олтинчи бўлимининг номини «Жиноятларнинг олдини олиш» ўрнига «Жиноятлар профилактикаси» деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Шу билан бирга, амалдаги ЖПКга мувофиқ олтинчи бўлимда мавжуд бўлган битта – 36-боб «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари»ни жиноятларнинг профилактикасини тўртта турини ўзида мужассалаштирган янги бешта боб билан – «36-боб. Жиноятларнинг профилактикаси, унинг турлари ва вазифалари», «36¹-боб. Жиноятларнинг умумий профилактикаси чоралари», «36²-боб. Жиноятларнинг махсус профилактикаси», «36³-боб. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси», «36⁴-боб. Жиноятларнинг виктимологик профилактикаси» алмаштиришни лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилади. Жумладан:

Биринчидан, мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талабларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларига мувофиқлаштирилади;

Иккинчидан, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида ўз ўрини топади ва барча давлат органлари билан ягона ва мувофиқлаштирилган йўналишда фаолиятни амалга оширилишига эришилади;

Учинчидан, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг йўналишлари замон талабларига мослаштирилади ва амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли ва мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилишига эришилади.

Тўртинчидан, дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлиги оширилади;

Бешинчидан, мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг яна ривожланишига ва жиноятларга нисбатан ҳам аниқ ва комплекс ёндашув юзага келади ҳамда жиноятлар сонининг камайишига ва уларни содир этган шахслар томонидан такрорий жиноятлар содир этилиши ҳолатларининг озайишига олиб келади.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиб, тегишли шахслар томонидан уларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, кўрилган чоралар тўғрисида терговчи хабар берилганидан сўнг тугалланган ҳисобланади.

Дастлабки тергов органларига тақдимнома юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот хабарнома шаклида расмий ҳужжат сифатида берилиши керак ва унда жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида ёзма маълумот акс эттирилиши лозим.

Бироқ, амалиётда терговчининг тақдимномасини олган шахслар ҳар доим ҳам унинг бажарилишига виждонан ёндашмайдилар, қасддан жиноят содир этилишига сабаб бўлган сабаб ва шароитларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўрмайдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, Жиноят-процессуал кодексида терговчининг тақдимномасини қасддан бажармаган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган мажбурий чоралар кўзда тутилмаган.

Бундай ҳолда, терговчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 196-моддаси «Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» учун жавобгарликни белгиловчи нормасини қўллаш тавсия этилади. Лекин, дастлабки тергов органлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242-моддасида келтирилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)нинг рўйхатида келтирилмаган. Бу рўйхатда прокурор келтирилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасида прокурорнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни қўзғатиш ваколати тартибга солинган. Шу сабабли терговчи жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома ЖПКда белгиланган бир ойлик муддатда ижро этилмаган тақдирда мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахс(лар)ни маъмурий жавобгарликка тортилишини таъминлаш ҳақида назорат қилувчи прокурорга билдирги билан мурожаат қилиши тартибини жорий этиш лозим. Шунингдек, агар жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича қонуний талаблар бажа-



рилмаганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун илтимоснома ва материаллар (тақдимнома, эслатмаси, билдирги) назорат қилувчи прокурорга корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан дастлабки тергов органининг тақдимномасини, унда кўрсатилган бошқа қонун бузилишлари ва ҳолатларни бартараф этиш бўйича талабларини бажармасликдан иборат маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш юзасидан маъмурий иш қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун юборилиши керак.

Прокурор Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган мансабдор шахс бўлганлиги сабабли жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимномани ижро этилмаслигидан иборат маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тегишли мансабдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиши ва материалларни судга юбориши керак.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича судларга МЖТКнинг 196-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилганлиги сабабли мазкур судлар прокурордан келиб тушган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва материалларни кўриб чиқиб тегишли маъмурий жазо чорасини қўллайди. Шу орқали қасддан терговчининг тақдимномаларига жавоб беришдан бўйин товлайдиган шахсларга адолатли ва қонуний чора қўлланилишига эришилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикаси тизимида дастлабки тергов органлари муҳим ўрин эгаллаётганлигини

қайд этиш жоиз. Дастлабки тергов органлари томонидан амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар фаолият самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини беради.

Таҳлилларимиз якунида қуйидаги хулосаларни қайд қилиб ўтишни лозим деб топдик, яъни жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган ва унга имкон бераётган омиллар сифатида биринчидан, ижтимоий-иқтисодий омиллар, иккинчидан, маънавий-руҳий омиллар учинчидан, ташкилий ва бошқарув соҳаларидаги омилларга бўлиниши;

- дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат – ЖПКнинг олтинчи бўлими 36-бобининг номи ва мазмунини қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг талабларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларига мувофиқлаштириш зарурлиги;

- терговчи жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимнома ЖПКда белгиланган бир ойлик муддатда ижро этилмаган тақдирда мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахс(лар)ни маъмурий жавобгарликка тортилишини таъминлаш ҳақида назорат қилувчи прокурорга билдирги билан мурожаат қилиши тартибининг жорий этилиши;

- шунинингдек, агар жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича қонуний талаблар бажарилмаганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун илтимоснома ва материаллар (тақдимнома, эслатмаси, билдирги) назорат қилувчи прокурорга маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш юзасидан маъмурий иш қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун юборилиши кераклиги каби қоидаларнинг ЖПКда акс эттирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#



Саидакбар УСМАНОВ,
Бош прокуратура Академияси
кафедрa катта ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада жиноят қонунчилигида вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, жазо тизими, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, мажбурлов чоралари, жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан енгиллаштирувчи нормалар, вояга етмаган шахсга нисбатан жамоат тарбиячисини тайинлаш ҳақида сўз боради.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются особенности ответственности несовершеннолетних в уголовном праве, система наказаний, освобождение от ответственности или наказания, принудительные меры, смягчающие нормы в отношении несовершеннолетних в уголовном праве, назначение общественного воспитателя для несовершеннолетних.

ABSTRACT. The article sheds light on the responsibility of juveniles in criminal law, features, punishment system, exemption from liability or punishment, coercive measures, mitigating norms against juveniles in criminal law, appointing a public guardian for a juvenile.

Калит сўзлар: вояга етмаган, жазо тизими, енгиллаштирувчи нормалар, жамоат тарбиячиси.

Ключевые слова: несовершеннолетний, система наказаний, смягчающие нормы, общественный воспитатель.

Key words: juvenile, penal system, mitigating norms, community educator.

Халқаро-ҳуқуқий нормаларда белгиланган қоидаларга мувофиқ миллий қонунчилигимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари билан бирга уларнинг жиноий жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда давлат турли хил воситалардан, жумладан, ижтимоий, таълим-тарбиявий, профилактика, тиббий, жиноий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлардан фойдаланади.

Ушбу воситалар ичида жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш, жазони индивидуаллаштириш ва дифференциялаштириш халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида вояга етмаган шахсларга тушунча берилган бўлиб, унга кўра вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсдир¹.

Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини белгиловчи махсус нормалар ЖКнинг Умумий қисми олтинчи бўлимида ўз аксини топган. Олтинчи бўлим икки бобдан иборат бўлиб, XV бобда “Жа-

зо ва уни тайинлаш”, XVI бобда “Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш” нормалари белгиланган.

Мазкур бўлимда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, жазо тизими ва уни тайинлаш, вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, уларга нисбатан тайинланадиган мажбурлов чоралари билан боғлиқ нормалар тизимланган.

ЖК Умумий қисмининг махсус назарда тутилган олтинчи бўлимидан ташқари вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш мазкур кодекс Умумий қисмининг бошқа бобларида ҳам ёритилган.

ЖКнинг 16-моддасига кўра, жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик белгилашда вояга етмаган шахснинг ёши, ўзига хос физиологик ва интеллектуал ривожланиши, болаликнинг ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти, унинг жамиятда тутган ўрни, шуғулланиши мумкин бўлган касби ҳамда бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Фанда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшни белгилашда турли ёндашувлар мавжуд.

1 Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”-ги қонуни, 2010 йил 29 сентябрь УРҚ-263-сон.

Г.И.Щукина “ёш бу инсоннинг жисмоний ва руҳий ўзгаришларга асосланган ҳаётини ривожланиш даври бўлиб ҳисобланади. Социология ёшни аниқлашнинг икки усулни белгилайди, биринчи усулда – хронологик бўлиб, шахснинг туғилишидан бошлаб ҳаёти давомийлиги назарда тутилса, иккинчи усул – психологик бўлиб, инсоннинг ўзига хос жисмоний ва руҳий ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилиятини назарда тутди” деб таъкидлайди².

М.М.Коченовнинг фикрича, жиний жавобгарликка тортиш ёшини фақатгина шахснинг туғилишидан бошлаб ҳаёти давомийлигидан белгилаш лозим бўлиб, жисмоний ва руҳий жиҳатлари хусусиятлари инobatга олиниши мумкин эмас³.

Г.И.Щукинанинг билдирган фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жиний жавобгарликка тортиш ёши аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик белгилашда вояга етмаган шахснинг ёши, ўзига хос физиологик ва интеллектуал ривожланиши, боланинг ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти инobatга олинади.

Қонунчиликка кўра, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан содир қилинган аксарият жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар, ЖКда белгиланган айрим жиноятлар учун, жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Турли хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида вояга етмаганларни жиний жавобгарликка тортишнинг энг кам ёш чегараси турлича, масалан, Германия, Франция ва МДХга аъзо барча давлатларда жиний жавобгарликнинг энг кичик ёши ўн тўрт ёш қилиб белгиланган.

Қоида тариқасида шахснинг ёши ҳужжатларга қараб белгиланади (паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, тиббиёт муассасасининг туғилганлик ҳақидаги маълумотномаси ва ҳоказо).

Айни вақтда шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Шахснинг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим⁴.

Вояга етмаган шахс ЖКнинг 17-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти ёшига етган бўлсада, аммо ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим.

Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши унинг ёшидан нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги масала аниқланиши шарт⁵.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ жавобгарликка тортилсаларда, уларга жазо тури ва миқдорини белгилашда вояга етмаганлар жавобгарлигининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади.

ЖКнинг олтинчи бўлимида назарда тутилган қоидалардан ташқари, кодекс Умумий қисмининг бошқа бўлимларида ҳам вояга етмаганларнинг жиний жавобгарлигига оид бир қанча нормалар белгиланган.

Жумладан, ЖКнинг 34-моддаси 6-қисмида “Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмайди” деб белгиланган.

Шахснинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир қилган жинояти учун судланганлиги уни ўта хавфли рецидивист деб топишда инobatга олинмаслиги вояга етмаганларнинг жиний жавобгарлигида имтиёзли норма ҳисобланади.

Худди шунингдек, ЖКнинг 50-моддаси тўртинчи қисмида “узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш

2 Шукина Г.И. Возрастные особенности школьника. Л., 1955. С.3.

3 Коченов М.М. Теоретические основы судебно-психологической экспертизы: автореф. дис... д...ра юрид. Наук. М., 1991. С.34.

4 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 2000 йил 15 сентябрь 21-сон, 5-банд.

5 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 2000 йил 15 сентябрь 21-сон, 6-банд.



жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас” деб белгиланган бўлиб, ушбу норма ҳам кодекснинг инсонпарварлик принциpidан келиб чиққан бўлиб, вояга етмаганларнинг жинoий жавобгарлигида рағбатлантирувчи ҳисобланади.

Мазкур модданинг 9-қисмида оғир ёки ўта оғир жинoяти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу қоида вояга етмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги ЖКда назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жинoят-ижроия кодексининг 45-моддаси олтинчи қисмида турмалар вояга етган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган деган қоида киритилганлигидан келиб чиқилса, турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

ЖКнинг 2-моддасига кўра, вазифаларни амалга ошириш учун Жинoят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавfli қилмишлар жинoят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Жинoят-ижроия кодексининг 2-моддасида жинoят-ижроия қонунчилигининг вазифаси сифатида жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жинoятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгиланган.

Фикримизча, Жинoят ҳамда Жинoят-ижроия кодексларининг вазифаларидан келиб чиқиб, турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланишини чеклайдиган норманинг ЖКда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Кодекснинг 51-моддаси учинчи қисми ҳам 81-моддасида айнан вояга етмаганлар учун назарда тутилган жазо тизимини мустаҳкамлаб, “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жинoят содир этган шахсга ва олт-

миш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас” деган қоида киритилган.

ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар келтирилган бўлиб, модданинг “ж” бандига кўра вояга етмаганнинг жинoят содир этишининг ўзи ҳам енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Кодекснинг 72-моддаси еттинчи қисмида “Шартли ҳукм ўта оғир жинoяти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинoяти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди” деган қоида киритилган бўлсада, ушбу қоида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган бўлиб, вояга етмаганларга шартли ҳукм қилиш чекловларсиз, яъни ҳатто ўта оғир жинoят содир этилганда ҳам ёки илгари қасддан қилинган жинoят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган вояга етмаган шахсларга ҳам қўлланилиши мумкин.

Жинoят-процессуал кодексининг 563-моддасида суд вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 339-сонли қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда жамоат тарбиячисини тайинлаш тартиби, жамоат тарбиячиси ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жамоат тарбиячисини алмаштириш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уни фаолиятини назорат қилишга доир тартиб қоидалар белгилаб берилган.

Жамоат тарбиячиларининг асосий вазифаси назоратсиз ва қаровсиз қолган ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган вояга етмаган шахслар билан якка тартибда ишлаш, шунингдек, уларнинг ота-онасига (ёки ўрнини босувчи шахсларга) вояга етмаган шахсларни тарбиялашда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат⁶.

Вояга етмаган шахсга нисбатан жамоат тарбиячисининг тайинланиши ЖКнинг инсонпарварлик принциpidан келиб чиқиб белгиланган бўлиб, вояга етмаганнинг ахлоқан тузалиши, ижтимоий ҳаётга мослашувига самарали хизмат қилади.

#

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 339-сонли қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 1-боби, 2-банди.

Қундуз РОЗИМОВА,
Тошкент давлат юридик университети
доцент в.б., PhD

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИГА ОИД НОРМАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада “Авесто”да жазо тайинлашга оид қоидаларга асосан жиноят содир қилган барча инсонларга бир хил жазолар назарда тутилганлиги қайд этилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, “Авесто”да айрим жазоларни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида муқобил жазо билан алмаштириш мумкинлиги, Турк ҳоқонлигида жазо тайинлаш билан боғлиқ масалалар “Жиноят ва жазо” қонунлар тўплами билан тартибга солинганлиги назарда тутилган. Мақолада Ясо қонунларида жазо тайинлаш масаласига ҳам тўхталинган. 1959 йилдаги ЖК билан 1926 йилдаги ЖКдаги жазо тайинлашнинг умумий асослари қиёсий таҳлил этилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье указано, что по правилам наказания в «Авесте» одинаковые наказания предусмотрены для всех лиц, совершивших преступления. Также в «Авесте» оговорено, что некоторые наказания могут быть заменены альтернативными наказаниями в качестве смягчающего обстоятельства, а вопросы, связанные с назначением наказаний в Турецком государстве, регулируются сводом законов «Преступление и наказание». В статье также затронут вопрос назначения наказания в законах Ясо. Сравнительно анализируются общие принципы назначения наказания в УК 1959 г. и УК 1926 г.

ANNOTATION. This article states that according to the rules of punishment in the «Avesta», the same punishments are provided for all persons who have committed crimes. Also in the «Avesta» it is stipulated that some punishments can be replaced by alternative punishments as a mitigating circumstance, and issues related to the imposition of punishments in the Turkish state are regulated by the code of laws «Crime and Punishment». The article also touches upon the issue of sentencing in the laws of Yaso. The general principles of sentencing in the Criminal Code of 1959 and the Criminal Code of 1926 are analyzed comparatively.

Калит сўзлар: жазо, жазо тайинлаш, айб шакли, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, қилмиш, жавобгарлик, қилмишнинг хавфлилик даражаси, хусусияти ва бошқа ҳолатлар.

Ключевые слова: наказание, назначение наказания, форма вины, смягчающие и отягчающие обстоятельства, преступление, ответственность, степень опасности преступления, характер и другие обстоятельства.

Key words: punishment, sentencing, form of guilt, mitigating and aggravating circumstances, crime, responsibility, degree of danger of the crime, nature and other circumstances.

Мамлакатимиз тарихида жиноят учун жазо тайинлашнинг умумий асосларига оид қоидалар азалдан мавжуд бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Қадимги даврларда жиноят ва жазо ҳақидаги масалалар илк ёзма манбалардан бири ҳисобланган “Авесто”да ёритиб ўтилган. Тадқиқотчи З.Муқимов ўз асарларида “Авесто”да жазо бериш “диний-этноик қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англатганини қайд этиб, жазо синаб кўриш диний-этноик қоидалар асосида олиб борилган деган хулосага келади¹.

“Авесто”да жазо тайинлашга оид қоидаларга назар ташлар эканмиз, унда асосан жиноят содир қилган барча инсонларга бир хил жазолар назарда тутилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу билан бирга, “Авесто”да айрим жазоларни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида муқобил жазо билан алмаштириш мумкинлиги белгиланган. Жумладан, “Авесто”да атроф-муҳитни, ер, сув, ҳавони ифлослантириш жиноят ҳисобланиб, бундай жиноятни содир қилганлик учун 400 қамчи уриб жазолаш назарда тутилган. Бунда ушбу жазони тан жазоси ёки бошқа

мажбурият билан алмаштириш мумкин бўлган. Бу эса, “Авесто”да инсонни улуғлаш ғояси марказий ўрин эгаллаганлигидан далолат беради.²

Турк ҳоқонлиги даврида ўзига хос “Жиноят ва жазо” қонунлар тўплами мавжуд бўлган бўлиб, жазо тайинлаш билан боғлиқ масалалар ушбу манба билан тартибга солинган. Манбаларда ушбу қонунлар тўпламининг ибодатхонада сақланганлиги, жиноят содир этган шахсларга нисбатан унга асосан жазо тайинланганлиги, жазоларнинг шафқатсиз бўлганлиги, хусусан, оғир жиноятлар учун бутун уруғ, унча оғир бўлмаганлари учун эса жиноятчининг ўзи қатл этилганлиги таъкидланган³.

Шу билан бирга, турк ҳоқонлиги давридаги “Жиноят ва жазо” қонунлар тўплами жазо тизимида қабила, уруғ ёки жамоанинг жавобгарлиги институти мавжуд бўлганлигини, жазо қўллашда асосий эътибор келтирилган зарарни қоплатишга қаратилганлиги билан ажралиб турган.

Мамлакатимиз ҳудуди мўғуллар томонидан босиб олингандан сўнг жиноят ва жазо масалалари 1206 йилда қабул қилинган ҳамда мўғул давлатчилигида амалда бўлган Ясо қонунлари билан тар-

1 З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 й. – 35 б.

2 <https://proacademy.uz/postfiles/sets/eu/tt/index.html>

3 Н.Я.Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в средней Азии в древние времена. II том, 271, 280-бетлар.



тибга солинган.

Манбаларда келтирилишича, мўғуллар ҳукмронлиги даврида амалда бўлган Ясо қонунларида жиноятлар учун шафқатсиз жазолар тайинланган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий Ясо қонунларида жазо тайинлаш ижтимоий ва миллий тенгсизликка асосланганлигини таъкидлар экан, ўз фикрини бир бегуноҳ мўғулнинг ўлими учун хун баҳоси 40 болиш (танга) кумуш миқдорни ташкил этса, бу миқдор хитойлик ўлими учун бир эшакнинг баҳосига тенг бўлганлиги билан асослаган⁴.

Ясо қонунлари бўйича жазо тайинлашдаги яна бир ўзига хос жиҳат жиноят содир қилган шахсга нисбатан босқичма-босқич оғирроқ жазонинг қўлланилиши ҳисобланади. Жумладан, турк-мўғул уруғидан бўлган шахс томонидан Ясо қонунларини бир марта бузса унга танбеҳ берилиши, иккинчи марта бузган инсон қонунда белгиланган жазога тортилиши, учинчи марта бузганда эса узоқ Болжин-Сулжур деган жойга сургун қилиниши, тўртинчи марта бузса оёғига кунда уриб қоронғи қамоқхонага ташланиши, бешинчи марта ҳам бузса жиноятчининг тақдирини ҳал этиш учун у узоқ ва яқин қариндошларига топширилиши назарда тутилган. Албатта, ушбу ҳолатни бугунги кунда жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири бўлган такроран жиноят содир этиш сифатида баҳолаш мумкин.

Ислом ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида алоҳида муайян ҳолатлар кўрсатиб ўтилмасда жиноятларни таснифлаш орқали тайинладиган жазоларга аниқлик киритилиши назарда тутилади⁵. Тадқиқотчилар ислом ҳуқуқида жиноят ва жазо ҳақида сўз кетганда ислом ҳуқуқида жиноятнинг тушунчаси мавжуд эмаслиги, суиқасд, иштирокчилик, айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар каби институтлар яхши ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлайдилар⁶.

Ислом таълимотида жиноятга ислом асосларини, хусусан, унинг ҳуқуқий тамойиллари ва меъёрларини, беш асосий қадрият ҳисобланган дин, ҳаёт, ақл, наслни давом эттириш ва мулкни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар ёки гуноҳлар сифатида тушунилади⁷.

Таниқли ислом ҳуқуқшунос олими Ал Мавридийнинг фикрича эса, Оллоҳ тақиқлайдиган ва жазолайдиган ҳар қандай қилмишни юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик сифатида тушуниш мумкин⁸.

Ислом ҳуқуқи тадқиқотчиси Р.Шарль ҳуқуқбузарликларни уч тоифага ажратиб таснифлар экан тайинладиган жазолар бевосита ҳуқуқбузарлик-

нинг ана шу тоифадан қайси бирига мансублиги билан боғлиқ деган хулосага келади.

Тадқиқотчининг фикрича, биринчи тоифага ўғрилик ёки талончилик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар кириб, улар жумласига одам ўлдириш, эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш кабиларни келтириш мумкин. Бу каби жиноятларни содир этганлик учун айбдор ёки унинг қариндошлари томонидан хун ҳақи ёки товон пулининг тўланиши назарда тутилади.

Олим иккинчи тоифага кирадиган жиноятларга Оллоҳ белгилаган чегарадан четга чиқиш ва Оллоҳга қарши жиноятлар, аралаш жиноятлар тарзида таърифлайди. Ушбу гуруҳга мансуб жиноятларга диндан қайтиш, зино, эрга (хотинга) хиёнат қилиш, ширк келтириш, ичкиликбозлик, эрлик ҳуқуқидан фойдаланишга асос бўлувчи жиноятлар (ёлғондан зинода айблаш) кабилар киришини келтириб ўтади. Мазкур жиноятлар учун назарда тутилган жазолар ҳам ўзининг қаттиқлиги билан ажралиб турган. Хусусан, ушбу гуруҳга мансуб жиноят содир қилганларга кўпинча оғир жазолар, жумладан, калтаклаш ёки ўлим жазолари тайинланган.

Учинчи гуруҳга ижтимоий тузумга тажовуз сифатида қаралган барча жиноятлар кирган. Мазкур тоифадаги жиноятлар учун одатда мулкка ҳибс солиш ва ҳуқуқбузарнинг бошига салла ўраш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилган.

М.Ражабованинг ислом ҳуқуқининг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларини диққат билан таҳлил қилсак, уларнинг ҳар бири замонавий жиноят ҳуқуқига ўхшаш жиноят таркибидан ташкил топганлиги, жиноят таркибининг асосий элементи ҳисобланган жиноят объекти шарият қонунларида умумий объект сифатида дин ва давлат асослари, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, номуси, мулкнинг турли шакллари, хусусий мулклар, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо-сотик тартиб-қоидалари, одил судлов асослари ва бошқа қатор ижтимоий муносабатларни ташкил этганлиги, шунингдек, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда жиноят предмети ҳам алоҳида аҳамият касб этганлигини, хусусан, ўзгалар мулкни талон-торож қилишни ўғрилик деб баҳолашда талон-торож қилинган мулк (ашё) тури ва миқдори аниқ белгиланиши талаб этилганлигини таъкидлайди.⁹

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ислом ҳуқуқида жазо тайинлашда асос сифатида жиноятларнинг қуйидаги уч тоифасига қаралишини таъкидлаш жоиз:

4 Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. "Шарқ юлдузи", 1992, 4-сон, 153-бет.

5 А.Раҳманов, А.Раҳманов. Ислом ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. - 366 Б.

6 М.Хамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т.: ТДЮИ нашриёти. 2005. – 86-б.

7 А.Раҳманов, А.Раҳманов. Ислом ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. - 365 Б.

8 Ибн ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал – Басрий ал – Мавардий. Ал – Аҳком ас – султонийа ва – л – вилоят ад – динийа. – Қоҳира, 1973. (араб тилида). – 219 б.

9 М.Ражабова. Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо: ўқув-қўлланма – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – Б.188-193.

- қасос ёки дийа билан жазоланадиган жиноятлар;
- жазо тариқасида ҳадд тайинланадиган жиноятлар;
- таъсирга тортиладиган енгил турдаги жиноятлар.¹⁰

Шу билан бирга, манбаларда жазо тайинлашда қилмишнинг оғирлиги ва айбдорнинг шахсига қараб таъсир чораси сифатида жамоатчилик иззаси, қози ёки ҳукмдорнинг огоҳлантириши, тартибга солувчи суҳбат ва бошқа таъсир чоралари қўлланилиши мумкинлиги ҳам таъкидланади¹¹.

Бошқа бир тадқиқотчиларнинг фикрича, ислом ҳуқуқида жазо тайинлашда жазолар жазолашнинг давлатгача бўлган усуллари билан бир қаторда етарли даражада ишлаб чиқилган йўналтирилган ҳуқуқий репрессияни ўзида акс эттиради.

Бунда ислом ҳуқуқида жиноятлар уч гуруҳга ажратилишини, биринчи гуруҳга Оллоҳ ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар, иккинчи гуруҳга бутун мусулмон жамиятига эмас, алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ғайриқонуний ҳаракатлар ва учинчи гуруҳга халифаликни ташкил этиш даврида жазолашга лойиқ эмас деб топилган ҳаракатлар ташкил қилишини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, юқоридаги қайд этилган жиноятлардан дастлабки икки гуруҳидаги жазолар қатъий белгиланган ва қаттиқ жазоланадиган жиноятлар сифатида эътироф этадилар.

Бундан кўриниб турибдики, Оллоҳ ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар ва бутун мусулмон жамиятига эмас, алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ғайриқонуний ҳаракатларни содир қилганлик учун жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат қўлланилмайди.

Тақиқланган, лекин жазолашга лойиқ эмас деб топилган ҳаракатларни содир қилганда тайинланадиган жазолар кенг турли ва эгилувчанлик билан ажралиб туриши таъкидланади.

Бунда мисол сифатида шариатда қотил жабрланувчи ёки унинг қариндошларидан, агар улар ўзларининг қонли қасос олиш ҳуқуқларидан воз кечсалар компенсация тариқасида ашё ёки пул бериб ўз жонини сотиб олиш мумкин бўлганлиги келтирилади.

Бундан ташқари, айрим жазоларни қўллаш усуллари турлича эканлиги билан ажралиб турган. Масалан, ўлим жазоси тиригича кўмиш ёки чўктириш каби усуллар билан ижро этилган. Бунда албатта бир қанча жиноят содир қилган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларини қўллаш назарда тутилган. Шу билан бирга, алоҳида ҳолларда бутун умрга қамаш ҳолатлари ҳам кўп қўлланилган.

М.Ражабова Абу Юсуфнинг “Хирож” асари ҳақида сўз юритар экан, **унинг фикрига кўра**, мазкур асар ислом ҳуқуқи, айниқса шариатда жиноят ва жазо ма-

салаларини чуқурроқ таҳлил қилишда илмий-назарий жиҳатдан қўл келиши, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, айниқса жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, салбий ҳолатларнинг олдини олиш, жазолашдан асосий мақсад жамиятдаги ҳар қандай кўринишдаги ахлоқсизликларга йўл бермаслик, зарур ҳолларда эса уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жамиятда инсон ҳуқуқларининг адолат ва тенглик принципи асосида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ижобий ғоялар, ҳуқуқий қарашлар, хулосалар, қонун-қоидалар акс эттирилганини таъкидлайди¹².

Демак, гувоҳ бўлганимиздек ислом ҳуқуқида бевосита жазо тайинлашнинг умумий асослари келтириб ўтилмаган бўлсада, шариатга мувофиқ содир этилган жиноятнинг ҳолатидан келиб чиқиб жазо қўллашда жазо чорасини енгиллаштириш ёки оғирлаштириш амалиёти мавжуд бўлган ва бундай амалиёт бевосита ҳуқуқни қўлловчининг ўз ихтиёрида бўлган.

Шу билан бирга, чор Россия босқинчилари мамлакатимиз ҳудудини босиб олгунларига қадар юртимизда жазо тайинлаш билан боғлиқ масалалар турли даврларда фақат ислом ҳуқуқига мувофиқ амалга оширилган.

Чор Россияси томонидан юртимиз ҳудуди босиб олингандан сўнг барча йўналишлар сингари жиноят қонунчилиги ҳам тубдан ўзгарди. Мустақилликка эришгунга қадар бўлган давр мобайнида жиноят қонунига ҳам бир неча маротаба ўзгаришлар киритилди. Бундай ўзгаришлар бевосита жазо тайинлашнинг умумий асослари билан ҳам боғлиқ эди.

Мустабид чор Россияси давридаги мамлакатимиз жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазо тайинлашнинг умумий асосларини таҳлил қилар эканмиз, бир қатор ўзига хос жиҳатларга дуч келамиз.

Чор Россиясининг дастлабки даврида қабул қилingan жиноят қонунчилигида жазо тайинлашнинг умумий асосларига оид алоҳида қоидалар мавжуд бўлмаган. Хусусан, 1926 йилнинг 1 июлидан амалга киритилган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексига жазо тайинлашнинг умумий асослари бўйича алоҳида модда назарда тутилмаган.

Бу ўз навбатида жиноят содир қилган ҳар қандай шахсга нисбатан турлича ёндашув асосида жазо тайинлашнинг юридик имкониятини яратган.

Бунда 1926 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига фақатгина жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг белгиланганлиги билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, мазкур кодекснинг 49-моддасида оғирлаштирувчи жазо тайинлаш шартларини белгилашда аввало содир этилган жиноятнинг жамоат учун хавfli бўлиш масаласини ҳал қилиш шар-

10 М.Ражабова. Ислom ҳуқуқ: жиноят ва жазo: ўқув-қўлланма – Тошкент: “Ўзбекистон халқарo ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 284 – бет

11 А.Раҳманов, А.Раҳманов. Ислom ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. - 368 Б.

12 М.Ражабова. “Ислom ҳуқуқига оид муҳим манба ёҳуд “Қози ул-қуззот” Абу Юсуфнинг “Хирож” асари ҳақида биласизми” мақоласи. <https://pravacheloveka.uz/uz/news/islom-huquqiga-oid-muhim-manba>



тини назарда тутати. Шу билан биргаликда мазкур моддада қуйидаги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар белгиланган:

- жиноят буржуазия ҳокимиятини қайтадан барпо этиш мақсадида содир этилган бўлиши;

- жиноят совет давлатининг манфаатига ёки меҳнаткашлар манфаатига бевосита қарши қаратилмаган бўлмаслиги ҳам ўзининг объектив натижасига қараганда шу манфаатларга зарар етказиши мумкин бўлиши;

- агар жиноят гуруҳ ёки банда томонидан содир этилиши мумкин бўлиши;

- агар жиноят илгари бирор жиноят содир қилган шахс томонидан содир этилган бўлиб, лекин шу шахс судга тушмаган деб топилган ёки биринчи жиноятни қилган ё ўша жиноят бўйича ҳукм чиқарилган вақтдан муддатлари ўтган ҳоллар бундан ташқаридир, бироқ суд биринчи жиноятнинг характериға қараб унда оғирлаштирувчи хусусият топмасликка ҳақлидир;

- агар жиноят ғаразли ёки бошқа паст ниятлар билан ёки жиноят содир қилган шахсга тобе ёки унинг қарамоғида бўлган ёки ёшлиги сабабли ёки аҳволининг бошқа шароитлари сабабли жуда заиф ҳолда бўлган шахсларга нисбатан қилинган бўлиши;

- агар жиноят ҳаддан ташқари раҳмсизлик, зўрлик ёки ҳийлакорлик билан қилинган бўлиши.

Юқорида санаб ўтилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни кўриб чиқар эканмиз, уларда бир қатор қуйидаги жиҳатлар кўзга ташланиши таъкидлаш жоиз:

а) давлат манфаати ҳар қандай манфаатдан ҳам устун деб топилганлиги. Масалан, жиноятни содир этиш мақсади сифатида буржуазия ҳокимиятини қайтадан барпо этиш оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири этиб белгиланган. Ўз навбатида эса, жиноятнинг мақсадини аниқлаш мураккаблиги сабабли давлат бошқарувига қарши қаратилган кўплаб жиноятларни ана шундай оғирлаштирувчи ҳолатдан бири сифатида эътироф этиш имкониятини яратган.

б) оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳаддан ташқари бўрттирилган бўлиб, уларни амалда қўллаш бевосита ҳуқуқни қўлловчининг ихтиёрига боғлиқ бўлган. Жумладан, юқорида оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида жиноят совет давлатининг манфаатига ёки меҳнаткашлар манфаатига бевосита қарши қаратилмаган бўлмаслиги ҳам ўзининг объектив натижасига қараганда шу манфаатларга зарар етказиши мумкин бўлиши келтирилган. Ўз навбатида ҳар қандай жиноятни совет давлатининг манфаатига ёки меҳнаткашлар манфаатига бевосита қарши қаратилган деб талқин қилиш имконияти тегишли суриштирув ёки тергов органларининг субъектив қарашига боғлиқ бўлган.

Ўз навбатида 1926 йилнинг 1 июлидан амалга киритилган ЖКда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бирга енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ЖКнинг 50-моддасида қуйидаги ҳолларда содир қилинган жиноятлар учун суд томонидан енгилроқ жазо чораси белгиланиши назарда тутилган:

- гарчи зарурий мудофааланиш чегараларидан четга чиқиб амалга оширилган бўлса-да, лекин Совет ҳокимиятига, революцион ҳуқуқий тартибга ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг шахсиятига ва ҳуқуқларига қилинган ҳужумдан сақланиш учун қилинса;

- биринчи маротаба қилинса;

- ғараз ва бошқа турли паст ниятлар бўлмаган сабаблар бўйича қилинса;

- қўрқитиш, зўрлаш, хизмат ёки иқтисодий жиҳатдан қарамлик таъсири остида қилинса;

- қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш таъсири остида қилинса;

- очлик, муҳтожлик ёки умуман шахсий ёки оилавий оғир ҳоллар кечирган ҳолларда қилинса;

- нодонликдан, онгсизликдан ёки тасодифий ҳолларда қилинса;

- вояга етмаган шахс томонидан ёки ҳомила ҳолатида хотин томонидан қилинса.

Юқоридаги кодексдан фарқли равишда 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексининг 37-моддасида илк маротаба жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилди. Бунда жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида қуйидаги 3 та ҳолат назарда тутилди:

- содир этилган жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфлилик даражаси;

- айбдорнинг шахси;

- жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари.

Қайд этилган жиноят қонуни нормаларини ўрганар эканмиз, санаб ўтилган ҳолатларнинг аксарияти Жиноят кодексига очиб берилмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, юқорида жазо тайинлашнинг умумий асосларидан бири сифатида жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфлилик даражаси кўрсатилган бўлсада, ЖКда бевосита қандай тоифадаги жиноятлар жамоат учун хавфлилик даражаси юқори деб топилшига аниқлик киритилмаган.

Қолаверса, ЖК Умумий қисми нормаларида жиноятнинг характери нимада намоён бўлиши масаласини ҳам қонун ҳуқуқни қўлловчининг ихтиёрига ҳавола қилиш билан чекланган.

Тўғри, ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг кетма-кетлигидан келиб чиқиб, жамоат учун хавфлилик даражасини мантиқан аниқлаш мумкин. Масалан, ЖК Махсус қисмининг биринчи бобида давлатга қарши жиноятлар, иккинчи бобида шахснинг ҳаётига, соғлиғига, озодлигига ва қадр-қимматиға қарши жиноятлар назарда тутилган.

Бироқ, жиноят қонунида бевосита жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфлилик даражасини аниқлаш мезонлари қатъий белгиланмаганлиги қонун нормаларини истаганча талқин қилишга улкан имконият яратган.

1959 йилдаги ЖКда жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида айбдорнинг шахси масаласига ҳам аниқлик киритилмаган.

Ўз навбатида ЖКда жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида жазони оғирлаштирувчи ва ен-

гиллаштирувчи ҳолатларнинг қатъий рўйхати назарда тутилганлигини қайд этиш жоиз.

Хусусан, ЖКнинг 38-моддасида қуйидаги ҳолатлар жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиланган:

1) айбдор ўзи қилган жиноятнинг зарарли оқибатларининг олдини олиши ёки келтирилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаши ёки етказилган шикастни бартараф қилиши;

2) шахсий ёки оилавий ҳаётида оғир ҳолатларни бошдан кечирган вақтда ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят қилиш;

3) қўрқитиш ёки мажбурлаш ёхуд хизмати, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамлиги таъсири остида жиноят қилиш;

4) жабрланувчининг ғайри қонуний ҳаракатлари натижасида рўй берган қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш таъсири остида жиноят қилиш;

5) гарчи зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқса ҳам жамият учун хавfli тажовуздан ҳимоя қилиш вақтида жиноят содир этиш;

6) вояга етмаганлар томонидан жиноят қилиниши;

7) ҳомиладор аёллар томонидан жиноят қилиниши;

8) чин кўнгилдан пушаймон қилиш ёки айбини бўйнига олиб келиш.

Шу билан бирга, суд юқорида назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкинлиги қонунда белгиланган.

ЖКнинг 39-моддасида эса, жавобгарликни оғирлаштирувчи қуйидаги 12 та ҳолат рўйхати келтирилган:

- илгари ҳам бирон жиноят қилган шахс томонидан жиноят қилиниши;

- ташкилий гуруҳ томонидан жиноят қилиниши;

- ғараз ёки бошқа паст ниятлар билан жиноят қилиш;

- жиноятнинг оғир оқибатларга сабаб бўлиши;

- ёш болаларга, қарияларга ёки ожиз кишиларга, ҳомиладорлиги аён бўлиб турган аёлларга, шунингдек моддий ё хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсларга нисбатан жиноят содир қилиш ёхуд зиммасига жабрланувчи ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш вазифаси юклатилган шахс томонидан жиноят содир этилиши;

- вояга етмаганларни жиноят содир этишга даллат қилиш ёки уларни жиноятда иштирок этишга жалб қилиш;

- ҳаддан ташқари раҳмсизлик ёки жабрланувчини хўрлаш билан жиноят қилиш;

- умумий офат шароитидан фойдаланиб жиноят қилиш;

- кўпчилик учун хавfli бўлган усуллар билан жиноят қилиш;

- алоҳида хавfli рецидивистлар томонидан жи-

ноят қилиниши;

- айбсизлиги аён бўлган шахсга тўхмат қилиш;

- маст ҳолатда бўлган шахс томонидан жиноят қилиниши.

Хусусан, юқоридаги кодексдан фарқли равишда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони 9 та енгиллаштирувчи ҳолат (бошқа ҳолатларни ҳам суд енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин), шунингдек ЖКнинг 56-моддасида жазони 14 та оғирлаштирувчи ҳолатнинг қатъий рўйхати белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, ЖКнинг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳам назарда тутилди.

Шу ўринда 1994, 1959 йиллардаги ЖКда назарда тутилган жазо тайинлашнинг умумий асослари билан боғлиқ нормаларни 1926 йилдаги ЖК билан таққослар эканмиз бир қатор қуйидаги ўзига хос жиҳатларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

1) 1959 йилги ЖКда илк маротаба жазо тайинлашнинг умумий асосларига бағишланган модда назарда тутилди ва 1994 йилги кодексда ушбу қоидалар кенгайтирилган тарзда баён этилди.

2) мазкур кодексда илк маротаба енгиллаштирувчи ҳолатларга устувор равишда эътибор қаратилиб, оғирлаштирувчи ҳолатлардан олдин баён этилди.

3) ушбу кодексда илгариги кодексдан фарқли равишда давлат ёки бошқарувга қарши мақсадда содир этилган ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатлар доирасидан чиқариб ташланди.

4) мустақил Ўзбекистон Республикаси ЖКда шахснинг ҳаёти биринчи ўринга қўйилди.

Шу билан бирга, 1959 йилги ЖКда илгариги кодексга хос бўлган айрим камчиликлар сақланиб қолганлигини таъкидлаш жоиз.

Масалан, 1926 йилдаги ЖКда мавжуд бўлган айрим оғирлаштирувчи ҳолатларни қўллашни суднинг субъектив иродасига ҳавола қилиш амалиёти 1959 йилги ЖКда ҳам сақланиб қолган.

Жумладан, қайд этилган моддада оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган илгари ҳам бирон жиноят қилган шахс томонидан жиноят қилиниши ҳолатини изоҳлар экан, суд биринчи жиноятнинг характериға қараб, уни оғирлаштирадиган ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкинлиги белгиланган.

Ўз навбатида юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятнинг характери ҳақидаги масала ЖКнинг ўзида ҳам очиб берилмаганлиги судга исталган жиноятни биринчи марта содир қилган шахс томонидан такроран жиноят содир этганда оғирлаштирувчи ҳолат эмас деб топиш имкониятини яратган.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг жиноят кодексида белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари ўзига хос тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлиб, доимий ривожланиб келмоқда.

#



ОИЛАДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Муаллиф томонидан оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва уларнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсифлар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. Автором были выдвинуты предложения и описания преступлений, совершенных автором с применением силы в семье, и улучшения их профилактики.

ABSTRACT. Proposals and descriptions of crimes committed by the author with the use of force in the family and improvements in their prevention were put forward.

Калит сўзлар: оила институти, оиладаги зўрлик, виктимология, вояга етмаган қурбонлар, зўравон шахс, геоинформацион харита, криминоген ҳудудлар, оғир шароитда яшаётган аёллар, ҳимоя ордери.

Ключевые слова: институт семьи, насилие в семье, виктимология, несовершеннолетние жертвы, агрессивная личность, Геоинформационная карта, криминогенные районы, женщины, живущие в суровых условиях, ордер на защиту.

Key words: family institute, domestic violence, victimology, minor victims, aggressive personality, geoinformation map, criminogenic areas, women living in harsh conditions, protection order.

Мамлакатимизда оила институтининг кўп асрлик тарихга эгалиги, унинг жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида оиладаги зўравонликларнинг олдини олишда жиноят-ҳуқуқий воситаларни қўллаш самарадорлигини ошириш, оиладаги зўравонликнинг профилактикасида фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда мулкый ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш нақадар долзарб вазифа эканлиги аён бўлади.

Статистик маълумотларга қараганда 2020 йилда республика миқёсида 62 081 та жиноят қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 182,4 тадан тўғри келган. 2020 йилда қайд этилган қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси (143 таси, 35,2%), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 192 таси (20,5%) оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Оғир шароитда яшаётган аёлларнинг муаммолари ҳал этилмаслиги оқибатида 2020 йилда 5 774 нафар хотин-қиз 5 520 та жиноят содир этган.

Хусусан, оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган хотин-қизларнинг 14 774 нафарига “ҳимоя ордери” берилган бўлса, шундан 317 та ҳолатда

маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган¹.

Бундан ташқари, 2021 йилда кўриб чиқилган оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари жами 1568 тани ташкил этади. Ушбу жиноят ишлари доирасида жами 1692 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Шунингдек, мазкур жиноятларда 1617 нафар шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилган бўлса, уларнинг 1184 нафарини ёки 73%ни аёллар, 433 нафарини ёки 26%ни эркаклар, 20 нафарини ёки 1%ни вояга етмаганлар ташкил этади.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, қасддан одам ўлдириш жинояти аксарият ҳолларда маиший жанжаллар натижасида келиб чиқмоқда ҳамда оила доирасида содир этилмоқда². Жиноят қонунчилигида қасддан одам ўлдириш энг оғир жиноят эканлигини назарда тутсак оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш масаласи нақадар долзарб эканлиги намоён бўлади.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тўхматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида

1 Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020 йил якуни бўйича ахборотидан, <https://yuz.uz/>. 2021 йил 12 март

2 Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. – Б.19.

ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”³ деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам “жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш”⁴ белгиланганлиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор ҳисобланади, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни эса беқиёсдир.

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласакки уни илдири билан қуритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида мувофиқ, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларига оид қатор халқаро ҳужжатларда шахснинг барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, шунингдек камситиш, зўравонлик, ҳеч кимнинг қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Оиладаги зўравонлик жиноят-ҳуқуқий соҳанинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу борада М.Мусаев⁵ ва С.Ниёзовлар зўрликнинг ҳуқуққа хилоф эканлигини алоҳида қайд этади. Жумладан, С.Ниёзова зўрлик тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф қилади: зўрлик – бу жабрланувчи хавфсизлигига қасддан, қонунга хилоф равишда жиний тажовуз қилиш, унинг организмга (органлари, тўқималари ва уларнинг физиологик функциялари)

иродасига қарши (ёки ундан ташқари) жисмоний (энергетик) ёки руҳий (информацион) таъсир этиш йўли билан жисмоний ёки руҳий зарар етказиш⁶.

Айтиш жоизки, ушбу зўравонликлар деярли айнан оилада содир этилиб, инсоннинг ихтиёри ва эркига зид равишда жисмоний куч ишлатиш ёхуд руҳий таъсир этиш орқали амалга оширилади. Шахсга зўрлик ишлатилишида унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилади.

Оиладаги зўравонлик шахсга қарши ноқонуний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбур қилиш, таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш каби белгилар орқали ифодаланади. У асосан жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлиши мумкин. Руҳий зўравонлик эса кўп ҳолларда қўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан қўрқитиб бўйсундириш, ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) шаклида ифодаланади. Руҳий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсули бўлиб, бир шахсни қўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбдорга унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади. Жиний ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳар хил оғирлик даражасида баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳолаш лозим.

Бизнингча, зўравонлик жисмоний куч ёки қўрқитиш билан амалга ошириладиган жиний фаолиятдир. Бунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилиш орқали ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилади. Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Оиладаги жиний зўравонликнинг бир нечта турлари мавжуд. Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин⁷. Бунда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан унинг ҳаёти, соғлиғига ёки баданининг турли жойларига шикаст етказиш каби хатти-ҳаракатлар содир этилиб, қуйидаги кўриниш-

3 Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. –Т., 2017 йил, 16 июнь.

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

5 Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 167.

6 Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 22.

7 М.Х. Рустамбаев. Жиноят ҳуқуқи: Махсус қисм.. Т.: ТДЮИ, 2006. –Б. 42.



ларда намоён бўлади: шاپалоқ тортиш, тегиш, турткилаш, мушт билан уриш, кучли зарб билан итариб юбориш, турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш, қурол билан хавф солиш ёки яралаш, уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик, кечаси ухлашга қўймаслик.

Руҳий зўрлик – жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ва ҳоказолар билан қўрқитиш⁸. Руҳий зўрлик ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этувчи ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин. Бунда қасддан оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш орқали унинг руҳиятига таъсир кўрсатиш, ҳис-туйғуларини сўндирувчи ҳаракатлар қилиш, қўрқитиш ва ҳақоратлаш билан унинг руҳиятига шикаст етказувчи сўзлар ва ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади: ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик; устидан кулиш; жазо чораси сифатида унинг ҳиссиётларига эътибор бермаслик; ёлғон сўзлар айтиб ундан ўзининг манфаати йўлида фойдаланиш; дўстлари ва қариндошларига хавф етказиш билан қўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик; у билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш; оила бюджетини ўзи назорат остига олиш; қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш; уйдан кетишини айтиб қўрқитиш; касал ёки ҳомиладор бўлганида унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш⁹.

Оиладаги жиноятлар замирида, одатда, оила аъзолари ўртасидаги ички жанжал ёки оила аъзолари ва у яшайдиган муҳит ўртасидаги жанжал ётади. Бугунги кунда оиладаги жиноятлар орасида хотинга (эрга) қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва фарзандкушлик айниқса муфассал ўрганилган.

Маълумки, жиноят қонунчилигида “оиладаги зўравонлик” жинояти мавжуд эмас. Юқорида қайд этилганидай оиладаги зўравонлик бу ижтимоий-ҳуқуқий тушунча ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муаммо.

Қайд этиш керакки, оиладаги зўравонликда ифодаланадиган қилмишлар субъектив томондан айбнинг тўғри қасд шаклида амалга оширилади. Шунингдек, унинг мотиви рашк, ўч олиш, жинсий устунликни намоён этиш каби мотивлар билан содир этилади.

Таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, оила-

даги носоғлом муҳит таъсири биринчидан, оилада турли низо ва келишмовчиликларнинг келиб чиқишига, иккинчидан инсон тарбиясида хато ва камчиликларнинг юзага келишига, учинчидан, шахсда салбий хусусиятларнинг шаклланишига, тўртинчидан, оилада оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг бузилиши ёки ёмонлашишига, бешинчидан, оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Зикр этилган ҳолатлар оила-турмуш муносабатлари доирасидаги зўравонликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида 2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонда ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш вазифаси белгиланган.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарори билан прокуратура органлари томонидан ички ишлар органлари билан биргаликда маҳаллалар кесимида жиноятлар акс эттирилган туман (шаҳар)ларнинг электрон геоинформацион хариталари тузилиши белгиланган бўлса-да, Жиззах вилояти маркази ҳамда туманлардаги маҳаллалар кесимида электрон геоинформацион хариталар аксарият ўринларда шакллантирилмаган. Назаримизда, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда Жиззах вилоятида мавжуд барча маҳаллалар кесимида жиноятлар, айниқса оила-турмуш доирасида содир этилган

8 Тахиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Т: ТДЮИ, 2009. –Б. 95–96.

9 А.Ш.Муродов. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш. 12.00.08 – жиноят ҳуқуқи; криминалогия; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; жиноят-ижроия ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа фанлар доктори» (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – Б. 28.

жиноятлар акс эттирилган туман (шаҳар)ларнинг электрон геоинформацион хариталари тузилиши мақсадга мувофиқ.

Дунёнинг баъзи давлатларида карантин оқиба-тида оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича турли чоралар қўлланилган.

Жумладан, Францияда карантин сабабли ўртача 35%га ошганлиги маълум қилинган. Мамлакат бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконларда зўравонлик ҳолатларида ёрдам кўрсатувчи 20 та маслаҳат маркази очилган. Шунингдек, ҳукумат оилавий зўравонликка қарши кураш учун 1 млн евро маблағ ажратган. Жабрланувчилар меҳмонхоналарда яшаши учун меҳмонхона харажатларининг қоплаб берилишини билдирган. Жабрланганлар томонидан смс хабар юборилиши учун мўлжалланган алоҳида СМС-хизмати ташкил этилган.

Италия ҳукумати томонидан жабланганларга ёрдам берувчи “YouPol” мобиль дастури жорий этилди. Мазкур дастур жабрланганларга қўнғироқсиз ёрдам беришга мўлжалланган.

Канада парламенти мамлакатдаги барча шелтерлар учун 200 млн АҚШ доллари ажратган. Пандемия даврида зўрликдан ва бошқа жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун Онтариода 2,7 млн АҚШ доллари ажратган.

Буюк Британия ҳукумати жабрланган ва эҳтиёжмандларга 1,6 млрд фунт стерлинг ажратган. Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги Twitter ижтимоий тармоғида #YouAreNotAlone хештеги билан зўравонликдан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича кампания эълон қилинган.

Испанияда ҳукумат WhatsApp ижтимоий тармоғида жабрланганларни қўллаб-қувватлаш сервисини ишга туширган. Гендер тенглик вазирининг маълум қилишича мазкур сервис ишга тушгандан сўнг мурожаатлар сони 270%га ошган.

Канар оролларида Mascarilla-19 кампанияси ишга туширилган. Бунда зўравонликдан жабрланганлар дорихонага кириб “маска-19”ни сўрашади. “Маска-19” сўзини эшитган фармацевт зудлик билан полицияга хабар беради. Ушбу тажриба кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, худди шундай тажриба мамлакатимизда ҳам жорий қилинди. Ушбу “Умидани чақиринг” лойиҳаси 2016 йилда Буюк Британияда пайдо бўлган “Ask For Angela” (Анжелани чақиринг) ижтимоий ташаббусининг мослашувидир.

У жинсий зўравонликка қарши кураш хизмати ходими Хейли Чилд томонидан ўз уйида эри томонидан ўлдирилган 34 ёшли дўсти Анжела хотирасига бағишлаб яратилган ва ишга туширилган. Ушунда маҳаллий барларнинг ҳожатхоналарига аёллар учун хабар ёзилган варақалар жойлаштирилганди:

агар бирор киши сизни учрашув вақтида безовта қилса, барменга боринг ва “Анжелани чақиринг”. Бу ибора – ёрдам сўраш усулидир. Уни эшитиб, бармен протоколга мувофиқ ҳаракат қилади: у аёлни хавфсиз хонага олиб бориши, фавқулодда чиқиш жойига кузатиб бориши ёки зарур ҳолатда полицияни чақирishi мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда шахс оилада зўравонликка дуч келса, унинг ҳаётига хавф туғилганида биринчи навбатда ички ишлар тизимининг 102 қисқа рақамига хабар беради. Лекин, ички ишлар органлари фаолиятида қўлланилаётган 102 тизими маънан эскирган, мурожаатларни қабул қилишда тизимли равишда техник узилишлар билан ишлайди, маълумотларни тўлдириш ва юборишга кўп вақт талаб этилади. Маълумот учун айтиш керакки, навбатчилик қисмига кунига ўртача 20-50 та хабар келиб тушади. Битта аризани қабул қилиш ва юборишга 5 дақиқа, расмийлаштириш ёки маълумотларни умумлаштиришга 30 дақиқа, маълумотларни умумлаштириш учун эса бир неча кун талаб этилади.

102 тизимида мурожаатлар фақат телефон қўнғироғи орқали қабул қилинади, мурожаат этишнинг альтернатив шаклларида фойдаланилмайди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар (сўзлаш, кўриш ва эшитиш)нинг жиноят ҳақида хабар беришига имконият яратилмаган.

Бу эса оиладаги зўравонликлар ҳақида кечиктириб бўлмас ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар беришга монелик қилади. Бу бўйича Тошкент шаҳридаги амалиёт ўрганилганида 2021 йилнинг 21 май куни Нукус кўчасидаги хонадонлардан бирида оила аъзолари Б. ва М.лар билан бирга ногиронлиги бўлган (карсоқов) В.га тан жароҳатлари етказишган. Жабрланувчи сутканинг кечки пайтида кўчадан ўтаётган тез тиббий ёрдам машинасини тўхтатиб, қўл ҳаракатлари билан тиббий ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ёрдамига муҳтожлигини маълум қилган.

Шу нуқтаи назардан “102 тезкор чақирув хизмати” фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, чақирувнинг альтернатив вариантларини қўллаш, хорижий тажриба асосида “Қўшни назорати” тизимини жорий қилиш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва унинг профилактикасини амалга оширишга фаол кўмаклашаётган аҳоли вакиллари моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда профилактика инспекторлари ҳамда аҳоли ўртасида ахборот ва маълумот алмашишда Telegram ва Facebook энг қулай восита ҳисобланади. Бироқ, ҳудуддаги ички ишлар органларининг Telegram ва Facebook ижтимоий тармоқларида



расмий саҳифалари очилмаганлиги жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олишга оид тезкор хабарлар кенг аудиторияни қамраб олиш имконини бермаяпти.

Шунингдек, оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш, оилалардаги барқарор муҳитни таъминлаш, аҳоли вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини манзилли ошириш юзасидан маҳалла раиси раҳбарлик қиладиган хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш комиссияси ташкил этилиб, келгусида нотинч оилаларда ажрим ҳолатларнинг олдини олиш; хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш комиссияси фаолияти орқали маҳаллаларда жабрланган аёлларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ҳимояси кафолатлаш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганидай, қасддан одам ўлдириш жинояти аксарият ҳолларда маиший жанжаллар натижасида келиб чиқмоқда ҳамда оила доирасида содир этилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, жиноят ҳуқуқи назариясига мурожаат этганда жиноят содир этиш босқичлари фарқланишини кузатиш мумкин. Улар ичида суиқасд қилиш жиноий тажовузнинг бошланганлигини, бироқ жиноят содир этаётган шахснинг иродасига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмаслигини англатади.

Юқорида қайд этилганларга кўра Бош қомусимизда нафақат жиноий тажовузнинг бошланиши, балки тажовузнинг ўзиёқ энг оғир жиноят сифатида белгиланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан, инсоннинг яшаш ҳуқуқини конституциявий мақомда муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Шу жиҳатга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 24-моддасидаги “Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” жумласини қуйидагича ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

“24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш энг оғир жиноятдир”.

Ушбу тадқиқот доирасида таклиф этилган таклиф ва тавсиялар жиноят объекти сифатида оилани, унинг аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш оиладаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга, ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида оиладаги зўравонликларнинг олдини олишда жиноят-ҳуқуқий воситаларни қўллаш самарадорлигини ошириш, оиладаги зўравонликнинг профилактикасида фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда мулк ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бар-тараф этишга хизмат қилади.

#



Умархон ШАМШИДИНОВ,
Бош прокуратура Академиясининг
мустақил изланувчиси

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада фуқаролик процессида прокурор томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари, прокурор ваколатлари, унинг ҳуқуқий асослари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируются вопросы защиты трудовых прав граждан прокурором в гражданском процессе, полномочия прокурора, его правовые основы, законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование основ участия прокурора в ведении гражданских судебных дел.

ABSTRACT. This article analyzes the issues of protecting the labor rights of citizens by the prosecutor in civil proceedings, the powers of the prosecutor, his legal framework, the legislative experience of foreign countries on this issue. As a result of the analysis, proposals are substantiated aimed at improving the basics of the participation of the prosecutor in the conduct of civil court cases.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, прокурор, меҳнат низолари, прокурор ваколати, судда иштирок этиш, асослар, такомиллаштириш.

Ключевые слова: гражданский процесс, прокурор, трудовые споры, полномочия прокурора, участие в суде, основания, совершенствование.

Key words: civil process, prosecutor, labor disputes, powers of the prosecutor, participation in court, grounds, improvement.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий ва барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўз навбатида ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланиши, қонунларнинг устуворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлатнинг мустақил органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланган (118-модда)¹.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура орган-

ларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгиланди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “2022 -2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармоннинг қабул қилиниши прокуратура органлари зиммасига жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашга оид қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши бўйича роли ва масъулияти оширилишига олиб келди. Юқоридаги фармон билан қабул қилинган Давлат дастурининг 60-бандида қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун - устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2022. –Б. 32-33.

2 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, -41 б.



мезонга айлантириш бўйича устувор йўналиш, мақсадлар ва вазифаларнинг белгиланиши³ эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этмоқда.

Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, тизимимизга бўлган эътибори туфайли прокуратура органларининг бутун қиёфаси ҳам кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Энг муҳим жиҳат шундаки, прокуратурани том маънодаги “Халқ прокуратураси”га айлантириш бўйича кўрилатган чоралар самараси ўлароқ, узоқ йиллар давомида одамларда жазоловчи орган сифатида тасаввур уйғотиб келган тизим энди уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ўз навбатида, давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашга ҳисса қўшувчи тузилмага айланмоқда⁴.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган фуқароларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқи ҳисобланган меҳнат ҳуқуқининг суд орқали ҳимоя қилинишида, меҳнат соҳасидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошира бориб, суд жараёнида ҳам ушбу соҳадаги қонунларга риоя этилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлашда прокуратура идоралари муҳим ўрин тутаяди.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади (“Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддаси). Қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларникига бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар, прокуратура эса, одил судловни амалга оширишда судларга

ҳар томонлама кўмаклашувчи орган ҳисобланади.

Судларда меҳнат низоларининг кўрилишида прокурорнинг асосий вазифаси қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Бу эса судда иштирок этувчи прокурордан меҳнат низоларини судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини чуқур билиш, меҳнат ва фуқаролик процессуал қонунчиликни қўллаш юзасидан юқори малака ва кўникмага эга бўлиш кабиларни тақозо этади. Ўз навбатида меҳнатга оид низоли ишларни ҳал қилиш учун қонунда белгиланган процессуал хусусиятларга эътибор бермаслик мазкур туркумдаги ишлар юзасидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳал қилув қарорларининг чиқарилишига сабаб бўлади.

Судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги белгиланган⁵.

Процессининг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда прокурор фуқаролик ишида иштирок этиш асослари бирмунча кенлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) 50-моддаси биринчи қисмига кўра, агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 -2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

4 Йўлдошев Н.Т. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари // “Халқ сўзи” газ. 2021. 27 август, 184-185-сонни.

5 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғи // <https://buyruq.prokuratura.uz>



қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга⁶.

Меҳнатга оид низоли ишлар бўйича прокурорнинг ходим манфаатлари йўлида судга даъво аризаси билан мурожаат қилишининг яна бир муҳим ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (МК)да ҳам мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади (МКнинг 9-моддаси). Қолаверса, МКнинг 268-моддасига кўра, прокурор ҳар қандай меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир⁷. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни 20-моддасига кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади. Булар эса ўз навбатида меҳнатга оид низоли ишлар бўйича прокурорга нисбатан ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмидаги чекловлар, яъни агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутувчи норма прокурор мурожаатига нисбатан татбиқ этилмаслигини кўрсатади.

Бу эса меҳнатга оид низоли ишларда прокурор иштирокининг ўзига хос бўлган хусусиятини, яъни прокурорнинг судда иштирок этиши ҳамма вақт ҳам суд орқали манфаати ҳимоя қилинаётган шахслар доирасига боғлиқ бўлмаслигини кўрсатади. Масалан, меҳнатга оид низоли ишлар бўйича прокурорнинг даъво аризасига меҳнат ҳуқуқлари бузилган ходимлар ёки меҳнат жамоасининг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мустақил равишда даъво аризаси билан мурожаат қила олмаслиги узрли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилмайди. Касаба уюшмалари,

меҳнат ҳуқуқи бўйича инспектори ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина судда даъво қўзғата оладилар. Прокурор эса ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муқаддам амалда бўлган, яъни 1997 йил 30 августдаги мамлакатимиз ФПКнинг 5 ва 46-моддалари прокурорга ҳар қандай шахснинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини берган эди. Хусусан, ФПКнинг 5-моддасига кўра, суд фуқаролик ишини прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатиши мумкинлиги белгилаб қўйилган, кодекснинг 46-моддасида эса прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиш, шунингдек бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган⁸.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши (2018 йил 22 январь) муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси борасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-661-сонли қонуни билан фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли эканлиги, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги белгиланди⁹.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 5 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 413 мингдан зиёд фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қонунга зид бўлган 32 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат прокурор протестлари асосида бекор қилинди. Қарийб 54 мингтаси эса қонунга мувофиқлаштирилди. Сўнгги 5 йилда прокуратура органларига 1 млн. 249 мингта мурожаат тушди, 1

6 Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган УРҚ-460-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>

7 Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабрда қабул қилинган) // <https://lex.uz/acts/142859>

8 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 477-И-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/186105>

9 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-661-сонли қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.



млн. 187 минг нафар фуқаро бевосита қабул қилинди. Олис ва чекка ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллар орқали 323 минг нафар фуқаронинг муаммолари ҳал этилди. Айнан мурожаатлар асосида 183 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, уларга етказилган 330 млрд. сўмликдан ортиқ зарар ундириб берилди¹⁰.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўРҚ-661-сонли қонуни билан мамлакатимиз ФПКга юқорида баён этилган ўзгартиш киритилгунига қадар ўтган йиллар давомида фуқаролик ишлари бўйича судларда прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ ишларда иштирок этиб, судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишида кўмаклашиб келган.

Маълумотларга қараганда, 2021 йилнинг 6 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 155,5 млрд. сўмлик 949 та прокурор даъво аризалари кўрилиб, шундан 154,2 млрд. сўмлик 824 та ёки 87 фоиз ариза қаноатлантирилган. Даъво аризаларнинг 276 таси 58 млрд. сўмлик фуқароларнинг манфаатларини, шу жумладан 110 таси 490 млн. сўмлик меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, 177 таси ерга оид қонун бузилишлар юзасидан, 91 таси 255 млн. сўмлик регресс тартибда ва 293 таси 147 млрд. сўмлик бошқа тоифадаги ишлар бўйича киритилган. Шунингдек, ушбу даврда 11 млрд. сўмни ундириш тўғрисидаги 1951 та прокурор аризалари асосида суд буйруқлари қабул қилинган бўлиб, барчаси қаноатлантирилган¹¹.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик суд ишларини юритишда суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда прокурор иштироки муҳим ўрин тутаяди. Шундай экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган проку-

рорларнинг фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки алоҳида эътибор талаб этади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик судларида прокурор иштирокининг чекланиши мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бир вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишлари турган гап.

Фуқаролик процессида прокурор иштирокига оид хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Унга кўра, масалан, Қозоғистон ФПКда давлат манфаатларига дахлдор ишлар бўйича, агар жамият манфаатларини ёки ўзини мустақил ҳимоя қила олмайдиган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилса, шунингдек ишда иштирок этиш суд ёки прокурор томонидан зарур деб топилган ҳолларда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирок этиши шартлиги белгилаб қўйилган (54-модда).

Шунингдек, Қозоғистон ФПКга кўра, прокурор қонунчиликка мувофиқ жисмоний, руҳий ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахсларни; номуайян шахслар доирасини; Қозоғистон Республикаси хавфсизлиги ёки инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи учун хавfli оқибатларни бартараф этиш учун зарур бўлса давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Мазкур ҳолатларда прокурор томонидан даъво аризалари манфаатдор шахсларнинг илтимоси ва аризаси бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар тақдим этилиши мумкин¹².

Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига кўра, прокурорга судга мурожаат қилишда бир қатор ваколатлар берилган. Унга кўра, фуқаро ўзининг бузилган ёки низолашилаётган меҳнат (хизмат) муносабатлари ва бевосита унинг ўзи билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқларини; оилани, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан ижтимоий таъминот, давлат ва муниципал уй-жой фондларида турар жойга нисбатан бўлган ҳуқуқларни таъминлаш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий ёрдам олиш

10 Йўлдошев Н.Т. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари // “Ҳуқуқ” газ. 2021. 2 сентябрь, 35-сон.

11 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси маълумотномасидан.

12 Кодекс Республики Казахстан от 31 октября 2015 года № 377-V «Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан» // <https://online.zakon.kz>



ҳуқуқи; қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ; таълим олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсадида прокурорга мурожаат қилган тақдирда, прокурор ушбу мурожаатларга асосланиб судга ҳеч қандай чекловларсиз даъво аризасини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади¹³.

Шу ўринда Қозоғистон ФПКда назарда тутилган айрим жиҳатларни таҳлил қиламиз. Юқорида қайд этилганидек, Қозоғистон ФПКнинг 54-моддасига кўра, прокурор номуайян шахслар доирасининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Мазкур ҳолатларда прокурор томонидан даъво аризалари (аризалар) манфаатдор шахсларнинг илтимоси бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар тақдим этилиши мумкин. Кўриб турганимиздек, ушбу норма прокурорларга фуқаролик процессида иштирок этиши учун кенг ваколатларни тақдим этмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик адабиётларида ва миллий қонунчилигимизда “номуайян шахслар доираси”, “номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари” тушунчасини аниқловчи таърифлар мавжуд эмас.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 25-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Худди шундай ваколат мазкур қонуннинг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларида ҳам ўз ифодасини топган¹⁴. Бироқ мазкур қонунда ҳам номуайян шахслар доираси деганда қандай шахслар тушунилишига аниқ таъриф берилмаган. Бу эса ўз навбатида ушбу идоралар томонидан судга даъво тақдим этиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, Ўзбекис-

тон Республикасининг ФПК 189-моддасига кўра, даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда рекевизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзилига оид маълумотлар бўлиши талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи қисмида баён этилишича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан берилган аризада ушбу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ҳамда манзили кўрсатилиши керак. ФПКнинг 195-моддасида кўрсатилишича, ариза ушбу кодекснинг 189-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилган бўлса, судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.

Бир сўз билан айтганда, прокурор томонидан айниқса меҳнатга оид низоларда жамоа манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат қилинган даъво аризаларида номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво аризаси (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида батафсил тартибга солиниши таклиф қилинади. Мазкур қоиданинг қонунчиликка киритилиши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг қўшимча кафолати вазифасини бажаради. Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳам ушбу кодекснинг, шунингдек бошқа қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширишини назарда тутувчи нормани киритиш таклиф қилинади.

#

13 Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, № 46, ст. 4532.

14 Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон, 59-модда.



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА УЙ ҚАМОҒИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Жиноят-процессуал қонунчилигида уй қамоғини қўллаш билан боғлиқ “тақиқлар” ва “чекловлар” тушунчалари ўртасида аниқ чегара ўрнатилмаган. Шунга кўра муаллиф қонундаги ушбу бўшлиқларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига аниқлаштирувчи қўшимчаларни киритишни таклиф этган.

АННОТАЦИЯ. Понятия «запреты» и «ограничения» по отношению к домашнему аресту не всегда разграничиваются в уголовно-процессуальном законодательстве. В этой связи, автор статьи предлагает уточняющие дополнения в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

ANNOTATION. The concepts of “prohibitions” and “restrictions” in relation to house arrest are not always distinguished in legislation of criminal procedure. In this regard, the author of the article proposes clarifying additions to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan.

Калит сўзлар: процессуал мажбурлов чоралари, эҳтиёт чораси, уй қамоғи, тақиқлар ва чекловлар ўрнатиш.

Ключевые слова: меры процессуального принуждения, мера пресечения, домашний арест, установление запретов и ограничений.

Key words: preventive measure, house arrest, establishment of prohibitions and restrictions.

Процессуал мажбурлов чоралари тизимида эҳтиёт чоралари асосий ва муҳим ўрин эгаллаши боис, уларга алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим. Эҳтиёт чоралари жиноят-процессуал мажбурлов чораларининг алоҳида тури сифатида қонунбузарликларнинг олдини олиш характерига эга. Бу шунда намоён бўладики, эҳтиёт чоралари огоҳлантиришга, яъни ушбу чоралар қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг келгусида ғайриқонуний фаолиятига йўл қўймасликка хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг, унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Эътироф этиш жоизки, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, “хабеас корпус” институтига оид нормалар такомиллаштирилиши натижасида жиноят ва жиноят-про-

цессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бу борадаги ишларни давоми сифатида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига “уй қамоғи” (242¹-модда) тарзидаги эҳтиёт чораси киритилди.

Уй қамоғи – эҳтиёт чораси тури бўлиб, унга кўра гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда суд томонидан қўлланилади.

Шу ўринда “уй қамоғи” атамасининг келиб чиқиш тарихига қисқача тўхталсак.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “уй қамоғи” атамаси Россия империяси қонун ҳужжатларида 1864 йилда биринчи маротаба тилга олинган бўлиб, «Жиноят судлов ишларини юритиш Устави»да «айбланувчини тергов ва суддан бўйин товлаши усулларининг олдини олиш чоралари» («меры пресечения способов уклонения обвиняемого от следствия и суда») деб номланган.

Шу даврда ушбу эҳтиёт чораси суд ёки маъмурий органнинг ташаббуси билан қисқача муддатли қамоқ

жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этганликда айбланган дворян ва амалдорларга татбиқ этилган.

Собиқ СССР даврига келиб, уй қамоғи кенг қамровда қўлланилиши бошланди. Хусусан, 1923 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида уй қамоғи эҳтиёт чораси ўз ўрнини топди, бироқ 1960 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексидан ушбу эҳтиёт чораси чиқариб ташланди. Қолаверса, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси (КГБ) томонидан уй қамоғи мажбурий изоляция сифатида мавжуд сиёсий тузумга ёт қарашлари билан ажралиб турган, ўзгача фикрловчи шахсларга нисбатан қўлланилиб келинди².

Уй қамоғи эҳтиёт чорасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидан чиқариб ташланишига сабаб, собиқ СССРда сиёсий ўзгаришлар асносида, яъни сиёсий тузумга ёт қарашларга эга бўлган шахсларга нисбатан қаттиқроқ эҳтиёт чорасини қўллаш сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Энди, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, муддатлари ва бу борадаги хориж тажрибасига қисқача тўхталсак.

Уй қамоғини ўташ ва унинг муддати билан боғлиқ масалалар худди қамоқда сақлаш тартибидек ҳал этилади. Шунга ўхшаш нормалар бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида, шу жумладан Қозоғистон ЖПК 149-моддаси, Беларус ЖПК 125-моддаси ва Россия Федерацияси ЖПК 107-моддасида ўз аксини топган³.

МДҲ мамлакатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 1996 йил 17 февралда тасдиқланган Жиноят-процессуал кодекси моделида (175-модда), уй қамоғи эҳтиёт чорасида қуйидаги тақиқ ёки чекловларни қўллаш тавсия этилган:

- уйдан муттасил ёки муайян вақтларда чиқиб кетмаслик;

- телефонда сўзлашмаслик, алоқа воситаларидан фойдаланмаслик,

- т-ёзишмалар юбормаслик;

- муайян шахслар билан учрашмаслик ёхуд уйига ҳеч кимни таклиф этмаслик;

- уйда ўрнатилган махсус электрон назорат воситаларининг наздида бўлиш ва уларни соз ҳолда ишлашини таъминлаш;

- назорат тартибида телефон орқали чақирганда жавоб бериш ёхуд

муайян вақтларда телефонда ўзи тўғрисида ха-

бар бериб туриш;

- айбланувчини ёки унинг уй-жойини кузатиш, уйини ёхуд унга

ажратилган хонани кўриқлаб туриш;

- айбланувчининг жамият билан алоқасини чеклаш ёки унинг хулқ-

атворини кузатишга қаратилган бошқа чораларни кўриш⁴.

Уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат бўлади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги суднинг ажримидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган озодлик бўйича аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган кўрсатилади.

Жиноят-процессуал қонунимизга асосан, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

1) муайян шахслар билан алоқада бўлиш;

2) хат-хабар олиш ва жўнатиш;

3) ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;

4) уй-жойни тарк этиш.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячи, қонуний вакил, белгиланган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд

2 Ru.m.wikipedia.org/wiki/

3 .П.Дьяченко. Домашний арест как инструмент реализации уголовной политики (сравнительный анализ законодательного опыта России и зарубежных государств). Труды Института государства и права РАН. 2014/3, стр.112.

4 Г.Тўлаганова. "Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари". Қўлланма. ТДЮИ 2005.



билан сўзлашиш учун, шунингдек зарурият юзага келган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, тез тиббий ёрдамни, ёнғин хавфсизлиги хизматини, қутқарув хизматини ва бошқа шошилиш хизматларини чақириш учун телефон алоқасидан фойдаланиш ҳуқуқидан чекланиши мумкин эмас. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз яшаш жойидаги уй қамоғини ижро этиш зиммасига юклатилган ички ишлар органига ҳар бир шундай қўнғироқ ҳақида хабар беради.

Қамоққа олинганнинг яшаш жойи қўриқланиши мумкин. Зарур ҳолларда унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан назорат амалга оширилади ва ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли.

Текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан электрон кузатиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Уй қамоғини ижро этиш гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органи зиммасига юклатилади.

Агар тиббий кўрсатувларга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, суд ўрнатган тақиқларнинг (чекловларнинг) амал қилиши гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласи прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи суд томонидан ҳал этилувчи қадар давом этади. Тегишли соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳудуди уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш жойи ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи суриштирув органига ёки дастлабки тергов органига, шунингдек судга назорат қилувчи органнинг транспорт воситасида олиб борилади.

Уй қамоғида жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйилган шароитда бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлари ушбу эҳтиёт чораси ижро этилаётган жойда ўтказилади.

Ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) уй қамоғида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланили-

ши мумкин.

Юқоридаги тақиқ ва чекловларни 2 тоифага ажратиш мумкин:

1) Уй-жойни тарк этиш ҳуқуқини чеклаш; 2) Коммуникация воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш⁵.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва суриштирув ёки дастлабки тергов давомида қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш ёки уй қамоғига жойлаштириш заруратини келтириб чиқарган асослар баён қилинади.

Прокурор қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида саккиз соат олдин судга тақдим қилиниши керак⁶.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки суриштирув, дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаганида эса ёхуд қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ

5 Д.Воронов. Домашний арест как мера безопасности: состояние и перспективы развития. М, журнал "Право", стр.86-88

6 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент, "Yuridik adabiyotlar publish", 2020. 157-164

суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайдан эътиборан саккиз соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек суриштирувчи, терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур бўлган ҳолларда суриштирувчи, терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, ҳимоячи бундан мустасно. Қидирув эълон қилинган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради⁷:

1) қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

21) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида;

22) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида;

3) тарафлар қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт

чорасини қўллаш рад қилинган ва гаров тарзидаги эҳтиёт чораси танланган тақдирда, гумон қилинувчини ёки айбланувчини ушлаб туриш муддати гаров киритиш имконини бериш учун суд томонидан кўпи билан қирқ саккиз соатгача бўлган муддатга узайтирилади, кўрсатилган муддатда гаров киритилмаган тақдирда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддасида ўзига нисбатан уй қамоғи қўлланилган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган тақиқ ёки чекловлар кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, чекловлар вақтинчалик, тақиқлар эса доимий характерга эга бўлган чоралардир. Лекин жиноят-процессуал қонунчилигида уй қамоғи билан боғлиқ “чекловлар” ёки “тақиқлар” терминлари ўртасидаги тафовут чегараси кўрсатиб ўтилмаганлиги сабабли ушбу терминлар суд қарорларида деярли синоним бўлиб ўтмоқда⁸.

Қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасига асосан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий ҳизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, ножўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишга, қамоқдаги шахслар сонининг камайишига хизмат қилади⁹.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, дастлабки терговда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёт чораларини қўллашда авваламбор инсон манфаатлари устувор бўлишига эришишни таъминлашда уй қамоғи доирасида чекловлар қўллаш амалиётини такомиллаштириш, уй-жойни тарк этиш билан боғлиқ бўлмаган турли тоифадаги чекловларни кўзда тутувчи янги жиноят-процессуал мажбурлов чораларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#

7 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. 157-164

8 Шигурова Е.И., Галыгина Т.Ю. Домашний арест: проблемы теории и практики применения действующего законодательства. ФГБОУ ВО «МГУ им.Н.П.Огарёва». Научная-электронная библиотека «eLIBRARY».2016/08

9 У.Махмудов. “Қонунчилигимизга уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилди”. 2014. <https://jizzax.adliya.uz/>



Хушнуд МАДРИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маъмурий низоларни судда кўришнинг ривожланиши тарихи таҳлил қилинган. Бунда, маъмурий низоларнинг биринчи босқич – 1991-2017 йилларда фуқаролик ва хўжалик судларида ҳамда иккинчи босқич – 2017 йилдан бошлаб ихтисослашган маъмурий судларда кўриб чиқилиши даврлари алоҳида тадқиқ этилган. Бундан ташқари, сўнги 5 йилликдаги маъмурий юстиция амалиёти натижаларининг таҳлили асосида маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш бўйича концептуал таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируется история развития судебного рассмотрения административных споров в годы независимости Узбекистана. При этом, отдельно исследованы периоды первой стадии рассмотрения административных споров - 1991-2017 гг. в гражданских и хозяйственных судах и второй стадии - с 2017 г. в специализированных административных судах. Кроме того, на основе анализа результатов практики административной юстиции за последние 5 лет разработаны концептуальные предложения по совершенствованию административного судопроизводства.

ABSTRACT. This article analyzes the history of the development of judicial hearing of administrative disputes in Uzbekistan during independence years. At the same time, it separately studies the periods of the first stage (1991-2017) of hearing of administrative disputes in civil and economic courts and the second stage (since 2017) in specialized administrative courts. Besides, based on the analysis of the results of administrative justice practice over the past 5 years, the article puts forward conceptual proposals to improve administrative court proceedings.

Калит сўзлар: ҳуқуқий давлат, давлатнинг жавобгарлиги принципи, судга шикоят қилиш кафолати, маъмурий юстициянинг суд модели, маъмурий суд иш юритуви.

Ключевые слова: правовое государство, принцип ответственности государства, гарантия судебного обжалования, судебная модель административной юстиции, административное судопроизводство.

Key words: legal state, principle of state responsibility, guarantee of appeal to the court, judicial model of administrative justice, administrative court proceedings.

Давлат органлари қарорлари устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби юзага келиши давлат пайдо бўлган даврларга бориб тақалади.

Яъни, турли тарихий даврларда давлат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг ўзига хосликлари ҳамда аҳолининг ижтимоий-маданий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий низолар судлар, квазисудлов идоралари ва шунга ўхшаш институтлар томонидан кўриб ҳал қилиб келинган.

Энг аввало таъкидлаш жоизки, тадқиқот предмети бўлмаганлиги сабабли, ҳуқуқшунос олимларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳаларига алоҳида тўхталмасдан, маъмурий низо тушунчасига таъриф бериб ўтамыз.

Маъмурий низо деганда ўзаро тенг бўлмаган иштирокчилар, яъни хусусий шахслар ва маъмурий органлар ўртасида ушбу идораларнинг қарори (мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати) ва ўз ҳокимият ваколатларини бошқача шаклда амалга ошириши оқибатида юзага келадиган, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда алоҳида процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низо тушунилади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида маъмурий низоларнинг кўриб чиқилиши тарихини қуйидаги уч давр

доирасида ўрганиш лозим:

– совет даврига қадар маъмурий юстиция институтларига ўхшаш бўлган институтларнинг юзага келиши;

– совет даврида маъмурий юстиция элементларининг шаклланиши;

– мустақиллик даврида маъмурий юстициянинг ривожланиши.

Ушбу тадқиқотда мустақиллик йилларида маъмурий юстициянинг ривожланишига оид масалалар таҳлил қилинади.

Бу даврда маъмурий низоларни кўриб чиқиш жараёнларини иккита алоҳида қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

биринчи босқич – 1991-2017 йилларда маъмурий низоларнинг умумий юрисдикция судлари (фуқаролик судлари) ва хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши даври;

иккинчи босқич – 2017 йилдан бошлаб маъмурий низоларнинг алоҳида ихтисослашган маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши даври.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат тузилиши ва бошқарувида туб ислохотлар амалга оширилган бўлиб, маъмурий низоларни ҳал қилиш модели ҳам шундан келиб чиққан ҳол



да шаклланган.

Маъмурий юстиция ғоялари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасининг мазмунига сингдирилган. Хусусан, унда Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб мазкур Конституцияни қабул қилганлиги таъкидланган.

Муқаддимадаги “инсон ҳуқуқларига содиқлик” ва “ҳуқуқий давлат” концептуал ғояларини кундалик ҳаётда рўёбга чиқарадиган механизмлардан бири маъмурий судлар ҳисобланади. Бу ўриндаги “инсон ҳуқуқлари”ни кенг маънода тушуниб, фуқародан ташқари тадбиркорлик субъектларини ҳам ўз ичига оладиган хусусий шахс деб талқин қилиш тўғри бўлади.

Чунки, айнан маъмурий юстиция хусусий шахслар (инсон) ҳуқуқларини мансабдорлардан ҳимоя қилиш орқали, ҳуқуқ асосида ўзининг ваколатларини чеклайдиган давлатни (ҳуқуқий давлатни) қуришга хизмат қилади.

Конституциянинг 2-моддасидаги давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши ҳақидаги норма маъмурий юстиция шаклланиши асос бўлган ижтимоий шартнома назариясига, мансабдорлар фуқаро олдида масъуллигига доир норма эса давлатнинг жавобгарлиги принципига тўлиқ мос келади.

Ушбу нормалар маъмурий юстициянинг фундаментал ҳуқуқий асослари бўлса, Конституциянинг 19, 44, 106 ва 110-моддаларини эса амалий ҳуқуқий асослари дейиш мумкин.

Хусусан, 19-моддадаги суд қарорисиз ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, 44-моддадаги ҳар бир шахсга давлат органининг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатлангани эса маъмурий юстициянинг суд моделига кўпроқ устуворлик берилганини кўрсатади.

Конституциянинг 110-моддаси эса маъмурий суд ишларини юритишни судловнинг алоҳида шакли сифатида эътироф этган.

1993 йил 3 сентябрдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган) туман суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судья бўлиши ҳам назарда тутган. Лекин, шу даврдаги қонунчиликда ва илмий-назарий қарашларда маъмурий ишлар деганда асосан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тушунилган.

Умуман олганда, юқоридаги ҳужжатлар Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб маъмурий юстиция институтини шакллантириш бўйича муҳим концептуал қадамлар ташланганлигини

тасдиқлаб турибди.

Кейинчалик, 1995 йил 30 августда “Фуқароларнинг ҳуқуқларива эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2018 йил 11 октябрдан ўз кучини йўқотган) ҳамда 1996 йил 19 июлда Олий суд Пленумининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида” 18-сонли қарори (2019 йил 24 декабрдан ўз кучини йўқотган) қабул қилинганлиги маъмурий юстициянинг суд моделини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган.

Бироқ, ушбу қонунда Конституция билан эътироф этилган шахс тушунчаси фуқаро тушунчасини қўллаш орқали торайтирилиб, барча хусусий субъектлар фаолияти қамраб олинмаган.

Чунки, биринчидан, бу қонун 1987 йилдаги СС-СР қонуни асосида тайёрланган бўлса, иккинчидан, бозор муносабатлари энди шаклланаётгани сабабли тадбиркор бўлган хусусий шахслар ҳуқуқларини маъмурий юстиция орқали ҳимоялаш масаласининг долзарблиги ҳали тўлиқ англаб етилмаган.

Шунга қарамасдан, XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий юстиция институти хўжалик судлари тизимида ривожланишни бошлаган.

Бунинг илдизлари ҳам совет даврига бориб тақалади. Хусусан, А.Н.Артамонов таъкидлашича, 1979 йилда суд тизимига кирмайдиган давлат арбитражига бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини билвосита назорат қилиш, 1988 йилда давлат корхоналарининг, 1990 йилда кооператив каби бошқа тадбиркорларнинг ҳам бундай қарорлардан норозилик ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқиш ваколати берилган.

Шундан кейин, бозор муносабатлари жадал келиб келгани сайин, Россия Федерациясида 1991 йилда давлат арбитражлари ўрнига арбитраж судлари ташкил этилиб, тадбиркорларнинг давлат органлари қарорларидан норозилиги ҳақидаги низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган¹.

Натижада, тадбиркорлар иштирокидаги низоларни кўриб чиқиш бўйича маъмурий юстиция фуқаролар иштирокидаги маъмурий юстицияга нисбатан такомиллашиб борган.

Бу ҳолатни Ўзбекистонда хўжалик судлари ташкил этилиши натижасида, тадбиркорлар иштирокидаги низолар бўйича маъмурий юстиция ҳам умумий юрисдикция судларидаги маъмурий юстици-

1 Артамонов А.Н. Формирование и развитие органов административной юстиции в России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 113-114.



яга нисбатан яхши ривожлангани билан қиёслаш мумкин.

Ҳатто, 1993 йил 2 сентябрдаги Хўжалик процессуал кодексда (1998 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган) хўжалик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар (иқтисодий низолар)дан ва бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этиши белгиланган. Бу нормадаги “бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар” жумласи айнан тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низолар бўлиб, маъмурий юстиция институтини эътироф этиш ҳисобланади.

1997 йил 30 августдаги Хўжалик процессуал кодексда (2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган) ушбу жумла ишлатилмасдан, хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тадбиркорлар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиши белгиланган.

Ушбу “иқтисодиёт соҳасидаги маъмурий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо” жумласи “бошқарув соҳасидаги низо”га мазмунан жуда яқин бўлиб, маъмурий юстиция институтини жорий этиш давом эттирилган.

2018 йил 24 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексда ҳам Хўжалик процессуал кодексдаги бу ишларни иқтисодий судлар кўриши сақлаб қолинган, фақат 2018 йил 25 январдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг маъмурий судларга ҳам тааллуқли эканлиги белгиланган.

Содда қилиб айтганда, 2018 йилгача хўжалик судлари тизимида шаклланган тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий юстиция ушбу янги кодекслар қабул қилингандан кейин, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий судлар, ҳам маъмурий судлар тизимида ривожланишда давом этмоқда.

Яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низолар хўжалик судларида алоҳида ҳайъатда кўриб чиқилган бўлиб, бу ихтисослашув маъмурий юстициянинг аҳамиятини тушуниш бўйича етарли тажрибани шакллантириш имконини берган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармонида асосан тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби киритилганлиги маъмурий юстицияни жорий этишда жиддий олдинги силжиш бўлган.

Бироқ, ушбу масала бўйича қабул қилинган Олий

суд ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида”ги 12/149-сонли қарориди (2015 йил 13 ноябрдан ўз кучини йўқотган) мазкур ишлар хўжалик судида даъво иш юритиш, умумий юрисдикция судларида маъмурий суд иш юритиш қоидаларига мувофиқ кўрилиши белгилангани ҳам – яхлит маъмурий юстиция тизими тўлиқ жорий этилмаганлигини кўрсатиб беради.

Умуман олганда, юқорида кўрсатилган давлат арбитражлари, арбитраж ва хўжалик судларида иқтисодиёт соҳасидаги маъмурий низоларни ҳал қилиш бўйича шаклланган тажриба суд идоралари тузилмасида ҳам ўзининг изларини қолдирган.

Шунинг натижасида, умумий юрисдикция судларидан мустақил, ўзининг олий инстанциясига эга бўлган ихтисослашган судлар, яъни хўжалик судлари тизими юзага келган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, хўжалик судлари, муайян даражада, маъмурий судлар ташкил этилгунга қадар Ўзбекистонда тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий юстициянинг яхлит тизимини ташкил этган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу тизимнинг энг юқорисида, Германия маъмурий юстиция моделидаги Федерал маъмурий суд каби Олий хўжалик суди турган.

Ўтмишдаги ҳеч бир ҳодиса исиз йўқ бўлиб кетмаганидек, бу давр Ўзбекистонда маъмурий судларнинг умумюрисдикция судларидан мустақил бўлган олий инстанциясини ташкил этиш масаласини ўрганишда тарихий тажриба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда маъмурий юстиция институтининг ривожланишида 2010 йил 12 ноябрдаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Постсовет ҳуқуқида шаклланган қонунчилик ва илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб, Концепцияда маъмурий судларни ташкил этиш эмас, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш кўзда тутилиб, тегишли эксперт гуруҳи томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Эксперт гуруҳи аъзоси сифатида айтишим мумкинки, 2010-2014 йилларда ушбу гуруҳ кодексни такомиллаштириш билан чекланиб қолмаган, балки маъмурий юстиция институтини жорий этиш истиқболлари, унинг маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик билан бирлаштириш им-

кониятлари бўйича илмий-амалий ишларни ҳам амалга оширган.

Германия, Франция каби давлатларга хизмат сафарлари ташкил этилиб, маъмурий юстиция бўйича илғор хорижий тажриба ўрганилган, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, унинг натижаси бўйича тўпламлар нашр қилинган².

Шунингдек, юқоридаги концепция бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг 2010 йил 30 декабрдаги 235-сонли қарорига кўра, “Маъмурий адлияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция ўтказилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тўпламлар Ўзбекистонда маъмурий юстиция институтини жорий этиш бўйича илк илмий-амалий манбалардан бири бўлган.

Эксперт гуруҳи йиғилишлари ва халқаро конференцияларда маъмурий судларни ташкил этиш масаласи нафақат ҳуқуқшунос олимлар, балки парламент палаталари, Олий суд, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура вакиллари даражасидаги расмий доираларда ҳам жиддий муҳокама қилинган.

Жумладан, Адлия вазирининг Олий Мажлис Сенатидаги 2013 йилги ахборотида давлат органлари фаолиятидаги қонунбузилишларга бошқа муаммолар қатори маъмурий адлия институтининг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлаётгани кўрсатилган. Мазкур ахборот бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 11 апрелдаги СҚ-428-сонли қарорида бу ҳақда баён этилган.³

Умуман, 2013-2016 йилларга келиб, Ўзбекистоннинг олдида бундан буён маъмурий низоларни ҳал қилишнинг, яъни маъмурий юстициянинг қайси моделини танлаш бўйича қуйидаги ёндашувлар мавжуд эди:

биринчи ёндашув – маъмурий низоларни фуқаролик ва хўжалик қонунчилиги доирасида ҳал қилиш бўйича совет моделини давом эттириб, умумюрисдикция судлари ва хўжалик судларининг ичида маъмурий ишлар бўйича судьяларни ихтисослаштириш;

иккинчи ёндашув – маъмурий низоларни ҳал қилишнинг суддан ташқари моделига кўпроқ эътибор бериб, квазисудлов идоралари фаолиятини кучайтириш;

учинчи ёндашув – маъмурий юстициянинг судлов моделини танлаб, ихтисослашувни давом эттирган ҳолда, маъмурий судларни ташкил этиш.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олимларнинг Марказий Осиё давлатлари қайси моделни танлаши ҳақидаги илмий прогнозлари эътиборни жалб қилади (афсуски, бундай илмий тадқиқотлар ҳам, илмий прогнозлар ҳам жуда кам).

Хусусан, тожикистонлик олим С.Ибрагимов 2013 йилдаги тадқиқотида “ушбу давлатлар анъаналарни сақлаб қолиб, Россиянинг танловига йўналиш олган ҳолда, “кутиб турувчи позиция”ни эгаллайди. Келажакда шундай ҳолат бўлиши мумкинки, Россия маъмурий юстициянинг қайси моделини танласа, Марказий Осиё давлатлари, ҳеч бўлмаганда Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳам шуни танлайди”⁴.

Ҳар қандай прогнознинг ҳаётийлигини амалиёт исботлаб берганидек, Ўзбекистонда 2016 йилдан кейин давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги ўзгаришлар ушбу хулосанинг вақт синовидан ўта олмаганлигини кўрсатди.

Жумладан, Россияда маъмурий судлар ташкил этилмаган бир вақтда, Ўзбекистонда 2017 йилда, Қозоғистонда 2021 йилда оммавий низоларни кўрадиган маъмурий судлар иш бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, С.Ибрагимовнинг хулосаси 2016 йилдан олдинги давр учун концептуал жиҳатдан тўғри эди, чунки илгари Марказий Осиё давлатларининг позицияси шунга яқин бўлган. Фақат 2016 йилдан бошланган ислохотлар иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа йўналишлари каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ёндашувларни ижобий томонга ўзгартирди.

Хусусан, маъмурий судлар ҳам Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида бошланган суд-ҳуқуқ ва маъмурий ислохотларнинг натижаси бўлиб, Ўзбекистонда маъмурий юстиция ривожининг янги босқичини бошлаб берди.

Жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотларини бошлаб берган дастурий ҳужжатлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармонида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ушбу фармонда маъмурий низоларни кўриб чиқиш бўйича суд иш юритувини белгилаб берув-

2 «Актуальные вопросы разработки проекта Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в новой редакции в контексте международного сотрудничества» (часть I). / Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Т.: «Адолат», 2012. – 136 стр.

3 <http://www.lex.uz/> сайтидан олинган (19.08.2022 й.).

4 Ибрагимов С.И. Административная юстиция в центрально-азиатских государствах: проблемы становления и развития: Дис. ... д-ра юрид. наук. Москва, 2013. С. 248-249.



чи алоҳида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида ҳам топшириқ берилган.

Яна бир дастурий ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармонида эса маъмурий судларга зарурат очиб берилган ва уларнинг юқори инстанцияси бўлган Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тузилган.

Унга кўра, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритуви бўйича конституциявий нормани реализация қилиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари мазкур судларни ташкил қилишни тақозо этган.

Юқоридаги 4850-сонли Фармонда маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиши кўзда тутилган эди, 4966-сонли Фармонда эса улар маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини ҳам кўриши белгиланган.

Шу ўринда, маъмурий судларга оммавий низолар билан бирга, нима сабабдан маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам берилганига тўхталиб ўтиш керак.

Бир томондан, маъмурий юстиция ва маъмурий жавобгарлик ишларининг бир судда бирлаштирилганлигини – совет ва постсовет ҳуқуқида шаклланган маъмурий юстиция моделининг ва бу борадаги илмий доктринанинг таъсири, деб изоҳлаш мумкин.

Лекин, шу даврда маъмурий ислохотлар бўйича йиғма ишчи гуруҳ аъзоси сифатида айтишим мумкинки, мазкур ҳужжатларни ишлаб чиққан мутахассислар маъмурий юстиция ва маъмурий жавобгарликнинг фарқлари бўйича аниқ тушунчага ва қатъий позицияга эга бўлган.

Иккинчи томондан, тадқиқотчи сифатида фикрим шуки, маъмурий судларга маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг берилганлиги, кўпроқ эксперимент характерига эга бўлган ва янги судларни энди иш бошлаганда зарур иш ҳажми билан таъминлашга ҳам боғлиқ бўлган.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда шу вақтда қадар ихтисослашган маъмурий судлар бўлмаган, бу судлар қандай ишлаши бўйича эксперт гуруҳлари прогнозлари бўлсада, уларнинг амалиётга қанчалик тўғри келиши вақт синовидан ўтиши зарур эди.

2021 йилдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг жиноят судлари ваколатига ўтказилгани ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармонига асосан, туманлараро ва

вилоят даражасида маъмурий судлар алоҳида тузилма сифатида сақлаб қолинганлиги маъмурий юстицияни жорий этишнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилди.

Маъмурий судлар тузилгандан кейинги 5 йиллик амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунга келиб маъмурий юстиция тўлиқ жорий этилмаганлиги билан боғлиқ муаммолар юзага чиқишни бошлади (мазкур муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тадқиқотчининг бошқа илмий мақолаларида ёритиб берилган).

Аслида, бундай муаммоларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол, деб тушуниш керак.

Чунки:

– биринчидан, маъмурий судлар янги институт сифатида иш бошлагандан кейин, амалиётда муаммолар юзага келиши аниқ эди. Шунинг учун, қонун чиқарувчилар, амалиётчи мутахассислар ва олимлар бунга тайёр бўлган ҳолда, муаммоларни аниқлаши ҳамда уларни ҳал қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиши зарур;

– иккинчидан, ушбу муаммо ва камчиликлар маъмурий судлар ташкил этилган 2017 йилда амалиёт ва назария чегарасидаги муаммоларни аниқ ечимлари билан кўрсатиб берадиган, ҳар томонлама илмий ишланган тадқиқотлар бўлмаганлиги билан изоҳланади.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрда парламент палаталари қўшма мажлисидаги инаугурация нутқида келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш – дастурий топшириқ сифатида белгилаб берилиб, амалий ишлар бошланган.

Жумладан, қонунчиликда биринчи марта “маъмурий юстиция” тушунчаси қўлланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли қароридида маъмурий судлар фаолиятини постсовет моделидан чиқариш бўйича жиддий қадам ташланди.

Шу билан бирга, инаугурация нутқидаги дастурий топшириқ ижросини таъминлаш ва мазкур қарордаги янгиларнинг изчиллигига эришиш мақсадида ўтган 5 йилликдаги маъмурий юстиция амалиёти натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистонда маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

Шундагина, Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг янги босқичида кўзланган барча мақсадларига тўлиқ эришилади.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Академия кафедраси бошлиғи

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ТАРЖИМОН ИШТИРОКИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада фуқаролик процессида ишлар кўрилишида таржимоннинг иштироки, унинг ҳуқуқий мақоми, процесснинг бошқа иштирокчилари билан муносабатлари ҳамда ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалалар муҳокама қилинган. Шу билан бирга, таржимоннинг процессдаги функцияси ва мажбуриятлари одил судловни амалга оширувчи процесснинг бошқа иштирокчилари вазифалари билан ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. Процессда таржимоннинг иштироки ва унинг ҳуқуқий мақомига оид амалдаги муаммоларни ечиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируются вопросы касательно участия переводчика в рассмотрении дел в гражданском процессе, его правового статуса, отношений с другими участниками гражданского процесса, а также прав и обязанностей. Кроме того, проведён сравнительный анализ функций и обязанностей переводчика с другими участниками процесса, содействующих осуществлению правосудия. Представлены предложения по решению имеющихся проблем касательно его участия в гражданском процессе и правового статуса.

ABSTRACT. This article analyzes issues regarding the participation of an interpreter in the consideration of cases in civil proceedings, his legal status, relations with other participants in the civil process, as well as rights and obligations. In addition, a comparative analysis of the functions and duties of an interpreter with other participants in the process, contributing to the implementation of justice, was carried out. Proposals for solving existing problems regarding his participation in civil proceedings and legal status are presented.

Калит сўзлар: таржимон, таржима, манба, процесс иштирокчиси, суд, одил судловга кўмаклашувчи шахс, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Ключевые слова: переводчик, перевод, источник, участник процесса, суд, лицо, содействующее осуществлению правосудия, правовой статус, права и обязанности.

Key words: translator, translation, source, participant in the process, court, persons, contributing to carry out justice, legal status, rights and obligations.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида таржимон ўзига хос ўринга эгадир. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)га мувофиқ, таржимон, эксперт, гувоҳлар, мутахассислар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар сингари одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс ҳисобланади. Умуман олганда эса, у фуқаролик суд иш юритуви иштирокчиларидан биридир.

Маълумки, ФПКнинг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, судда она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда сўзлаш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, арз билан мурожаат этиш, илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган тартибда таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ишда иштирок этувчи ва суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахс ишдаги суд ҳужжатлари берилишини сўраб ёзма ариза билан мурожаат этган тақдирда, унга суд ҳужжатлари унинг

она тилига ёки у билладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади.

Таржимоннинг фуқаролик процессидаги ўрни, аҳамияти ва процессуал мақоми юқорида қайд этилган нормалар, яъни, суд процессининг асосий тамойиллари билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Айрим олимлар, хусусан, О.Ю.Кузнецов, ушбу фикрга қўшилган ҳолда, “таржимоннинг замонавий фуқаролик процессидаги иштирокидан асосий мақсад, ўз касбий фаолиятини амалга ошириш орқали қонунчиликдаги асосий принциплардан бири бўлмиш суд иш юритуви тилига оид қоидаларни ҳаётга татбиқ этишдир”, деб ҳисоблайди¹.

Фуқаролик суд ишларини юритишда таржимон бошқа суд иштирокчилари ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафили, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи муҳим механизмдир.

Қайд этиш жоизки, сўнгги вақтларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, процессуал мақомини белгилашда бир қатор янгиликларни юзага чиқарди. Хусусан, ФПКнинг 30.08.1997 йилдаги таҳрири 35-моддасида гарчи таржимон одил судловни амалга оширишга

1 О.Ю.Кузнецов. Переводчик в Российском уголовном судопроизводстве. 2006, 42-6.



кўмаклашувчи шахслар сирасига киритилган бўлса-да, таржимон тушунчасига таъриф, унинг ҳуқуқий мақоми, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳали белгиланмаган эди.

Янги таҳрирдаги (амалдаги) ФПКда бу камчилик тузатилиб, Кодекснинг 63 ва 64-моддаларида таржимоннинг ҳуқуқий таърифи, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида алоҳида нормалар белгиланди.

Амалдаги ФПКнинг 63-моддасига кўра, Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган шахс таржимондир. Ана шу қисқа таъриф ортида процесс иштирокчиларидан бири бўлган таржимоннинг ҳуқуқий мақоми очиб беришга ҳаракат қилинди.

Қайд этиш лозимки, адабиётларда ва манбаларда таржимон тушунчасига бир қадар кенгроқ таъриф берилган. Унга кўра, таржимон – таржима билан шуғулланувчи, оғзаки ёки ёзма матндаги бошқа тил (манба тил)га эквивалент бўлган муайян тилда (таржима тилида) ёзма ёки оғзаки матнни яратувчи мутахассисдир.

Ҳозирги замонавий даврда ушбу мутахассис одатда мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлмоғи лозим. Бундай маълумот олий таржима ёки янада кенгроқ филологик маълумот бўлиши мумкин. Соҳавий (иқтисодий, ҳуқуқий, техник, тиббий ва бошқа) таржималарни бажариш учун эса инсон фаолиятининг тегишли соҳасида ишловчи ва етарли даражада тил ва таржима тайёргарлигидан ўтган бошқа мутахассислар – иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, шифокорлар, машинистлар жалб қилиниши мумкин. Ана шундай маълумот ушбу шахсларнинг олий маълумоти ва касбий мулоқот соҳасида тайёрлаш курслари доирасида олиниши мумкин.

Профессионал таржимон ўз фаолиятида бир қатор илмий фаолият соҳаларининг назарий ва амалий натижаларига суянади. Шулар жумласига тилшунослик, шу жумладан, қиёсий (таққослама лингвистик қиёслаш); тиллараро таржиманинг умумий назарияси ва муайян тиллар жуфтлиги ўртасидаги таржимашунослик ҳам киради.

Соҳавий таржимонлар таржима қилинаётган матннинг амал қилиш соҳасини (матнга мос бўлган тиббиёт, техника, юриспруденция ва бошқа бўлимларни) ҳамда уларда қабул қилинган атамалар луғатини ҳар иккала тилда ўзлари учун янги тасаввур қилишлари, шунингдек, махсус илмий-методик адабиётларда акс эттирилган илмий-техник таржиманинг қабул қилинган услубларини эгаллашлари лозим. Бадиий таржима усталари кўп ҳолларда адабиётшунослик соҳасида, шу жумладан қиёсий (қиёсий адабиётшунослик) йўналишларида, шеърларни таржима қилувчилар эса – шеършунослик

соҳасидаги ишларда эришилган ютуқларга таяниб ишлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, таржимонлар ХХ аср бошларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида автоматлаштирилган электрон тизимлар ва автомат таржима имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқдалар. Улар компьютерда бажарилган таржима натижаларини намойиш этадилар.

Шу тариқа, фуқаролик процессида таржимон иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлган одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсдир.

Айрим олимлар фуқаролик процессида таржимон иштирокининг жиноий, маъмурий ва бошқа судлов жараёнидагидан фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтадилар. Хусусан, А.В.Стрункинага кўра, фуқаролик суд иш юритувида таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилган бир пайтда, жиноят ва одил судловнинг бошқа соҳаларида суднинг процессда иштирок этувчи шахсларга юқоридаги ҳуқуқни таъминлаш мажбурияти таъкидланади.

Таржимоннинг суд процессидаги иштирокидаги зарурият ФПКда бир қатор омиллар билан белгиланган. Хусусан, бу процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини амалга оширишда намоён бўлади. Яъни, у суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга Кодексда белгиланган тартибда ўз хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Таржимон, судда раислик этувчи томонидан белгиланган тартиб ва шартларда судда иштирок этувчи барча шахсларга ўз хизматларини кўрсатади. Шу ўринда савол туғилади, таржимон кимларга ўз хизматини кўрсатиши лозим?

Умумий қоидага кўра, у нафақат тарафлар, уларнинг вакиллари, учинчи шахсларга, балки юқорида таъкидланганидек, одил судловни амалга оширувчи экспертга ҳам ўз хизматини кўрсатиши мумкин.

Таржимон иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилатганида ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, зарур ҳолларда гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар билан бир қаторда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадир. Бундан кўринадики, у гарчи низо тарафи бўлган шахслар каби процессда асосий ролларни амалга оширмаса-да, унинг процессдаги иштироки муайян даражада ўта муҳим ва долзарбдир.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида, таржимонга ҳам қонун бир қатор мажбуриятларни юклайди. Хусусан, таржимон таржимани тўлиқ ва тўғри амалга ошириши, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таржима қилишдан асоссиз равишда бош торганлик, шунингдек суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чақируви бўйича келмаганлик учун таржимон ФПКнинг 146-моддасида белгиланган тартибда жаримага тортилади. Жарима солини-

ши таржимонни судга келиш ва таржима қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Гувоҳ ва эксперт сингари, таржимоннинг ҳам одил судловни амалга оширишдаги қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, у била туриб нотўғри таржима қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жинойи жавобгар бўлади, бу ҳақда у суд томонидан тилхат олиб огоҳлантирилади.

Суд процессида таржимон хизматидан, ҳаттоки процесс иштирокчилари бунга зарурат сезмаган ҳолларда ҳам фойдаланилади. Яъни, қонун талабига кўра, суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари таржимон вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳақли эмас.

Қайд этиш жоизки, таржимон, гарчи, ишни кўриш натижаларидан юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаса-да, унинг процессдаги иштироки айрим ҳолатларда судья ва бошқа шахсларни рад қилиш масаласини кўтариб чиқиш учун асос бўлиши мумкин. Хусусан, ФПКнинг 21-моддасига кўра, судья, шу иш илгари кўрилганида таржимон сифатида иштирок этган бўлса, у ишни кўриши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим.

Таъкидлаш лозимки, суд процессида таржимоннинг ўзига ҳам холислик борасида талаблар белгиланган. Хусусан, у ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим.

Агар таржимон тарафлар ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, уни рад қилиш тўғрисида ариза берилиши мумкин.

Таржимон ишни кўришда ҳар жиҳатдан холис бўлиши, низо тарафларига у ёки бу жиҳатдан алоқадор ва манфаатдор бўлмаслиги лозим. Таржимоннинг процессдаги иштироки кўп жиҳатдан одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи бошқа шахслар иштирокига ўхшашдир.

Булар қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, таржимон ҳам эксперт, мутахассис ва гувоҳ каби процессда ўз ташаббуси билан иштирок этмайди;

таржимон ишнинг кўрилиши натижаларидан юридик жиҳатдан манфаатдор эмас;

таржимоннинг суд процессидаги иштирокида ҳуқуқларга нисбатан мажбуриятларнинг кўплиги устувор аҳамиятга эгадир;

таржимон худди мутахассис ёки эксперт каби махсус билимларга, яъни, таржима соҳасидаги билимларга эга бўлган шахсдир.

Таржимоннинг процессдаги иштирокининг алоҳида, фақатгина унинг ўзига хос бўлган яна бир жиҳати шундаки, у суд процессида гувоҳ, эксперт ёки мутахассис каби янги маълумот бермайди. У ёки бу маълумотларга нисбатан ўз фикрини билдириш имкониятига эга эмас. Унинг асосий функцияси процесс иштирокчилари томонидан баён этилган сўзларни ёки суд томонидан тақдим этилган ҳужжатларни у тилдан бу тилга кўчириш ва таржима қилишда ифодаланади. Шу жиҳатдан уни том маънода одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс деб эътироф этиш учун асослар етарлидир.

Фуқаролик процессида таржимон иштироки ҳақида сўз борганда, бир қатор олимлар юридик таржиманинг муҳимлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурадилар. Жумладан, Ю.Н.Апасованинг фикрича, “юридик таржимага оид суд таъминотига бўлган ҳуқуқ тобора долзарб масала бўлиб қолмоқда. Олимнинг фикрича, бундай ҳуқуқ ҳозирги кунга қадар етарли даражада ўрганилмаган, англаб, таъриф қилинмаган ва тегишлича шарҳланиб, тушунтириш берилмаган”². Муаллифнинг таъкидлашича, “Россия қонунчилигида таржимон ва унинг касбий тайёргарлиги (маълумоти) борасида касбий компетентлик ва малака (биринчи навбатда – касбий предмети-ихтисослашган) талаблар ўрнатилмаган”³.

Қайд этиш жоизки, миллий қонунчилигимизда ҳам суд мажлисида иштирок этадиган таржимоннинг касбий ва малакавий сифатлари борасида аксарият ҳолларда аниқ талаблар белгиланмаган.

М.Астановнинг таъкидлашича, “суд амалиётида баъзида суд ходимлари ҳам таржимонлик вазифасини бажарадилар. Айрим ҳолларда эса, у ёки бу тараф томонидан таклиф қилинган таржимон суд мажлисида қатнашади. Лекин, уларнинг судда таржимон сифатида тайинланганлиги суд ҳужжати билан расмийлаштирилмайди. Шунга кўра, М.Астанов иш бўйича таржимонни тайинлаш тўғрисида суд ажрим чиқариши лозимлиги, унда таржимоннинг ваколатини тасдиқловчи ҳолатлар (маълумоти ёки иш амалиёти) баён қилиниши ва таржимонга қўйиладиган талаблар ҳамда таржимонлик хизмати учун ҳақ тўлаш тартиби қайд этилиши лозимлигини таклиф қилади”⁴.

2 Ю.Н.Апасова. Право на юридико-переводческое судебное обеспечение. Право и образование. №6 июнь 2020 г. 137-б.

3 Шу манба, 140-б.

4 Астанов М. Хўжалик судида таржимон иштироки. // Олий хўжалик суди ахборотномаси. № 1/2015. 38-б.



Юқоридаги масалаларнинг мавжудлиги ушбу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруратини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, одил судловга кўмаклашиш институти самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд процессида таржимон иштироки ва ҳуқуқий мақомига оид айрим қуйидаги муаммоларни санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчилигимизда ишда иштирокчилар ҳуқуқларига оид нормаларда уларнинг таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи акс эттирилмаган. Фақатгина, юқорида таъкидлаганимиздек, ФПКнинг 11-моддасида суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга ... Кодексда белгиланган тартибда таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади, деб умумий маънода кўрсатилган бўлса, фақатгина 59-моддада экспертнинг “ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш” ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Бироқ, процесснинг асосий ва муҳим иштирокчилари бўлмиш ишда иштирок этувчи шахслар, шу жумладан, тарафлар, шунингдек, гувоҳлар ва бошқа иштирокчилар ҳуқуқларига оид нормаларда таржимон хизматидан фойдаланишга оид ҳуқуқлар белгиланмаган. Бу эса, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда айрим ноаниқликларга сабабчи бўлиши мумкин, назаримизда.

Иккинчи муаммо шундаки, амалиётда суд процессида таржимонни жалб этиш етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаган. Кўп ҳолларда, амалиётда судья суд ходимларидан бири, девонхона мудир, архивариус ёки судья ёрдамчиларидан бирини ушбу ишни бажаришга жалб этиши мумкин. Бу ходимларнинг таржимонлик вазифасини амалга ошириш учун етарли билим ва малакага эга бўлмаганлиги, айрим ҳуқуқий атамаларни керакли жой-

ларда қўллай олмасликлари сабабли таржимон вазифалари судда раислик қилувчининг ўзи томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса, баъзи ҳолларда процесс иштирокчиларининг эътирозларига сабабчи бўлмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда таржимон хизмати га ҳақ тўлашда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Бу ҳолат одил судловда профессионал таржимон хизматидан фойдаланиш борасида айрим қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Шу билан, бизнингча, амалдаги қонунчиликда процессда таржимон иштирокига оид айрим нормаларни такомиллаштириш, хусусан, суд процесси иштирокчилари учун таржимон хизматидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, таржимон хизмати учун ҳақ тўлаш тартиб ва механизмларини бир қадар осонлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча равишда фуқаролик процессида таржимон иштирокчини янада такомиллаштириш ва уларнинг тўлиқ тажрибали ва ҳуқуқий таржимонлик билимини оширилиши лозим. Бунинг ечими сифатида, республика миқёсида таржимонлар базасини, айнан ҳуқуқий таржимонлар тизимини яратиш, уларни электрон кўринишига келтириш лозим. Яъни, уларга керакли ҳуқуқий таржимонлик билим ва кўникмаларини бериш, марказий сертифицилаш ва уларни битта базада сақлаш, бундан ташқари судья ва бошқа суд иштирокчилари ушбу электрон базадан хоҳлаган таржимонини танлаб судга таклиф қилиш имкониятини яратиш таклиф этилади.

Бунга мисол тариқасида Америка Қўшма Штатлари судларининг маъмурий идорасини мисол келтиришимиз мумкин. Унга кўра айнан суд ишларида иштирок этадиган таржимонларни махсус имтиҳон орқали сертифицикатлаш тизимини амалда қўллаб келишмоқда⁵.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки таржимоннинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш суд процессининг самарали ўтишини таъминлайди.

#

5 АҚШ судларининг маъмурий идораси расмий веб сайти. Линк: <https://www.uscourts.gov/services-forms/federal-court-interpreters/federal-court-interpreter-certification-examination>

Фарход БОЙТУРАЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши самарали механизми яратишнинг айрим масалалари муҳокама қилинади. Давлат харидларини амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини таҳлил қилиш, харидларда коррупцияга қарши механизмини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются некоторые вопросы создания эффективного антикоррупционного механизма в сфере государственных закупок Республики Узбекистан. Особое внимание уделяется анализу коррупционных рисков, возникающих в осуществлении государственных закупок, рассмотрению механизма противодействия коррупции в сфере закупок для ее дальнейшего совершенствования.

ABSTRACT. The article discusses some issues of creating an effective anti-corruption mechanism in the field of public procurement of the Republic of Uzbekistan. Particular attention is paid to the analysis of corruption risks in public procurement, consideration of the mechanism of combating corruption in procurement for its further improvement.

Калит сўзлар: Давлат харидлари, коррупция, коррупцияга қарши механизм, коррупциянинг сабаблари, суистеъмолчилик, талон-торожлик, жамоатчилик назорати.

Ключевые слова: Государственные закупки, коррупция; антикоррупционный механизм; причины коррупции; злоупотребление, хищение, общественный контроль.

Keywords: Public procurement, corruption; anti-corruption mechanism; causes of corruption; abuse, embezzlement, public control.

Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат харидлари соҳасида учраётган коррупция ҳодисасига жиддий муаммолардан бири сифатида ёндашилмоқда ва унга қарши курашишнинг самарали механизми яратиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда.

Шу жумладан, бугунги кунда давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш миллий миқёсдаги давлат сиёсатининг ҳам асосий вазифаларидан биридир. Хусусан, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури 15-бандида давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш механизмларидан бири сифатида “Давлат харидлари соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларни олдини олиш чораларини кўриш” назарда тутилган¹.

Шунингдек, Республикада Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга тадбиқ қилиниши ва Ўзбекистон Республика-

си Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарорига 1-илова: “Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” да² давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий омилларни бартараф қилишга алоҳида урғу берилиши мазкур муаммонинг нечоғлиқ долзарблигини кўрсатади.

Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг норматив-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунида белгилаб берилиб, ушбу қонунда давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик, рақобат ва ҳолислик каби принциплар баён қилинган³.

Давлат хариди – товар (иш/хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш жараёни бўлиб, давлат харидларининг ва-

1 “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/6000285>

3 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5382974>



зифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир⁴.

Жуда кўплаб хорижий мамлакатларида давлат харидлари улуши Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг қарийиб учдан бир қисмини эгаллайди⁵. Ўзбекистонда 2019 йилда давлат харидлари умумий ҳисобда 97,9 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 19,1 фоизни ташкил қилган⁶. Шунингдек, Республика Товар хом ашё-биржаси маълумотларига кўра, 2021 йил якунларига кўра, давлат харидлари бўйича электрон савдо тизими xarid.uzex.uz да жами 11,0 трлн сўмлик 1 млндан зиёд битимлар тузилган бўлиб, 2020 йил билан солиштирганда тузилган битимлар сон жиҳатдан 33,6 фоизга, ҳажми бўйича 2,6 маротабага ўсган⁷.

Бундан кўриниб турибдики, давлат харидлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун эса ўз товар, иш ва хизматларини реализация қилишнинг ажойиб имконияти бўлиши билан бир қаторда, мамлакатда ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг асосий базисларидан биридир.

Албатта, ушбу жараёнларда мўмай-ноқунуний даромад илинжидаги айрим шахсларнинг коррупцион хатти-ҳаракатлари, давлат буюртмачиси (давлат ташкилоти) ва харид иштирокчиси (тадбиркор) ўртасида тил бириктириш, талон-торожлик, суиистеъмолчилик ҳолатлари жараёнлардан кўзланган мақсад ва ижобий натижаларга эришиш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Мазкур жараёнлардаги коррупциянинг моҳияти моддий ёки номоддий наф олишни кўзлаб мансаб ёки хизмат ваколатини суиистеъмол қилишни ўз ичига олади. Бундай ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, коррупция ҳодисаси барча харид жараёнларида, режалаштиришдан тортиб, харид ижросигача бўлган жараёндаги харид иштирокчилари-

нинг позицияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Фикримизча, давлат харидларини амалга оширувчи давлат буюртмачиси фаолиятини мониторинг қилиш давомида коррупциянинг юзага келаётганлиги ёки коррупцион хавф-хатарлар ҳақида қуйидаги белгилар бевосита ёки билвосита намоён бўлиши мумкин.

Хусусан, ушбу белгилар сифатида харид иштирокчисининг рақобатга асосланган харид тартиб-таомилларини четлаб ўтишга уринишлари, харид ижросисининг қонун талабларига зид тарзда тўғридан-тўғри танланиши, бунда харидлар ҳажмида тўғридан-тўғри шартномалар улушининг сезиларли тарзда катталиги, харидларни амалга оширишда бир ёки бир нечта маҳсулот етказиб берувчининг мунтазам равишда танланаётганлиги, харидларни қисмларга бўлиш, техник топшириқларни тузишда аниқ товар белгисига ёки номига, патентга, конструкцияга ёки моделга, у мансуб бўлган муайян манбага ёки ишлаб чиқарувчига, эксклюзив ваколатли ҳуқуққа доир талаблар ёки ҳаволалар берилиши, харидларни ўртача бозор нархларидан қиммат нархларда амалга ошириш кабиларни баён қилиш мумкин.

Таҳлиллар давомида, давлат харидлари соҳасидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи қуйидаги сабаблар намоён бўлмоқда:

Фикримизча, ушбу жараёнлардаги коррупциянинг сабабларидан бири сифатида тадбиркорлик субъектларида давлат буюртмачининг холислигига ишончининг пастлигини келтириш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари электрон савдоларида 4 фоизгина тадбиркорлик субъектлари иштирок этмоқда⁸.

Давлат харидларида тадбиркорлик субъектларининг бундай озчилик улушда қатнашаётганликлари ҳолатининг факторли таҳлили давлат буюртмачилари томонидан қонун бузилишлари содир этилишига имкон бераётган бир қанча шарт-шароитларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

Биринчидан, давлат харидлари жараёнидаги айрим давлат буюртмачиларининг таниш-билишчилик асосида ижрочиларни танлашлари ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари содир

4 Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.

5 Борисова Е.Р. Антикоррупционный механизм в контрактной системе государственных закупок // Вестник Российского университета кооперации. – 2019. - №2 (36). – С.113-116

6 “Ўтган йили 35 мингдан ортиқ шартнома давлат харидлари порталига жойланмагани маълум бўлди” // <https://kun.uz/news/2022/07/08/senatda-2021-yilgi-davlat-budjetining-ijrosi-tanqid-qilindi>.

7 “Давлат харидларини электрон шаклда амалга ошириш ҳисобига 1,7 трлн сўм давлат маблағлари тежалди” // Республика товар-хом ашё биржасининг Интернет тармоғидаги <https://telegra.ph/Davlat-haridlarini-ehlektron-shaklda-amalga-oshirish-%D2%B3isobiga-17-trln-s%D1%9Em-davlat-mabla%D2%93lari-tezhaldi-01-07> маълумотлари

8 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь // [https://nrm.uz/contentf?doc=646642_o%E2%80%9898zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2020_yil_29-dekabr\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=646642_o%E2%80%9898zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_29-dekabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

бўлмоқда.

Мисол учун, Андижон вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича 59,2 млрд. сўмлик объектлар қурилиши ишлари учун “Milano Biznes Servis” МЧЖ ва “Andijon ihlos qurilish” МЧЖ билан пудрат битими тузилган бўлиб, мазкур корхоналарнинг 100 фоиз улуши давлат буюртмачиси раҳбари Қодиров Мухиддин Абдураимовичга тегишли эканлиги билдирилган⁹.

Ушбу қонун бузилишининг содир этилиши сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил қилинганда, харид ғолибини аниқлаш жараёнида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳуқуқбузарликлар содир қилишни олдиндан тийиб туриш механизмнинг самарали фаолият юритмаётганлиги, давлат харидлари устидан назорат соҳасида “инсон омили” етарлича бартараф қилинмаганлиги каби омиллар аниқланди.

Қолаверса, давлат харидлари соҳасидаги мавжуд назорат тизимида янги инновациялар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари юқори даражада эмас. Натижада назорат органлари кўп ҳолатларда постфактум ҳолатида (режали назорат тадбирлари, мурожаатлар асосида) ишламоқда ва давлат харидларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда етарлича самарадорликка эришиб бўлмапти.

Иккинчидан, ушбу жараёнлардаги қонун бузилишларининг латентлик (фош қилинмаслик) даражаси юқори бўлишига мамлакатимизда компанияларнинг бенефициарларнинг (пировардида мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс) реестри юритилмаслиги ва очиқ эълон қилиб борилмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳолбуки, айрим хорижий мамлакатларда (Дания, Эстония, Шотландия, Уэлс, Словакия, Шимолий Ирландия, Португалия, Норвегия, Молдова, Литва, Кипр, Исландия, Греция, Босния ва Герцеговина) охириги бенефициар мулкдорлар ягона давлат реестри шакллантирилиши ва барча жамоатчилик учун тўлиқ очиқ бўлиши мазкур жараёнларда жамоатчилик назорати самардорлигини ошириш ва коррупцияни тийиб туришнинг муҳим дастаги бўлган.

Учинчидан, маҳаллий тадбиркорлар ўртасида ўтказилган интервью шаклидаги сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда давлат буюртмачилари томонидан рақобат тамойилларига зид равишда иштирокчиларга сунъий оширилган талаблар ишлаб чиқишлари ёки ҳеч бир асосиз талабгорларнинг таклифларини қабул қилмаслик ҳолатлари ҳам уч-

раб турибди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур қонун бузилишлари юзасидан ҳаммиша ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга шикоятлар берилмайди. Шунга кўра, ушбу жараёнларда давлат харидлари соҳасидаги қонун бузилишлари юзасидан шикоят қилишнинг самарали тизимини яратиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Ушбу соҳада ижобий хорижий тажриба Украинада (<https://dozorro.org/>) яратилган бўлиб, ушбу тизим яратилиши оқибатида давлат буюртмачилари нафақат аниқ маҳсулот етказиб берувчиларга баҳо беришлари, балки жамоатчилик фикри билан танишишлари ва жамоатчилик фикри асосида харид жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритишлари ва ўз риск-менежмент тизимини яратиш имкониятига бўлишган. Қолаверса, Украинада яратилган ушбу давлат харидлари соҳасидаги махсус ахборот платформаси мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги халқаро рейтинг ва индексларидаги ўрни янада яхшиланишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Тўртинчидан, энг яхши таклифларни танлаш ва тендерлар жараёнида умумий ва малакавий талаблар ва техник топшириқлардаги талаблар етарлича норматив-ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги оқибатда мазкур талаблар давлат буюртмачилари томонидан субъектив баҳолаш асосида белгиланмоқда. Шунингдек, даврий такрорланувчи айрим турдаги товарлар, ишлар хизматлар бўйича намунавий техник топшириқ ва техник иқтисодий асослар ишлаб чиқиш ҳам жараёнлардаги коррупциявий хавф-хатарларни камайтириши мумкин.

Бунинг оқибатида, давлат буюртмачилари томонидан “келишиб олинган” ижрочиға норасмий тарзда техник топшириқни ишлаб чиқишни юклаш ва бошқа ижрочиларга ортиқча малака талаблари қўйиш кўринишидаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Бешинчидан, давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги, тарқоқ ҳолатда ва унификация қилинмаганлиги, шунингдек аксарият ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинмай, ҳуқуқий бўшлиқлар сақланиб қолаётганлиги оқибатида турли коррупцион схемаларнинг фаолиятига шарт-шароит яратилмоқда.

Мисол учун, янги таҳрирдаги “Давлат харидлари тўғрисида” қонунга мувофиқ, харид комиссиясини шакллантириш давлат буюртмачисининг субъектив ихтиёрига ҳавола қилинган. Мазкур давлат буюртмачилари раҳбарлари томонидан корруп-

9 “Андижонда давлат буюртмаларини буюртмачининг ўзига тегишли компаниялар тақсимлаб олгани маълум бўлди” // <https://daryo.uz/k/2020/12/25/andijonda-davlat-buyurtmalarini-buyurtmachining-oziga-tegishli-kompaniyalar-taqsimlab-olgani-malum-boldi/>



ция ҳолатлари содир этишларига, хусусан харид комиссиясини ўзига итоаткор қўл остидаги ходимлар таркибидан шакллантириши, ўзининг маъмурий ресурсларидан фойдаланиб, харид комиссия аъзоларига таъсир кўрсатишига ва оқибатда “олдиндан келишилган” харид иштирокчиларининг ғолиб бўлишларига имкон бериши мумкин.

Олтинчидан, давлат харидлари соҳасидаги очиқликнинг ҳануз етарлича таъминланмаётганлиги коррупциянинг олдини олиш жараёнларидаги самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, харид тартиб-таомили ўтказилгандан кейинги жараёнлар: маҳсулот етказиб бериш ва ишлар бажарилганлигини қабул қилиш бўйича маълумотлар жамоатчилик учун “ёпиқ тизим” бўлиб қолмоқда.

Давлат харидлари марказий ахборот портали “бош саҳифаси” да давлат харидлари ҳажми, статистикаси, шу жумладан ҳар бир вилоят, ҳудудлар, вазирлик, харид тартиб-таомили тури (электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш, тендер, тўғридан-тўғри шартномалар) кесимида йўзма маълумотларни махсус ахборот порталида эълон қилиб бориш ҳамда маълумотларнинг кенгайтирилган қидирув тизими (бир нечта филтър элементлари бўйича маълумотларни кўриш ва таҳлил қилиш) имкониятларини ошириш орқали тизимлаштириш, ҳар бир давлат хариди субъекти (ҳам буюртмачи, ҳам ижрочи) кесимида давлат хариди бозоридаги иштироки ҳақидаги маълумотларни жамлаш имкониятини берувчи тизимни шакллантириш орқали ушбу жараёнларда очиқлик ва коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш мумкин.

Фикримизча, соҳадаги коррупцион хавф-хатарлар даражасини пасайтириш ва самарали коррупцияга қарши механизмларни яратиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1. Давлат харидлари марказий ахборот портали (ДХМАП) базасида тегишли электрон маълумотлар базаси билан давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталининг маълумотлар алмашинувини таъминлаш орқали назорат органлари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ хавфларни онлайн аниқлаш имконини берувчи электрон тизимни жорий қилиш. Бунда:

давлат харидларининг электрон тизимларида электрон харидлар иштирокчилари томонидан ўз

таклифларини киритишда буюрмачи ташкилот ва унинг юқори турувчи ташкилоти ходимлари, харид комиссияси аъзолари ва уларнинг қариндошлари манфаатлар тўқнашуви онлайн тарзда аниқланиб, давлат харидлари бўйича назорат органларига хабар берилишини ташкил этиш;

масофавий мониторинг ўтказиш тартиби ва жараёнининг ахборот таъминотини автоматлаштириш; қонунчиликда масофавий мониторинг давомида аниқланган хавф-хатарлар бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

2. Давлат харидлари устидан жамоатчилик назорати кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан очиқ маълумотлар базасини кенгайтириш, жумладан бенефициарларнинг очиқ электрон реестрини юритиш, давлат харидлари марказий ахборот портали ва операторларнинг портали билан ишлаш интерфейсини янада соддалаштириш, очиқ маълумотларни қидириш, филтър асосида жамлаш, таҳлил қилиш имкониятини яратиш, бошқа давлат органларининг маълумот базаларига интеграциялашган текшириш қилиш орқали маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек харид ижрочисини танлашдан кейинги босқичлар, товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг ҳам очиқлигини таъминлаш;

3. Давлат харидлари бозорини кенг реклама қилиш, соҳада олиб борилаётган ислохотлар рақобат муҳитини тўлақонли таъминлашига имкон бериши ҳақида ижтимоий фикрни тадбиркорлик субъектлари орасида тарғиб қилиш. Давлат харидларига оид эълонларни товар (иш, хизматлар) кесимида гуруҳлаб, махсус Telegram ботлари, “Facebook” ва “Instagram” орқали юборилишини таъминлаб, имкон қадар кўп тадбиркорларни харид жараёнига жалб қилиш орқали рақобатни кучайтириш;

4. Давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилган ҳолда, унификация қилиш, коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш;

5. Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида “жамоатчилик назорати” саҳифасини яратиш, бунда ҳар бир лотдаги давлат хариди бўйича жамоатчилик вакиллари томонидан ўз фикрини билдириш ёки изоҳ қолдириш ва муҳокама қилиш ҳамда ушбу харид бўйича назорат қилувчи органларга онлайн шикоят қилиш имкониятини яратиш.

#

Садирдин БОЙДЕДАЕВ,
Давлат хавсизлик хизмати Академияси
мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯВИЙ ҚИЛМИШЛАР МАЗМУНИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада муаллиф коррупциявий қилмиш тушунчасига турлича ёндашувларни таҳлил қилади, “коррупциявий қилмиш” ва “ҳуқуқбузарлик” тушунчалари белгиларини, бундан ташқари, коррупция жиноятлари шакллари, кўринишлари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, мақолада коррупцияга қарши курашга оид айрим халқаро ҳуқуқий стандартларнинг талаблари тавсифланган. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш учун тизимли чоралар кўриш юзасидан қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ. В статье автором анализируются различные подходы к понятию коррупционного деяния, рассматриваются признаки понятий «коррупционное деяние» и «правонарушение», помимо этого, изучены формы и проявления коррупционных преступлений. Также в статье определены некоторые требования международных правовых стандартов касательно борьбы с коррупцией. При этом рассмотрены новации, вносимые в национальное законодательство в рамках системных мер по борьбе с коррупцией и представлены соответствующие выводы и рекомендации.

ANNOTATION. In the article, the author analyzes various approaches to the concept of an act of corruption, considers the signs of the concepts of «act of corruption» and «offense», in addition, the forms and manifestations of corruption crimes are studied. The article also defines some requirements of international legal standards regarding the fight against corruption. At the same time, innovations introduced into national legislation as part of systemic measures to combat corruption are considered and relevant conclusions and recommendations are presented.

Калит сўзлар. Коррупция, коррупцияга қарши қонунчилик, коррупциявий қилмиш, коррупциявий ҳуқуқбузарлик, коррупция жинояти шакллари.

Ключевые слова. Коррупция, антикоррупционное законодательство, коррупционное деяние, коррупционное правонарушение, формы коррупционных преступлений.

Key words. Corruption, anti-corruption legislation, act of corruption, corruption offense, forms of corruption crimes.

Кириш.

Коррупция ижтимоий ҳодиса сифатида тизимли тусга эга, бу унинг такрор ва такрор содир этилиши, оммавийлиги, тарихан ўзгарувчан бўлсада, асосий негизи ягоналиги, ижтимоий аҳамият касб этиши каби хусусият ва белгилари билан тақозо этилади. Коррупциядан иборат ҳуқуқбузарлик фош этилгунига қадар, уни аниқлаш ва рўйхатга олишга тўсқинлик қилувчи турли хил латент кўриниш ва шаклларга эга бўлади. Бу қилмишларни қайд этиш ва уларга юридик жиҳатдан қонуний баҳо бериш имкониятини сезиларли даражада мураккаблаштиради. Бироқ, кўплаб давлатларда коррупция амалиёти кўлами жуда кенг бўлиб, улар тизимли тусга эга, чунки нафақат сиёсатчилар ва мансабдор шахсларни қамраб олади, балки нодавлат соҳага, жумладан, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларга ҳам кириб боради.

Методлар ва материаллар

Мазкур илмий мақолани тайёрлашда илмий билишнинг мантиқий ва илмий услубларидан фойдаланилган, хусусан, мантиқий таҳлил, синтез, тари-

хий, қиёсий-ҳуқуқий каби услублар қўлланилган. Бундан ташқари, эмпирик материаллар, хусусан статистика маълумотлари, ижтимоий сўров натижалари, хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти таҳлил қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган давлат хизматчилари жавобгарлиги масалаларига давлатимиз эътибори тобора кучаяётган шароитда коррупциянинг назарий тушунчасини алоҳида ўрганиш лозим¹. Коррупция ва унга қарши курашиш муаммоларига бағишланган илмий ишларда энг астойдил муҳокама қилинадиган ва мунозарага сабаб бўладиган масалалардан бири – бу айнан коррупция тушунчасидир.

Коррупция (лот. corrumpere – “йиринглаб кетиш, заҳарланиш”) – бугунги кунда бу термин лотин сўзи маъносидан анча кенгроқ семантик мазмун касб этади, маъно жиҳатидан мансабдор шахслар томонидан ўзига берилган ваколатларидан, қонун ва ахлоққа зид равишда шахсий манфаатини кўзлаб фойдаланишни англатувчи термин ҳисобланади.

1 Штаненко В.И. Увольнение военнослужащих как мера ответственности за совершение коррупционных правонарушений // Военно-юридический журнал. 2012. N 3. С. 18 - 21.



Аксарият ҳолларда ушбу термин бюрократик аппарат ва сиёсий элитага нисбатан қўлланилади².

Коррупция шахсий манфаат йўлида мансаб ваколати ёки ҳокимиятни суиистеъмом қилиш деб таърифланади³. Гарчи айримлар коррупцияни “иқтисод ғилдирагини мойлаш воситаси”⁴ сифатида кўрсаларда, унинг жамиятга, умумий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги тасаввур умумий эътироф қилинган. Ҳозирги вақтда “коррупция” атамасининг бир қанча таърифлари мавжуд бўлиб, миллий тадқиқотларда коррупциянинг учта таркибий элементига урғу берилади: пора олиш, пора бериш, пора олди-бердисида воситачилик⁵. Шунга кўра, ушбу масалани яқиндан ўрганиш ва олимлар, тадқиқотчилар фикрларини таҳлил қилиш негизида мақбул илмий-назарий таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, бирор ҳодисасига таъриф беришдан олдин, унинг моҳиятини, мазмунини тушуниб олиш лозим. Коррупция, хумусан коррупциявий қилмиш (ҳуқуқбузарлик, жиноят) ҳақида сўз борганда, энг аввало халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга юзланиш мақсадга мувофиқ, чунки айнан уларда коррупциявий жиноятларга қарши курашишнинг илк стандартлари ва концептуал қарашлари намоён бўлган.

Илмий муҳокама

1995 йилда Европа Кенгашининг Коррупция бўйича соҳалараро гуруҳи томонидан коррупцияга таъриф берилган эди, яъни бу – «порахўрлик ва давлат ёки хусусий секторда муайян вазифаларни бажариш топширилган шахслар томонидан ўзининг ёки бошқалар манфаати учун қонунга хилоф равишда фойда олиш мақсадида давлат мансабдор шахси, хусусий хизматчи, мустақил агент ёки бошқа ҳар қандай давлат мақомидаги шахсга юкланган вазифалар бузилишига олиб келган қилмиш» тушунилади⁶.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассам-

блеяси томонидан 1979 йилда қабул қилинган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси коррупция тушунчасига таъриф беришни миллий қонунчилик ваколатига ҳавола қилади, аммо айна вақтда коррупциянинг тахминий тушунчасини очиб беради: бу – мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатлари доирасида мансаб манфаатларини бузган ҳолда ёки уларни бузмасдан, ҳар қандай шаклда ҳақ эвазига пора берувчининг манфаатларини кўзлаб содир этиладиган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик⁷. Айтиш лозимки, бундай тушунча жуда тор ва коррупцияни фақат мансабдор шахсининг пора эвазига оғдириш сифатида тавсифлайди, ваҳоланки коррупция феномени анча кенгроқ ҳодисадир.

МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро ассамблеяси мажлисларида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (1999 йил 3 апрел) ва “Коррупцияга қарши кураш сиёсати тўғрисидаги қонунчилик асослари тўғрисида”ги (2003 йил 15 ноябр) Модел қонунлар қабул қилиниб, уларда ҳам коррупция тушунчаси мавжуд эди.

Биринчи қонунда мазкур тушунчага қуйидаги таъриф берилган: “коррупция (коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар) – бу давлат мансабдор шахслари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар томонидан, ўз мансаб ваколатлари ва улардан келиб чиқадиган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мулкӣ манфаатлар ва имтиёзларни шахсан ёки воситачилар орқали қабул қилиб олиши, худди шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар томонидан уларни юқоридаги манфаат ва имтиёзларни ҳуқуққа хилоф равишда бериш эвазига оғдириш”⁸.

Кейинги модель қонун ҳужжатида коррупция деганда “пора эвазига оғдириш (пора олиш ёки бериш), шахс томонидан жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид ҳолда, ўзи ёки яқинлари

2 Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Международные стандарты в сфере справедливого правосудия и их реализация в Республике Узбекистан: учебник. – Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан. 2020. – Б.210.

3 Svensson J. Eight questions about corruption / J. Svensson // The Journal of Economic Perspectives. – 2005. – Vol. 19, № 3. – P. 19–42; Park H. Determinants of corruption: A cross-national analysis / H. Park // The Multinational Business Review. – 2003. – Vol. 11, № 2. – P. 29–48; Klaveren V. J. van. The concept of corruption / V. J. van Klaveren // Political Corruption / ed. by A. J. Heidenheimer, M. Johnston, V. T. LeVine. – New Brunswick, NJ: Transaction Publishers, 1989. – P. 89–91; Heidenheimer A. J. Perspectives on the perception of corruption / A. J. Heidenheimer // Political Corruption / ed. by A. J. Heidenheimer, M. Johnston, V. T. LeVine. – New Brunswick, NJ: Transaction Publishers, 1989. – P. 149–163.

4 Meon P.-G. Does corruption grease or sand the wheels of growth? / P.-G. Meon, K. Sekkat // Public Choice. – 2005. – Vol. 122. – P. 69–97.

5 С.Уралов. Коррупциявий элемент сифатида яширин иқтисодиётнинг криминалогик жиҳатлари. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 92 бет; Шамсутдинов Б.С. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

6 Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. М.: НОРМА, 1999. С. 337.

7 Максимов В.К. Ўша асарда. С. 17

8 Модельный закон «О борьбе с коррупцией». Принят в г. Санкт-Петербурге 03.04.1999 Постановлением 13-4 на 13-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ. URL: <http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=INT;n=13604> (дата обращения: 24.02.2013).

учун фойда кўриш (мол-мулк, хизматлар ёки имтиёзлар ва/ёки устунликларга, шу жумладан номулкий тусдаги эга бўлиш) мақсадида ўзининг оммавий мавқеидан ҳар қандай тарзда қонунга хилоф фойдаланиш, ёки кўрсатилган шахсга қонунга хилоф равишда бундай фойда бериш⁹ тушунилади. Ушбу модел қонунларда белгиланган коррупция тушунчалари коррупция феноменини нисбатан тўлиқ тавсифлашига қарамай, улар МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топмади, аммо улар коррупцияга қарши миллий қонунчиликни яратиш асосларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қонунчиликда коррупция тушунчаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли қонун (кейинги ўринларда – Қонун) 3-моддасида келтирилган бўлиб, қонун чиқарувчи томонидан коррупция – бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдан иборат¹⁰.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш сифатида белгиланган.¹¹

Коррупциявий қилмишни очиб беришдан аввал, бу масаладаги илмий қараш ва фикрлар билан танишиб чиқамиз. Хусусан, А.В. Кудашкин наздида, коррупциявий қилмиш остида фақат коррупциявий жиноятларни тушуниш коррупцияга қарши курашиш амалиётига мос эмас,¹² унингча, коррупция қилмишлари қуйидагиларда намоён этади:

коррупция билан боғлиқ жиноятларда (ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда моддий ва пул ресурсларини талон-тарож қилиш, пора бериш, пора олиш, тижоратда пора эвазига оғдириш ва бо-

шқалар);

коррупциявий маъмурий ҳуқуқбузарликларда (ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда моддий ва пул маблағларини майда миқдорда талон-тарож қилиш, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ва бошқа майда ҳуқуқбузарликлар)¹³;

интизомий ҳуқуқбузарликларда (интизомий жазо назарда тутилган коррупцияга қарши тақиқлар ва чекловларга риоя қилмаслик учун ўз мақомидан фойдаланган ҳолда муайян имтиёзлар олиш ёки муайян мажбуриятларни бажармаслик);

тақиқланган фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузишда (масалан, учинчи шахслар томонидан давлат мансабдор шахсига кўрсатилган хизмат учун берилган совғани қабул қилиш ёки совға бериш, бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар)¹⁴.

Демак, А.В.Кудашкин коррупция ичида коррупцияга оид жиноятлар ва бошқа ҳаракатлар – жиний қилмиш бўлмаган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ажратиб кўрсатади. Назарий жиҳатдан “ҳуқуқбузарлик” тушунчаси кенг бўлиб, унга жиний ҳуқуқбузарлик ҳам кириди¹⁵. Шунинг учун, бизнингча, коррупция кўринишларининг барча шакллари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар деб ҳисобланиши тўғридир.

Ўз навбатида, А.В. Куракин, коррупциявий қилмишлар, асосан давлат хизмати тизимидаги ҳодиса сифатида давлат хизматчиси томонидан шахсан ёки воситачилар орқали мулкӣ манфаат олиш, давлат хизматчисининг ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда мансабни суиистеъмол қилиш, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан давлат хизматчисига пора бериш шаклларидаги турли ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўз ичига олишини таъкидлайди¹⁶.

Коррупциявий қилмишни шакллантиришда дуч келиш мумкин бўлган мураккаблик – бу коррупциявий қилмишни белгилашда қайси мезонларга (асослар) таяниш ва айнан нималарни унга киритиш аниқ ва якуний келишиб олинмаганлиги.

9 Модельный закон «Основы законодательства об антикоррупционной политике». Принят в г. Санкт-Петербурге 15.11.2003 Постановлением 22-15 на 22-м пленарном заседании Межрегиональной Ассамблеи государств - участников СНГ. URL: <http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=INT;n=26950> (дата обращения: 24.02.2013).

10 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

11 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

12 Кудашкин А.В. Антикоррупционная экспертиза: теория и практика: Научно-практическое пособие. М.: Норма, Инфра-М, 2012 // СПС «КонсультантПлюс».

13 Собрание законодательства Российской Федерации. 2002. N 1 (ч. 1). Ст. 1.

14 Кудашкин А.В. Ўша асарда.

15 Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: Учебник. 3-е изд. М.: Дело АНХ, 2009. С. 443; Хропанюк В.Н. Теория государства и права: Учебное пособие для высших учебных заведений / Под ред. проф. В.Г. Стрекозова. М.: Интерстиль, 2000. С. 333.

16 Куракин А.В. Административно-правовые средства предупреждения и пресечения коррупции в системе государственной службы Российской Федерации: Автореф. дис. ... д.ю.н. Люберцы, 2008. С. 9.



Чунки коррупциявий қилмишни белгилаб олмас эканмиз, коррупциявий ҳолатлар сонига кўра олинган аниқ ўлчов-натижалар ҳам амалда малакатда (соҳада, тармоқда) манзарани кўрсатишда бефойда бўлиши мумкин. Статистик маълумотлар фақат коррупция билан боғлиқ жиноятларга алоқадор айбдорлар сони ва бошқаларни аниқ бериши мумкин, аммо коррупция қилмишлар латентлиги юқори, аксарият майда ҳолатлар аниқланмай, жазосиз қолиб кетади.

Қолаверса, барча коррупциявий ҳолатлар бир-бирига тенг эмас – кичик коррупциявий ҳолат (майда порахўрлик)ни давлат тендерларидаги йирик ҳажмдаги мансабдорлик жиноятлардан фарқи бор. Ваҳоланки, бундай фарқлар жиноятлар статистикасидан ўрин олмайди.

Шунинг учун, коррупциявий қилмишни белгилашда унинг энг ҳавфли кўриниши – коррупциявий жиноят доирасини белгилаш мақсадга мувофиқ кўринади. Бунинг учун яна халқаро стандартларга муурожаат этиш жоиз.

БМТ Конвенциясининг 3-бобида (“Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”) коррупциявий жиноятларни криминализация қилишга оид стандартлар белгиланган бўлиб, улар икки қисмга ажратади: иштирокчи Давлатлар томонидан криминаллаштириш, яъни жиноят деб эътироф этиш шарт бўлган ва криминаллаштириш ихтиёрий бўлган жиноятлар¹⁷.

Криминаллаштириш шарт бўлган жиноятларга қуйидагилар киради:

- давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги (15-модда);
- хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш (16-модда 1-қисми);
- давлат мансабдор шахси томонидан мол-мулкнинг талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши (17-модда);
- жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш (23-модда);
- одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (25-модда).

Криминаллаштириш ихтиёрий бўлган коррупциявий жиноятлар сифатида қуйидагилар белгиланган:

- хорижий давлат мансабдор шахслари ва халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахсларининг пора олиши (16-модда 2-қисми);
- ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмол

қилиш (18-модда);

- хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш (19-модда);
- ноқонуний тарзда бойлик ортирилиши (20-модда);
- хусусий секторда пора бериш (21-модда);
- хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши (22-модда);
- коррупциявий жиноят натижасида қўлга киритилган мол-мулкни яшириш (24-модда).

Шунингдек, Конвенция порахўрлик жиноятларини субъектига кўра иккига ажратиб, шу орқали миллий мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ҳамда хорижий давлат мансабдор шахслари ёки халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг порахўрлиги жиноятларини бир-биридан фарқлайди.

Жумладан, Конвенциянинг 15-моддасида миллий мансабдор шахсларнинг актив ва пассив порахўрлигига оид нормалар белгиланган. Унинг мазмунига кўра: актив порахўрлик – бу давлат мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида, бирор ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этишдир.

Демак, Конвенция иштирокчи Давлатлардан “пора бериш” билан биргаликда порани “таклиф қилиш” ёки “ваъда қилиш” учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш лозимлигини назарда тутади. Бундай нормалар эса, халқаро ҳамжамиятнинг юқоридаги ҳар учала турдаги қилмишни зарарли ва жазога сазовор, дея ҳисоблаш лозимлиги ҳақидаги нуқтаи назарини ўзида акс эттиради¹⁸.

Конвенцияга кўра, пассив порахўрлик – бу бирор мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирор ноқонуний афзалликни шахсан давлат мансабдор шахси томонидан ёки воситачилар орқали сўраш ёки қабул қилиб олишдир.

Мазкур норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда, давлат мансабдор шахсининг пассив порахўрлиги жиноятини икки категорияга ажратишимиз мумкин: порани қабул қилиш ва пора беришни сўраш. Пора олиш пора предметининг пора берувчидан бевосита ёки билвосита пора берувчига ўтиши орқали содир бўлади. Пора беришни сўрашда эса, пора

17 Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), pp. 76-77.35

18 Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83.38

олувчи мансабдор шахс бошқа бир шахсга ўзининг маълум бир ҳаракатни бажариши ёки бажаришдан тийилиши учун пора бериши лозимлигини маълум қилишида намоён бўлади¹⁹.

Конвенция пора беришни сўраш, пора беришни ваъда қилиш ҳамда пора таклиф қилиш каби ҳаракатлар содир этилганда, пора олувчи ва пора берувчи ўртасида келишув мавжудлиги ёғи мавжуд эмаслигидан қатъи назар, уларни тамомланган жиноят деб топишни назарда тутди.

БМТнинг асосий талаблардан бири – юқоридаги хатти-ҳаракатларнинг мансаб лавозими ёки хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда, шунингдек қасддан содир этилишидир²⁰.

БМТ Конвенциясининг 16-моддасида хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, хорижий давлатнинг ёки халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида бирор афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиши ёхуд юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахснинг шу каби бирор афзалликни қабул қилиши, сўраши ёки таклифни қабул қилиши, қачонки улар қасддан содир этилганда, коррупциявий жиноят сифатида эътироф этилади²¹.

Конвенциянинг 20-моддаси ноқонуний тарзда бойлик ортириш учун жавобгарликни белгилаш масаласини кўриб чиқишни тавсия этади. Мазкур модда мазмунига кўра, ноқонуний тарзда бойлик ортириш – бу давлат мансабдор шахси активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берилмайдиган даражада ошиб кетишидир.

Конвенция иштирокчи Давлатларга ноқонуний бойиш учун жавобгарлик белгилашни мажбурият сифатида эмас, балки тавсия сифатида белгилайди ҳамда ҳар бир иштирокчи Давлат ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принци-

пларига риоя қилган ҳолда ноқонуний бойиш учун жавобгарлик белгилаш имкониятини кўриб чиқишни тавсия этади²².

Хусусий сектордаги порахўрлик жинояти Конвенциянинг 21-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига ёхуд ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирор афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек, бундай шахс томонидан бирор ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш каби ҳаракатлар хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари сифатида эътироф этилади²³.

Конвенциянинг 23-моддаси жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятини криминализация қилишни назарда тутиб, қуйидаги қилмишлар жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш, дея баҳоланади:

- агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ва уни жиноий манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган исталган бошқа шахсга, у ўзининг жиноий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан бўйин товлашига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

- агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки унинг кимга тегишли эканини, жойини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

- агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

- мазкур моддага мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш,

19 Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 84.

20 Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83-84.39

21 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

22 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

23 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml



шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна уюштириш ва кўмак бериш²⁴.

Конвенциянинг 24-моддаси шахс коррупциявий жиноят сифатида юқорида кўрсатилган жиноятларнинг содир этилишида бевосита иштирок этмаган бўлса-да, бошқа бир шахснинг коррупциявий жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракат содир этиши натижасида ортирилган мол-мулкни яшириши ёки доимий равишда ушлаб туриши учун жиноий жавобгарлик белгилашни назарда тутди.

Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш деб номланган 25-моддага мувофиқ, мазкур Конвенция билан жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати билан амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний афзалликни таклиф қилиш ёхуд тақдим этиш, шунингдек, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш коррупциявий жиноят деб топилади.

Қайд этиш лозимки, миллий қонунчилигимизда коррупциявий қилмишларни белгилашда халқаро стандартларни жорий этиш юзасидан жиддий қадамлар ташланди.

Жумладан, хусусий секторда, яъни тадбиркорлик фаолиятини турли хил давлат органларининг ғайриқонуний аралашувидан ҳимоялашга, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган турли бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга, шу билан бирга хуфёна иқтисодиётга, коррупция ва талон-торож қилишларга қарши жиноят-ҳуқуқий нормалар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор новеллалар қабул қилинган.

Масалан, 10 августдаги ЎРҚ–389-сонли Қонуни билан Жиноят кодексига янги «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» номли XIII-боб киритилди. Мазкур қонун қуйидагилар учун жавобгарлик белгилади:

192¹-модда – Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш;

192²-модда – Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш;

192³-модда – Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш;

192⁴-модда – Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш;

192⁵-модда – Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;

192⁶-модда – Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш;

192⁷-модда – Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш;

192⁸-модда – Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш;

192⁹-модда – Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;

192¹⁰-модда – Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

192¹¹-модда – Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш жиноятлари таркиблари киритилди.

Ушбу қонунда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенция талабларидан келиб чиқиб «Мансабдор шахс» атамасининг янги таҳрирдаги ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, муассасаларда, ташкилотларда, ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс». Шу билан бирга, «масъул мансабдор шахс» тушунчаси ЖКдан чиқариб ташланди.

Бирок, БМТ Конвенциясидаги ноқонуний бойиш учун жиноий жавобгарлик ҳозирча белгиланмади. Ваҳоланки, ушбу қилмиш учун жавобгарликнинг

24 Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml#46

белгиланиши коррупция олдини олишда катта аҳамиятга эга. Сабаби, бу орқали коррупциявий жиноятларни исботлашнинг бошқа ҳеч қандай усул ва воситаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда, мазкур жиноят учун жавобгарликдан сўнгги чора сифатида фойдаланиш ҳамда коррупцияга қарши курашишдан кўзланган асосий мақсадга – ҳеч кимнинг жиноят натижасида бойимаслигига эришиш мумкин.

Хулоса

Биринчидан, халқаро стандартларда берилган ноқонуний бойлик орттириш мазмунидаги коррупциявий қилмишларни криминаллаштириш лозим;

Иккинчидан, коррупциявий қилмишларни шакллантириш ва уларнинг мазмунини талқин этиш борасида ягона амалиётни шакллантириш мақса-

дида Олий суд Пленумининг порахўрликка оид қарорини негизда коррупция қилмишларининг бутун доирасини қамраб оладиган алоҳида қарорни тайёрлаш мақсадга мувофиқ, бу мазкур соҳада жиноят қонунчилигини қўллаш амалиётини бирлаштиради.

Учинчидан, давлат харидлари, ер ажратиш, олий таълим тартиб-таомилларининг ҳуқуқий тавсифлари ва уларни амалга оширишдаги типик коррупциявий қилмишлар нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш зарур.

Тўртинчидан, коррупциявий жиноятлар ва майда ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш белгиларининг батафсил тавсифлаш, қайси ҳолларда пора олиш, ўзлаштириш, суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш тўғрисидаги жиноят ёки маъмурий қонунчиликни қўллаш мумкинлигини аниқ белгилаш керак.

.....
#



Моҳинур МУҲАММАДИЕВА,
Бош прокуратура Академияси таянч докторанти

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АЙРИМ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик сиёсат, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси таҳлил қилинган ҳамда бугунги кунда мамлакатни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятининг муттасил ошиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни ва ҳамкорликни бевосита амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируется эффективность нового этапа реформ в Узбекистане на основе прагматичной политики, открытости и прозрачности. Также даны предложения по повышению роли и значения институтов гражданского общества в демократической модернизации страны, совершенствованию деятельности государственных органов, непосредственно занимающихся борьбой с коррупцией и сотрудничеством, развитию правоприменительной практики.

ABSTRACT. The article analyzes the effectiveness of the new stage of reforms in Uzbekistan based on pragmatic policy, openness and transparency. There are also proposals to improve the role and importance of civil society institutions in the democratic modernization of the country, to improve the activities of government agencies directly involved in the fight against corruption and cooperation, and to develop law enforcement practices.

Калит сўзлар: прокуратура органлари, коррупцияга қарши, ҳамкорлик масалалари, фуқаролик жамияти, тартибга солиш, эркин фикр, амалий чора-тадбирлар, изчил ва тизимли кураш, жамоатчилик фикри.

Ключевые слова: органы прокуратуры, противодействие коррупции, вопросы сотрудничества, гражданское общество, регулирование, свобода слова, практические меры, последовательная и планомерная борьба, общественное мнение.

Key words: prosecutor's office, anti-corruption, cooperation issues, civil society, regulation, free speech, practical measures, consistent and systematic struggle, public opinion.

Коррупция туфайли ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ривожланиши сустлашиб, бошқарув тизимига путур етади. Коррупция оқибатида қонун устуворлиги йўққа чиқади, фуқароларнинг давлат органларига, қонун устуворлигига ва бу орқали ижтимоий адолатга ишончи йўқолади.

Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад этиб белгиланиб, уни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, коррупциявий жиноятларга қарши курашиш устувор вазифа қилиб белгиланди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Конституциявий тамойиллар асосида қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг

кафолатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда Истанбул Ҳаракатлар режасига қўшилди. 2010 йилда Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари бўйича қилинган. Ислохотлар натижасида Ўзбекистон барча тавсиялар бўйича амалий тадбирларни бажарилиши юзасидан ижобий натижага эришиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон барча тавсиялар бўйича прогресс мавжудлиги рейтингига эришди, шундан 3 та тавсиялар бўйича тўлиқ бажарилиши, 8 тасининг деярли бажарилиши, 10

тасининг қисман бажарилиши қайд этилди¹.

Мамлакатимизда 2017 йилга қадар коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирадиган, бу курашнинг қонунийлиги ва шаффофлигини амалда таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмаган эди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини таъминлашда, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятининг янги босқичини бошлаб беришга биринчилардан бўлиб йўл очиб берди.

Қонуннинг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилди².

Шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик³ сиёсат, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси ўлароқ, бугун жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда ортди. Жумладан, халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар энг аввало, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилаётгани, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари ишига аҳоли томонидан билдирилаётган танқидий муносабатлар натижасида

кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ~~ҳар та-~~ ~~монлама~~ ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очиқ-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2021 йилда ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, жамиятда учрайдиган коррупциянинг сабабларига қуйидагилар асос бўлмоқда:

фуқаролик жамияти томонидан мансабдор шахсларнинг иши устидан жамоатчилик назоратининг заифлигида;

фуқароларнинг ўз масалалари ёки муаммоларини Қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал қилишга интилишида;

фуқароларнинг қонунлар ва ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслигида;

жамият учун ҳаётий муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳаддан зиёд катта ваколатлари ва имкониятларга эга эканлигида;

мамлакатда коррупцияга қарши курашишда, унинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишида ошкоралик ва очиқликнинг етарли даражада эмаслигида.

Ўтказилган жамоатчилик фикри сўровига кўра, аксарият фуқаролар коррупция чегара билмайдиган, кенг кўламли ижтимоий ҳодиса эканини, у кўплаб мамлакатлардаги давлат ва корпоратив бошқарув аппаратларига салбий таъсир кўрсатишини ва Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмаслигини англаб етмоқда. 83,2% респондентлар коррупция каби салбий ҳодиса, Ўзбекистон жамиятида у ёки бу соҳаларда мавжуд ва давлатнинг истиқболдаги тараққиётига таҳдид солади, деб ҳисоблайди⁴.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти институтлари давлат ва фуқаро-

1 Истанбул Ҳаракатлар Режаси доирасида Ўзбекистоннинг мониторинг натижалари. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2019/12/02/istanbul-harakatlar-rejasi-doirasida-ozbekistonning-monitoring-natijalari-elon-qilindi>.

2 <https://lex.uz/docs/3088008>

3 Прагматик - бу амалий фойдали натижаларга эришиш нуқтаи назаридан ўз хатти-ҳаракатлари тизимини ва ҳаётга қарашларини қуриш.

4 Коррупция ҳолати ва омиллари тўғрисида жамоатчилик фикри 2021й. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/19/korrupsiya-holati-va-omillari-togrisida-zhamoatchilik-fikri-organildi-2-qism>



лар орасида боғловчи вазифани бажариб, уларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жалб қилиши ҳаётини заруратга айланибгина қолмасдан, амалиётда ҳам ўз ифодасини топиши зарур.

Маълумки сўнгги йилларда давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги мулоқатни сустилгага чек қўйилди, бу эса ўз навбатида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ишларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни ва ҳамкорликни бевосита амалга оширувчи давлат органлари белгилаб олинди ҳамда уларнинг вазифалари мустақкамланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари берилган бўлиб, улар орасида ҳамкорлик масалалари икки шаклда амалга оширилиши белгиланган:

1) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

2) коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Шунингдек, давлат раҳбари ташаббуси билан прокуратура органлари тизими сўнгги йилларда жадал такомиллашиб бормоқда, янги мазмун билан бойитилмоқда. Ушбу янгиланишлар қаторига 2018 йилдан бошлаб, Бош прокуратурада оммавий ахборот воситалари, теле ва радиоканаллар ҳамда Интернет ахборот нашрлари вакиллари учун “Мамлакатимизда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш” мавзусида брифинглар ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Брифингда халқ билан мулоқот ва уни турли шаклларда олиб бориш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофазаси, секторларга ажратилган ҳудудлардаги ижтимоий ва иқтисодий шароитни яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш прокуратура органларининг устувор вазифаларидан бири эканлиги таъкидланиб, прокуратура органлари томонидан ушбу соҳаларда амалга оширилган ишларнинг статистикаси иштирокчиларга тақдим этилади. Айнан шу муносабат билан, прокуратура органлари тизимига юклатилаётган янги вазифаларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида мазкур брифинглар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, фаолиятнинг очиқлиги ва шаф-

фофлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг янги талқиндаги расмий веб-сайти намоиш этилди. Мазкур сайтнинг ўзига хос жиҳатлари интерфейсининг қулайлиги, барча зарурий функцияларни қамраб олинганлиги бўлиб, унда прокуратура органларининг ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини кундалик ёритиб боришга бағишланган «Тезкор хабарлар» рукни яратилди.

Бу каби сай-ҳаракатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этишини таъминлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги зиммасига ҳам давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш вазифаси юклатилди.

Мазкур йўналишда 2021 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги томонидан 150 га яқин давлат органлари ва ташкилотларида маълумотларни очиқлаш бўйича масъулар бириктирилди.

Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари ва Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифаларини доимий мониторинг қилиш механизми йўлга қўйилди.

Ўтказилган ўрганиш ва мониторинглар натижасида 30 дан зиёд давлат органлари ва ташкилотларига белгиланган тартибда огоҳлантириш ва тақдимномалар киритилди. Натижада жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган давлат харидлари, мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари, хизмат автотранспорт воситалари каби 50 дан зиёд турдаги маълумотлар очиқланиши таъминланди.

Халқаро ҳамкорлик асосида 7 та меморандум, 3 та ҳамкорлик дастури, 7 та хорижий давлатларга хизмат сафари, 100 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, хорижий идора ва вазирликлар, Элчихоналар вакиллари билан учрашувлар, 50 дан ортиқ йирик тадбирлар (форум, конференция, давра суҳбати, семинар, тренинглар) ташкил этилди⁵.

Юқоридагилар асосида қўйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар ил-

5 Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг очиқ ҳисоботидан олинди. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/03/10/agentlikning-2021-jildagi-faoliyati-natizhalariga-bagishlangan-matbuot-anzhumani-bolib-otdi>

гари сурилади:

1. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва миллий қонунчилик соҳасидаги халқаро стандартлар, журналист ва блогернинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш мақсадларини кўзлаб, Ўзбекистонда “Блогерлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари уюшмаси”ни ташкил этиш лозим.

Бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда фаолият юритаётган тарқоқ блогерларни бирлаштириш, уларнинг фаолиятини тизимлаштириш. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва ахборотни тўплаш, саралаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш борасидаги жавобгарлик масалаларига эътибор қаратишдан иборат.

Бу каби тажриба айрим давлатларда жорий этилган бўлиб, жумладан Қозоғистонда “Блогерлар Альянси” таъсис этилган. Маълум бўлишича, ушбу уюшма ўзларининг конференциялари орқали янги жамоат бирлашмасининг иштирокчиси сифатида парламентга ўз ташаббуси билан “Блогерлар концепцияси” мезонларини ишлаб чиқиш имкониятига эга⁶.

Россияда эса блогерлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида 2014 йил 5 майда “Блогерлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонун асосида 2500 нафардан ортиқ веб-сайт, блоглар эгалари ихтиёрий рўйхатдан ўтишга киришдилар ҳамда мавжуд чекловларга риоя қилишни зиммаларига олдилар⁷. Ҳозирги кунда Россияда блогерларнинг реклама фаолиятини тартибга солиш, реклама берувчилар ва виждонсиз блогерлар олдида блогерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат органлари олдида блогерлар ҳамжамиятининг ягона позициясини шакллантиришни мақсад қилган Миллий блогерлар уюшмаси⁸ фаолият юритади⁸.

2. Хорижий давлатлар, хусусан АҚШ, Сингапур ва Сербия давлатлари томонидан таълимнинг турли даражадаги давлат органларида коррупцияга қарши чораларни ташкил этишнинг долзарб мавзуси бўйича малака ошириш курслари ташкил этилган. Курс асосан давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, давлат ва му-

нитципал хизматчилар ва бошқа манфаатдор шахслар учун коррупцияга қарши қонунчиликдаги сўнги ўзгаришларнинг умумий кўриниши, унга қарши курашиш чораларини ташкил этиш ва ушбу соҳадаги одатий мураккаб вазиятларни ҳал қилиш бўйича тавсияларни беради⁹.

Шунга кўра, Ўзбекистонда таълим орқали коррупцияга қарши курашишнинг таъсир доирасини кучайтириш ва бу орқали олдини олиш чораларини кўриш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, Бош прокуратура Академияси томонидан прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюросининг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот тармоғи ходимлари учун малака ошириш курслари мунтазам ташкил этилмоқда.

Мазкур малака ошириш курси дастури жамоатчилик билан алоқалар бўйича фаолиятни самарали ташкил этишнинг долзарб масалаларини ўз ичига олган ҳамда тингловчиларнинг ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, оммага етказиш бўйича касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган.

Хусусан, негатив ва фейк ахборот билан ишлашнинг ёндашув ва усуллари, контент стратегия ва контент режани тайёрлаш, юридик риторика ва креатив PR-инструментларни билиш, «SMART» мақсадларни шакллантириш масалалари, стрессли ҳолатларда ўзини тутиш қоидалари ўргатиб борилади.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириб, журналист ва блогерлар учун ахборотдан фойдаланиш эркинлигининг ҳуқуқий асослари, оммавий ва махфий, шахсий маълумотлар, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш қоидалари, ОАВда муаллифлик ҳуқуқи, журналист фаолиятида тўхмат хавфи ва уни баҳолаш борасидаги билимларини ошириб, медиа саводхонлик асослари, нотўғри маълумотни аниқлаш усуллари, фактларни текшириш қоидалари бўйича ўқув курслари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

#

6 Константинов С. “Блогеры хотят иметь права журналистов, но не хотят нести такую же ответственность” https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31613886&pos=3:-81#pos=3:-81

7 К.Катанян “Уроки закона о блогерах” 12 ноября 2020г. <https://fparf.ru/news/fpa/uroki-zakona-o-blogerakh/>

8 Национальная ассоциация блогеров <https://runet-id.com/company/444853/>

9 <https://www.cntiproggress.ru/seminarsforcolumn/15290.aspx>



Акмал БЕКМУРодов,
Давлат хавсизлик хизмати Академияси
мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИНИ ЎЛЧАШНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

АННОТАЦИЯ. Бу мақола коррупциянинг ижтимоий-психологик аспектларини ўлчаш методологиясини ишлаб чиқиш ва асослантиришга бағишланган. Таклиф қилинаётган методология коррупцияни ўлчаш бўйича мавжуд инструментарийларни тўлдириб, бу ижтимоий ҳодиса бўйича яхлит тасаввур олиш ҳамда коррупцияга қарши сиёсатда мос равишда чоралар кўриш учун керакли таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена обоснованию и разработке методологии измерения социально-психологических аспектов коррупции. Предлагаемая методология исследования коррупционного поведения дополняет существующий инструментарий измерения коррупции и тем самым позволяет получить целостную картину этого социального явления и выработать рекомендации для проведения адекватной антикоррупционной политики.

ANNOTATION. This article is dedicated to the justification and development of a methodology for measuring social-psychological aspects of corruption. The proposed methodology of studying corruption behaviour supplements the existing set of instruments for measuring corruption and, therefore, allows having the integrated picture of this social phenomenon and develop recommendations for adequate anticorruption policy.

Калит сўзлар: коррупция, ўлчаш, коррупцияни идрок қилиш, объектив ва субъектив индикаторлар, коррупциявий хулқ-атвор.

Ключевые слова: коррупция, измерение, восприятие коррупции, объективные и субъективные индикаторы, коррупционное поведение.

Key words: corruption, measurement, corruption perception, objective and subjective indicators, corruption behaviour.

Коррупция билан курашиш дунёдаги барча давлатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали курашишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг халқаро рейтингдаги ўрни йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Хусусан, республикаимиз Transparency International халқаро ташкилотининг 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида 2020 йилга нисбатан 6 поғонага юқорилаб, 180 давлат ичида 140-ўринни эгаллади¹. Бироқ, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган энг хавфли иллатлардан бири ҳеч шубҳасиз коррупция бўлиб, бу соҳада илмий ва амалий изланишларни давом эттириш зарурати мавжуд.

Мамлакатда коррупциянинг аҳволи, унинг тарқалиш даражаси ва соҳалари тўғрисида аниқ маълумотлар олиш учун доимий равишда коррупцияни ўлчаш зарур бўлади.

Коррупцияни ўлчаш – ҳар қандай миллий ва ҳудудий коррупцияга қарши стратегиянинг муҳим элементидир. У мамлакатда ёки унинг иқтисодий сек-

торида коррупциянинг умумий даражасини баҳолаш, коррупция юқори бўлиб, устувор муаммо сифатида кўрилиши зарур бўлган “қайноқ нуқталари”ни аниқлашга ёрдам беради².

Коррупцияни ўлчашнинг асосий муаммоси сифатида одатда объектив статистик маълумотлар олишнинг мураккаблигини келтиришади. Шунинг учун сўров ва интервью коррупцияни ижтимоий тадқиқ қилишнинг асосий инструменти сифатида келтирилади.

Шу сабабли коррупцияни ўлчаш қилиш бўйича халқаро ташкилотлар “Коррупцияни идрок этиш индекси”³, “Коррупциянинг глобал барометри” Траспаренси Интернэшнл⁴, шунингдек Халқаро банкнинг “Коррупция назорати”⁵ ҳам шу инструментлар асо-сида иш кўради.

Шу билан бирга, ишончли объектив маълумотларни олишнинг мураккаблиги боис коррупцияни идрок этиш каби субъектив категорияни ўлчашда бир қатор қийинчиликлар юзага келади. Шу билан бирга айрим экспертлар “субъектив” методлар асо-

1 <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/25/corruption-index-2021/#!>

2 http://www.stopcorruption.ru/item_345.htm

3 <https://gtmarket.ru/ratings/corruption-perceptions-index>

4 <https://transparency.org.ru/research/barometr-mirovoy-korrupsiyi>

5 https://ru.wikipedia.org/wiki/%d0%92%d1%81%d0%b5%d0%bc%d0%b8%d1%80%d0%bd%d1%8b%d0%b9_%d0%b1%d0%b0%d0%bd%d0%ba

сида олинган маълумотларни унчалик ишончли эмас деб ҳисоблашади.

Бизнинг фикримизча, методларни “субъектив” ва “объектив”га бўлиш ҳар доим ҳам уларнинг ишончилигини акс эттирмайди. Бир томондан сўровдан олинган маълумотлар асосида статистик умумлаштириш асосида у ёки бу феномен тўғрисида объектив маълумот олиш мумкин, бошқа томондан расмий статистика сиёсий қарашларнинг қурбони бўлиши ва худди шу феномен тўғрисида нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумот бериши мумкин. Айрим ҳолатларда “объектив” маълумотлар олиш имконияти умуман бўлмайди. Бу айниқса девиант ҳаракатларнинг турли кўринишлари, шу жумладан коррупцияни ўрганишда аниқ қўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки коррупция тўғрисида ҳеч қандай расмий статистика бўлиши мумкин эмас, чунки ҳеч ким содир этган коррупциявий ҳаракатлари тўғрисида тегишли идораларга маълумот беришга шошилмайди. Криминал статистика ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар маълумотларига келадиган бўлсак, улар аниқланган ёки коррупциянинг “кўринарли” қисмини акс эттиради шу сабабли реал ҳолатни баҳолаш имконини бермайди.

Бу жараёнда тадқиқотчилар олдига асосий методологик муаммолар қуйидагилар:

- тадқиқот тематикасининг янгилиги;
- коррупциянинг яширин эканлиги;
- объектив статистиканинг мавжуд эмаслиги⁶;

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, коррупцияни ўлчашда ўзининг касбий, ижтимоий фаолияти ва бошқа ҳолатларда коррупцияга кўпроқ тўқнаш келадиган экспертлар, аҳоли ёки аниқ бир гуруҳ билан сўров ва интервью ўтказиш ўзини оқлаган усул сифатида қабул қилинади. Олинган маълумотлар асосида коррупция индикаторлари тузиб чиқилади⁷. Уларга коррупция қамраб олган соҳалар (давлат ташкилотларига мурожаати давомида коррупциявий вазиятга тушган респондентлар миқдори), коррупция хавфи (давлат ташкилотлари вакиллари билан муносабатда коррупциявий вазиятларга тушган респондентлар миқдори) ва ҳоказолар киради.

Бу индикаторларни муаян маънода “объектив” дейиш мумкин, чунки улар индивид фаолияти давомида намоён бўладиган шароитни тавсифлайди. Унчалик етарли ишлаб чиқилмаган метод эса кор-

рупциянинг субъектив таркибий тузилмасини, яъни коррупциявий ҳаракатларнинг ижтимоий-психологик детерминантларини идрок қилиш усулидир.

Шу билан бирга олимларнинг таъкидлашича, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга ижтимоий ёндашишнинг истиқболлиси умумлаштирилган ёндашувдир⁸.

Бундай ёндашув ҳар қандай ижтимоий ҳодисани ўрганиш ҳам объектив ёки тузилмавий ҳам субъектив ёки фаолиятли нуқтаи назардан амалга оширилиши лозимлигини назарда тутаяди. Бундан келиб чиққан ҳолда коррупциянинг ижтимоий ўлчови ўзида ҳам объектив ҳам субъектив (ёки ижтимоий-психологик) жиҳатларни ўз ичига олиши керак.

Коррупцияни ўлчашда ижтимоий психологик омилларни киритиш бўйича айрим ишлар “Индем” фонди томонидан амалга оширилган⁹. Жумладан, коррупциявий ҳаракатлар содир этишдаги ҳиссий кечинма баҳоланган. Лекин бу йўналишдаги назарий асоснинг мавжуд эмаслиги тадқиқот муаллифларига ҳиссий реакцияни респондентлар установакаси ва диспозицияси билан боғловчи методологиясини ишлаб чиқиш имконини бермаган.

Экспертларнинг фикрига кўра, мавжуд вазият коррупцияни ўлчашнинг амалдаги инструментларидан тадқиқотларда фойдаланиш имкониятини камайтиради¹⁰. Таклиф қилинаётган методология эса ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган.

Таклиф этилаётган методологияда асос қилиб олинган ижтимоий хулқ аъводини соддалаштирилган назарий модели шартли равишда ажратилган “ташки” ва “ички” омилларни ўз ичига олади. Ташқи омиллар ижтимоий хулқ аъвои юзга келадиган ва ривожланадиган муҳит омиллари сифатида келтирилган. Муҳит омиллари ўз ичига ижтимоий ҳаракат амалга ошириладиган моддий, институционал ва ижтимоий маданий шароитларни ўз ичига олади. Муҳит омили маълум бир ҳаракатларга ундайдиган ижобий, шунингдек бошқа бир ҳаракатларни амалга оширишга тўсиқ бўладиган ёки тийиб турадиган бўлиши мумкин. Шу билан бирга эътибор қаратиш лозимки муҳит омили индивид ҳаракатига бевосита эмас, балки индивидда бу омилларни тўғрисида шакллланган тасаввурлар (улар “субъектив” тасаввурдан фарқ қилиши мумкин) орқали таъсир қилади. Бошқа-

6 http://www.stopcorruption.ru/item_345.htm

7 За основу взяты индикаторы Фонда «Общественное мнение» и Фонда «Индем». См. Министерство экономического развития. Фонд «Общественное мнение». Состояние бытовой коррупции в российской федерации. <http://fom.ru/uploads/files/doklad.pdf>; Г. Сатаров. Измерение бытовой коррупции в массовых социологических опросах. <http://www.polit.ru/article/2006/08/23/corruption/>

8 См. Климовицкий С. Решение проблемы когерентности в современных западных социологических теориях. М., 2007, - С. 4.

9 <http://www.indem.ru/corrupt/Uc2004/Glava2.pdf>. - С. 82-84.

10 Журавлев А.Л., Юревич А.В. Психологические факторы коррупции // Психология в экономике и управлении, №1, 2012, - С. 58.



ча айтганда, “ташқи” муҳит маълум бир даражада шартли бўлиб, индивид у билан ўзаро муносабат давомида доимо ўзгариб туради.

Ижтимоий омилларнинг ички омиллари ижтимоий ўз ўзини тартибга солувчи омиллар ҳисобланиб ички ҳаракатларни тартибга солиш, мақсад ва унга етишиш воситаларини ишлаб чиқиш тушунилади. Ўз ўзини тартибга солиш омилларига қадриятлар тизими, ижтимоий установакалар ва индивиднинг муносабати киради. У муҳит билан ўзаро ҳамкорлик давомида асосан бирламчи ва иккиламчи ижтимоийлашув жараёнида шаклланиб, кейинчалик шахсий тажриба ва муҳим субъектив маълумотлар асосида ўзгариб боради.

Ўз ўзини тартибга солиш омиллари муҳит омиллари биргаликда ижтимоий ҳаракатлар учун мотивацияни юзага келтиради. Ҳар бир муайян вақт давомида у ёки бу ижтимоий ҳаракатнинг кўриниш эҳтимолини муҳит ва ўз ўзини тартибга солиш омилларининг мураккаб динамик ҳамкорлиги аниқлаб беради. Бу индивид томонидан вазият англаниши ва у ёки бу ҳаракат моделини танлашга мотивациясини шакллантиради.

Коррупциявий ҳаракатларнинг бу умумий схемасини қўллаш орқали биз коррупциявий ҳаракатларни амалга оширадиган ёки шароит яратадиган ижтимоий тизимнинг омиллари тўплами тушуниладиган коррупциявий муҳит тушунчасини таърифлай оламиз. Жамият макродоирасида унга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий маданий ва ҳуқуқий тизим, мезодаражада ижтимоий институтлар ва микродаражада корхона ва ташкилотлар ҳисобланади. Энг сўнгиси эса – бу маъмурий ташкилий амалиёт ва корпоратив ахлоқ, яъни одатда “ахлоқий муҳит” ёки “корпоратив маданият”ни ўз ичига олади.


Коррупциявий муҳитнинг ривожланганлик даражасини коррупциявий ҳаракатларга имкон берадиган ижтимоий тизимнинг у ёки бу шароитлар миқдори деб аташ мумкин. Эътибор қаратиш лозимки бунда тажрибали экспертларнинг таҳлили ва ижтимоий муҳитнинг омилларини объектив баҳолашлари эмас, балки оддий инсонларнинг касбий, жамоат ва маиший доирада субъектив англашлари эътиборга олинади. Айнан шахсий тажриба, дўстлар ва қариндошлар фикрлари, ОАВда чоп этилган ахборотлар ва бошқа субъектив аҳамиятга эга маълумотлар асосида юзага келадиган идрок коррупциявий хулқ атвор мотивациясини аниқлаб беради.

Коррупциявий хулқ-атворнинг ички омили сифатида коррупциявий ўз-ўзини тартибга солишни келтириш мумкин. Бунга коррупциявий хулқ-атворни позитив ёки бетараф муносабатни юзага келтирадиган, яъни уни оқлайдиган, мойил муносабатни шакллантирадиган, қулай муносабатга ундайдиган

(“бу алоҳида ҳолат”), икки стандартга олиб келадиган (“мен ва атрофдагилар-бошқалар”) омиллар мажмуи киради.

Коррупциявий ўз-ўзини тартибга солишни шаклланишида шахснинг ижтимоийлашувида юзага келган моддий бойликка интилишнинг устунлиги, хусусиятлари, руҳий беқарорлик ёки сурбетлик, хавфли ишларга мойиллик, ўзини юқори қўйиш туйғуси муҳим рол ўйнайди.

Шу билан бирга шахснинг юқоридаги сифатлари коррупциявий устаковкани мустақамланишига фақат қулай муҳитда рол ўйнаши мумкин. Бошқа томонидан ҳаттоки коррупцияга қарши установакалар шаклланган индивид ҳам муайян вазиятларда муҳит таъсири остида, муҳит унга бошқа танлов қолдирмаган дея ҳисоблаб коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиши мумкин.



1-чизма. Ижтимоий хулқ-атвор чизмаси.

Шундай қилиб, чизмага кўра коррупциявий муҳит омиллари доимий равишда коррупциявий ўз-ўзини тартибга солиш омиллари билан ўзаро муносабатда бўлади ва биргаликда коррупциявий мотивацияни шакллантиради.

Ушбу таклиф қилинаётган модель коррупцияга қарши курашишда фақат институционал – ҳуқуқий ва куч ишлатиш усулларининг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатади. Бунга мисол сифатида Хитойда коррупционерларга нисбатан энг қаттиқ чораларни қўлланилаётганлиги, шу билан бирга кутилган самарани бермаганлигини келтириш мумкин. Муаммо шундаки, бу чоралар фақат муҳит омилларига таъсир кўрсатиб, ижтимоий ўз-ўзини тартибга солиш омилларини эътибордан четда қолдиради. Тўғри, коррупция учун сакцияларнинг кучайтирилиши ва назорат тизимининг такомиллаштирилиши қайсидир коррупционерни хавотирга солиши ва ўзининг коррупциявий ҳаракатларни содир этишни рад этишга мажбурлаши мумкин, ammo бошқалар учун фақат ўйин ставкасини ошириб, уни янада хавфли ва айни вақтда янада жозибадор қилади.

Таклиф қилинаётган модель шунингдек тизимли ёки ўз ўзидан коррупцияни қўллаб қувватловчи механизм шаклланишини тушунишга имкон беради. Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, жамиятнинг ўтиш даврида норасмий ижтимоий муносабатлар расмийларидан устун бўлади¹¹. Бундай шароитда коррупциявий хулқ-атворларнинг баъзилари миннатдорчилик шакли ёки хизмат алмашиш сифатида қабул қилиниб, ижтимоий номуносиб хулқ-атвор сифатида кўрилмайди. Умумий коррупциявий муҳитнинг бу тарзда юқори даражада ривожланиши ижтимоийлашувнинг салбий томонга ўзгаришига олиб келиб, натижада ёш авлодда бу муҳитнинг табиийлиги ва турли хилдаги шахсий муаммоларни ечишда коррупциявий ҳаракатлар меъёр эканлиги тўғрисида тасаввур шаклланади. Ижтимоийлашув давомида коррупциявий ўз ўзини тартибга солиш механизмлари муҳит билан алоқасида коррупциявий хулқ-атворга мотивацияни туғдиради ва бу ўз навбатида коррупциявий муҳитни янада мустаҳкамлайди. шундай қилиб ўз ўзини қўллаб-қувватлайдиган айланма доира ҳосил бўлади.

Коррупциявий хулқ-атворнинг таклиф қилинаётган талқиқот концепцияси жамиятда коррупци-

явий муҳитнинг ривожланганлигини мониторинг қилиш имконини беради. Ушбу методологиядан нафақат халқаро балки маҳаллий амалиётда фойдаланиш мумкин. У ижтимоий тизимнинг барча даражаларида – умуман жамиятдан алоҳида институт ва ташкилотларда коррупцияни ўлчашда фойдаланиш мумкин. Олинган маълумотлар коррупция нуқтаи назаридан чуқур тадқиқот объекти бўлиши зарур бўлган бўлган ижтимоий ҳаётнинг муаммоли соҳаларини аниқлашга имкон беради.

Шунингдек коррупциявий хулқ-атворни талқиқ қилишнинг таклиф қилинаётган методологияси коррупцияни ўлчаш бўйича мавжуд инструментариоларни тўлдириб, бу ижтимоий ҳодиса бўйича яхлит тасаввур олиш ҳамда коррупцияга қарши сиёсатда мос равишда чоралар кўриш учун керакли таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради. Бундай сиёсат коррупцияга олиб келадиган объектив (муҳит) омилларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар билан бирга, коррупцияга қарши тарбия ва ўқиш, жамиятда коррупцияга қарши тоқатсизлик принципини шакллантириш, коррупцияга қарши тарғиботни ўз ичига оладиган коррупциявий ўз ўзини тартибга солиш тадбирларини ҳам ўз ичига олиши керак.

#

11 См., напр., Алексеев С.В. Коррупция в переходном обществе: социологический анализ. http://www.ceninaku.ru/page_23202.htm; Падаев В. Формирование новых российских рынков. М., 1998, - С. 161-8.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;


- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

